

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

У.ДЖ.ЗАЙНИТДИНОВА., О.У.МАМАДИЁРОВ

ХАЛҚАРО САВДО

Ўқув қўлланма



ТОШКЕНТ – 2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

У.ДЖ.ЗАЙНИТДИНОВА., О.У.МАМАДИЁРОВ

ХАЛҚАРО САВДО

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ – 2018

**Халқаро савдо. Ўқув қўлланма «Fan va texnologiyalar» - 2018:
У.Дж.Зайнитдинова ва О.У.Мамадиёров.**

Халқаро савдо бўйича мазкур ўқув қўлланмада «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», “Таълим тўғрисида”ги қонун ва олий ўқув юртларида магистрантлар тайёрлаш давлат андозасининг талаблари ҳисобга олинган. Ҳар бир мавзу мазмунини ёритишда халқаро қонунлар, республика қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев фармонлари, қарорлари ҳамда асарларидан кенг фойдаланилган.

Ўқув қўлланма иқтисодий йўналишдаги магистрантлар учун мўлжалланган бўлиб, ушба ўқув қўлланмада жаҳон хўжалиги тизимининг вужудга келиши, ривожланиш босқичлари, иқтисодий қонуниятлари, халқаро савдо ва ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати, халқаро меҳнат тақсимоти, халқаро савдонинг ривожланиш тенденциялари, халқаро валюта, халқаро кредит ва молия муносабатлари, халқаро иқтисодий интеграция, ташқи савдо операцияларини ташкил этиш, ташқи савдо ва халқаро савдо сиёсатининг назарий ва амалий масалалари ҳамда мазмун-моҳиятини очиб берилган.

**Тақризчилар: А. В. Вахобов – и.ф.д., проф.
Ф. Назарова – и.ф.д., проф.**

Ўқув қўлланма Тошкент Молия Институти қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Мундарижа

№	Мавзулар	бет
	Кириш	
	I модул. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдонинг роли ва аҳамияти	
1.	“Халқаро савдо” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари	
2.	Халқаро савдонинг ривожланиш назариялари ва моделлари	
3.	Халқаро савдонинг ривожланиш шарт-шароитлари	
4.	Халқаро савдо сиёсати.Халқаро савдони давлатлараро тартибга солиш	
5.	Халқаро товарлар, хизматлар ва интеллектуал мулк савдоси	
	II модул. Жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш йўналишлари	
6.	Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлари	
7.	Халқаро савдода эркин иқтисодий зоналар	
8.	Технологияларни халқаро узатиш	
9.	Халқаро савдода халқаро иқтисодий ташкилотларнинг роли	

Кириш

Ушбу ўқув қўлланмада жаҳон иқтисодиётининг негизи ҳисобланган халқаро меҳнат тақсимоти, жаҳон хўжалиги тизимининг вужудга келиши, ривожланиш босқичлари, иқтисодий қонуниятлари, халқаро савдо ва ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати кўриб чиқилган. Шунингдек, халқаро савдонинг ривожланиш тенденциялари, халқаро валюта кредит ва молия муносабатлари, халқаро иқтисодий интеграциянинг назарий ва амалий масалаларининг моҳиятини очиб берилган. Бундан ташқари ташқи савдо операцияларини ташкил этиш, ташқи савдо ва халқаро савдо сиёсатини амалга ошириш йўналишлари кўриб чиқилган.

“Халқаро савдо” ўқув қўлланмаси магистратура мутахассислигида таълим олаётганлар учун мўлжалланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151-сон Қарори ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарорларининг асосий қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу ўқув қўлланмада халқаро савдонинг моҳияти, ривожланиш тенденциялари ва асосий йўналишларини назарий жиҳатдан очиб берилди, халқаро савдонинг классик назариялари, ташқи савдо операцияларини ташкил этиш, ташқи савдо ва халқаро савдо сиёсатини амалга ошириш масалаларини, шунингдек мамлакатлараро тенг ҳуқуқли иқтисодий муносабатларни ўрнатиш, ташқи иқтисодий алоқалар кўламида янгича ёндашувлар ва стратегияларни шакллантириш жараёнларини ўрганади.

“Халқаро савдо” ўқув қўлланмаси иқтисодийни модернизациялаш шароитида савдо жараёнларида иштирок этаётган мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар айрибошлаш кўламини ошириш, мамлакатда мавжуд бўлган ресурслардан самарали фойдаланиш даражаси ошириш орқали аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, жаҳонда эришилаётган фан ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда мамлакатнинг фан-техника имкониятларини ривожлантириш ва маданий алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқишда кенг фойдаланиланишга мўлжалланган

1-МАВЗУ. “ХАЛҚАРО САВДО” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

1. “Халқаро савдо” фанининг предмети ва мақсади
2. Халқаро савдонинг мазмуни, тузилиши ва хусусиятлари
3. Жаҳон бозори ва жаҳон хўжалиги. Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларни таснифлаш
4. Халқаро савдонинг ривожланиш босқичлари
5. Жаҳон бозорининг товар тузилмаси
6. Замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш хусусиятлари.
7. Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон хўжалиги тизимига интеграцияси.

1. “Халқаро савдо” фанининг предмети ва мақсади

Ҳозирги жаҳон ривожининг хусусиятли белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, ташқи савдонинг тез ўсиши ҳисобланади. Ташқи савдо халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш, илмий-техника ва бошқа шакллари (кадрларни тайёрлаш, туризм ва ҳ.к.) билан бир қатордаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шакли ҳисобланади. Барча мамлакатлар ташқи савдоси мажмуи халқаро савдони ташкил этади.

Халқаро савдо – бу турли мамлакат хўжаликлари ўртасидаги товар ва хизматларни айирбошлаш жараёнида содир бўладиган муносабатлар мажмуидир. Халқаро савдо қадимдан мавжуд бўлсада, фақат XIX асрга келиб, яъни деярли барча ривожланган мамлакатлар халқаро савдо алоқаларида иштирок эта бошлаши билан жаҳон бозори шаклига кирди.

Халқаро савдо ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт, савдо баланси каби кўрсаткичлар билан тавсифланади.

Экспорт – мазкур мамлакатда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни мамлакатдан ташқарига чиқарилиб чет эллик мижозларга сотишдир. Экспортнинг иқтисодий самарадорлиги, фойдалилиги шу билан аниқланадики, мазкур мамлакатда ишлаб чиқариш харажатлари товарни импорт қилувчи

мамлакатлар харажатларидан паст бўлган маҳсулотларни четга чиқаради. Бунда экспортда олинадиган ютуқ ҳажми мазкур товар миллий ва жаҳон нархларининг нисбатига, мазкур товарнинг халқаро айланмасида иштирок этувчи мамлакатларнинг меҳнат унумдорлигига боғлиқ.

Халқаро савдода товарларнинг экспорт таркиби фан-техника революцияси ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви таъсири остида ўзгаради. Ҳозирги даврда халқаро савдонинг экспорт таркибида қайта ишловчи саноат маҳсулотлари етакчи ўринга эга бўлиб, унинг ҳиссасига жаҳон товар айирбошлаганининг 3/4 қисми тўғри келади. Озиқ-овқат, хомашё ва ёқилғи улуши фақат 1/4 қисмини ташкил қилади.

“Халқаро савдо” фани ишлаб чиқилган товарлар ва хизматларнинг халқаро миқёсдаги ҳаракатини, ишлаб чиқариш омиллари, ресурсларининг ҳаракати ва молиялаштириш, халқаро иқтисодий сиёсатни шакллантиришда турли ҳил давлатларга тегишли хўжалик субъектларининг ўзаро ҳаракатлари қонуниятларини ўрганади.

“Халқаро савдо” фаннинг предмети сифатида турли давлатлар ва уларнинг резидентлари томонидан тузилган ва тузиладиган шартномалар ҳисобланади. Кенгроқ маънода “Халқаро савдо” фанининг предмети халқаро айирбошлашда иштирок этадиган маҳсулот ва ишлаб чиқариш омилларига бўлган талаб ва таклифнинг шаклланиш қонуниятлари ва бундан келиб чиқадиган мамлакатнинг иқтисодий сиёсатига тегишли ҳулосалар ҳисобланади.

“Халқаро савдо” фанининг тадқиқот предмети мамлакатларнинг иқтисодий муносабатларида мавжуд бўлган махсус муаммоларни ўз ичига қамраб олади: ташқи савдодан олинадиган ютуқлар, савдо ҳусусияти (ким, нимани ва кимга сотади), протекционизм, тўлов баланси, валюта курсларининг белгиланиши, сиёсатни халқаро мувофиқлаштирилиши ва капиталнинг жаҳон бозори ва х.к. ҳисобланади.

Халқаро савдо халқаро иқтисодий муносабатлар, яъни турли мамлакатлар ўртасидаги хўжалик алоқалари негизида ётади. **Халқаро иқтисодий муносабатлар** қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- товар ва хизматлар билан халқаро савдо;
- капитал ва чет эл инвестицияларининг ҳаракати;
- ишчи кучининг миграцияси;
- ишлаб чиқаришнинг давлатлараро кооперацияси;
- фан ва техника соҳасидаги айирбошлаш;
- валюта-кредит муносабатлари;

Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланиши натижасида жаҳон бозори таркиб топади. Жаҳон бозорига **товар ва хизматларнинг халқаро ҳаракати** сифатида қараш мумкин. Жаҳон бозори ўзининг ривожланишида бир қатор босқичлардан ўтадики, улардан ҳар бири миллий хўжаликнинг халқаро иқтисодий муносабатларга жалб қилинишининг маълум даражаси билан характерланади.

Капиталнинг халқаро ҳаракати - бу капиталнинг чет элда жойлаштирилиши ва фаолият қилиши. У чет элга қуйидаги шаклларда чиқарилади:

- хусусий ёки давлат капитали шаклида. Капиталнинг халқаро ташкилотлар йўли билан ҳаракати кўпинча мустақил шакл сифатида ажратилади.
- пул ва товар шаклида. Жумладан, капитал чиқариш машина ва ускуналар, патентлар, нау-хау ҳамда товар кредитлари шаклида бўлиши мумкин.
- қисқа ва узоқ муддатли кредитлар шаклида;
- ссуда ва тадбиркорлик капитали шаклида. Ссуда шаклидаги капитал қуйилмалар бўйича фоиз, тадбиркорлик шаклидаги капитал эса фойда келтиради.

Тадбиркорлик капитали тўғридан-тўғри ва портфелли инвестициялардан иборат бўлади. Тўғридан-тўғри инвестициялар шу капитал ҳисобига қурилган объект (корхона)лар устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради, портфелли инвестициялар эса бундай ҳуқуқни бермайди. У одатда акция пакетлари ҳамда облигация ва бошқа қимматли қоғозлар шаклида берилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анча мураккаб жиҳатларидан бири **ишчи кучининг халқаро миграцияси ҳисобланиб, у ўз ифодасини меҳнат**

ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтишида топади.

Халқаро миграция жараёнини иқтисодий омиллар билан бирга сиёсий, этник, маданий, оилавий ва бошқа характердаги омиллар ҳам тақозо қилади.

Халқаро миграция иккита асосий таркибий қисмни ўз ичига олади: эмиграция ва иммиграция. Эмиграция-мамлакатлардан доимий яшаш жойига чиқиб кетишни, иммиграция-мамлакатга доимий яшаш учун кириб келишни билдиради.

Фан-техника ютуқлари билан халқаро айирбошлаш бир қатор шаклларда амалга оширилади. У илмий-техникавий ахборотлар, мутахассислар, фан соҳаси ходимлари билан айирбошлашни, тадқиқот ва янгиликларни лицензия асосида беришни, илмий-тадқиқот ишлари ўтказишни, умумий фан-техника ва технологияни ишлаб чиқариш бўйича қўшма тадбиркорликни ўз ичига олади. Илмий техникавий ҳамкорликнинг муҳим шаклларида бири инжиниринг ҳисобланади. Халқаро инжиниринг бир давлат томонидан бошқасига саноат ва бошқа объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш жараёнига керакли ҳисоб-китоб лойиҳаларини бериш ҳамда инженерлик-қурилиш хизмати кўрсатишдан иборат бўлади.

Жаҳон инфратузилмаси. Товарлар, ишчи кучи, молиявий воситаларнинг миллий чегаралар орқали тўхтовсиз ўсиб боровчи ҳаракати бутун жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши ва такомиллашувини тезлаштиради. Жуда муҳим транспорт тизими (денгиз, дарё, ҳаво, темир йўл транспорти) билан бир қаторда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида ахборот коммуникациялар тармоғи тобора кўпроқ аҳамият касб этиб боради. Муносиб умумжаҳон инфратузилмаси бўлмаса, ҳозирги ишлаб чиқарувчи кучларнинг байналминаллашувини ривожлантириб бўлмайди. Бундай инфратузилманинг айрим таркибий қисмлари жаҳон савдоси вужудга келаётган, жаҳон бозори ташкил топаётган вақтда пайдо бўлган.

Ҳозирги даврда биржалар, молия марказлари, йирик саноат ва савдо бирлашмалари мисли кўрилмаган тезлик билан оператив маълумотлар олишга

ва уларни ишлаб чиқишга имкон берувчи энг янги техник воситалар билан жиҳозланган. Ривожланган мамалакатларда кенг тармоқли ахборот мажмуаси ташкил топмоқда, унинг таъсири амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларига ёйилмоқда. Ҳозирги шароитда илмий ва тижорат ахборотлар айниқса қимматлидир. Шу сабабли турли халқаро даражаларда махсус «маълумотлар банклари» ташкил топмоқда, булар илмий ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун зарур ахборотни қидириб топишни анча енгиллаштиради.

Жаҳон инфратузилмаси турли зиддиятларни бартараф қилиш орқали ривожланади. Халқаро айирбошлаш товарларда материаллашган шакллардан номатериал алоқаларга тобора кўпроқ ўрин бўшатади, яъни фан-техника ютуқлари, ишлаб чиқариш ва бошқариш тажрибаси, хизматнинг бошқа турлари билан айирбошлаш ўсиб боради. Ҳисоб-китобларга кўра ҳозирги кунда хизматлар жаҳон ялпи миллий маҳсулоти (ЯММ)нинг 46 фоизини ташкил қилади.

Халқаро иқтисодий интеграция-бу мамлакатларнинг чуқур, барқарор ўзаро алоқаларнинг ривожланиши ва миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик-сиёсий алоқаларининг бирлашиш жараёнларидир.

Халқаро иқтисодий интеграция жаҳон хўжалиги ривожининг тарихий жиҳатдан узоқ давр давом этган натижаси ҳисоблансада, Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, ҳозирги кунда ҳам мамлакатларнинг Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида ҳал этилмаган кўпдан-кўп муаммолар мавжудки, бизнинг Республикамиз учун бу ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат¹.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг **асосий шакллари** қуйидагилар:

- эркин савдо зоналари. Бу иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг доирасида қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги савдо чеклашлари

¹ Каримов И.А. Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2000 йил 2 феврал.

бекор қилинади. Бунга Европа эркин савдо уюшмаси ва МДХ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро битим мисол бўла олади;

- бож иттифоқи. Иқтисодий интеграциянинг бу шакли эркин савдо зоналарининг фаолият қилиши билан бирга ягона ташқи савдо таърифлари ўрнатишни ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсати юритишни тақозо қилади. Европа Иттифоқи (ЕИ) бож иттифоқига ёрқин мисолдир;

- тўлов иттифоқи. Бу миллий валюталарнинг ўзаро эркин алмашувини ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилишини таъминлайди. Европа ҳамжамияти, Жанубий-Шарқий Осиё ва МДХ мамлакатлари учун тўлов иттифоқи пировард мақсаддир;

- умумий бозор. Бу иқтисодий интеграциянинг анча мураккаб шакли бўлиб, унинг қатнашчиларига эркин ўзаро савдо ва ягона ташқи савдо таърифлари билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати ҳамда ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат таъминланади. Бунга Европа иқтисодий иттифоқи ёки Европа умумий бозорини мисол қилиб келтириш мумкин. Унинг доирасида барча бож тўловлари ва импорт меъёр (квота)лари бекор қилинади, бошқа мамлакатлардан Европа бозорига товарлар кириши бир хил тартибга солинади, пул маблағлари ва ишчи кучининг чегарадан эркин ўтиши таъминланади ҳамда умумий муаммоларни ҳал этишда ягона сиёсат ўтказилади;

- иқтисодий ва валюта иттифоқи давлатлараро иқтисодий интеграциянинг энг олий шакли ҳисобланади. Бунда иқтисодий интеграциянинг барча қараб чиқилган шакллари умумий иқтисодий ва валюта-молиявий сиёсат ўтказиш билан бирга уйғунлашади.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини объектив характердаги **бир қатор омиллар тақозо қиладики**, уларнинг ичидан қуйидагилар асосий ўринни эгаллайди:

- хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- умум жаҳон фан-техника революцияси;

- миллий иқтисодиёт очиклигининг кучайиши.

Интеграциянинг тараққий этиши бир қатор муҳим шарт-шароитларнинг мавжудлигини талаб этади:

Биринчидан, интеграллашувчи мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти деярли бир хил даражада бўлиши ва бозор иқтисодиёти тўлақонли шаклланган бўлиши шарт. Уларнинг хўжалик механизмлари ўзаро мос бўлиши керак. Одатда, ривожланган мамлакатлар интеграцияси энг мустаҳкам ва самарали бўлади.

Иккинчидан, умумий чегаралар ва азалдан шаклланган ўзаро иқтисодий муносабатларнинг мавжудлиги.

Учинчидан, интеграллашувчи мамлакатларнинг иқтисодиётида ўзаро тўлдирувчи структураларнинг мавжудлиги (Уларнинг йўқлиги – Африка, араб мамлакатларидаги интеграция жараёнларининг паст самаралилиги сабабидир).

Тўртинчидан, у ёки бу минтақа мамлакатлари олдида турган кескин хўжалик ёки бошқа турдаги муаммоларнинг барча аъзолар учун умумийлиги.

Бешинчидан, давлатларнинг сиёсий ихтиёри ва интеграция тарафдори бўлган етакчи мамлакатларнинг мавжудлиги.

Олтинчидан, ўзига хос «намойиш самараси». Одатда, у ёки бу гуруҳ мамлакатларининг интеграцион муваффақиятлари қолган мамлакатларни ҳам ушбу жараёнда жадалроқ суръатларда қўшилиш хохишини уйғотади. Бундай хол, масалан, Европа ҳамкорлигининг муваффақиятидан сўнг юз берган – бирданига 10 та Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ЕИ га аъзо бўлиш иштиёқини билдиришган.

Еттинчидан, «Домино эффекти». Интеграция минтақа ичидаги мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларининг жадаллашувига олиб келади. Бунда, баъзи қўшни, аъзо бўлмаган мамлакатлар маълум қийинчиликларни (кўпинча, аъзо мамлакатлар билан савдо алоқаларининг сусайиб кетиши) бошидан кечиради. Натижада улар ҳам интеграцион бирлашмага аъзо бўлишга мажбур бўлади.

Интеграция бир қатор аниқ мақсадларга эга:

- миллий рақобатбардошликни кўтариш, ҳамкорликда глобализация ҳамлаларига жавоб қайтариш;
- билвосита хорижий сармояларни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш омиллариининг янги комбинацияларини яратиш, трансакцион харажатларни камайитириш, бозор кўламларини кенгайтириш имконини яратувчи «микёс иқтисодиёти» устунликларидан фойдаланиш. Айнан шундай мақсадларни кўзлаб MERKOSUR ва ASEAN ташкил этилган эди.
- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва модернизацияга кўмаклашиш;
- эндигина бозор иқтисодиётига ўтаётган ёки жиддий иқтисодий ислохотларни амалга ошираётган мамлакатларни анча ривожланган мамлакатларнинг минтақавий савдо келишувларига аъзо қилиш. Ушбу жараёни хўжалик тажрибасини узатишнинг муҳим йўли сифатида кўриш. Ривожланган мамлакатлар ўзларининг қолоқ қўшниларини интеграция жараёнига жалб этар экан, улардаги ислохотлар муваффақияти, самараси ва жадаллигидан манфаатдордир, у ерда тўлақонли бозорларнинг тезкор яратилиши тарафдоридир;
- миллий ишлаб чиқарувчилар учун молиявий, меҳнат, хомашё, технологик ресурсларга кенгроқ йўл очиб бериш, талаб юқори бўлган бозорларда ишлаш.

ЖСТга аъзо мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги ўрнини мустаҳкамлашда, савдо сиёсатининг маълум масалалари ҳал этилади. Интеграция халқаро ташкилотларда бирга иштирок этиш, ЖСТ нинг кўп томонлама муҳокамаларида ўз манфаатларини тўлароқ ҳимоя этиш имконини беради.

2. Халқаро савдонинг мазмуни, тузилиши ва хусусиятлари

Ҳозирги жаҳон ривожининг хусусиятли белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, ташқи савдонинг тез ўсиши ҳисобланади. Ташқи савдо халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш, илмий-техника ва бошқа шакллари (кадрларни тайёрлаш, туризм ва ҳ.к.) билан бир қатордаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шакли ҳисобланади. Барча мамлакатлар ташқи савдоси мажмуи халқаро савдони ташкил этади.

Халқаро савдо – бу турли давлат миллий хўжаликлари ўртасидаги товар ва хизматларнинг айирбошлаш жараёнидир. Халқаро савдо қадимдан мавжуд бўлсада, фақат XIX асрга келиб, яъни деярли барча ривожланган мамлакатлар халқаро савдо алоқаларида иштирок эта бошлаши билан жаҳон бозори шаклига кирди.

Халқаро савдо ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт, савдо баланси каби кўрсаткичлар билан тавсифланади.

Экспорт – бу товарларни чет эллик мижозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатларда ишлаб чиқарилган товар мамлакатдан ташқарига чиқарилади. Экспортнинг иқтисодий самарадорлиги шу билан аниқланадики, мазкур мамлакат ишлаб чиқаришнинг миллий харажатлари жаҳон харажатларидан паст бўлган маҳсулотларни четга чиқаради. Бунда экспортда олинadиган ютуқ ҳажми мазкур товар миллий ва жаҳон нархларининг нисбатига, мазкур товарнинг халқаро айланмасида иштирок этувчи мамлакатларнинг меҳнат унумдорлигига боғлиқ.

Халқаро савдода **товарларнинг экспорт таркиби** фан-техника революцияси ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви таъсири остида ўзгаради. Ҳозирги даврда халқаро савдонинг экспорт таркибида қайта ишловчи саноат маҳсулотлари етакчи ўринга эга бўлиб, унинг ҳиссасига жаҳон товар айрибошлашининг 3/4 қисми тўғри келади. Озиқ-овқат, хомашё ва ёқилғи улуши фақат 1/4 қисмини ташкил қилади.

Хизматлар экспорти товарлар экспортидан фарқ қилади. Чет эллик истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш, чет эл валюталарини олиш билан боғлиқ бўлиб, у миллий чегарада амалга оширилади (масалан, чет эл компанияси вакилларига почта, телеграф хизмати кўрсатиш, чет эл фуқароларига сайёҳлик хизмати кўрсатиш ва ҳ.к.).

Капитал экспорт қилиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Капитал экспорти кредит бериш ёки чет эл корхоналари акцияларига мақсадли қўйилмалар каби шаклларда амалга оширилиб, капитал чиқарилган вақтда экспорт қилувчи мамлакатдан маблағлар оқимини тақозо қилади ва шу орқали

тасарруфида бўлган ресурслар ҳажмини қисқартиради. Бошқа томондан, капитал экспорти чет давлатларнинг мазкур мамлакатдан бўлган қарзларини кўпайтиради. У жаҳон бозорига товарларнинг кейинги экспорти учун қулай шароит яратади ва чет эл валютасида фоиз ёки дивиденд шаклида барқарор даромад олиш омили ҳисобланади.

Кўплаб мамлакатлар, чекланган ресурс базасига ва тор ички бозорга эга бўлиб, ўзларининг ички истеъмоли учун зарур бўлган барча товарларни етарли самарадорлик билан ишлаб чиқариш ҳолатида бўлмайди. Бундай мамлакатлар учун импорт керакли товарларни олишнинг асосий йўли ҳисобланади.

Импорт экспортдан фарқ қилиб чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга келтиришни билдиради. Бунда мамлакат ичида ишлаб чиқариш харажатлари ташқаридан сотиб олинган чоғдаги харажатларидан юқори бўлган маҳсулотлар импорт қилинади. Ташқи савдо самарадорлигини ҳисоблашда мазкур мамлакат томонидан импорт қилиш ҳисобига муайян товарларга бўлган ўз эҳтиёжининг тезлик билан қондирилиши ҳамда бундай товарларни мамлакат ичида ишлаб чиқарилган чоғда сарфланиши лозим бўлган ресурсларнинг тежалиши натижасида олинувчи иқтисодий нафътиборга олинади.

Халқаро савдо бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Иқтисодий ресурсларнинг ҳаракатчанлиги мамлакатлар ўртасида мамлакат ичидагига қараганда анча паст бўлади. Масалан, ишчилар мамлакат ичида вилоятдан вилоятга, ҳудуддан ҳудудга эркин ўтиши мумкин. Мамлакатлар ўртасидаги тил ва маданий тўсиқлардан ташқари яна иммиграцион қонунлар ишчи кучининг мамлакатлар ўртасидаги миграциясига қаттиқ чеклашлар қўяди. Солиқ қонунчилигидаги, давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа тадбирларидаги фарқлар ва бошқа қатор муассасавий тўсиқлар реал капиталнинг миллий чегара орқали миграциясини чеклайди.

2. Ҳар бир мамлакат ҳар хил валютадан фойдаланади. Бу мамлакатлар ўртасида халқаро савдони амалга оширишда муайян қийинчиликлар туғдиради.

3. Халқаро савдо сиёсий аралашув ва назоратга маҳкум бўлиб, бу ички савдога нисбатан қўлланиладиган тадбирлардан тавсифи ва даражаси бўйича сезиларли фарқланади.

Халқаро савдонинг таркибий тузилиши ишлаб чиқариш асосий омилларининг турли мамлакатлар ўртасида жойлашуви ҳамда жаҳон ишлаб чиқариши тузилмасига боғлиқ. Агар бундан бир аср муқаддам халқаро савдода устун равишда хомашё, материаллар, озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлари айирбошланган бўлса, бугунги кунга келиб саноат товарлари, айниқса машина ва асбоб-ускуналарнинг салмоғи сезиларли даражада ўсди. Интеллектуал товарлар ва хизматларнинг улуши ҳам кескин равишда ошиб, умумий савдо айланмасининг 10 фоизига қадар етди. Шунингдек, халқаро савдони ташкил этиш шакллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Анъанавий кўринишдаги товар биржалари, аукционлар, савдо-саноат ярмаркалари, савдо кўргазмалари билан бир қаторда икки томонлама битимларнинг қўйидаги шакллари ҳам кенг қўлланмоқда:

1) бартер – товарларни тўғридан-тўғри, пул иштирокисиз бир-бирига айирбошлаш. Бартерда пул иштирок этмасада, товарларнинг қийматини бир-бирига таққослаш учун пулнинг қиймат ўлчови вазифаси орқали баҳолаб олинади;

2) экспорт қилувчилар томонидан етказиб берилган товарлар қийматининг бир қисмига импорт товарларни харид қилиш;

3) техниканинг янги моделларини сотишда эскирган моделларни сотиб олиш;

4) импорт қилинган асбоб-ускуналар қисм ва деталларини импортга сотувчи мамлакат томонидан бутлаб бериш;

5) компенсацион битимлар. Мазкур битимлар шартига кўра, технологик асбоб-ускуналар етказиб берувчи томонларнинг бири тақдим этган кредит (молиявий, товар кўринишидаги) бўйича тўловлар ана шу асбоб-ускуналарда тайёрланган тайёр маҳсулотларни етказиб бериш орқали амалга оширилади;

6) бир мамлакатда ундирилган хомашёни бошқа бир мамлакат ишлаб чиқариш қувватлари ёрдамида қайта ишлашда ушбу қайта ишлаш ва ташиб бериш хизматларини қўшимча хомашё етказиб бериш орқали тўлаш;

7) клиринг операциялари, яъни ўзаро талаб ва мажбуриятларни ҳисобга олиш орқали нақд пулсиз ҳисоблашув.

Икки томонлама савдо тамойилида амалга оширилувчи халқаро операциялар барча ҳажмида бартер битимлари 4 фоиз, икки томонлама харид – 55 фоиз, компенсацион битимлар – 9 фоиз, клиринг операциялари 8 фоизни ташкил этади.

Халқаро савдода иштирок этиш ҳар бир мамлакат учун миллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш вазифасини долзарб қилиб қўяди. Бу вазифа мамлакатларнинг савдо сиёсати орқали амалга ошади. Жаҳон амалиётида бу сиёсатнинг **протекционизм (ташқи таъсирдан ҳимоялаш)** ва **фритредерлик (савдога тўлиқ эркинлик бериш)** каби шакллари кенг тарқалган.

3. Жаҳон бозори ва жаҳон ҳўжалиги. Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларни таснифлаш.

Жаҳон бозори – халқаро меҳнат тақсимооти орқали бир-бирларига боғланган турли мамлакатлар ўртасидаги барқарор олди-сотди муносабатларидир.

Жаҳон бозори товарлар, хизматлар, илмий ишланмалар ва меҳнат бозоларидан иборат. Жаҳон бозори миллий бозордан фарқ қилгани ҳолда ишлаб чиқаришнинг мамлакатлараро ихтисослашувига ва шунга кўра уларнинг бир-бирига товарлар етказиб бериш зарурлигига асосланади. Миллий бозордаги кўпгина товарлар жаҳон бозорида бўлмайди.

Жаҳон бозоридаги савдо-сотиқ турли мамлакатлардаги товар ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарққа асосланади. Агар товарларни мамлакат ичида ишлаб чиқариш харажатлари унинг жаҳон бозоридаги нархидан паст бўлса, экспорт қулай бўлади, яъни фойдали бўлади, агар бу харажат юқори бўлса, импорт юз беради.

Жаҳон бозорида махсус нархлар – контракт нархлари бор, бу нархлар байналминал харажатларни, халқаро миқёсдаги талаб-таклиф нисбатини ва рақобат шароитини акс эттиради.

Жаҳон бозоридаги савдо операцияларидан кўриладиган фойда миқдори экспорт ва импорт қилинаётган товарларнинг миллий ва байналминал ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарққа боғлиқ бўлади. Унинг самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини камайтириш, маҳсулотнинг сифатини ошириш, ташқи савдо хизматларини яхшилаш, шунингдек, жаҳон бозоридаги ўзгаришлардан усталик билан фойдаланиш ҳисобланади. Жаҳон бозори ўзига хос инфратузилма орқали амал қилади. Бу халқаро товар биржалари, фонд биржалари, банклар, аукционлар, молия-суғурта, савдо-саноат компаниялари ва ишга ёлловчи фирмалардир.

Бозор иқтисодиёти табиатан байналминал ва шу сабабдан ҳам миллий доирадан ташқари чиқиб халқаро миқёсда айланади. Бозор иқтисодиётининг кўп асрлик тараққиёти натижасида XIX ва XX аср бўсағасида капиталистик хўжалик кўринишида бўлган жаҳон хўжалиги вужудга келди ва ривожланиб боради.

Жаҳон иқтисодиётининг энг муҳим характерли томонларидан бири халқаро меҳнат тақсимоти асосида халқаро соҳада хартомонлама ўзаро алоқаларнинг шаклланиши ва хўжалик ҳаётининг байналминаллашувидир.

Жаҳон хўжалиги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши миллий, минтақавий ва умумжаҳон миқёсда меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши, турли мамлакатлар миллий иқтисодининг яккалик ҳолатидан чиқиб давлатлараро хўжалик тизимига кириб боришининг натижасидир. Халқаро меҳнат тақсимоти жаҳон хўжалигининг моддий асосини ташкил қилади. Меҳнат тақсимотининг ривожи миллий доирадаги хўжаликларни ва алоҳидалашган ишлаб чиқарувчиларни дастлаб ягона ички бозорга, кейинчалик эса умумжаҳон бозори дорасига тортади.

ХМТнинг чуқурлашиб бориши мамлакатлар ўртасидаги фан-техника, ишлаб чиқариш, савдо-иқтисодий алоқаларнинг объектив асоси ҳисобланади ва шу туфайли ишлаб чиқаришнинг байналминаллиги умумжаҳон жараёнига айланади. Хуллас, ХМТ – бутун жаҳон хўжалигининг ташкил топиши ва ривожланишининг ҳал қилувчи омилидир.

Жаҳонда машиналашган ишлаб чиқариш, энг аввало саноатнинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши алоҳида мамлакатлар хўжалигини бир-бирига боғлаб барча маҳаллий майда бозорларни жаҳон бозорига бирлаштирди.

Жаҳон хўжалиги икки гуруҳ муносабатларининг синтезидан иборат.

Биринчи – соф бозор муносабатлари. Бу халқаро бозорда ташкил топган нарх асосида эквивалент айирбошлаш, ўзаро рақобат, пул билан муомала қилиш, фойда топишга интилиш ва бошқалар. Бу муносабатлар иқтисодий алоқалар тизимига етакчилик қилади, аммо улар танҳо эмас.

Иккинчиси – мунтазам ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари бўлиб, улар фойда олиш тамойилига асосланмайди, рақобат ўрнига ҳамкорлик, шериклик алоқалари ҳукмронлик қилади. Халқаро муносабатларда улар иккиламчи, ҳали етакчи мавқега эга бўлмаган.

Ҳар қандай давлат ўзининг иқтисодий тараққиётини ўзга мамлакатлар билан иқтисодий ва ишлаб чиқариш алоқаларисиз тасаввур эта олмайди. Бу халқаро меҳнат тақсимоти, жаҳон бозори, жаҳон савдоси, байналминал кўламда ишлаб чиқаришнинг умумлашуви, фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқариш кучининг халқаро таъсири каби омилларнинг ривожланишини талаб этади. Мамлакатларнинг миллий хўжалик яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда халқаро меҳнат тақсимоти асосида жаҳон хўжалиги шаклланади.

Жаҳон муносабатлари ўз объекти ва субъектига эга. Халқаро миқёсда ресурсларнинг тақсимланиш ва самарали ишлатилиши, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, унинг кооперацияси, иқтисодий интеграция, савдо, илмий-техниквий ҳамкорлик, қолоқлик ва қашшоқликка чек қўйиш, экологияга путур етказмайдиган иқтисодий фаолият юритиш кабилар умумжаҳон

муносабатларининг объекти бўлса, турли давлатлар, халқаро ва миллий фирмалар, халқаро ташкилотлар, унинг субъекти ҳисобланади.

Жаҳон хўжалигининг ўзи меҳнат тақсимоти маҳсули, лекин бу хўжалик ўрни тобора чуқурлаштириб ишлаб чиқаришдаги байналминалликни кучайтиради. Бу эса, ихтисослашув асосида харажатларни пасайтириш ва маҳсулотлар, хизматлар сифатини ошириш имконини беради.

Жаҳон хўжалигида иқтисодий алоқалар шакллари ўзгариб, унинг кўринишлари кўпайиб боради, иштирокчилар доираси янги мамлакатлар ҳисобидан кенгаяди. Кейинги йилларда бу доирага марказий Осиёнинг ёш давлатлари жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам кириб келди. Алоқаларнинг чуқурлашуви халқаро иқтисодиёт интеграциясини юзага чиқарди ва интеграция уларнинг энг олий шаклига айланди. Интеграциялашув жараёнида ҳал этилмаган кўпдан-кўп муаммолар мавжудки, бизнинг Республикамиз учун бу ташқи иқтисодиёт ва валюта сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат.

Жаҳон хўжалигидаги иқтисодий интеграция – миллий бозорлар ва мамлакатлар миллий хўжаликлари ўртасидаги ўзвий боғлиқлик, ҳамжиҳат ривожланишни таъминлаш, турли мамлакатлар доирасида ресурсларнинг эркин ҳаракат қилиши, ягона умумий бозор ташкил қилиш мақсадларида бирлашувидир.

Халқаро интеграция учун учта шарт талаб қилинади. Биринчидан, машиналашган ишлаб чиқариш чуқр ихтисослашади ва ташқи алоқаларсиз ривожлана олмай қолади. Иккинчидан, турли мамлакатлар иқтисодий даражасида ғоят ката тафовут бўлмайди, уларнинг даражаси бир-бирига яқин туради. Учинчидан, турли мамлакатлар ҳудудий умумликка эга бўлиб, уларнинг тарихан ривожланган алоқалари мавжуд бўлади. Мана шу шартлар борлигидан 1958 йилда Европа иқтисодий уюшмаси ташкил топиб, бунга 15 та мамлакат бирлашган.

Бу уюшманинг асосий вазифаси иштирокчи мамлакатлар доирасига ресурслар, товарлар, хизматлар ҳаракатини миллий чегарадан холи равишда

эркин кўчиб юришни таъминлаш, умумий бозорларни вужудга келтириш, бозор воситасида товарларни давлатлараро аҳоли талаб-эҳтиёжини қондириш ва юксак иқтисодий ривожланишга эришишдир.

Янги интеграцион иттифок – Шимолий Америка уюшмаси бўлиб, АҚШ, Канада ва Мексикани бирлаштирган. Шарқ мамлакатлари ўртасидаги иқтисодиёт интеграция шаклларида бири – Иқтисодий ҳамкорлик ҳисобланади. Бу иттифок 1964 йили Эрон, Туркия, Покистон иштирокида тузилган. Техника – иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилиш, мазкур интеграциянинг асосий мақсади ҳисобланади. Бу иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига 1992-1993 йилларда Марказий Осиё давлатлари ва Озбекистон қўшилган. Интеграция ресурсларнинг энг самарали, бинобарин, техника жиҳатидан илғор ишлаб чиқариш соҳаларга тўпланишга ёрдам бериб, бир-бирини ўзаро тўлдирадиган миллий хўжаликларни яратиладики, уларнинг яхлитлиги ягона ишлаб чиқариш комплексини шакллантиради. Натижада халқаро ишлаб чиқариш инфратизимини ва бозор инфратузилмаси юзага келади, илмий техникавий ишлаб чиқариш, савдо, молия соҳаларидаги ҳамкорлик мунтазам ва доимий тус олади.

Марказий Осиёдаги интеграция самарали ва катта истиқболга эга. Чунки Республикамиз Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобида шундай деган эди: «Биз Марказий Осиё давлатлирининг кўп томонлама алоқалар ва яқин ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият бераямиз». Ҳар қандай ишлаб чиқариш энг аввал умумиқтисодий фаолият бўлиб, унга хос белгилардан бири ихтисослашувдир. Ихтисослашув асосида меҳнат тақсимои ижтимоий меҳнат фаолиятининг сифат жиҳатидан ажралишини билдиради. Меҳнат фаолият турлари бўйича тақсимланиши биргаликда муайян майдон доирасида ҳам тақсимланишини рўй беради.

Халқаро меҳнат тақсимои ижтимоий меҳнатнинг турли давлатлар ёки давлатлар гуруҳи ўртасида тақсимланишини, ишлаб чиқаришнинг байналминал миқёсида ихтисослашувини билдиради, давлатлараро иқтисодий алоқаларни

заруратга айлантиради. Халқаро меҳнат тақсимоти меҳнат тақсимотининг энг юксак даражаси ҳисобланади. Халқаро меҳнат тақсимоти XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида шаклланди.

Жаҳон иқтисодиётида мамлакатларнинг таснифланиши

Жаҳон ҳўжалигида ҳар бир ўзгаришлар (жаҳон бозоридаги нархлар ҳаракати ва алоҳида мамлакатнинг экспорт имкониятидан тортиб дунё иқтисодиётидаги таркибий силжишлар ва халқаро монополиялар фаолиятигача) дунёдаги барча мамлакатлар манфаатини ўзига тортади. Мамлакатнинг савдо, ишлаб чиқариш, валюта-молия соҳаларидаги жаҳон тамойилларига боғлиқлик объектив реаллик ҳисобланади. Ҳозирги даврда ҳар қандай мамлакатни унинг иқтисодиёти қандай ривожланган бўлишидан қатъий назар, жаҳон ҳўжалиги алоқаларига жалб қилмасдан тўлақонли иқтисодий ривожланишини таъминлаш мумкин эмас. Шу сабабли Президентимиз И.Каримов «Мамлакатнинг жаҳон ҳўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этиши очик турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир»¹, деб таъкидлайди.

Дунё бир-биридан мақсадлари, амал қилиш механизми билан фарқланувчи турли хил ижтимоий-иқтисодий тизимлар, халқаро гуруҳларга бўлинган. Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлаш ҳар хил мезонлар асосида амалга оширилади.

Турли мамлакатларнинг **иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг** турли-туманлиги улар тараққиёт даражасини қандайдир битта нуқтаи-назардан баҳолаш имконини бермайди. Шунга кўра, мазкур мақсадда бир неча асосий кўрсаткич ва мезонлардан фойдаланилади:

- мутлақ ва нисбий ЯИМ;
- миллий даромад ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдори;
- миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилмаси;
- мамлакат экспорти ва импорти таркибий тузилмаси;
- аҳолининг турмуш даражаси, сифати ва бошқалар.

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т.: «Ўзбекистон», 1998. 267-б.

Мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги ўрнини аниқлашда бир неча ёндашувлар мавжуд.

Улардан энг оддийлари – мамлакатларни **аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад даражаси** бўйича гуруҳларга ажратиш ҳисобланади. Бундай ёндашув БМТ, Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки (ЖТТБ) томонидан қўлланилади. Масалан, ЖТТБ даромад даражасига кўра мамлакатларнинг учта гуруҳини фарқлайди. 1995 йили аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромадларнинг қуйидаги чегаравий миқдорлари белгиланган эди:

- даромадларнинг паст даражаси – 765 долларгача (49 та мамлакат);
- даромадларнинг ўртача даражаси – 766 доллардан 9385 долларгача (58 та мамлакат);
- даромадларнинг юқори даражаси – 9386 доллар ва ундан юқори (26 та мамлакат).

Жаҳон ҳамжамияти мамлакатларини туркумлашга умумий асосда ёндашиб **хўжалик тизимларининг хусусиятларига** мос равишда давлатларнинг учта гуруҳини ажратиш кўрсатиш мумкин: ривожланган, бозор иқтисодиётига асосланган ҳолда ривожланаётган ва бозор иқтисодиёти мавжуд бўлмаган мамлакатлар. **Ривожланганлик даражаси** бўйича ҳам ўз навбатида учта гуруҳ фарқланади: паст, ўртача ва юқори ривожланган мамлакатлар. Шимолий-шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ), юқори даромадли нефть экспорт қилувчи мамлакатлар (Саудия Арабистони, Қувайт ва бошқалар), энг кам ривожланган мамлакатлар (ЭКРМ), шу жумладан энг камбағал мамлакатлар (Чад, Бангладеш, Эфиопия), ҳар хил минтақавий иттифоқлар ва байналминал гуруҳларга ажратилади. Бу барча турли-туманлик бир бутун яхлитликка ўзаро иқтисодий боғлиқликнинг ҳар хил жиҳатлари орқали тортилади. Ҳозирги хўжалик алоқаларининг чуқурлашиб бораётганлиги, байналминаллашувнинг кучайиши ҳамда фан-техника инқилобининг кенг қамровли тавсифи, алоқа ва коммуникация воситаларининг бутунлай янги роли

шароитида миллий иқтисодиёт ўз-ўзини таъминлаш орқали самарали амал қилиши мумкин эмас.

Жаҳон хўжалик алоқаларининг тез ўсиши шундай даврларга тўғри келадики, бу даврда ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракати тезлашади, капитал миллий чегарадан ўсиб чиқади, ишчи кучи миграцияси кучаяди, халқаро меҳнат тақсимотининг шаклланиш жараёни тезлашади. Бу шундан гувоҳлик берадики, хўжалик алоқаларининг байналминаллашувини кўп жиҳатдан ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш мантиқи тақозо қилади, яъни у миллий чегарадан ўсиб чиқади ва объектив равишда ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувини зарур қилиб қўяди.

4. Халқаро савдонинг ривожланиш босқичлари.

XX асрнинг сўнгги йилларида собиқ Иттифоқнинг парчаланиши, мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқиши, миллий хўжалик алоқаларининг интеграциялашуви билан, глобализация жараёнларининг жадаллашуви юз берди. Глобализация натижасида жаҳон хўжалигининг таркибий қисмига айланиб бораётган мамлакатларнинг сони ортиб бормоқда. Бу миллий даражадаги ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда технологик тўсиқлар йўқолишига, унинг ўрнига халқаро иқтисодий хўжаликнинг умумий иқтисодий қонуниятлари ва халқаро хўжаликнинг функционал алоқаларини татбиқ этилишига олиб келмоқда.

Мамлакатлар ҳаётидаги глобализация - иқтисодий муносабатлардаги товарлар, хизматлар, капитал ҳамда фонд бозорларидаги савдо ва сиёсатга доир тартибларнинг тобора эркинлашуви орқали намоён бўлмоқда. Ташқи савдо алоқалари эркинлаштирилаётган мамлакатлар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Жаҳон иқтисодий ва молиявий муҳитининг шаклланишига таъсир этган сезиларли ўзгаришлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) 1957 йили Лондонда Британия ҳукуматининг фунт стерлинг устидан назорат ўрнатишига жавоб тариқасида евродоллар бозорининг юзага келиши;
- 2) 1958 йилда дастлаб, "Умумий бозор" деб аталган Европа Иқтисодий

Ҳамкорлиги (ЕИХ) - ҳозирги Европа Иттифоқининг (ЕИ) ташкил топиши;

3) Америка корпорациялари хорижий фаолиятларини кенгайтиришга интилиши (1950 йиллардан бошлаб). Жаҳон бозорида Европа ва Япония корпорациялари фаолиятининг сезиларли ўсиши, шунингдек, халқаро майдонда Америка корпорациялари билан ушбу мамлакатлар ўртасида рақобатнинг кучайиши;

4) Ўтган асрнинг 60-йилларида Япония иқтисодиётини тез суръатлар билан ўсиши, Узоқ Шарқ бизнес фаолиятида янги имкониятларнинг ортиши;

5) 1971-1973 йилларда Бреттонвуд тизимини қулашига олиб келган жаҳон молия инқирозлари, валютанинг белгиланган курси тизимидан, сузувчи валюта курсларига ўтиш;

6) 1971-1979 йиллардаги биринчи ва иккинчи нефть инқирозлари жаҳон иқтисодий тизимига босим ўтказиши. Ушбу саналарда нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) нефть нархини сезиларли даражада ошириши;

7) Ривожланаётган мамлакатларнинг 1982 йилда ташқи қарзларга хизмат кўрсатиши билан боғлиқ жаҳон қарздорлик инқирозининг бошланиши;

8) 1980 йилларда Япониянинг халқаро молиявий куч ва жаҳон капиталининг манбаси сифатида етакчи мамлакатга айланиши;

9) 1987 йилда етти та мамлакатнинг ("Катта еттилик") Парижда Лувр битимини имзолаши. Улар ўз валюта курсларининг долларга нисбатан тор тебраниш доирасида сунъий равишда алмаштириш орқали, кучсизланиб бораётган долларни қўллаб-қувватлашни режалаштирдилар. Шунингдек, ушбу мамлакатлар келишилган иқтисодий сиёсат юритишни мўлжалладилар;

10) 1987 йилда ЕИХ ягона Европа актини қабул қилиш орқали 1992 йилда яхлит Европа бозорини ташкил қилишни режалаштирилиши. Бунда, мазкур ташкилотнинг Ғарбий Европа молиявий ва иқтисодий ҳолатига сезиларли таъсир этиши кутилди;

11) 1989-1992 йилларда Шарқий Европа мамлакатлари ўз сиёсий йўналишларини ўзгартириши. Уларнинг коммунистик дунёқарашдан кўп партиявийликка, марказдан режалаштириладиган иқтисодиётдан эркин бозор

иқтисодиётига ўтиши, жаҳондаги сиёсий, иқтисодий ва молиявий ҳолатга чуқур таъсир этди;

12) 1992 йилдан кейин яхлит Европа бозорининг юзага келиши, 1993 йил ноябр ойидан эркин савдо бўйича Шимолий Америка битимининг кучга кириши, 1993 йилда Осиё-тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги конференцияси ва бошқа жараёнлар, ўтган асрнинг 90-йилларида ҳудудий ривожланишни жадаллаштирди.

XXI аср бўсағасида жаҳон иқтисодиётида тўртта асосий таркибий анъана кузатилди:

биринчидан, хомашё экспортига асосланган ҳамда саноати ривожланган мамлакатлар ўртасидаги муносабатлардаги ўзгаришлар. Хомашё етказиб берувчи мамлакатлар ва саноати ривожланган мамлакатлар ўртасида анъанавий иқтисодий алоқалар мавжуд бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатлар модели қуйидагича эди: хомашё етказиб берувчи мамлакатлар, хомашёни экспорт қилиб, олинган валюта тушумларидан саноат маҳсулотлари импортини молиялаштирганлар.

Ўтган асрнинг 70-йилларида "Рим клуби" номи билан машхур Ғарбий Европа олимлари "дунё миқёсида тез орада табиий ресурсларнинг глобал тақчиллиги юзага келади", деб башорат қилган эдилар.

Ушбу мулоҳазаларга асосланиб кўпгина хомашё етказиб берувчи мамлакатлар хомашё сотиш эвазига валюта тушумини ошириш мақсадида картелларга бирлашдилар. Аммо, саноат технологияси ва қишлоқ хўжалик соҳасининг кескин ривожланиши, хомашёга бўлган талабнинг қисқаришига таъсир кўрсатди ва натижада хомашё баҳосининг пасайиши юз берди.

иккинчидан, саноати ривожланган мамлакатларда қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришдан, билим ва малакага асосланган ишлаб чиқаришга ўтилди.

Жаҳон иқтисодий тузилмасидаги ушбу ўзгаришлар натижасида бандлик таркибида юқори малака талаб қилувчи мутахассисларга эҳтиёж ортиб, нисбатан паст малакали мутахассисларга талаб пасайиб борди. Ахборот

алмашувининг осонлиги - тадбиркорлик фаолиятини, кичик бизнес ва шахсий ташаббусни рағбатлантирди.

Илмий-техника прогресси ютуқларидан фойдаланиш, билимни ва юқори малакани талаб қилди, шунинг учун ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошликни ошириш учун, инсон капиталига инвестиция қилиш муҳимлиги ортди.

учинчидан, жаҳон савдосида халқаро капитал ҳаракатининг сезиларли даражада ортиши. Ушбу ўзгариш халқаро савдога нисбатан халқаро капитал ҳаракатининг тез суръатда ўсиши билан юз берди. Халқаро молия статистикасининг маълумотларига кўра, жаҳон экспорти ҳажми, 1981 йилдаги 2000 млрд. АҚШ долларидан 1991 йилда 3447 млрд. АҚШ доллари даражасигача ўсган. Шу вақт оралиғида халқаро облигациялар эмиссияси 23 млрд.дан 342 млрд. АҚШ долларига ўсди. Бундан ташқари, учта етакчи халқаро молия бозорларида кўплаб хорижий валюталар айланмаси сезиларли даражада ўсди. 1986 йилдан 1992 йилгача Лондонда хорижий валютанинг кунлик ўртача айланмаси 90 млрд.дан 303 млрд. АҚШ долларигача ортди. Шу даврда Нью-Йоркдаги кунлик айланма 50 млрд.дан 192 млрд.га, Токиода 48 млрд.дан 128 млрд. АҚШ долларига ортган.

туртинчидан, трансмиллий корпорациялар (ТМК)нинг қўшма корхоналарни ташкил этиш учун халқаро инвестициялари ва ҳамкорлик битимларида диверсификация даражасининг ортиши.

Бунда асосий ўзгариш сифатида ТМКлар ва уларнинг турли мамлакатларда қўшма корхоналари сонининг ўсиб боришини кўрсатиш мумкин.

ТМКлар ўзларининг ташкилий, ишлаб чиқариш ва маркетинг тизимларини чет мамлакатлар ҳудудларига ёйиб, шу йўл билан товар, хизмат, капитал ва технологияларини ишлаб чиқаришга жалб этиб, ушбу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларга таъсир этди. Қўшма корхоналар халқаро бизнес интеграциясининг кенг тарқалган шаклига айланди.

Шунингдек, жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашув жараёнларида халқаро ташкилотлар ролини алоҳида эътироф этиш зарур.

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ), Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва шу каби халқаро институтлар ҳамда етакчи мамлакатлар бошлиқлари ва молия вазирларининг ҳар йили бўлиб ўтадиган учрашувларининг халқаро муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти ортиб бормоқда. Технологиялар бўйича, атроф-муҳитни асраш, молия институтларининг фаолияти, бухгалтерия ҳисоботлари, миллий статистика (миллий ҳисоблар тизими) ва бошқаларга ягона андозаларни қўллаш кенгаймоқда. Ушбу андозалар таълим ва маданий соҳаларга ёйилмоқда.

Халқаро ташкилотлар орқали макроиқтисодий сиёсатнинг ягона мезонлари татбиқ этилмоқда. Валюта-кредит, солиқ, ташқи иқтисодий сиёсат, бандлик соҳаси бўйича қўйиладиган талабларнинг бирхиллашуви юз бермоқда, халқаро рақобат қоидалари ишлаб чиқилмоқда.

Бу жараёнлар қанчалик жадал суръатларда амалга оширилмасин, замонавий жаҳон иқтисодиёти тўла глобал ҳолатда фаолият юритаётгани йўқ, балки у энди глобаллашув жараёнларининг дастлабки босқичларини бошдан кечирмоқда.

Ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларнинг жаҳон бозорига интеграциялашuvi узoқ муддатли жараён ҳисобланади. Баъзи миллий бозорларнинг очик, баъзиларининг қаттиқ тартибга солинадиган бўлган ҳозирги ҳолати билан, глобаллашувнинг асосий тамойилларидан бўлган эркинлашув, бир-бирига номувофиқ бўлган кўринишни ҳосил қилмоқда.

Халқаро товарлар, хизматлар ва капиталлар алмашинувининг эркинлашиш анъанаси кенгаяётган бир пайтда, ҳар бир давлат экспорт ва импортни тартибга солишнинг маълум инструментларини сақлаб қолмоқдалар. Уларнинг асосий мақсади - таркибий қайта қуриш ва инқироз даврининг қийинчиликларини енгиб ўтиш, миллий хавфсизликни таъминлаш - такрор ишлаб чиқариш

узлуксизлигини таъминловчи (энергетика, транспорт, алоқа ва ҳ.к.) ва мамлакат муҳофаа қобилияти каби стратегик соҳаларни молиявий таъминлаш, шунингдек, савдо шериклардан муносиб имтиёзлар олиш, шунингдек, бюджет тушумларини оширишдан иборат бўлмоқда. Амалдаги бундай протекционизм фискал муаммоларни ҳал этишдан кўра, кўпроқ таркибий сиёсат ўтказиш воситаси ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда нафақат эркин савдо ғояси (эркинлашув) билан протекционизм ўртасида қарама-қаршилик юзага чиқмоқда, балки миллий хўжаликни жаҳон хўжалигига кириш самарасини максимал тарзда таъминлаш мақсадида, хўжаликни тартибга солишнинг юқоридаги икки инструментининг оптимал аралашмасидан фойдаланилмоқда. Бундай аралашманинг шакл ва нисбатлари, маълум вақтдаги прагматик манфаатлардан келиб чиқиб аниқланади.

Халқаро иқтисодий муносабатларда глобализация билан бирга, интеграция жараёнларининг яна бир шакли - маълум географик жойлашувга асосланган ҳудудий интеграция (ҳудудийлашув) юз бермоқда.

Ўсиб боровчи глобаллашув, ҳудудийлашув, иқтисодиётнинг трансмиллийлашуви ва интеграция натижасида, эски - давлатлараро тартибга солиш механизми тубдан ўзгарди. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар иккиёқлама муносабатлар чегарасидан чиқиб, кўпёқлама тус олмоқда.

Аммо, "миллий хўжалик мажмуи", "мамлакатнинг миллий иқтисодий манфаатлари" тушунчалари ўз маъносини сақлаб қолмоқда. Миллий хўжалик ҳамон ишлаб чиқариш, алмашув, тақсимот ва истеъмол, шунингдек, иқтисодий фаолиятнинг асосий марказидир.

Ҳар бир давлатнинг йиллар давомида шаклланган ўз тарихий, иқтисодий, ижтимоий - маданий ривожланиш хусусиятлари мавжуд бўлиб, бошқа мамлакатларнинг тажрибаларини кўр-кўрона кўчириб олиш, ёки халқаро ташкилотлар томонидан тавсия этиладиган, иқтисодий ривожланишнинг ҳамма учун умумий рецептларини қўллаш, самарасиз ва иқтисодий вазиятни издан чиқариши мумкин.

Жаҳон ҳўжалигига киришда илғор мамлакатларнинг бой тажрибаларига тахлилий ёндошиш ва ушбу тажрибаларни миллий хусусиятлар билан энг оптимал тарзда уйғунлаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, ўзининг мустақил ташқи иқтисодий сиёсатини олиб бориш имконияти юзага чиқди. Республиканинг ташқи иқтисодий сиёсати халқаро молиявий муносабатларда мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳолда амалга оширилади ва у қуйидаги тамойилларга асосланади:

- мафкуравий қарашлардан қатъий назар ташқи муносабатларда ошкоралик;
- тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- ўзининг миллий-давлат манфаатлари устуворлигида ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;
- республика бирон-бир давлатнинг таъсир доирасига кирмаслиги тамойилига тўла амал қилиш;
- тўла ишонч, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш асосида икки томонлама, шунингдек, кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва уларни ривожлантириш;
- умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш.

Ташқи иқтисодий соҳа тармоқлари мажмуини вужудга келтирмасдан туриб, шунингдек, молия, банк-кредит ташкилотлари, божхона хизмати ишини халқаро меъёрлар ва талаблар даражасида йўлга қўймасдан туриб, халқаро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни тасаввур этиб бўлмайди.

Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда қуйидаги йўналишлар устувор ҳисобланади:

биринчидан, республиканинг экспорт қудратини ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш, экспортга йуналтирилган иқтисодиётни шакллантириш;

иккинчидан, экспорт имкониятини кенгайтириш, жаҳон бозорига кириб бориш учун, аввало, қимматбаҳо хомашёни қайта ишлаш негизида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни ривожлантириш;

учинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, хўжалик ишларини юритувчи субъектларга хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатишда, ўз маҳсулотларини чет элларда сотишда кўпроқ эркинлик бериш, товарларни экспорт ва импорт қилишда бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш;

туртинчидан, хорижий сармояларни республика иқтисодиётига кенг кўламда жалб этиш учун зарур ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа шароитларни яратиш;

бешинчидан, халқаро молиявий муносабатларнинг таркибий мажмуини вужудга келтириш;

олтинчидан, халқаро ҳуқуқ ва халқаро молиявий муносабатлар соҳасида малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш.

Интеграция муносабатлари, манфаатлар бирикувининг хилма-хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланади. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда - дунё миқёсида ва минтақа кўламида интеграция жараёнларига қатнашсада, аммо бир муҳим қоидага амал қилади, яъни: бир давлат билан яқинлашиш бошқа бир давлат билан узоқлашиш ҳисобига бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий жиҳатдан ривожланган бозор тизимига эга бўлган, демократик давлат ҳақидаги ҳозирги замон тушунчаларига мос равишда жаҳон ҳамжамиятига киришиши мумкинлигига асосланади.

Мамлакат жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик ўрнатган тақдирдагина, яъни халқаро меҳнат тақсимоотида ўзининг муносиб ўрнини топганда, минтақа ва бутун дунё хавфсизлик тизимларини барпо этишда фаол иштирок этгандагина уни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг янги сифат босқичга олиб чиқиш имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси ривожланиш ва тараққиёт йўлига қадам қўйиб, иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сафига кириб келмоқда. Қисқа вақт оралиғида республика ХВФ, Жаҳон банки, ХМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Осиё ва Тинч океани ижтимоий-иқтисодий комиссияси (ОТИИК), ЕТТБ, Халқаро Молия корпорацияси (ХМК), Ҳамдўстликнинг минтақавий иқтисодий ташкилоти (ХМИТ) ва шу каби қатор халқаро молиявий ташкилотларга қабул қилинди.

Жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув ҳақида сўз борганда, БМТ фаолиятида Ўзбекистоннинг иштироки эътиборга лойиқ ходиса. Фақат БМТгина хавфсизликни сақлаш ва таъминлашга қаратилган дипломатиядан то тинчлик ўрнатишга қаратилган операцияларда қатнашишгача бўлган воситаларга эга.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг стратегик мақсади - давлатларнинг турли минтақавий бирлашмалари билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон минтақавий халқаро ташкилотлар: ЕИ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Шимолий Атлантика блоки (НАТО), Қўшилмаслик Ҳаракати ва бошқалар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

1996 йилнинг июл ойида Флоренцияда Ўзбекистон билан ЕИ Кенгаши ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Имзоланган ушбу битим Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва тараққиётини таъминлашга қаратилган яна бир муҳим ҳисса бўлиб, бу шерикчилик иқтисодий, маданий, илмий соҳаларни ва сиёсий соҳаларни қамраб олади.

Жаҳон банки билан биргаликда Ўзбекистонда миллий валютани мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва тўлов балансини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва корхоналар даражасидаги ислохотларни амалга ошириш учун тикланиш қарзи бериш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

5. Жаҳон бозорининг товар тузилмаси.

Ҳозирги кунда товарларни белгиси ва структурасига кўра таснифлашнинг энг кенг тарқалган усули товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг Гормонизациялаш тизими (Harmonized Commodity Description and Coding System) ҳисобланади. У божхона ҳамкорлиги Кенгашининг Гормонизациялаш тизими бўйича Комитет (ҳозир Жаҳон божхона ташкилоти) томонидан 1983 йил ишлаб чиқилган ва 1988 йилдан амал қила бошлаган. Кодлаштириш тизимида биринчи иккита код сони товар гуруҳини билдиради, тўртаси – товар позициясини, олтинчиси – субпозиция.

Ушбу тизим номенклатурасидаги асосий элементлар икки тизимга эга:

- таснифлаш тизими;
- кодлаштириш тизими.

Таснифлаш тизими 6 поғонадан иборат

1. бўлимлар;
2. гуруҳлар;
3. кичик гуруҳлар (гуруҳлар бир қисми);
4. товар позициялари;
5. кичик позициялар (позициялар бир қисми);
6. субпозициялар.

Гормонизациялаш тизимига муофиқ товарлар қуйидаги белгиларга асосан гуруҳланади:

- келиб чиқиши бўйича (ўсимлик, ҳайвонот);
- фойдаланиш мақсадига кўра;
- қайта ишлов даражаси бўйича.

Фойдаланиш мақсадига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- ичимлик ва озиқ-овқат товарлари;
- саноат хомашёси;
- ёқилғи ва мойлаш материаллари;
- машина ва асбоб-ускуналар;

- транспорт воситалари (ишлаб чиқаришга ва шахсий истеъмолга мўлжалланган);
- аҳоли истеъмолига мўлжалланган саноат маҳсулотлари.

Қайта ишлов даражаси бўйича:

- хомашё товарлари (ишлаб чиқаришга мўлжалланган ва мўлжалланмаган);
- ярим тайёр маҳсулотлар (ишлаб чиқаришга мўлжалланган ва мўлжалланмаган);
- тайёр маҳсулотлар (ишлаб чиқаришга мўлжалланган ва мўлжалланмаган);

Миллий бож тарифларида товарларни бир хил таснифлашни таъминлаш учун ягона таснифлаш тизимини яратиш божхона қонунчилигини унификация қилишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг Гормонизациялаш тизими бўйича Халқаро конвенцияни имзолаган мамлакатлар унга тўлиқ амал қилишга мажбур. Бу жаҳон савдосида товарлар бўйича статистик маълумотларни олти рақамли код бўйича солиштириш имконини таъминлайди.

6. Замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш хусусиятлари

Интенсив давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги даражаси қуйидагиларни кўрсатади:

- жаҳон хўжалигида халқаро меҳнат тақсимоти даражасининг чуқурлигини;
- анъанавий халқаро тайёр маҳсулотлар савдоси миқёсларининг кенгайиши ва характерининг ўзгарганлигини (у кўп жиҳатдан миллий ишлаб чиқариш жараёнларига тўғридан-тўғри хизмат қила бошлайди);
- капитал мигратсиясининг интенсивлашганлигини;
- илмий-техник билимлар алмашувининг тезлашганлиги ва шунингдек хизматлар соҳасининг ривожланганлигини;
- ишчи кучи мигратсиясининг сезиларли даражада ўсганлигини (халқаро ишчи кучи мигратсияси халқаро хўжаликнинг байналминаллашувининг муҳим қисми бўлиб қолмоқда);

-давлатлар ва минтақалар ўртасидаги иқтисодий интеграциялашув жараёнларининг тезлашиши ва кенгайишини. Саноати ривожланган давлатларнинг савдо, ишлаб чиқариш ва кредит-молия соҳасида эришилган ютуқлар даражаси жаҳон хўжалигининг шаклланишини кўриниши бўлиб хизмат қилади. Унинг иштирокчилари давлат чегараларининг мавжудлигига қарамай умумий хўжалик тизимининг таркибий қисми сифатида фаолият кўрсатадилар. Хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви тушунчаси ортида алоҳида давлатларни глобал жаҳон мажмуига бирлаштирувчи кўп даражали жаҳон хўжалик алоқалари тизимининг самарали ишлаши туради.

Байналминаллашув алоҳида миллий иқтисодий тизимларнинг ўсиб бораётган ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлигини характерлайди. XX асрда айирбошлашнинг байналминаллашуви капитал ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига айланади, ИТИ таъсирида ривожланишда сезиларли туртки олади (XX аср 50-йилларининг ўрталари). Халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси кескин ўсди. Йирик миқёсдаги ихтисослашган ишлаб чиқариш учун ички бозорлар доираси торлик қила бошлаб, у объектив равишда миллий чегаралардан чиқа бошлайди.

ИТИ таъсирида ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви шундай ҳолатни юзага келтирадики, у ҳар қандай мамлакат учун “шахсий ишлаб чиқаришга” эга бўлиш фойдасиз бўлиб алоҳида миллий иқтисодиётлар эса янада кўпроқ жаҳон хўжалигига интеграциялашадилар. Ишчи кучи ҳаракати, кадрлар тайёрлаш, мутахассислар билан алмашиш янада байналминал характерга эга бўлади.

Ушбу алоқалар ва ривожланишининг истиқболи шаклланиш қонуниятларини текшириш шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон хўжалигини ривожланишининг асосий тенденцияси бўлиб капитал, товар ва хизматларнинг ягона планетар бозорини ташкил қилиш ва алоҳида давлатларни ягона жаҳон хўжалиги мажмуига бирлаштиришга бўлган ҳаракат ҳисобланади. Бу эса глобал иқтисодиёт масалаларини халқаро иқтисодиёт муносабатлар тизими мажмуи сифатида ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу эса халқаро иқтисодий муносабатларнинг бошқача қилиб айтганда юқорирок даражасидир.

Жаҳон иқтисодиётида глобализатсия феноменини икки томонлама, яъни макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада кўриб чиқиш мумкин. Макроиқтисодий даражада глобализатсия – бу, давлатлар ва алоҳида минтакаларнинг чегараларидан ташқарида иқтисодий фаолият кўрсатишга бўлган умумий интилишлари тушинилади. Бундай интилишларнинг кўринишлари - либерализатсия, савдо ва инвестицион тўсиқларнинг олиб ташланиши, эркин тадбиркорлик зоналари ташкил этиш ва ҳ.к.лар ҳисобланади.

7. Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон ҳўжалиги тизимига интеграцияси

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тарихига назар ташлайдиган бўлсак, дарҳақиқат, мустақиллик мамлакатимиз, халқимизга берган улкан имкониятлардан яна бири, бу – халқаро майдонда миллий манфаатлардан келиб чиқиб сиёсат юритиш ва уни ҳимоя этиш ҳисобланади. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йилларда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш ёш давлатимиз учун мутлақо янги эди, чунки, собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон Республикасининг ўз ташқи сиёсати ва уни амалга ошириш институтлари бўлмаган. Шунинг учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ҳукуматимиз олдида шошилиш равишда муҳим ташқи сиёсий масалалар билан шуғулланиш, давлатлараро муносабатларни ташкил этиш ва халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш вазифаси турган эди.

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистоннинг Ташқи ишлар вазирлиги бўлгани билан, бироқ, амалда у бирон-бир масалани мустақил ҳал қила олмас эди. Ҳоят қисқа фурсатда Ўзбекистон Республикасида Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва бошқа қатор давлат бошқаруви органлари ташкил этилди, дипломатик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яратилди. Давлатимиз раҳбарининг шахсий ташаббуси ва бевосита иштирокида жаҳоннинг кўплаб давлатлари раҳбарлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди, дипломатик муносабатлар йўлга қўйилди. Мустақилликкача Ўзбекистонда бирорта ҳам хорижий давлат элчихонаси йўқ эди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 100 га яқин мамлакат элчихонаси ва савдо

ваколатхонаси, 50 дан зиёд давлатда Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари ишлаб турибди².

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни амалга оширишнинг дастлабки ҳуқуқий асосларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Халқаро Валюта Жамғармаси, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро тараққиёт ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликда Ўзбекистон Республикасининг аъзолиги тўғрисида”ги қонунини келтиришимиз мумкин³. Мазкур қонунда Ўзбекистоннинг бир қатор халқаро молиявий ташкилотларга аъзо бўлиб кириш борасидаги ҳуқуқий нормалар белгилаб қўйилди. Албатта, бу дастлабки қадамлардан бири эди.

Бугунги кунда эса, мамлакатимиз бу борадаги халқаро алоқаларини янада кенгайтирган ҳолда Ўзбекистон БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари, Халқаро Валюта Жамғармаси, Жаҳон банки, шунингдек Ислон конференцияси ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислон тараққиёт банки ҳамда бошқа бир қатор обрўли халқаро сиёсий, иқтисодий, молия ташкилотлари, дунёга машҳур фирма ва компаниялар билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни изчил ривожлантириб келмоқда⁴.

2001 йил 24 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг "Жаҳон банки гуруҳи ҳузуридаги Халқаро тараққиёт уюшмаси билан ҳамкорликнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги 185-сонли Қарори қабул қилиниб, Халқаро тараққиёт уюшмасининг 40 йилгача бўлган муддатга бериладиган 10 йилгача имтиёзли даврга эга бўлган имтиёзли фойзсиз кредитларидан фойдаланишнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгиланди:

² Ваҳобов А., Жумаев Н., Бурханов У. Халқаро молия муносабатлари. Дарслик–Т.: ТМИ, 2003. – Б. 304.

³ Интернет сайти: <http://www.mfer.uz/uz/international-cooperation/international-organizations/2244/>. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг расмий веб-сайтидан олинган маълумотлар.

⁴ Халқаро иқтисодий интеграция. Дарслик. Муаллифлар жамоаси (Назарова Г. ва бошқалар). Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.- Тошкент: Тафаккур, 2010. – Б. 264.

- ирригация-мелиорация тармоғини реконструкция қилиш ва самарадорлигини ошириш;
- электр энергетикада энергия ишлаб чиқарувчи қувватларни замонавийлаштириш;
- шаҳар ва қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш;
- ижтимоий инфратузилма (таълим, соғлиқни сақлаш)ни ривожлантириш⁵.

Таянч иборалар: халқаро савдо, ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт, савдо баланси, товарларнинг экспорт таркиби, хизматлар экспорти, капитал экспорт қилиш, бартер, компенсацион битимлар, клиринг операциялари, протекционизм, фритредерлик, жаҳон бозори, халқаро меҳнат тақсимоти, интеграция, глобализация, трансмиллий корпорациялар, халқаро иқтисодий муносабатлар, капиталнинг халқаро ҳаракати, жаҳон инфратузилмаси, бож иттифоқи, эркин савдо зоналари, тўлов иттифоқи, умумий бозор, валюта иттифоқи.

Назорат учун саволлар:

1. “Халқаро савдо” фани предмети.
2. “Халқаро савдо” фани моҳияти.
3. Халқаро савдо тушунчасига таъриф беринг.
4. Жаҳон бозори тушунчасига таъриф беринг.
5. Халқаро савдо ривожланишининг асосий босқичларини қанақа.
6. Ҳозирги босқичда товар муомаласининг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади.
7. Глобализация жараёнлари савдо муносабатлари ривожланишига қандай таъсир кўрсатади.
8. Ҳозирги кунда интеграцион жараёнларни чуқурлаштириш кераклигини нима билан асослаш мумкин.

⁵ Интернет сайти: http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=390993

9. Халқаро савдонинг вужудга келишининг асосий шарт-шароитларини кўрсатинг.
10. Халқаро савдо муносабатларининг ривожланиш босқичларининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат.

2-МАВЗУ. ХАЛҚАРО САВДОНИНГ РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯЛАРИ ВА МОДЕЛЛАРИ

- 1. Халқаро савдо концепцияси**
- 2. Халқаро савдонинг классик назариялари**
- 3. Халқаро савдонинг муқобил назариялари**
- 4. Рақобат устунлиги назарияси. “Голланд касаллиги”.**
- 5. Р.Верноннинг “маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли” модели. М.Познернинг “технологик узилиш” модели.**
- 6. Халқаро меҳнат тақсимотини тадқиқ этиш йўналишлари.**

1. Халқаро савдо концепцияси

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анъанавий ва энг ривожланган кўринишларидан бири халқаро савдо ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган халқаро иқтисодий муносабатлар умумий ҳажмининг 75-80%и ташқи савдонинг улушига тўғри келади.

Дунёда мавжуд бўлган ҳар қандай мамлакат учун халқаро савдонинг роли каттадир. Иқтисодчи олим Ж.Сакснинг фикрича “дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий муваффақияти ташқи савдода кўринади. Ҳозирги кунга қадар ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажралган ҳолда соғлом иқтисодиётни ҳосил қила олгани йўқ”.

“Ташқи савдо” деганда бир мамлакатнинг бошқа бир мамлакат билан ҳақ тўланадиган олиб кириши, яъни, импорт ва ҳақ тўланадиган олиб чиқиш, яъни, экспортдан иборат савдоси назарда тутилади. Дунёдаги барча мамлакатларнинг ҳақ тўланадиган товар айланмаси йиғиндиси халқаро савдо деб аталади. Халқаро савдо тушунчаси торроқ маънода ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, саноати ривожланган давлатларда товар айланмасининг йиғиндиси, ривожланаётган давлатларда товар айланмасининг йиғиндиси ва ҳ.к.

Эркин савдо ёки протекционизм сиёсатини танлаш ёки уни қандай бўлса шу ҳолда сақлаш олдинги асрларнинг характери эди. Бизнинг давримизда бу икки йўналиш ўзаро боғлиқдир. Аммо кўп ҳолларда уни бу қарама-қарши бирлик эркин савдо тамойилининг бош вазифасини бажаради.

Жаҳон иқтисодиётида эркин савдо сиёсатига биринчи бўлиб Адам Смит ўз таърифини берган эди. Адам Смит “айирбошлаш ҳар бир мамлакат учун фойдали бўлиб, ҳар бир мамлакат бунда мутлоқ устунликка эга бўлишини” таъкидлаган эди. Адам Смитнинг таҳлиллари классик назариянинг асоси бўлган ва эркин савдо сиёсатининг ҳар қандай шакли учун асос бўлиб келган.

Давид Рикардо “Сиёсий иқтисод ва солиқ солишнинг бошланиши” (1817йил) номли асарида боши берк кўчадан классик назарияни келтириб чиқарди. У халқаро ихтисослашув мезонларини ажратган ҳолда, давлатлар учун қандай ҳолатларда давлатлараро айирбошлаш манфаатли эканини кўрсатиб берди. Ҳар бир давлат учун устунлик қилган ёки кучсизлиги нисбатан камроқ бўлган соҳага ихтисослашиш манфаат келтиради деган фикрни берди. Унинг қарашлар концепцияси таққосланиши назарияси ёки принципида ўз аксини топди.

Д. Рикардо ўз таълимотида халқаро айирбошлаш барча давлатлар учун мумкин ва манфаатлигини, айирбошлаш барча учун фойдали бўлган нарх зоналарини аниқлаб берган бўлса, Джон Стюарт Милль ўзининг “Сиёсий иқтисод асослари”(1848йил) номли асарида қандай нархда айирбошлашни амалга оширилишини фойдали эканлигини кўрсатган эди. Стюарт Милльнинг таълимоти бўйича айирбошлаш нарҳи талаб ва таклиф қонунига кўра, ҳар бир давлатнинг ялпи экспорт миқдори ялпи импорт миқдорини қоплайдиган даража билан белгиланади. Джон Стюарт Милльнинг муҳим хизматларидан бири унинг халқаро нарх қонуни ёки “халқаро нарх назарияси”дир. Халқаро нарх қонунида таъкидланишича, шундай нарх мавжудки у давлатлар орасидаги товар айирбошлашни оптималлаштиради. Бу бозор нарҳи бўлиб, у талаб ва таклифга боғлиқдир.

Классик сиёсий иқтисодчиларнинг назариясини ривожлантириб Готфрид Хаберлер ўз қарашлар концепциясини нафақат меҳнатга, балки ишлаб чиқаришнинг барча омилларига эътиборни қаратган эди.

Халқаро савдо оқимини нима билан аниқланиши ва унинг таркибини Эли Хекшер ва Бертиль Олинлар ўзларининг замонавий қарашларида акс эттирдилар. Улар нисбий устунлик тушунасини изохлаб у ёки бу давлатнинг маълум бир товарларга ихтисослашишини уларнинг ишлаб чиқариш омилларига эгалик даражасига боғлиқдир дейилган эди. Э.Хекшер ва Б.Олин “нархларнинг ишлаб чиқариш омилларига тенглаштириш” назариясини илгари сурдилар.

1948 йилда Америкалик иқтисодчилар П. Самуэльсон ва В. Столпер ўз назарияларини киритиб Хекшер-Олин таълимотининг исботини янада мукаммаллаштириб, ишлаб чиқариш омилларида бири, техника асосан бир мукаммал рақобат ва товарларнинг тўла ҳаракатчанлиги мавжуд бўлганда халқаро айирбошлаш ишлаб чиқариш омилларидаги давлатлар орасидаги нархини тенглаштиради деган эди.





1-расм. Халқаро савдо назариялари.

2. Халқаро савдонинг классик назариялари

А. Смитнинг мутлақ устунлик назарияси

А.Смит моделини кўриб чиқаётганда таҳлил учун фойдаланиладиган баъзи шартларни келтириш талаб этилади:

- 1) Дунёда фақат иккита мамлакат мавжуд.
- 2) Мамлакатларда фақат иккита маҳсулот ишлаб чиқарилади.
- 3) Мамлакатлар орасида товарлар савдоси чеклашларсиз амалга оширилади.
- 4) Халқаро савдо мувозанатлаштирилган (импорт экспорт билан тўланади).
- 5) Фақатгина меҳнат товар баҳосига ва унумдорликка таъсир кўрсатади.
- 6) Ишлаб чиқариш омиллари мамлакат орасида кўчиб юрмайди.
- 7) Меҳнат ва маҳсулотни чиқиши орасидаги нисбат доимий.
- 8) Ишлаб чиқариш омиллари тармоқлар орасида мутлақ кўчиб юриши мумкин.
- 9) Ҳар икки мамлакатда ва икки тармоқда соф рақобат муҳити мавжуд бўлади.

Д. Рикардонинг қийёсий устунлик назарияси

А.Смитнинг мутлақ устунлик назариясида бирор-бир давлатнинг ҳамма товарлар бўйича мутлақ устунликка эга бўлган ҳолати кўриб чиқилмаган эди. Бу ҳолатни эса Давид Рикардо ўзаро манфаатли савдонинг ва халқаро ихтисослашувнинг умумийроқ (А.Смитнинг моделини хусусий ҳол сифатида ўз

ичига олувчи) тамойилини шакллантирган «Сиёсий иқтисоднинг ва солиққа тортишнинг бошланиши» (1819 йил) асарида кўриб чиқди.

Д.Рикардо халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўзига хослигини таъкидлаб, А.Смитнинг тамойилини амал қилмаслиги ўзаро манфаатли савдога тўсқинлик бўла олмаслиги кўрсатиб берилган моделни яратди. Д.Рикардо қиёсий устунлик қонунини яратди, яъни давлат ишлаб чиқаришда энг юқори мутлақ устунликка эга бўлган (агар у ҳар икки товар бўйича мутлақ устунликка эга бўлса) ёки энг кам мутлақ устунликка эга бўлган (агар у бирорта товар бўйича ҳеч қандай устунликка эга бўлмаса) товарлар экспортига ихтисослашиши керак.

Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси

Ишлаб чиқариш омиллари билан нотекис таъминланганлиги назарияси халқаро савдо учун асос сифатида бир-бири билан ўзаро боғлиқ икки теорема кўринишида ифодаланиши мумкин: Хекшер-Олин теоремаси ва ишлаб чиқариш омиллари нархининг мувозанатлашуви теоремаси.

Хекшер-Олин назарияси (Heckscher—Ohlin Theorem) — ҳар бир мамлакат ўз ишлаб чиқаришларида нисбатан катта ҳажмга эга бўлган омилларни талаб этувчи маҳсулотларни устун даражада ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ихтисослашади, бинобарин, бу мамлакатлар миллий хўжалик нуқтаи назаридан нисбатан камчил омиллар билан таъминланган товарларни импорт қиладилар.

Ҳақиқий оламда ишлаб чиқариш омиллари нархи умуман мувозанатлашмаган. Мисол учун турли мамлакатларда меҳнатга тўланадиган иш ҳақи улар ўртасида фаол савдо алоқалари олиб борилишига қарамай сезиларли фарқ қилиб келмоқда. Бунинг бош сабаби юқорида олдиндан қабул қилинган шартлардир:

- Ҳар икки товар ҳар икки мамлакатда ишлаб чиқарилиши назарда тутилган.
- Савдо олиб боровчи мамлакатларда технология бир хил деб фараз қилинган.

- Ишлаб чиқариш омиллари ва товарлар мамлакат ичида тўлиқ ҳаракатчан деб фараз қилинган.

- Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати мавжуд эмас деб фараз қилинган.

- Ишлаб чиқариш омиллари нархининг мувозанатлашуви теоремаси барча чекланишлари ва камчиликларига қарамасдан, халқаро иқтисодиёт таҳлилида муҳим аҳамият касб этади.

Баъзи эмпирик тестлар назарияни тасдиқлар, бошқалари рад этар эди. Хекшер-Олин-Самуэльсон хулосаларини рад этган тадқиқотларнинг энг машҳури 1953 йилда келиб чиқиши Россиядан бўлган америкалик олим Василий Леонтьев томонидан амалга оширилган.

Леонтьев, Хекшер-Олин назариясига мувофиқ, экспорт товарлар импорт ўрнини босувчи товарларга (деярли АҚШ импорти) нисбатан ҳар бир ишчи кучи ҳисобига кўпроқ капитал талаб қилишини кутган эди. Натижа бунинг қарама-қаршиси бўлиб чиқди: АҚШ импортининг капитал сиғимлилиги унинг экспорти капитал сиғимлилигидан 30 фоизга кўп чиқди, бу эса АҚШ капитал сероб бўлган мамлакат эмас, балки меҳнат сероб мамлакат эканлигидан далолат берарди, ушбу ҳолат мавжуд тасаввурларга умуман мос келмас эди.

Леонтьев парадокси (Leontief paradox) — бу Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясининг амалда бажарилмаслиги – меҳнат сероб мамлакатларнинг капитал сиғимли, капитал сероб мамлакатларнинг меҳнат сиғимли товарларни экспорт қилишидир.

Ишлаб чиқариш омиллари реверси: бир товар меҳнат сероб мамлакатда меҳнат сиғимли, капитал сероб мамлакатда капитал сиғимли бўлиши мумкин. Масалан, капитал сероб саналган АҚШда етиштирилган гурунч юқори технология воситасида ишлаб чиқарилгани боис капитал сиғимли ҳисобланса, Вьетнамда етиштирилган гурунч меҳнат сиғимлидир, чунки у асосан қўл меҳнати ёрдамида тайёрланади.

3. Халқаро савдонинг муқобил назариялари

Охирги ўн йилликларда жаҳон савдосида халқаро савдонинг классик назариялари билан тушунтириб бўлмайдиган сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Бундай вазиятнинг юзага келиши мавжуд назарияларни ривожлантиришни ва шунингдек муқобил назарий концепцияларни ишлаб чиқишга даъват этади. *Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назарияси*. 60-йилларнинг ўрталарида америкалик иқтисодчи Р.Вернон маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назариясини олға сурди. Ушбу назариясида Р. Вернон тайёр маҳсулотлар жаҳон савдосининг ривожланишини уларнинг ҳаётий босқичлари асосида, яъни маҳсулот бозорда ҳаётга эга ва сотувчининг ўз мақсадларига эришишини таъминлаши вақт даври асосида тушунтиришга ҳаракат қилди. *Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври тўртта босқични ўз ичига олади, яъни тадбиқ этиши, ўсиши, етуклик ва пасайиши*.

Биринчи босқичда мамлакат ичида юзага келган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда янги маҳсулотни ишлаб чиқариш юз беради. Шунинг учун ушбу босқичда янги маҳсулотни ишлаб чиқариш кам серияли характерга эга бўлади, юқори малакали мутахассисларни талаб этади ҳамда янглик кашф этилган мамлакатда концентрацияланади. Ишлаб чиқарувчи эса деярли монопол даврга эга бўлади ва маҳсулотнинг кичик қисмигина иқтисодий бозорга чиқарилади.

Етуклик даврида кўп серияли ишлаб чиқариш олдинги ўринга чиқади. Рақобат курашида эса нарх омили бирламчи аҳамият касб эта бошлайди. Ушбу босқичда бозорларнинг кенгайиб бориши ва технологиянинг тарқалиши натижасида янглик кашф этилган мамлакат рақобат устунлигига эга бўлмай қолади. Ишлаб чиқариш ишчи кучи арзон бўлган ривожланаётган мамлакатларга кўча бошлайди. Стандартлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларида арзон ишчи кучидан самарали фойдаланиш мумкин.

Маҳсулот ҳаётийлик даври пасайиш босқичига ўтиши муносабати билан унга бўлган талаб қисқаради. Бу ҳолат айниқса ривожланган мамлакатларда кузатилади. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш асосан ривожланаётган мамлакатларда тўпланади. Маҳсулот яратилган мамлакат эса соф импортёрга

айланади.

Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври назарияси кўпчилик тармоқлар эволюциясини ифодалаб беради, аммо ушбу назария халқаро савдо ривожининг тенденцияларининг универсал таърифи ҳисобланмайди.

Миқёс таъсири назарияси. 80-йилларнинг бошларида П. Крюгман, К. Ланкастер ва айрим бошқа иқтисодчилар классик назарияга муқобил равишда, миқёс таъсирига асосланган халқаро савдо назариясини таклиф этдилар. «Микроиқтисодиёт» курсидан яхши маълум бўлган миқёс таъсири тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, аниқ бир яратилган технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда маҳсулот чиқариш хажми ўсган сари узоқ муддатли ўртача харажатлар қисқаради, яъни оммавий ишлаб чиқариш натижасида иқтисоди қилиш ҳолати юзага келади.

Мазкур назария муаллифларининг нуқтаи назарига кўра кўпгина мамлакатлар (хусусан саноати ривожланган) асосий ишлаб чиқариш омиллари билан бир бирига яқин бўлган нисбатда таъминланганлар. Ушбу шароитда улар учун миқёс таъсирига эга тармоқларга ихтисослашган ҳолда ўзаро савдо алоқаларини йўлга қўйиш манфаатли ҳисобланади. Бундай ихтисослашиш ишлаб чиқариш хажмининг ошишига, маҳсулотни энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришга ва натижада унинг нархи паст бўлишига имкон беради. Оммавий ишлаб чиқариш таъсири амалга ошиши учун етарли даражада кенг бозор талаб этилади. Халқаро савдо эса бунда хал қилувчи ролни ўйнайди. Чунки у маҳсулот сотилувчи бозорларни кенгайтишига имкон яратади. Бошқа сўзлар билан айтганда, халқаро савдо ягона интеграциялашган бозорни вужудга келтиради ва бу эса ўз навбатида алохида олинган мамлакат бозоридан кўра истеъмолчиларга кўпроқ миқдордаги маҳсулотни арзонроқ нархда таклиф қилиш имкониятини туғдиради.

Бироқ шулар билан бир қаторда миқёс таъсирининг амалга оширилиши соф рақобат муҳитининг бузулишига олиб келиши мумкин. Чунки у ишлаб чиқаришнинг концентратциялашуви, фирмаларнинг йириклашуви, уларнинг монополга айланиши билан боғлиқ.

4. Рақобат устунлиги назарияси. П.Самуелсон ва Р.Джонсларнинг “махсус ишлаб чиқариш омиллари” назарияси. “Голланд касаллиги”.

Мамлакатларнинг рақобатбардошлик назарияси. Бу назариянинг асосчиси америкалик иқтисодчи олим М.Портердир. XX аср 80-йилларининг охирида бу олим жаҳон экспортининг 50% тўғри келувчи 10 та мамлакатдаги 100 га яқин тармоқларни ўрганиб чиқди. Бу изланишлар натижасида М.Портер ўзига хос назария яратди. Бу назарияга биноан мамлакат фирмалари фаолият олиб борувчи рақобатбардош муҳитни иқтисодиётнинг 4 та муҳим кўрсаткичи шакллантиради:

- ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик;
- талаб кўрсаткичлари;
- яқин ва хизмат кўрсатувчи (ёрдам берувчи) тармоқлар;
- рақобат муҳити ва фирма стратегияси.

Ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик – ишлаб чиқариш омилларини мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигига таъсир кўрсатишини ўрганиб бориш жараёнида, М.Портер одатдаги ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат, ер, капитал, тадбиркорлик қобилияти) билан бирга илмий-техник ва бозор таркибининг ахборот билан таъминланганлик даражаси; транспорт, соғлиқни сақлаш ва алоқа тизимларининг ҳолатини ҳам ишлаб чиқариш омили сифатида кўриб чиққан. М.Портер бошқа иқтисодчилардан фарқли равишда, мамлакат ишлаб чиқариш омилларининг кўпини мерос сифатида эмас, балки ўзининг ишлаб чиқаришни кенгайтириб бориши жараёнининг натижаси сифатида қўлга киритади, деб ҳисоблайди. Мисол учун ер тақчиллиги сабабли Япония кўп жой эгалламайдиган технологик жараёнларни кашф этди.

М.Портер фикрига кўра, рақобатбардошлик – бу мамлакатнинг шарт-шароити билан фирмалари стратегиясининг мутаносиблиги натижасидир. Фирма халқаро миқёсда рақобатбардош бўлиши учун мамлакатда шарт-шароит бор бўлиши мумкин, аммо фирма бу шарт-шароитдан тўғри фойдаланишни билиши керак, яъни кўп нарса фирманинг стратегиясига боғлиқ.

Талаб кўрсаткичлари – бунга, биринчи навбатда, талабнинг сиғимкорлиги, унинг ривожланиш йўналиши, талабнинг товарлар турига кўра табақаланиши, истеъмолчиларнинг товар ва хизмат сифатига талабчанлиги киради. Товарлар халқаро савдога чиқишдан олдин ички бозорда, маҳаллий истеъмолчилар синовидан ўтиши керак. Мисол учун, Япон фирмалари энергияни тежайдиган кичик кондитсионерларни олдин фақат ички истеъмолчилар учун ишлаб чиқарган ва кейинчалик бу кондитсионерлар халқаро бозорга чиққан.

Яқин ва ёрдам берувчи (хизмат кўрсатувчи) тармоқлар – экспортёр фирмаларни керакли материаллар – яримфабрикатлар, қўшимча қисмлар ва ахборот билан таъминловчи қардош ва қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг юқори ривожланишга эгаллиги экспортёр фирманинг халқаро миқёсда рақобатбардош бўлишини таъминлайди. Мисол учун, заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Италия фирмалари ривожланмоқда, бунинг асосида қимматбаҳо тошлар ва металлларга ишлов берувчи техника ишлаб чиқариш бўйича Италия дунёда етакчи мамлакат эканлиги ётади.

Рақобат муҳити ва фирма стратегияси. М.Портер битта миллий фирма кўлида ишлаб чиқаришнинг концентратсиялашувини ижобий натижага олиб келишини инкор этади, айниқса, бу фирма давлат ҳимоясида бўлса. Одатда, бу фирмалар паст даражадаги самарадорлик ва меҳнат унумдорлигига эга бўлишади. Ички бозордаги кучли рақобат миллий фирмани ташқи бозорга йўл қидиришга мажбур этади.

Ички бозордаги рақобат курашида тобланган фирма ўз тажрибасини рақобат янада кучлироқ бўлган халқаро бозорда қўллайди. Ички кураш қанчалик оғир кечган бўлса, бу фирма халқаро бозорда муваффақиятга эришиш имконияти шунчалик катта.

М.Портер рақобат глобал кўринишда бўлиши керак деб ҳисоблайди. Фирма ўз товарини фақат ички бозорда эмас, балки бутун жаҳон бўйлаб сотишга ҳаракат қилиши керак. Бунда фирманинг стратегияси катта аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бирга битта универсал стратегияни келтириш мумкин эмас. Мисол учун мебел ва оёқ-кийим ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи

бўлган Италия фирмалари қатъий бошқарув тизимига эга эмас. Оптика ва машина ишлаб чиқаришда дунёда етакчилик қилувчи Германия фирмалари одатий марказлашган, қатъий бошқарув тизимига эга.

Мамлакатни халқаро миқёсда рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи асосий 4 та кўрсаткичдан ташқари бошқа омиллар ҳам бор. Бу омиллар каторида М.Портер тасодифий ҳодисаларни ҳам келтиради. Тасодифий ҳодисалар ҳукумат ва фирмалар фаолиятига унчалик боғлиқ бўлмаган ҳодисалардир. Улар мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириши ҳам, пасайтириши ҳам мумкин. Тасодифий ҳодисаларга янги кашфиётлар, йирик технологик силжишлар, ресурслар нархларининг кескин ўзгариши жаҳон молия бозорларидаги кескин ўзгаришлар, урушлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

П.Самуелсон ва Р.Джонсларнинг “махсус ишлаб чиқариш омиллари” назарияси.

П.Самуелсон ва Р.Джонс ўзларининг “Махсус ишлаб чиқариш омиллари” назарияларида Хекшер-Олин назариясини кенгайтиришга ҳаракат қилишган. Хекшер-Олин назариясида ишлаб чиқариш омилларининг фақат икки хил тури – капитал ва меҳнат инобатга олинган бўлса, “Махсус ишлаб чиқариш омиллари” назариясида ушбу омиллар сони учтага етказилди, булар капитал, меҳнат ва ер омилларидир. Бундан ташқари, Самуелсон-Джонс назариясида ишлаб чиқариш омилларини икки гуруҳга бўлиш таклиф этилади:

1. Ишлаб чиқаришнинг махсус омиллари – муайян тармоқларда кенг қўлланилувчи ва бошқа тармоқларда эса деярли қўлланилмайдиган ишлаб чиқариш омиллари. Ушбу омиллар фақат бир тармоққа тегишли бўлганлиги учун тармоқлараро кўчиб юрмайди. Мисол учун капитал саноат тармоқларида кенг қўлланилади, қишлоқ хўжалигида эса унинг аҳамияти юқори эмас. Чунки қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш омилларининг реверс самараси юқори бўлганлиги капитал ўрнига меҳнат ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятини беради. Бошқа тарафдан юқори унумдорликка эга бўлган ер қишлоқ хўжалиги учун махсус омил бўлади. Чунки саноатда ернинг унумдорлик даражаси ҳеч қандай аҳамият касб қилмайди.

2. Ҳаракатчан омил – ҳамма тамоқларда кенг қўлланилувчи ва шу сабабли тармоқлараро эркин ҳаракатланувчи ишлаб чиқариш омили. Бу омилга мисол қилиб меҳнат ресурсларини келтириш мумкин. Мисол учун, агар ишчи кучи саноат корхонасида ўз иш жойини йўқотиб қўйса, у қишлоқ хўжалигига бориб ишлаши мумкин ва аксинча. Бундай ҳолатлар жаҳон хўжалигида кўп кузатилади. Ишчиларнинг қишлоқ хўжаликларидан саноат тармоқларига ўтиши натижасида жаҳон хўжалигида урбанизатсия жараёни ривожланиб келмоқда.

Махсус ишлаб чиқариш омиллари назарияси – халқаро савдо ривожланишининг объектив асосини ички нисбий нархларни бир-биридан фарқ қилиши ташкил этса, бу ҳолатнинг асосий сабаби мамлакатларнинг махсус ишлаб чиқариш омиллари билан турлича таъминланганлигидан иборатдир. Мамлакатнинг халқаро савдода иштирок этиши натижасида экспорт тармоқлари учун махсус бўлган омиллар ривожланади, импорт билан рақобатлашувчи тармоқ учун махсус бўлган омил камаяди.

Халқаро савдо турли хил ишлаб чиқариш омилларига турлича таъсир кўрсатиши – бу омил эгаларини турмуш фаровонлигини халқаро савдога боғлиқ эканлигини англатади. Шу сабабли кўплаб иқтисодчи олимлар халқаро савдонинг аҳоли даромадига таъсирини ўрганишган. Бу борадаги асосий назарияларга қуйидагилар киради:

1. Хекшер-Олин-Самуелсон назарияси – халқаро савдо мамлакатларда гомоген ишлаб чиқариш омиллариининг мутлоқ ва нисбий нархларининг мувозанатлашувига олиб келади. Бу эса гомоген ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг даромадлари ҳам мувозанатлашишини англатади.

2. Самуелсон-Джонс назарияси – мамлакатнинг халқаро савдода иштирок этиш натижасида экспорт тармоқлари учун махсус бўлган омил эгаларининг даромади кўпаяди ва импорт билан рақобатлашувчи тармоқ учун махсус бўлган омил эгаларининг даромади камаяди.

3. Столпер-Самуелсон назарияси – халқаро савдо таъсирида нархи ўсадиган товарни ишлаб чиқаришда нисбатан интенсив фойдаланиладиган

омилнинг нархи ҳам ўсади ва аксинча, нархи пасайган товарни ишлаб чиқаришда нисбатан интенсив фойдаланиладиган омилнинг нархи ҳам пасаяди.

Демак, халқаро савдо мамлакатларнинг ялпи даромадига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга айрим омил эгаларининг турмуш фаровонлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин экан. Шу сабабли мамлакатнинг халқаро савдода иштирок этишдан олиши мумкин бўлган фойда – бу мамлакатнинг халқаро савдо алоқаларида эгаллаган ўрнига боғлиқ экан.

“Голланд касаллиги”.

Мамлакатнинг халқаро савдода рақобатбардош бўлиши унинг ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлигига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш омиллари таклифининг ўзгариши мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига қандай таъсир кўрсатиши кўп жиҳатдан Т.Рибчинский томонидан ўрганилган.

Т.Рибчинский назариясига мувофиқ, ишлаб чиқариш омилларида нотекис фойдаланиш турли оқибатларга олиб келади. Мазкур омиллардан бирининг устун даражада ишлаб чиқаришга қўлланилиши ушбу омилдан доимий равишда фойдаланиладиган иқтисодий сектор улушининг ортишига олиб келади. Бу эса барқарор дунё нархлари шароитида бошқа секторларда товар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлади. Чунки, арзон ишлаб чиқариш омилидан интенсив равишда фойдаланилаётган сектор томон бошқа секторлардан барча ҳаракатчан ишлаб чиқариш омиллариининг оқиб ўтиши юз беради. Инглиз иқтисодчиси Т.Рибчинский 1955 йилда мазкур қонуниятга асосланиб ўз назариясини яратди.

Т.Рибчинский назарияси – барқарор нархлар ва иқтисодиётда фақат иккита секторнинг мавжудлиги шароитида ишлаб чиқариш омилларида бирининг таклифининг кўпайиши ушбу омилдан интенсив фойдаланиладиган тармоқларда ишлаб чиқаришнинг ҳажмини ва бу тармоқ корхоналари оладиган даромаднинг кўпайишига олиб келади, бошқа секторда эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ва олинадиган даромаднинг камайишига олиб келади.

Т.Рибчинский назариясига мувофиқ, янги қазилма бойликларнинг топилиши (масалан, нефт ва газ) бошқа тармоқларнинг (хусусан, қайта ишлаш

саноати) ривожланишини пасайтириб қўйиши мумкин. Аксинча, ташқи савдо жадал суръатларда ривожланаётган иқтисодиётда ишчи кучи малакасининг ортиб бориши ва фаол капитал қўйилмалар хомашё қазиб олишнинг қисқаришига ва унинг импортга боғлиқлигининг кучайишига олиб келиши мумкин.

Бу назария амалиётда ҳам ўз тасдиғини топди. Т.Рибчинский томонидан аниқланган тамойиллар АҚШ иқтисодий ривожланиш жараёнида ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг тармоқ таркибида намоён бўлди. АҚШ минерал хомашёнинг нетто-экспортёридан нетто-импортёрига айланди. Рибчинский назариясининг амалиётда Канада, Буюк Британия, Голландия, Норвегия каби давлатларда минерал хомашё ресурсларини (газ, нефт) қидириш қайта ишлаш саноати ва бу тармоққа тегишли маҳсулотларни экспорт қилишнинг қисқариши эвазига ривожланганлиги билан ўз тасдиғини топган.

Голландиянинг деиндустриаллашуви, яъни “голланд касаллиги” номини олган ҳодиса Рибчинский назариясига яна бир мисол бўлади. Бу муаммо Шимолий денгизда Голландия томонидан табиий газ конларининг фаол ўзлаштирилиши билан боғлиқ эди. Табиий газни ўзлаштиришнинг ошиб бориши ишчи кучини экспортга йўналтирилган қайта ишлаш саноати тамоқларидан нефт ва газни қазиб олиш тармоғига кўчишига олиб келди. Шу сабабли Голландиянинг саноат маҳсулотлари экспорти кескин қисқарди. Бу вазиятни Рибчинский назариясини қўллаш орқали олдиндан аниқлаш ва унинг олдини олиш мумкин бўлганди. Аммо Голландия ҳукуматининг самарасиз тармоқ сиёсатини олиб бориши натижасида қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқариш ҳажми қисқарди.

5. Р.Верноннинг “маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли” модели.

М.Познернинг “технологик узилиш” модели.

Класцикларнинг қиёсий устунлик назариясида баъзи бир саволлар ўз ечимини топмаганлиги (масалан, экспорт тузилмаси динамикаси қонуниятлари қандай, нега бир хил тармоқлар олдинга силжиса, иккинчиси орқага сурилиб кетади) халқаро меҳнат тақсимоти муаммосига бўлган янги ёндашувларнинг

келиб чиқишини тақозо этди. Шундай ёндашувлардан бири “Маҳсулотнинг ҳаётий цикли” концепсияси ҳисобланади. Бу назарияни ишлаб чиқишда **М.Познер, Г.Хуфбаужр, Л.Уеллс** ва бошқа иқтисодчилар қатнашди. Лекин биринчи марта бу назариянинг таснифий баёни 1966 й. атоқли Америка олими Р.Варроннинг **“Маҳсулотнинг ҳаётий цикли нуктаи назаридан кўрилган халқаро инвестициялар ва халқаро савдо”** мақоласида эълон қилинган. АҚШ экспорт тузилмасини таҳлил қилиш натижалари мазкур назариянинг яратилишига бевосита тўртки бўлади. Таҳлил натижалари жаҳон бозорида рақобатбардошлик асосини ташкил этувчи тармоқлар мажмуининг ўзгариб туришини кўрсатиб берди. XX аср бошига келиб бундай тармоқлар жумласига тўқимачилик ва ўрмонтахник саноати, қора металлургия, машинасозлик киритилган. 30-чи йилларнинг охирига келиб тармоқлар мажмуи ва тартиби ўзгарди (биринчи ўринга машинасозлик чиқди, озиқ-овқат саноати илғор экспорт қилувчи тармоқлар қаторига қўшилди), 60-чи йилларнинг бошига келиб эса, транспорт воситаларини, асбоб-ускуналарни, кимёвий товарларни, электр ускуналарини ва бошқа машиналарни ишлаб чиқариш тармоқлари Американинг асосий экспорт қилувчи тармоқлари мажмуини ташкил этди.

Урушдан кейинги ташқи савдо тузулмаси таҳлили натижалари экспорт тармоқларида илмсиғимли маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган тармоқларнинг роли ортиб бораётганлигини аниқлаб берди. Шу сабабли “Илмсиғимли тармоқлар” атамаси киритилиди. Ҳозир илмсиғимли тармоқлар олдинги қаторга кўтарилиди ва улар мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобат қудратини белгилаб бермоқда.

“Илмсиғимли” атаманинг муомилага киритилиши ишлаб чиқариш омиллари тўғрисидаги тушунчани қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Илмсиғимли маҳсулот - меҳнат сиғимли маҳсулотнинг ўзгарган шаклидан бошқа нарса эмас. Кўпчилик илмий – техник ходимлари (барча ёлланма ишчиларнинг 50 фоизига яқини) иш ҳақининг юқорилиги ва кўп сонли юқори малакали ишчиларининг мавжудлиги туфайли илмсиғимли маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги умумий сарфларда ишчи кучига тўғри келадиган сарфлар

хиссаси ҳам юқори. Бундан ташқари турли ишлаб чиқариш босқичларида ҳар бир ёлланма меҳнат эгасининг ҳиссаси ҳам ҳар хил бўлади. Демак, меҳнат омилини таркибий тузилиши жихатдан бир хил деб қараган Хекшер-Олин назариясини қўллаш хатодан ҳоли эмас. Шу боис “маҳсулотнинг ҳаётий цикл” назарияси муаллифлари меҳнатни бир қанча турларга ажратади: юқори малакали меҳнат, бошқарув меҳнати, малакасиз меҳнат ва б. Шундай қилиб, икки омилли модел кўп омилга айланди, яъни капитал омили билан бирга меҳнатнинг ҳар хил турлари амал қилади.

Ҳар бир омилни аҳамиятининг ўзгаришига мувофиқ равишда ишлаб чиқаришнинг уч фазага (улар “маҳсулотнинг ҳаётий цикли”га мос тушади) бўлиниши мазкур назариянинг келиб чиқишига яна бир сабаб бўлди.

Биринчи фазада – янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий этишда – ютуқ энг аввало фан-техника даражасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун юқори малакали меҳнат асосий омил бўлиб хизмат қилади. Иккинчи ўринда бошқарув меҳнати туради, унинг асосий вазифаси товарларни кенг миқёсда ишлаб чиқаришга ўтишнинг энг қулай йўлини қидириб топиш ҳисобланади, мазкур босқичда ишлаб чиқариш кичик кўламда олиб борилиши туфайли капитал охирги ўринда қолади. “Маҳсулотнинг ҳаётий цикли” назариясига кўра, янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий этиш энг кучли илмий кадрлар ва юқори малакали ишчи кучи тўпланган ривожланган мамлакатларда амалга оширилади.

Иккинчи фазада оммавий ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бундай ишлаб чиқариш индустриал база қувватига, ишлаб чиқариш стратегиясига боғлиқ бўлади. Бунда капитал ва бошқарув меҳнати асосий рол ўйнайди. Юқори малакали меҳнат эса, энди фақат технологик ишлаб чиқаришнинг муайян суръатини ушлаб туриш вазифасини ўтайди, ўрта ва паст малакали ишчилар меҳнати билан бирга иккинчи ўринни эгаллайди. Демак, фан-техника жихатдан етакчи бўлмаган, лекин ортиқча капитали кўп бўлган ўртача ривожланган мамлакатларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иккинчи “ҳаётий цикли” давом этади.

Учинчи фаза учун бир хил технологик асосда маҳсулотларни оммавий тарзда ишлаб чиқариш хос. Малакасиз меҳнат биринчи ўринга сурилади, у ўз мавқеини сақлаб қолган капитал билан бир қаторда туради. Олимлар, муҳандислар ва менежерлар меҳнатининг аҳамияти кескин пасаяди. Бундан шу нарсани кўриш қийин эмаски, бу фазада маҳсулот ишлаб чиқариш соддалашиб, малакасиз ишчилар захираси кўп бўлган ривожланаётган мамлакатларда оммавий тус олади.

Кейинчалик мазкур маҳсулотга талаб ва уни ишлаб чиқариш пасаяди, натижада унинг ўрнини қопловчи янги маҳсулот ишлаб чиқариш фазаси қайтадан бошланади.

М.Познернинг “технологик узилиш” модели.

Бир қатор иқтисодчи олимлар мамлакатнинг халқаро савдода тутган ўрнини технологик тараққиёт орқали тушунтиришга ҳаракат қилишди. Улар орасида М.Познер ажратиб кўрсатиш мумкин.

Америкалик иқтисодчи Майкл Познер 1961 йилда халқаро савдони технологик тараққиёт билан боғлиқлигини очиб беришга ҳаракат қилди. Бу олим томонидан технологик узилиш модели ишлаб чиқилди.

М.Познернинг “технологик узилиш” моделига мувофиқ мамлакатнинг янги технологияни яратиши унга ушбу технология асосида товар ишлаб чиқаришда ва бу товарни жаҳон бозорида сотишда вақтинчалик монополияга эга бўлади. Бу эса, мамлакат бошқа ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлигида устунликка эга бўлмаса ҳам жаҳон бозорида етакчи экспортёрга айланиши мумкинлигини англатади.

М.Познернинг ушбу модели бошқа америкалик иқтисодчи Раймонд Вернон томонидан ривожлантирилди. 1966 йилда Р.Верноннинг “маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли” моделига бағишланган мақоласи чоп этилди.

6. Халқаро меҳнат тақсимотининг тадқиқий йўналишлари

Халқаро меҳнат тақсимоти тадқиқотлари бўйича танқидий йўналишнинг келиб чиқиши одатда **аргентиналик Р.Пребиш ва америкалик Г.Зингер** номи билан боғлаб тушунтирилади. Улар ҳақиқатдан ҳам биринчи бўлиб

халқаро меҳнат тақсимотининг ўзаро фойдали характери тўғрисидаги тезисга қарши чиққан ва саноати ривожланган мамлакатлар аграр мамлакатлар ҳисобига бойиб боришини кўрсатиб берган тадқиқотчилар ҳисобланади. Лекин айнан шундай ғояларни бошқа атоқли иқтисодчилар – **шветсиялик Г.Мюрдал, англиялик Т.Балог, франсиялик Ф.Перру, бразилиялик С.Фуртадо, америкалик У.Люис ва Хиршманлар** ҳам илгари сурган. Бу иқтисодчиларнинг “Қиёсий устунлик назарияси”га танқидий қарашлари асосан унинг методологиясига қаратилган. Уларни мазкур назариядаги иккита жиҳат қаноатлантирмаган.

Биринчидан, “Қиёсий устунлик назарияси” мувозанатлик принципи асосида қурилган. Унинг тарафдорлари тадқиқотида иқтисодий жараёнлар маятник ҳаракатига ўхшатилади, яъни мувозанат кучларининг бузилиши эртами, кечми унинг аввалги ёки анча юқори даражада қайта тикланиши билан тугалланади. Ҳақиқатда эса ундай эмас, деб ҳисоблайди юқорида кўрсатилган иқтисодчилар ва мувозанатлик ёндашувига кумулятив (ҳаракатнинг бир томонга йўналтирилиши) принципини қарши қўяди. “Агар бир омил ўзгарса, - деб ёзади Г.Мюрдал, - унда иккинчи бир омилда албатта ўзгариш бўлади. Натижада ўзаро таъсир кўрсатишнинг кумулятив жараёни кучайди... ёки қандайдир бир омилнинг ўзгариши, қандай сабабдан бўлишидан қатъий назар, кумулятив самаранинг ялпи таъсири туфайли барча тизимни муайян йўналишда ҳаракатга келтиради”. Бошқача қилиб айтганда, бузилган мувозанат автоматик тарзда қайта тикланмайди, балки намувозанатликни кучайтирувчи ва тизимда сифат ўзгаришига олиб келувчи кучларни келитириб чиқаради.

Т.Балогнинг “Тенг ҳуқуқли бўлмаган шериклар” асарида номувозанатликнинг кучайиши тўғрисида сўз юритилади. Унда халқаро савдо жараёнида ривожланган ва қалоқ мамлакатлар ўртасидаги узулишнинг кучайиб бориши, бундай савдо иштирокчи мамлакатлар иқтисодиётини ўзаро тўлдириб боришига таъсир кўрсатмаслиги, балки даромадлар ва ресурсларни жамғариш ва тақсимлаш имкониятларидаги кумулятив тенгсизликнинг кучайишини келитириб чиқариши кўрсатиб берилади. Гарчи халқаро савдо натижасида

жаҳон даромадлари кўпайиб бориши мумкин бўлса-да, шунга қарамай, камбағал ҳудудларнинг қошшоқлашуви кучайиб бормоқда. Анча ривожланган мамлакатларга келсак, савдо уларнинг ресурсларини кўпайтириб, устунлигини яна ҳам оширмоқда.

Т.Балогнинг мулоҳазаларини мантиқан охирига етказган С.Фуртадо ҳисобланади. Унинг фикрига кўра, халқаро иқтисодий муносабатларда тенгсизлик ҳуқуқи шу даражага бориб етдики, ривожланаётган мамлакатларни хўжалик субъектлари сифатида гапириш бирон маъно касб этиши қийин. Халқаро миллий корпоратсияларнинг пайдо бўлиши билан қолоқ мамлакатлар ўз моҳиятига кўра иқтисодий суверенлигини йўқотди, жаҳон капиталистик хўжалигининг “карам подсистемасига” айланди. Фуртадо қайд қилиб ўтганидек: “Қолоқ иқтисодиётда ривожланиш кўпинча хорижий корхоналарнинг кенг тарқалишига боғлиқ бўлади ва шу маънода бундай ривожланиш “халқаро” ҳисобланади. Ушбу хорижий корхоналарнинг фаолияти кўрилатган подсистема ташқарисида қабул қилинадиган қарорларга асосланади”.

Қиёсий устунлик назарияси методологияси танқидининг иккинчи, асосий йўналиши иқтисодиётнинг ижтимоий ўлчамига қаратилган. Халқаро меҳнат тақсимотининг “неоклассик концепсияси” тарафдорлари ҳам, “маҳсулотнинг ҳаётий цикл” назариячилари ҳам хўжалик юритишнинг ижтимоий масалаларини назардан четда қоладиришган. Ижтимоий масалалар эса, танқидий йўналиш вакилларининг таъкидлашича, “соф иқтисодий” фаолиятга ўзига хос тарзда таъсир кўрсатади. Юқорида айтилганларни У.Люс қуйидаги мисолда тасдиқлаб беради.

Икки мамлакат – ривожланган ва қолоқ – тайёр маҳсулот ва хом ашё айирбош қиляпти деб фараз қиламиз. Агар “соф” неоклассик назария нуқтайи назаридан олиб қарасак, унда айирбошлаш шакл-шубҳасиз ўзаро фойдали деб тан олинади. Лекин кам ривожланган иқтисодиётнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб салгина ўзгартириш киритсак, хулоса бутунлай бошқача чиқади. Кўпчилик қолоқ мамлакатларда жуда паст меҳнат унумдорлигига асосланган

анча кўп натурал хўжалик сектори амал қилади. У ерда иш ҳақи паст бўлганлиги сабабли ортиқча ишчи кучи экспорт секторига доимо оқиб ўтади. Шунинг учун ривожланаётган мамлакатлар экспорт секторида унумдорлик қанчалик ошмасин, ундаги иш ҳақи даражаси барибир натурал хўжаликдаги паст меҳнат унумдорлиги билан аниқланади. Модомики экспорт сектор тадбиркорларнинг фойдаси, У.Люс бўйича, халқаро миқёсда тенглашар экан, меҳнат унумдорлигининг ўсиши натижаларидан ривожланган мамлакатлар истеъмолчилари фойда кўради. Бирининг иккинчиси томонидан эксплуатация қилиниши кўриниб турибди.

Хўжаликни бошқаришнинг ижтимоий жиҳатлари таҳлили, танқидий йўналиш тарафдорларининг таъкидлашича, ўзаро тартиб ёндашувини тақозо этади, яъни иқтисодий жараёнларнинг ҳуқуқий, сиёсий, маданий анъаналар, психология ва шу қабила билан ўзаро таъсирини ўрганиш талаб қилинади. Бундай методологик кўрсатма баъзи бир ижобий натижаларга эришишга имкон берди. Масалан, муштамлақачилик ҳукмронлиги ва муштамлақачиликнинг емирилиши давридаги жаҳондаги етук мамлакатлар сиёсатини конкрет тадқиқот қилиш асосида Г.Мюрдал, Ф.Перру ва уларнинг ҳамкасиблари қарам мамлакатларда аниқ мақсадга йўналтирилган асимметрик (мувозанат бузилган) иқтисодиётни шакллантириш механизмининг очиқ берди ва шу билан “учинчи дунёдаги” оғир, мушкул аҳвол учун жавобгарликнинг бир қисми кимнинг бўлишига тушишини ишонарли қилиб кўрсатиб берди.

Г.Зингер, Т.Балог, С.Фуртадоларнинг “намойиш самараси” аталмиш таҳлили ўзаро тартиб ёндашувини унумли қўллашга яна бир мисол бўла олади. Бу иқтисодчиларнинг кузатиши бўйича, қолоқ мамлакатларга экспорт қилинаётган товарлар бу ерда нафақат истеъмол буюмлари вазифасини ўтайди, балки юқори ривожланган мамлакатлар турмуш тарзи тўғрисида ахборот тарқатиш вазифасини ҳам ўтайди ва бу маҳаллий аҳолининг анча бой қатламига “намойиш таъсирини” ўтказди. Ер эгалари, буржуазия ва амалдорлар ривожланган мамлакатларнинг истеъмол андозаларини қабул қилишга киришади. Натижада аввалари кўп даромад эгаларининг истеъмоли учун

импорт қилинадиган товарлар энди маҳаллий саноат томонидан ишлаб чиқарилиши кучаяди. Шу билан зарурий буюмларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган капитал қўйилмалари қисқаради. Нега бундай жадал “ривожланиш” кўпинча аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келиши шундай кўриниб турибди.

Танқидий йўналиш вакиллари “Қиёсий устунлик” назариясининг камчиликларини ишонарли қилиб кўрсатиб берса-да, улар мазкур назарияга қарши муқобил рақобатбоб назария тавсия эта олмади. Уларнинг батафсил ишлаб чиқилган концепсияси бўлмаганлиги сабабли, улардан фақат айрим методологик элементларни, назарий ғояларни олиш мумкин. Масалан, Г.Зингер бўйича, хом ашё ва меҳнатни иқтисод қилувчи янги техника юқори ривожланган мамлакатлар муаммосини ечиш учун мўлжалланган. Демак, уни ривожланаётган мамлакатларда қўллаш, уларнинг манфаатларига жавоб бермайди.

Таянч иборалар: мутлоқ устунлик, нисбий устунлик, товар, меркантилизм, очик иқтисодиёт, автаркия, иқтисодий хавфсизлик, товарнинг ҳаёт цикли, Леонтьев парадокси, илмий техник революцияси, ривожланиш назариялари, ривожланиш моделлари, меҳнат тақсимоти, меҳнат иқтисодиёти.

Назорат учун саволлари:

1. Халқаро савдо моҳияти ва тушунчаси.
2. Халқаро савдонинг назарий асосларига кимлар томонидан асос солинган?

3. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халқаро савдонинг жадал ривожланишига қандай омиллар таъсир кўрсатган?
4. Сизнинг фикрингизча, XXI асрда ташқи савдонинг ривожланишига асосан қандай омиллар таъсир кўрсатади?
5. Минтақавий интеграцион жараёнларнинг кучайиши халқаро савдонинг ривожланишига қандай таъсир кўрсатмоқда?
6. Мутлоқ устунлик назариясини тушунтириб беринг.
7. Нисбий устунлик назариясини тушунтириб беринг.
8. Халқаро савдонинг қандай янги ривожланиш назария ва моделлари бор?
9. Халқаро савдо назария ва моделларининг амалий татбиқини тушунтириб беринг.

3-МАВЗУ. ХАЛҚАРО САВДОНИНГ РИВОЖЛАНИШ ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ

- 1. Халқаро савдонинг мазмуни тузилиши ва хусусиятлари**
- 2. Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари ва йўналишлари**
- 3. Халқаро савдо алоқаларини ривожланиш босқичлари**
- 4. Халқаро меҳнат тақсимоти ва унга таъсир этувчи омиллар**
- 5. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг ўзига хос томонлари**

1. Халқаро савдонинг мазмуни тузилиши ва хусусиятлари

Халқаро савдонинг вужудга келиши ва ривожланишида узоқ ва жуда мураккаб бир қатор ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Айрим тадқиқотчилар унинг вужудга келишини Рим империяси даври (эр.ав. II ва эрамининг IV асрлари) билан боғлашади. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса халқаро савдони бошлаган даврни XVI-XVII асрлар билан, яъни буюк географик кашфиётлар даври билан боғлайдилар. Айнан шу кашфиётлар қимматбаҳо тошлар, металллар, ширинликлар ва қуллар билан халқаро савдонинг тез ривожланишига сабаб бўлди деб ҳисоблайдилар. Халқаро савдо фақат савдогарларнинг сармоялари ишлайдиган соҳа бўлиб ҳисобланган.

Ўзининг ривожланиш хусусиятлари билан XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи яримидаги жаҳон хўжалиги «капиталнинг кучига» нисбатан кўп жиҳатдан оддий кучга, яъни иқтисодиётга ёт бўлган мажбуриятларга асосланган бўлиб, жаҳон хўжалигида бу даврда жиддий қарама-қаршиликлар рўй берган эди. Биз буларни капиталистик мамлакатлар ўртасидаги қарама-қаршиликларда (жумладан, иккинчи жаҳон урушида), шунингдек саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликларда кўришимиз мумкин.

XX асрнинг биринчи чорагида жаҳон хўжалиги икки қисмга: жаҳон капиталистик хўжалик тизими ва жаҳон социалистик хўжалик тизими бўлинган эди. Иқтисодий алоқалар тизимида жаҳон капиталистик хўжалик тизими устунлик қилиб, 90-йиллар бошида халқаро савдода товар айланмасининг 9/10 қисми жаҳон капиталистик хўжалиги тизими доирасида бўй берган. 80-йиллар охирида халқаро иқтисодий айирбошлаш каналлари орқали капиталистик дунё умумий ялпи маҳсулотининг 1/5 қисми сотилган. Собиқ социалистик мамлакатларда жаҳон миллий даромадининг 1/3 қисми, шу жумладан ЎИЁК (Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши) давлатларида эса 1/4 қисми ишлаб чиқарилган.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб жаҳон хўжалиги тизимида ривожланаётган давлатлар ҳам қўшилди. 70-йилларнинг ўрталарига келиб, улар орасидан «янги индустриал давлатлар» («ЯИД»), яъни Осиё-Тинч океани минтақасида 4 та кичик «аждаҳо» деб ном олган Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур ва Лотин Америкасида Бразилия, Аргентина, Мексика давлатлари ривожланиш борасида сезиларли даражада олдинлаб кетган эди.

90-йиллар бошида собиқ Иттифоқ тарқалиб кетиши, шунингдек Шарқий Европада бўй берган инқилобий ўзгаришлардан сўнг жаҳон хўжалиги яхлит, бутун бир организм кўринишини олди. Шаклланиб келаётган глобал жаҳон хўжалиги тизими доирасида бир текис бўлмаган ҳолда, ривожланган, ривожланаётган давлатлар ва иқтисодиёти ўтиш давридаги давлатларнинг миллий хўжаликларини ўз ичига олган бир қатор давлатлар пайдо бўлди. Жаҳон хўжалигида қарама-қаршиликларни, шунингдек турлича ривожланиш тенденцияларни сақлаб қолган ҳолда ушбу давлатлар XX аср ўртасидаги жаҳон хўжалиги билан солиштириб бўлмайдиган даражада кўпроқ интеграциялашиб ўзгариб кетди.

XXI асрдан бошлаб халқаро савдода товарлар улуши ортиб бориш тенденциясига эга бўла бошлади агар 2000 йилда халқаро савдода хизматлар улуши 18,8 % га тенг бўлган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 23,0 % ни

ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Яъни 2016 йилда халқаро савдода хизматлар улуши 2000 йилга нисбатан (23-18,8) 4,2% фоизга ортган.

1-жадвал

Халқаро товар ва хизматлар экспорти⁶ (млрд.АҚШ долл.)

Йиллар	Жами	Товарлар	Хизматлар	Хизматлар улаши (%)
2000	7949	6458	1491	18,8
2010	19143	15301	3842	20,1
2011	22688	18338	4350	19,2
2012	22964	18496	4468	19,5
2013	23699	18952	4747	20,0
2014	24069	19005	5064	21,0
2015	21243	16489	4754	22,4
2016	20725	15955	4770	23,0

1-жадвалдан кўриниб турибдики халқаро савдо доимий равишда бир хилда ўсиш тенденциясига эга эмас, агар 2014 йилда 24069 млрд. АҚШ долларига тенг бўлса 2015 йилга келганда ушбу сумма 21243 млрд. АҚШ доллари ва 2016 йилда 20725 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган. Давлатлар томонидан олиб борилаётган протекционизм сиёсати натижасида халқаро савдо ҳажми пасайиш тенденциясига эга бўлиб бормоқда.

2. Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари ва йўналишлари

XX асрнинг 50-60 йилларидан сўнг жаҳон хўжалигининг фаолияти кенгайди, халқаро иқтисодий алоқалар ривожланиб халқаро меҳнат тақсимоти чуқурлашиб борди. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида бир-бирига боғлиқ бўлмаган ёки бир-бири билан халқаро иқтисодий алоқаларни ўрнатмаган биронта ҳам мамлакат йўқ. Бугунги кунда жаҳон хўжалиги ривожланиши инсонларнинг ўзаро иқтисодий фаолияти доирасида рўй бермоқда.

⁶ WTO Time Series on international trade, 2016; Press Release WTO, Press/791 12 April 2017

Иқтисодиётга оид бир қатор адбиётлар, шунингдек кундалик ҳаётимизда “Жаҳон хўжалиги”, “Жаҳон иқтисодиёти” тушунчалари кўп ишлатилади. Ҳақиқатан ҳам жаҳон хўжалиги ўзининг мураккаблиги, зиддиятларга бойлиги ва иқтисодий муносабатлари билан бутун бир бирикмани ҳосил қилади.

Иқтисодий адабиётларда “Жаҳон хўжалиги”, “Жаҳон иқтисодиёти” иборалари аниқ бир тушунча берилмаган. Аммо бу иборалар иқтисодий ҳаётимизга муҳим ўрин тутганлиги учун ҳам олимлар ушбу ибораларга ўзларининг бир қатор концепциясини берган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- жаҳон хўжалиги – ўзаро меҳнат тақсимотига асосланган иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ўрнатган миллий хўжаликлар йиғиндиси;

- жаҳон хўжалиги – халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига эга бўлиб, савдо-сотиқ, молиявий муносабатларни ўз ичига олган капитал ресурслар ва ишчи кучидан турлича фойдаланувчи жамият;

- жаҳон хўжалиги – глобал иқтисодий тизим. Бу тизим ишлаб чиқаришни ўзида ташкил этиб, ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳуқуқий ва сиёсий чегараларини ўрнатувчи хўжаликдир.

Жаҳон хўжалиги бутун бир тизим эканлигини жаҳон олимлари тан олади. Жаҳон иқтисодиётида ушбу сўзнинг вужудга келиши ва ишлатилиш жараёнлари бир бутунликни ташкил этади. Ушбу бутунлик орқали жаҳонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг ташқи ва ички бозорларига чиқарилади ва товар-пул муносабатлари шаклида фаолият юритади.

Жаҳон иқтисодиёти жуда мураккаб тизимдир. Яъни, иерархияси кўп поғонали бўлиб, тузилиши ниҳоятда нотекисдир. Иерархия – юқори поғонага эга бўлган бўлиб, жаҳон хўжалигининг барча талабларига жавоб беради. Масалан, АҚШ, Германия ва Япония давлатлари бутун бир дунё аҳолисининг 8 % аҳолисига эга бўлиб, жаҳонда сотиб олинаётган маҳсулотларнинг 1/3 қисми ушбу давлатларга тўғри келади. Шу борада айтиш лозимки, очиқ иқтисодиёт шароитида жаҳон мамлакатлари иқтисодий тараққиётнинг аниқ бир мамлакатлари иқтисодий файдаси ҳисобига фаолият юритадилар. Тизимнинг

асосида халқаро доиралардаги алоҳида бир давлатларнинг миллий ишлаб чиқариши ва унинг тақсимланиши, маҳсулот айирбошлаши ва ишлатишини ташкил этади. Ушбу фаолият чегараланган ҳолда, бутун бир жаҳон хўжалигига ўз таъсирини кўрсатади. Ишлаб чиқариш хўжаликларининг барчаси ўзларининг миллий хўжаликларидан ташқарида фаолият юритмайди.

Жаҳон иқтисодиётида тизим тушунчаси – кенг маъноли ва ҳаракатланувчи куч бўлиб, у умумий мақсадлар сари интилади. Бу тизимга кирувчи тизимлар эса махсус характерга эга бўлган сектордир. Яъни, бу кичик тизимчалар бўлиб, турли мақсадлар сари ҳаракатланади. Аммо бу тизимчалар ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда иш юритиб, бир-бирига таъсир кўрсатиш характерига эга бўлади. Акс ҳолда тизим тарқалиб кетиши ҳам мумкин.

Жаҳон иқтисодиёти тизимининг мақсади, аҳолининг сўров талабларини қондиришга қаратилган. Яъни, яратилган янги ишлаб чиқариш корхоналари ўз талабини эмас, балки аҳолининг яшаш турмуш тарзини қондиришга қаратилган бўлиши лозим. Тизим – юридик ва ноюридик шахслар томонидан давлатлараро иқтисодий алоқаларни йўлга қўювчи, халқаро нормаларда иш юритувчи, якка тартибда фаолият кўрсатишга асосланган иқтисодий тизим ҳисобланади. Юқоридаги ушбу шарт ва нормаларни бажаришда давлат ва унинг назорат бўлимлари ёрдам беради.

Жаҳон хўжалиги – тарихий ва сиёсий категория. Ушбу категория ижтимоий-иқтисодий структура бўлиб, ҳар бир даврда ўзининг ишлаб чиқариш тарихига ва сиёсатига эгадир. Жаҳон хўжалиги мураккаб тизимдир. Ушбу тизим алоҳида элемент ва субъектлардан иборат бўлиб, қайсики ушбу субъект ва элементлар мураккаб жараёнларнинг иштирокчиси ва уни давом эттравчисидир.

Жаҳон хўжалигининг элементлари ва ўзаро муносабатлари поғонали ривожланиб боради. Давлатлараро муносабатда халқаро поғонани ташкил этиб, халқаро меъёр ва қоидаларни бошқаради. Миллий чегарадан ташқарида фаолият юритувчи муносабатлар – трансмиллий поғонани ташкил этади. Бунга

Ўзининг ахбороти ва тизими эга бўлган фирмалар киради. Ушбу поғона алоҳида бир автоном тизимга эга бўлиб, бошқарув назоратидан четда фаолият кўрсатади. Трансмиллий даражадаги тизимга курул-яроғ сотуви билан яширин шуғулланувчи гуруҳлар ҳам киради.

Жаҳон хўжалиги тизими ижтимоий-иқтисодий соҳада турлича ривожланиб боради. Ушбу соҳада юқори поғонани ривожланган мамлакатлар эгаллаган. Жаҳон хўжалиги тизими мураккаб ижтимоий-иқтисодий таълимотдир. Жаҳон хўжалиги тизимида ишлаб чиқариш ва шунингдек ижтимоий-иқтисодий соҳада рўй бераётган жуда кучли рақобат ва қарама-қаршиликларни кўриш мумкин. Ушбу ишлаб чиқариш соҳасидаги хусусиятларнинг омилларини, яъни бирлашган гуруҳларни ўз ичига олади.

Жаҳон хўжалигида маълум бир мақсадлар сари интилувчи хўжалик фаолияти субъектлар орқали амалга оширилади. Субъектлар ишлаб чиқариш омилларини, ривожланиш жараёнларини йўлга қўяди. Жаҳон хўжалик тизимининг субъектлари керакли капиталга эга бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил эта оладиган, халқаро хўжалик муҳиtida фаолият юрита оладиган, халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган доирадир. Бундай доирага ТМКлар, миллий давлатларнинг хўжалик тизимлари, ҳудудий интеграция бирлашмалар, халқаро иқтисодий ташкилотлар киради.

Жаҳон хўжалиги йирик тизим бўлиб, у турли тизим ва тизимчалардан таркиб топган. Тизимчалар ўзининг ривожланиш жиҳатлари билан биргина ўзига хос вазифаларни эмас, балки умумий глобал тизимнинг муаммоларини ҳам ҳал этишга қодирдир. Ушбу ҳолатда ўзига хос ички ва ташқи қонуниятлар мавжуд.

Жаҳон хўжалиги тизимидан, тизимчаларнинг ажралиб чиқиш сабабларига қўйидагилар киради:

- ижтимоий хўжалик структурасининг характери;
- иқтисодий ривожланиш режаси;
- иқтисодий ўсишнинг тури;
- ташқи иқтисодий алоқаларнинг даражаси ва характери.

Жаҳон хўжалиги тизимидан тизимчалар ажралиб чиқишининг асосий сабабларидан бири –хўжаликнинг ижтимоий-иқтисодий тузилмасини хусусийлаштириш ҳисобланади. Хусусийлаштиришни амалга оширилиши жаҳон ҳамжамияти ривожланишига, шунингдек жамият муносабатлари ўзаро ўрнатилишига таъсир кўрсатади.

Мулк хусусийлаштирилиши халқаро меҳнат тақсимотининг турли шакллари, индивидларнинг меҳнат қуролларига бўлган муносабатларини белгилайди. Мулкни хусусийлаштириш жараёнида ишлаб чиқариш воситаларининг (асбоб-ускуналар) ишчи кучи билан боғланган шароитида юзага келади. Бу ҳолатда ташкилий-ҳуқуқий идораларнинг роли каттадир. Ишлаб чиқариш жараёнида инсонлар ўзаро алоқани эмас, балки фирмалар ўртасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тақсимлаш, уни айирбошлаш ёки ишлатишни ҳам ўз ичига олади.

Тизимчаларнинг кенг тарқалиш сабабларидан бири ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига мос келишини характерловчи иқтисодий ривожланиш даражасидир. Ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиш даражаси аҳоли яшаш шароитига ва шунингдек аҳоли талабларини ижтимоий – иқтисодий қондиришига мос келиши зарур. Жаҳон хўжалигида ишлаб чиқариш тармоқлари ишлаб чиқариш асбоб-ускуналаридан ва предметларидан иборат. Индустириал давлатларда аҳоли талабларини қондирадиган, узоқ муддатга ишлатиш мумкин бўлган талабларини қондирадиган, узоқ муддатга ишлатиш мумкин бўлган товарларнинг ишлаб чиқариш даражаси юқори ўринни эгаллайди. Жаҳон иқтисодиётида тизимчаларни ўрни ва тавсифи миллий хўжаликларнинг ташқи секторидаги ролига ҳам боғлиқдир. Яъни, импорт, экспорт товарлари ва хизмат кўрсатиш тамойиллари ва капиталнинг ҳаракатига боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш кучларининг жаҳон миқёсида ривожланиш даражаси, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви хўжалик юритиш тармоқлари тўхтаб қолишининг олдини олади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий кўрсаткичида экспорт ва импорт моллар, ташқи савдо-сотиқ тузилмаси, капитал

ҳаракатида халқаро ташкилотлар, замонавий техника-технологиялар, ишчи кучлари муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётнинг очиклиги унинг функционал ва ташкилий доираларида кўринади. Функционал доира – мамлакатни халқаро меҳнат тақсимотига жалб қилиниши ҳисобланади. Яъни миллий ишлаб чиқаришнинг ташқи иқтисодий алоқалар билан боғлиқлигидир (экспорт ва импорт товарларнинг ялпи ички маҳсулотга тааллуқлилиги). Очик иқтисодиёт – жаҳон хўжалиги тармоғида ўз тенденциясини, йўналишини ривожлантирувчи хўжаликлардан иборат бўлиб, бунда ташқи иқтисодий алоқалар кучаяди. Бунда иқтисодий ўсиш тез суръатларда ривожланиши ёки ривожланишдан тўхташи ҳам мумкин. Ўсиш ва тўхтаб қолиш поғонаси 25 % ялпи маҳсулотдан фойда олиш даражасида намоён бўлади.

$$\frac{X + IM}{Y} = 0,25$$

Ташқи савдо айланмасининг Ялпи ички маҳсулотга бўлган миқдор коэффиценти қуйидагига тенг:

$$E = \frac{\Delta (X + IM)}{\Delta Y}$$

E –ялпи ички маҳсулотга ташқи савдо коэффицентининг эгилувчанлиги;

$\Delta (X + IM)$ – экспорт ва импортнинг аниқ вақтларда ўсиши;

ΔY –ялпи ички маҳсулотнинг худди шу вақтда ўсиши.

- Иқтисодий ривожланиш даражаси ўсган сари хомашё ва энергия харажатлари камаяди ва табиий хомашё ўрнига кўпроқ сунъий хомашё маҳсулотлари ишлатилади. Миллий даромадни мамлакат аҳоли сонига мос келиши даражаси билан бир неча гуруҳга бўлинади:

- миллий даромади аҳоли жон бошига уларнинг яхши яшашига мос

келадиган мамлакатлар. Уларга Қатар, Люксембург, Сингапур, Бруней, Ирландия Бирлашган Араб Амирилиги, Қувайт ва шунингдек АҚШ, Канада, Япония, Исроил, Жанубий Корея каби давлатларни киритиш мумкин. 2016-2017 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келган миллий даромад ушбу мамлакатларда 6000-13000 АҚШ долл.ни ташкил этган (1-жадвал);

- миллий даромади ўртача даражадаги аҳоли сонига мос келиши 750 дан 6000 долл.ни ташкил қилган мамлакатлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга 80 дан ортиқ давлат – Греция, Жанубий Африка Республикаси, Лотин Америкаси мамлакатлари (Венесуэла, Бразилия, Уругвай, Тринидат, Тобаго ва бошқалар), Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари киради. Ўз навбатида ушбу давлатлар икки гуруҳга (юқори ва ўртача даромадга эга бўлган мамлакатлар гуруҳи 17 та ва қуйи ва ўрта даражали миллий даромадга эга бўлган мамлакатлар гуруҳи) бўлинади;

- паст даражали миллий даромадларга эга бўлган мамлакатлар гуруҳи. Ушбу мамлакатлар гуруҳига 60 дан ортиқ давлатлар (Ҳиндистон, Хитой, Покистон каби давлатлар) кириб, уларнинг ҳар бирида 100 млн. дан аҳоли яшайди.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ суммаси (долларда)⁷

№	Давлатлар	2016 й.	2017й.
1	 Қатар	127480	128378
—	 Макао (ХХР)	105420	115123
2	 Люксембург	102389	103745
3	 Сингапур	89103	93905
4	 Бруней	77421	78836
5	 Ирландия	71389	75648
6	 БАА	73017	73878
7	 Қувейт	74264	71943
8	 Швейцария	63882	64715
9	 Сан-Марино	60933	62424
—	 Гонконг (ХХР)	58682	61540

⁷ www.worldbank.org - Жаҳон банки маълумоти

10	 Норвегия	58808	61414
----	--	-------	-------

3. **Халқаро савдо алоқаларини ривожланиш босқичлари**

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халқаро савдо жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. 1950-1998 йилларда жаҳон экспорта 16 мартага ортди. Ғарб мутахассисларининг фикрича, 1950 ва 1970 йиллар оралигини халқдро савдонинг ривожланишидаги “олтин аср” деб аташ мумкин. Мана шу давр оралиғида жаҳон экспортининг ўртача йиллик ўсиш суръати 7% ни ташкил этади. Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб жаҳон экспортининг ўсиш суръати 5% га қадар, 80-йилларда эса янада пасая бошлади. XX аср 80-йилларининг охирига келиб жаҳон экспортининг ўсиш суръати жадаллаша бошлади. Масалан, 1988 йилда халқаро савдонинг ўсиш суръати 8,5% гача ортгани ҳолда 90-йилларда жаҳон экспортининг ўсиш суръатида яна пасайиш кузатилди, 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб эса барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, ўртача 7% ни ташкил этган¹.

Тахдиллар, жаҳон ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 2005-2010 йилларда ўртача 2,0% ни, жаҳон товарлар экспорти ҳажмининг ўсиш суръати эса 3,5% ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда. 2010 йилда бу кўрсаткич мос равишда 4,0 ва 14,0% га тенг бўлди.

Халқаро савдонинг барқарор ўсиш суръатига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- халқаро меҳнаг тақсимотининг ривожланиши, ишлаб чиқариш ва капиталлар ҳаракатининг байналмилаллашуви;
- асосий капиталнинг янгиланиши, янги иқтисодий тармоқдарникг яратилиши ва ЖСТ тадбирлари ёрдамида халқаро савдонинг эркинлаштирилиши;
- халқаро савдонинг эркинлашуви, мамлакатларнинг импорт божлари ва микдорий чекловларни бекор қилишга ўгишлари;
- трансмиллий корпорацияларнинг жаҳон бозорларидаги фаолиятининг фаоллашуви;

- иқтисодий интеграция жараёнларининг чуқурлашуви;
- регионал тўсиқларнинг бекор қилиниши, умумий бозор, эркин савдо зоналарининг шаклланиши;
- собиқ колониал мамлакатларнинг мустақилликка эришиши. Ташқи бозорларга йўналтирилган иқтисодий моделга эга “янги индустриал мамлакатлар”нинг ажралиб чиқиши;
- ўтиш иқтисодиёги мамлакатларининг бозор иқтисодиётига утиши ва иқтисодиётлари очиклигининг чуқурлашуви.

Юқорида кайд этиб ўтилган омшшар халқаро савдонинг куйидаги замонавий ривожланиш тенденцияларини белгилаб беради.

Биринчидан, халқаро савдонинг ривожланиш динамикаси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қадар юқори ўсиш суръатлари билан тавсифланади. Таҳлиллар кўрсатишича, 1948 йилдан 2010 йилга қадар жаҳонда товарлар экспорти 346 млрд. доллардан 15,2 трлн. долларгача, яъни 44 мартага ортган ва унинг ўртача йиллик ўсиш суръати 7-8% ни ташкил этган⁸.

Иккинчидан, мамлакатлар ташқи савдоси иқтисодий ривожланишга нисбатан жадал суръатлар билан ривожланган. Масалан, АҚШ ялпи ички маҳсулоти 1990-1995 йилларда 31,4% га ўсган бўлса, унинг экспорти - 48,4, импорти эса 50,5% га ортган.

Учинчидан, дунёнинг кўпчилик мамлакатларида экспорт ва импорт квоталарининг ортиши юз берди. Агар 1978-1987 йилларда жаҳон саноат маҳсулотининг 13,8% и экспорт қилинган бўлса, 90-йилларнинг иккинчи ярмида бу кўрсаткич 17% ни ташкил этди.

Тўртинчидан, халқаро савдонинг географик таркиби мамлакатларнинг худудий ёки ташкилий белгилари бўйича ривожланмоқца. Халқаро савдода етакчи мавқе АҚШ, Европа Иттифоққи ва Японияга тегишли. Улар ҳиссасига жаҳон экспорти ва импортининг 60% и тўғри келади. Жумладан, 2010 йилда

⁸ International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011. P. 19.

жаҳон товарлар экспортининг 33,4% и, жаҳон товарлар импортининг 37,4% и “катта еттилик” мамлакатлари ҳиссасига тўғри келган.

Бешинчидан, халқаро савдодаги асосий савдо муносабатлари саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ўртасида юз беради. Бу кўрсаткич умумий савдонинг 61% ини ташкил этади.

Олтинчидан, халқаро савдонинг товар таркиби ҳам ўзига хос ривожланиш хусусиятларига эга:

- халқаро товар айланмасига тортилаётган товарлар оқими чуқур диверсификацияга эга. Жумладан, Германия 180 та экспорт позициясига, Буюк Британия ва Франция —175 та, Япония 160 тадан ортиқ позицияга эга;

- илмий-техник тараққиёг натижасида халқаро савдода тайёр маҳсулотлар улуши ортиб бормокда. Бу кўрсаткич 2010 йилда жаҳон товарлар савдосининг тахминан 67,1% га тенг бўлди;

- халқаро савдода хомашё ва минерал ёқилгиларнинг улуши қисқариб бормокда. Ушбу кўрсаткич 1937 йилда 38,6% ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 20,4% га тенг бўлди;

- жаҳон савдосида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши қисқариш тенденциясига эга бўлиб, бу кўрсаткич 1937 йилда 22,8% га, 2010 йилда эса 7,5% га тенг бўлди;

- 1974-1975 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозидан кейин жаҳон экспортининг товар таркибида тўқимачилик ва кийим-кечаклар улуши орта бошлади. Бу соҳада ривожланаётган мамлакатлар улуши кескин кўпайиб борди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ташқи савдо нотекис ривожлана бошлади ва XXI асрнинг бошларига келиб халқаро савдо етакчилари ўрнининг ўзгаришига сабаб бўлди. Мазкур ҳолат жаҳон бозорида мамлакатлар ўрнининг ўзгарипш билан изоҳланади.

1-жадвал.

АҚШ ва Хтойд давлатларининг жаҳон ЯММ улуши⁹

⁹ Манба World Development Indicators

Давлатлар номи	йиллар				
	2006	2010	2012	2014	2016
АҚШ	19,2	16,8	16,2	15,7	15,4
Хитой	10,7	14,0	15,3	16,5	17,8

Хусусан, АҚШнинг жаҳон бозоридаги роли пасайиб бормокда. Агар АҚШнинг жаҳон савдосидаги улуши 1948 йилда жаҳон товарлар экспортининг 21,7% ини ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,6% га ва 2016 йилда бу кўрсаткич 10,5 % га тенг бўлди ва Хитойдан кейинги иккинчи ўринни эгаллади¹⁰. 2018 йилга келиб халқаро савдо етакчилари бўлган АҚШ ва Хитой ўртасидаги зиддиятлар янада кучайди жумладан, жорий йилнинг 15 июнида АҚШ томонидан Хитойдан импорт қилинадиган умумий суммаси 50 миллиард АҚШ доллари га тенг бўлган 818 номдаги товарларга 25% давлат божи ўрнатди. Хитой давлати ҳам жавоб тариқасида шу куннинг ўзида худди шу суммадаги товарларга 25% давлат божи белгилади.

Ҳозирги вақтда халқаро савдода катта 8 (G 8) ва Европа Иттифоқи улуши ортиб бормокда. Европа Иттифоқи халқаро савдонинг асосий марказларидан бирига айланиб бормокда.

2-жадвал.

G8 мамлакатларининг 2015 йил ҳолатига кўра характеристикаси

давлатлар	Аҳоли сони, млн. киши	Номинал ЯИМ ҳажми, млрд. АҚШ доллари	ЯИМ ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбати, минг АҚШ доллари	Инфля- ция, %	Ишсизлик даражаси %	Савдо баланси, АҚШ млрд. доллари
<u>Буюкбритания</u>	64.1	2865.0	44.7	0.0	5.4	-191.5
<u>Германия</u>	80.9	3371.0	41.7	0.1	4.8	292.0
<u>Италия</u>	61.9	1819.0	29.4	0.1	12.2	58.9

¹⁰ Варнавский В.Г. «Роль США в мировой промышленности и торговле как глобальная проблема», ЖУРНАЛ Контуры глобальных трансформаций: политика, экономика, право 2018 том11 номер 2

<u>Канада</u>	35.1	1573.0	44.8	1.1	6.9	-17.7
<u>Россия</u>	142.4	1236.0	8.7	15.5	5.4	148.5
<u>АҚШ</u>	321.4	17970.0	55.9	0.1	5.2	-763.0
<u>Франция</u>	66.6	2423.0	36.4	0.1	9.9	-27.0
<u>Япония</u>	126.9	4127.0	32.5	0.8	3.3	-5.3

4. Халқаро меҳнат тақсимоти ва унга таъсир этувчи омиллар

Миллий хўжаликларни ягона жаҳон хўжалигига бирлашувининг асоси **халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ)** бўлиб, у мамлакатлар ўзаро айирбошлайдиган маҳсулот турлари бўйича ихтисослашувини назарда тутди.

Халқаро меҳнат тақсимоти – бу халқаро миқёсда маҳсулотлар, хизмат турлари ва билимларни айирбошлаш, дунёдаги барча мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш, фан – техника, савдо ва бўлак соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш учун зарур бўлган объектив асосдир.

Ҳозирги пайтда **ХМТнинг асосий шакллари** қуйидагилардан иборат: қисман тақсимот (тармоқлаш ва кичик тармоқлар ўртасида); маҳсулот бирлиги бўйича (тармоқлар ва кичик тармоқлар ичида) ёки маҳсулот, қисмлар ва технология бўйича тақсимот.

Ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон хўжалигида, ХМТда ҳамда хўжалик ҳаётининг интернационаллашувида тутган ўрни ва аҳамияти кўпгина омиллар билан боғлиқ. Бироқ буларнинг ичида энг асосийси қуйидагилардан иборат: миллий иқтисодиётнинг тараққиёт даражаси, суръати, унинг қай даражада очиклиги, ХМТга қандай жалб этилганлиги, ташқи иқтисодий алоқалар (ТИА) нечоғлик илғорлиги, ривож топганлиги, миллий иқтисодиётнинг халқаро хўжалик ўртасидаги қанчалик мослаша олиши.

Халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришда халқаро ихтисослашув, бирлашув (кооперация) (ИХИК) – булар ўзаро чамбарчас боғланган ҳамда бир – бирини назарда тутадиган ижтимоий ҳодисалар бўлиб, мураккаб ва қарама – қарши моҳиятга эгадир. ХМТ асосан шу шаклда намоён бўладиган халқаро

кооперативлашувдан фаркли ўлароқ, яна ҳам кенгроқ иқтисодий мезон ҳисобланади.

Халқаро кооперативлашув ҳамда халқаро ихтисослашув ХМТнинг шунчаки бир кўриниши эмас, балки унинг моҳиятини белгилаб берувчи унсур ҳамдир.

Ишлаб чиқаришда халқаро ихтисослашув (ИХИ) деганда, мамлакатлар ўртасида меҳнат тақсимотини шундай бир шакли назарда тутиладики, бунда дунё миқёсида бир турдаги ишлаб чиқаришнинг жамланиши, меҳнатнинг умумлашуви, яъни миллий ишлаб чиқаришларнинг табақалашуви ва ички эҳтиёждан ортган бир турдаги меҳнат маҳсулотларини тайёрлаш мустақил технологик жараёнларга, алоҳида соҳа ва соҳачаларга ажралиб чиқиши асосида кучайиб, оқибатда табақалашган миллий комплекслар бир – бирини тўлдириб боради.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва бунинг оқибатида уларнинг тармоқларга, корхоналарга бўлиниш даражаси ўсиб бораётганлиги **ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперативлашуви (ИХК)** учун умумий ҳолис асос ҳисобланади.

Кооператив алоқаларни ўрнатишда фойдаланиладиган асосий усуллар қуйидагилардан иборат:

- 1) қўшма ржаларни (дастурларни) амалга ошириш;
- 2) шартнома асосида ихтисослашув;
- 3) ишлаб чиқаришда қўшма корхоналар (ҚК) ташкил этиш.

ИХК биринчи усули – **қўшма режаларни (дастурларни) амалга ошириш** доирасида асосан икки шаклда: пудратли кооперативлашув ва қўшма ишлаб чиқариш шаклларида намоён бўлади.

Пудратли кооперативлашув – саноатдаги ишлаб чиқариш алоқаларининг энг эски турларидан биридир. Пудрат фаолиятининг моҳияти – шартномага имзо чеккан томонлардан бири (буюртмачи), иккинчи томонга (ижрочига) муддати, ҳажми, ижро сифати ва ҳоказолар бўйича олдиндан келишиб олинган шартларга мувофиқ муайян бир ишни бажариш вазифасини

юклайди. Ишлиб чиқаришдаги пудратли кооперативлашув асосан икки хил кўринишга эга: маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича “анъанавий” пудрат ҳамда янги маҳсулотни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш бўйича пудрат.

Ишлаб чиқаришдаги кооперативлашувнинг иккинчи усули – **шартномали ихтисослашув** келишиб олган томонлар ўртасида ишлаб чиқариш режаларини аниқ белгилиб олишдан иборат. Ихтисослашув ҳақидаги келишувларга мувофиқ ҳар икки томон ишлаб чиқаришда бир – бирини такрорлаш ҳолларини, икки ўртада бозорда пайдо бўладиган бевосита рақобатни йўқотиш ёхуд камайтиришга ҳаракат қилади.

Ҳозирги кундаги рақобат жаҳон бозорининг ажралмас бир қисми (элементи) ҳамда бозор жараёнларининг бир кўриниши сифатида ўзининг илгари мисли кўрилмаган кенг кўлами билан ажралиб туради.

Рақобатнинг кенг кўламлилиги ХМТ таъсири остида халқаро айирбошлаш жараёнига тортилиб, халқаро савдо муносабатларида қатнашаётган томонларнинг сони тинимсиз ошиб бораётгани, турли – туман соҳаларда халқаро ихтисослашув ва кооперативлашув жараёнлари ривожланаётгани билан бевосита боғлиқдир. Хўжалик ҳаётидаги интернационаллашув рақобат заминини кенгайтириб юборади. Улкан монополиялар қатори ўрта, кичик, ҳатто майда фирмалар ҳам бозор учун кураш майдонига киради. Жаҳон бозоридаги вазиятни ўз ифодасига ўзгартиришга астойдил бел боғлаган янги – янги мамлакатлар (асосан “янги саноат мамлакатлари” ҳисобига) экспорти кўпдан ривожланган мамлакатлар билан рақобатга киришиб кетмоқда.

Одамларни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб юришга ундовчи сабаблар жуда кўплаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа омилларга боғлиқ. Уларнинг бирга қўшилиб кетиши ва биринчи ўринга чиқиши ҳам турли мамлакатлар ва минтақа, ҳам вақтига қараб фарқланади. Ҳозирги шароитда энг кўп тарқалган қуйидагилар:

- 1) Тенг меҳнат учун тўланадиган иш ҳақидаги миллий фарқлар;
- 2) дунёнинг турли мамлакатлари ва минтақаларидаги аҳолининг ўсиш нисбати бир хил эмаслиги;

3) сиёсий, ижтимоий, миллий – ирқий, диний ва бошқа сабаблар.

“Аҳоли миграцияси” тушунчаси одамларнинг маълум ҳудудлар чегарасидан ўтиб, бошқа ерларга жойлашишини ва муқим турар – жойини ўзгартириши ёки шу ерга қайтиб келишини билдиради.

Бундан ташқари, **халқаро (ташқи) миграция** ҳам меҳнат қилиш учун, оилавий, туристик ва ҳоказо шаклларда намоён бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, аввало халқаро **меҳнат миграцияси** муаммолари, жаҳон бозорлари, хусусан, маҳсулот, хизмат турлари, капитал бозорлари қатори мавжуд бўлган халқаро **ишчи кучи бозорининг ривожланиш жараёнлари** эътиборга сазовор. Ишчи кучи бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакатга ўтар экан, у товар сифатида ўзини бозорга солади, халқаро ишчи кучи миграциясида иштирок этади.

Ҳозирги замон халқаро меҳнат бозорида ишчи кучи миллий ҳудудлардан ошиб ўтиб, турли оқимларга бўлиниб кетишини назарда тутди. Шу тариқа **халқаро меҳнат бозори** миллий, минтақавий ишчи кучи бозорларини бирлаштиради ва ишчи кучи миграцияси шаклида намоён бўлади.

Меҳнат ресурсларининг халқаро миграциясига олиб келадиган энг муҳим **рўқачлар ва сабаблар** орасида **иқтисодий ва ноиқтисодий** аҳамиятга эга бўлаган турли омиллари мавжуд.

Мутахассислар ишчи кучининг **ноиқтисодий миграция** сабаблари қаторига сиёсий, миллий, диний, ирқий, оилавий ва бошқа жиҳатларни бирга қўшиб изоҳлайдилар.

Мамлакатлараро ишчи кучи миграциясининг бугунги тарихи **унинг бир неча муҳим йўналишларини** аниқлашга имкон беради.

Булар қуйидагилардан иборат: 1) Ривожланаётган мамлакатлардан саноати ривожланган минтақаларга миграция; 2) саноати ривожланган минтақалар доирасида миграция; 3) ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ишчи кучи миграцияси; 4) собиқ социалистик мамлакатлардан саноати ривожланган мамлакатларга ишчи кучи миграцияси (ривожланаётган мамлакатлардан саноати ривожланган мамлакатларга бўлаётган миграция

каби); 5) саноати ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга илмий ходимлар, малакали мутахассислар миграцияси.

Миграция сабаблари, унинг ижтимоий структураси тарихий кўчиб юриш характериға эға, яъни у кўпинча ички ва ташқи омилларға боғлиқ.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин 100 минглаб зиёлилар вакилларининг халқаро меҳнат миграцияси келиб қўшилиши – “ақлли – идрокли одамларнинг бошқа юртларға ўтиб кетиши” (brain drain) яққол кўзға ташлана бошлади. Бу шу билан боғлиқ эдики, фан – техника таракқиёти ҳозирги замон меҳнат миграцияси омиллари ичида етакчи роль ўйнайди, унинг таракқиёти ривожланган давлатларда малакали чет эл ишчи кучиға бўлган талабни кўп жихатдан белгилаб берди.

5. Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланишининг ўзига хос томонлари

Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши асосий йўналишини биз халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперациясининг кенгайишида кўришимиз мумкин. Халқаро кооперация (ХК) ва халқаро ихтисослашув (ХИ) халқаро меҳнат тақсимотининг шакллари бўлиб, унинг моҳиятини намоён қилади.

Турли давлатларнинг корхоналарини маълум бир товарға ихтисослашуви замонавий ИТИ билан боғлиқдир. Ишлаб чиқаришнинг технологик тизимини мураккаблашиб бориши билан тайёр маҳсулотда ишлатиладиган деталлар сони кўпайди. Масалан: енгил автомобил саноатида 20 минггатача, прокат дастгоҳларида 100 минггатача, электровозларда эса 250 минггатача деталларнинг қисмлари ишлатилиши мумкин.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро ишлаб чиқаришни ихтисослашуви (ХИИ) иккита йўналиш бўйича – ишлаб чиқариш ва ҳудудий йўналишлар бўйича ривожланиб бормоқда. Ўз навбатида ишлаб чиқариш йўналиши:

- а) соҳалараро;
- б) давлатлар гуруҳи;
- в) алоҳида корхоналарнинг ихтисослашувига бўлиниши мумкин.

Бундан ташқари ҳудудий халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви эса:

а) алоҳида давлатлар;

б) давлатлар гуруҳи;

в) ҳудудларнинг жаҳон бозори учун маълум товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашувига бўлинади.

Халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашувининг асосий турларига:

- предметли (маҳсулот ишлаб чиқариш);

- деталли (маҳсулотни ташкил қилувчиларни ишлаб чиқариш);

- технологик ёки босқичли (яъни, алоҳида технологик жараёнларни, масалан йиғиш, бўйлаш ва бошқаларни амалга ошириш) ихтисослашиш киради.

Халқаро меҳнат тақсимотининг бошқа бир шакли - халқаро ишлаб чиқариш кооперациясидир. Унинг объектив асоси бўлиб, ишлаб чиқариш кучларини ривожланишининг ўсиб бораётган даражаси, ҳамда мамлакат ичида ёки ташқарисида рўй беришидан қатъий назар мустақил корхоналар ўртасидаги барқарор ишлаб чиқариш жараёнларини бориши ҳисобланади. Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ўзининг ривожланган шаклларида ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олади. Жумладан, биринчидан, ишлаб чиқаришда технологик ҳамкорлик. Ушбу ҳамкорликларга қуйидагилар киради:

а) лицензиялар бериш ва мулкчилик ҳуқуқларидан фойдаланиш;

б) лойиҳа конструкторлик ҳужжатларини, технологик жараёнларни, маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини, қурилиш ва монтаж ишлари замонавий, кооперациялашган корхоналарни ишлаб чиқиш ва мослаштириш;

в) ишлаб чиқаришни бошқариш, стандартлаштириш, унификациялаш, сертификациялашни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш дастурларини тақсимлаш ва ҳ.к.лар.

2. Кооператив маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган савдо-иқтисодий жараёнлар.

3. Сотилган техникага хизмат кўрсатиш.

Жаҳон иқтисодиётида кооперация алоқаларини ўрнатишда фойдаланиладиган қуйидаги уч асосий усулга алоҳида эътибор берилади:

- Ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш.
- Шартнома асосида ихтисослашиш.
- Қўшма корхоналар ташкил қилиш.

Ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш ўз навбатида икки асосий шаклда. (пудратли ишлаб чиқариш кооперацияси ва ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш) амалга оширилади. Шартнома асосида ихтисослашиш эса ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқариш кооперацияси иштирокчилари орасида тақсимланишини назарда тутди. Қўшма корхоналар бу интеграциялашган кооперациядир.

Янги ишлаб чиқаришнинг фан – техника тараққиёти билан боғлиқ тармоқларини шакллантириш юксак ривожланган мамлакатларда 50 – 60 йилларда малакали ишчи кучига талабнинг ошишига олиб келди.

Биргина 1993 йилнинг ўзида АҚШга чет элдан 23,5 минг иммигрант олим ва муҳандислар келди. Иммигрантлар сафида илгари кўтарилмаган ишчи кучлари турининг пайдо бўлиши унинг сафарбарлигига, ҳатто, ўша аҳоли кўчиб юришнинг ҳаракатлантирувчи кучлари қаторига кўплаб янги иммигрантларнинг келиб қўшилишини англатарди.

Жумладан, анъанавий сабаблар билан (иш ҳақи, турмуш шароити, сиёсий, ирқий, миллий ва бошқа сабаблар) бир қаторда, илмий тадқиқотлар учун шароитнинг йўқлиги, олимлар, кашфиётлар, конструкторлар ва бошқаларнинг ҳақ – ҳуқуқлари, уларни мукофатлаш, тақдирлашдаги жуда катта фарқлар сингари сабаблар ҳам бор эди.

Дунё мамлакатлари орасида меҳнат ресурсларининг кўчиб юришини асосий сабабларидан бири улар орасида меҳнатга тўланадиган ҳақ даражасининг турлича эканлиги ҳисобланади. ХМТ маълумотларига кўра 2016 йилда иш ҳақи давлат орасида қудагича бўлган. 2- жадвал.

Дунё мамлакатларида иш ҳақи даражаси 2016 й.

№	Давлатлар	Ойлик иш ҳақи даражаси АҚШ долларида
---	-----------	---

1.	Норвегия	7050
2.	Австралия	5200
3.	Янги зерландия	4700
4.	АҚШ	4500
5.	Германия	4500
6.	Канада	3600
7.	Япония	3400
8.	Франция	3400
9.	Италия	3200
10.	Жанубий корейя	2800

2015 йилда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Германида минимал иш ҳақи тўғрисидаги қонун қабул қилинди унга кўра 1 соатлик иш ҳақи 10 АҚШ долларида кам бўлиши мумкин эмас, шу билан биргаликда 1200-1700 АҚШ доллари миқдорида ойлик иш ҳақи оладиганлар кам таъминланганлар деб эътироф этилиши ва ойига 1100 АҚШ доллари миқдорида иш ҳақига эга бўлганлар камбағал сифатида эътироф этилиши белгиланган. Биргина шу қонунни қабул қилиниши Германияга ишчи кучини оқиб келишини таъминлайди. Чунки статистик маълумотларга кўра Германия давлатида ҳозирги вақтда ишчи кучи етишмаслиги кузатиламоқда.

Ҳисоб – китобларга қараганда, ривожланаётган мамлакатлар 70 – йилларда АҚШда терапевт ва хирургларнинг ҳар йилги ўсиши 25 – 50%и, олимларнинг 20%и, муҳандисларнинг 25 – 50%ини таъминлаб турган. Масалан, 80 – йилларнинг бошига келиб, Буюк Британияда араб мамлакатларидан салкам 600 олим, 6,4 минг шифокор ва 45 мингдан ортиқ университет маълумотига эга кишилар ишлаган.

80 – йилларнинг ўрталарида АҚШ ва Ғарбий Европада ишлаган Эрон шифокорларининг сони ўзларидагига қараганда кўп эди. 40 млн эронликка 15 минг киши тўғри келарди. Ҳолбуки, 16 минг Эрон шифокори АҚШда, 5 минги эса Ғарбий Европада ишларди.

70 – йилларнинг охири ва 80 – йилларнинг бошида АҚШдаги муҳандислар орасида чет элликлар улуши 10% га, шифокорлар орасида 24% га етган эди. Қизиғи шундаки, миллий академия аъзоларининг 23%и, Нобель мукофоти совриндорларининг 33%и АҚШга келган муҳожирлардир.

Энг йирик анъанавий марказлардан – Ғарбий Европанинг аҳамияти урушдан кейинги даврда ортиб кетди. 70 – йилларнинг ўрталарига келиб, Ғарбий Европа бозорларига ишчи кучи халқаро миграцияси ҳажми энг юқори даражага етди. 1973 – 74 йилларда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотига кўра, бу ерда 12 млн чет эллик ишчи кучи ишлаган. Чет эллик аҳолининг сони (оила аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) 20 млн дан ошиқ кишига етди (яширинча келганлар бунга кирмайди). 70 – йиллар охиридан минтақа мамлакатларида миграция сиёсатининг ўзгариши 1974 – 75 йиллардаги иқтисодий инқироз туфайли Европага миграция ҳаракати кўлами камайди.

Кейинги ўн йилликларда жуда қудратли миграцион оқим АҚШ томон йўл олди. 70 – йилларда бу мамлакатга фақат қонуний йўллар билан (легал) келганлар сони 4,5 млн кишига етди. Бу ўша давр мобайнида аҳоли сони кўпайишининг 20 фоизини ташкил этди (бу 60 – йиллардагига қараганда 1/3 баробар кўпдир).

80 – йилларда мамлакат аҳолиси кўпайишининг 1/3 қисми (34%) муҳожирлар улушига тўғри келди ёки салкам 8 млн кишини ташкил қилди, шу жумладан, 6 млн. киши қонуний йўллар билан, 2 млн киши яширинча келган (аҳолининг умумий ўсиши ушбу даврда тахминан 22 млнни ташкил қилган).

90 – йиллар ўрталарида АҚШда 11 млн дан ортиқ муҳожирлар яшади. Юқорида кўрсатиб ўтилган йилларда муҳожирлар географияси анча ўзгарди. Агар 60 – йилларда Канада ва Ғарбий Европа янги ишчи кучларининг асосий манбаи бўлган бўлса (79%), 70 ва 80 – йилларда Латин Америкаси ва Осиё олдинга чиқиб олди. 90 – йилларда бу минтақадан келган улуши 84% ни ташкил этди. 1995 йилда АҚШга келган 720 минг кишининг 267,9 мингини (37%дан кўпроғини) Осиё мамлакатларидан келганлар ташкил қилди. Шу жумладан, Филиппиндан 50 минг, Вьетнамдан 41,7 минг, Хитойдан 35,5 минг,

Ҳиндистондан 34,7 минг киши келганди. Европа мамлакатларидан 128 минг (17,8%), Шимолий Америкадан 102,9 минг киши (14,3%), Кариб ҳавзасидан 96,8 минг киши (13,4%), Мексикадан 89,9 минг киши (12,5%), Марказий Америкадан 77,4 минг (10,8%) келганди.

Халқаро меҳнат миграциясининг анъанавий марказлари (Ғарбий Еропа, Шимолий Америка) билан бир қаторда янги йўналишлар пайдо бўлди.

Чет эл ишчи кучини жалб этувчи биринчи янги марказ Яқин Шарқнинг нефть конлари ва нефтни қайта ишловчи саноат корхоналари жойлашган туманлар жуда тез қарор топа бошлади.

80 – йилларнинг бошларида бу ерда қўшни Араб мамлакатларидан, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Жанубий Корея, Филиппиндан 3 млн.га яқин чет эллик ишчилар келиб ишларди. Бирлашган Араб Амирлигида (БАА) ишчи кучларнинг салкам 90%и муҳожирлар, Қатарда 80%дан ортиғи, Қувайтда салкам 70%, Саудия Арабистони ва Баҳрайнда 40%дан кўпроғи, Уммонда 34%и муҳожирлардир.

Африка қитъаси жанубидаги яна бир марказ Африканинг барча мамлакатлари, Ҳиндистон Субқитъаси мамлакатларидан ишчилар ёллаб келинган. Булар Британ Американинг олтин қазиб олувчи, олмос ва уран саноати трансмиллий корпорациялари бўлди (250 минг муҳожир қонуний йўл билан ва тахминан 250 минг муҳожир яширин йўл билан келишган).

Бошқа марказ Жанубий Америка мамлакатларидандир.Биргина XX асрнинг 60 – 70 – йилларида у ерга салкам 8 млн чет эллик ишчилар олиб келинган.

Кейинги марказ Жануби – Шарқий Осиёда бўлиб, унда миллионлаб филиппинлик, покистонлик, жанубий корейлик, индонезияликлар бор эди.

Америка қитъасининг қатор мамлакатлари ва минтақаларида, Ғарбий Европа мамлакаталарида муҳожирлик сиёсати кескинлашган сайин миграция оқими ўзгариб, бу ерларга яширинча келадиган муҳожирлар сони тобора ортиб бормоқда.

Гарбий Европада 1970 – йиллардаги инқироз даврида ёлланиш мақсадида чегаралардан яширинча ўтиш оммавий тус олиб, 1976 йилда фақат Европа иқтисодий уюшмаси (ЕИУ) ҳудудида 600 минг яширинча келганлар аниқланди. 1979 йилда Италияда 500 минг, 1982 йилда ЕИУ мамлакатларида 2 млн яширинча келган муҳожирлар бор эди. Шу жумладан, улар Францияда 300 – 500 минг, ГФРда 200 – 500 минг кишини ташкил этарди. Яширинча келганларга катта жарима солинарди: Буюк Британияда 400 доллар, ГФРда 500 минг марка, Францияда 100 – 200 минг франк, Бельгияда 500 минг франк.

Яширин келишлар Шимолий Америкада кенг қулоч ёйди. Иш қидириб келадиганлар сони 80 – йилларда 800 минг кишига етди (мавсумга қараб 400 минг кишидан 1 млн 200 минг кишигача).

2001 йилда АҚШга қонунсиз келганларнинг умумий сони тахминан 5 млн кишига тўғри келади. Бу – мамлакатдаги ишчи кучининг тахминан 4%ни ташкил қилади. Айрим маълумотларга қараганда, гарчи рухсатсиз келган ҳар бир муҳожир учун 500 дан 1000 дооларгача жарима белгиланганига қарамай, 6 млн киши иш қидириб келган эди.

Тадбиркорлар учун яширин келганларни ишга ёллаш қуйидаги сабабларга кўра фойдали ҳисобланарди:

- 1) Уларга тўланадиган иш ҳақининг пастлиги;
- 2) иш солиқ хизматчиларига бирдирмасдан бажарилгани туфайли солиқ тўланмаслиги;
- 3) мабодо улар тўсатдан қўлга тушадиган бўлса ёки “чегарани бузувчилар” оммавий равишда мамлакатдан чиқарилган тақдирда уларга тўланадиган иш ҳақи тадбиркорлар қўлида қолишлиги.

Жанубий Америка, Жануби – Шарқий Осиё, Африканинг айрим минтақаларида ҳам яширинча келган муҳожирлар сони анча кўп.

Яширинча келаётган муҳожирлар оқимини тўхтатиш йўлидаги уринишлар кутилган натижани бермаяпти. Шунинг учун ҳам 1986 йилда АҚШда Иммиграция ислоҳоти ва назорат актини қўллаб – қувватлашди. У қуйидагиларни таъминлайди:

1. 1982 йилнинг 1 январидан мамлакатда яшаётганлиги тасдиқланган кишиларнинг аминистия бўйича афв этилиши ва ошкора фуқаролик ҳуқуқини олиш имкониятини.

2. Яширинча келган муҳожирларнинг ҳар бирини ишга олганлиги учун иш берувчиларга 250 – 1000 долларгача жарима солишни.

Мазкур чора – тадбирлар туфайли 1995 йилга келиб салкам 2,5 млн. яширинча келган муҳожир қонуний ҳақ – ҳуқуқларга эга бўлди, лекин АҚШдаги ана шундай ишчилар умумий сонининг атиги 1/3 ёки 2/3 қисмини ташкил қилади.

Чет эл ишчи кучлари оқими қабул қилаётган мамлакатлар иқтисодётига умуман анча баракали таъсир кўрсатади:

- чет эл ишчи кучи нархининг арзонлиги билан боғлиқ ишлаб чиқаришдаги сарф – харажатларнинг камайиши натижасида мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобатбардошлиги ортади;

- ривожланаётган мамлакатлардан келган малакали кадрлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат қийматининг ортиши (масалан, АҚШда йилиги 3 млрд доллар);

- чет эл ишчилари яратилаётган товар ва хизматларга қўшимча эҳтиёжлар туғдиради, ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва ўзлари келган мамлакатларда қўшимча иш жойларининг пайдо бўлишини рағбатлантиради;

- малакали ишчи кучларини қабул қилаётган мамлакат ўзида ўқитиш ва малакавий тайёргарлик учун кетадиган сарф – харажатларни тежайди (АҚШда йилига 1,8 млрд доллар);

- ижтимоий хизмат кўрсатишга сарфланадиган маблағлар ҳисобдан тежаш, чунки иммигрант ишчилар нафақалар билан таъминламайди ва турли ижтимоий дастурларни амалга оширишда ҳисобга олинмайди;

- чет элликлардан юқорироқ олинадиган солиқлар ҳисобидан қўшимча фойда кўриш;

- инқироз ва ишсизлик юз берган тақдирда улар ишдан биринчи бўлиб бўшатилишлари мумкин;

- муҳожирлар кексалик (аҳоли қариши) жабрини кўраётган ривожланган мамлакатларнинг демографик манзарасини яхшилайдиган;

- Франция, Германия, Швецияда барча янги туғилганларнинг 10%и кўчиб келганлар оиласида туғилипти. Швейцарияда 24%, Люксембургда 38%.

Даставвал, ишчи кучини экспорт қилишга мамлакатга чет эл валютасининг кириб келиши учун бир манба деб қаралади. Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига қараганда, ишчи кучи экспорт қилинганда олинадиган фойданинг ўртача нормаси товарларни экспорт қилингандагина қараганда 20% ва хизмат экспорт қилгандагига қараганда 50% бўлади.

Масалан, собиқ Югославияда 80 – йилларда товар ва хизматларни экспорт қилишдан ҳар йили тушган соф фойда салкам 2,5 млрд. долларни ташкил қиларди. Ишчи кучини экспорт қилишдан эса мамлакат 3,5 млрд ва ишчилар чет элдан ўз уйларга қайтиб келганларидан кейин яна шунча сумма оларди. Натижада тушумлар 7 млрд долларни ташкил этарди. Бугунги кунда эса бу ерда ишчи кучини экспорт қилиш валюта олишнинг бирдан – бир манбаи бўлиб қолди.

Меҳнат ресурслари эмиграциясининг ривожланаётган мамлакатлар учун роли катта. 90 – йилларда ишчи кучини экспорт қилишдан келадиган тушумлар ривожланаётган мамлакатларда юксак суръатлар билан ўсиб, йилига 10%гача етди. Шунинг учун ҳам улар меҳнат ресурслари бўйича ихтисослашиб, ишчи кучини экспорт қилиш валюта даромадларининг энг муҳим манбаи бўлиб қолди.

Ишчи кучини экспорт қилишдан олинадиган даромадлар тўртта бевосита манбадан иборат.

- Воситачи фирмалар даромадидан олинадиган солиқлар;

- иммигрантларнинг оилага ва қариндош – уруғларга ёрдам тариқасида ўз ватанларга юборадиган пул жўнатмалари;

- иммигрантларнинг шахсий инвестициялари (ватанига ишлаб чиқариш воситалари ва узоқ муддатли фойдаланиладиган буюмларни олиб келиши, ер – сув, кўчмас мулк сотиб олиш, қимматбаҳо қўғозларни харид қилиш);

- ишчи кучини импорт қилувчи мамлакатлардан келадиган капиталлар.

Булар кўпинча меҳнат ресурсларини қайта тиклашга, ижтимоий соҳага сарфланади.

Масалан, Миср Араб Республикаси учун Сувайш каналидан фойдланиш 80 – йиллар охирларида йилига 970 млн доллар, туризм – 600 млн, муҳожирлар юбориш эса 3 млрд доллардан ортиқ фойда келтирди.

Яманда муҳожирларни юбориш айрим йилларда экспортдан келадиган тушумлар 30 баробар кўп фойда келтирди.

90 – йилларнинг бошларида дунёнинг 40 га яқин мамлакатада чет элдан тушган киримнинг салкам 100 млн долларни муҳожирлардан олишган, 10 та мамлакат эса 1 млрд дан кўпроқ олган.

Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, тўлов балансларининг даромад қисмига киритиладиган хусусий пул ўтказишларнинг 90%ини муҳожирлардан тушган киримлар ташкил этади.

Экспортчи мамлакат учун ишчи кучини экспорт қилишнинг салбий жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ақлли, идрокли одамларнинг четга кетиши;
- малакали, ташаббускор кадрларнинг камайиши.

Муҳожирлар ўз ватанларига қайтганларидан кейин ҳам уларнинг ижтимоий – иқтисодий ролида сезиларли ўзгаришлар юз беради.

Ҳозирги вақтда халқаро меҳнат миграцияси сиёсий, маданий, ҳуқуқий ва иқтисодий омилларга боғлиқ равишда амалга оширилмоқда. ХМТ маълумотларига кўра меҳнат миграциясининг асосий сабаби юқори иш ҳақи ва турмуш даражасини яхшилаш, чет элда олган юқори иш ҳақи эвазига ўз ватанида турмуш шарт-шароитларини кўтариш ҳисобланади. Баъзи ҳолларда мигрантларнинг пул ўтказмалари мамлакат ЯИМ сига сезиларли таъсир кўрсатади. ХМТ маълумотларига кўра 2013 йилда жами меҳнат мигрантлари томонида 549 млрд АҚШ доллари миқдорида пул ўтказмалари амалга оширилган бўлиб шундан 414 млрд. АҚШ доллари ривожланаётган

мамлакатларга меҳнат мигрантлари томонидан ўз оила аъзоларини таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилаш мақсадида амалга оширилган.

Таянч иборалар: жаҳон хўжалиги, халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро иқтисодий муносабатларни амалга ошириш механизми, автаркия, ташқи савдо квотаси, байналминаллашув, глобаллашув, меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни ихтисослашуви, кооперация, илмий-техника инқилобининг таъсири.

Назорат учун саволлари:

1. Жаҳон капиталистик хўжалик тизими қанақа тизим?
2. «Янги индустриал давлатлар» («ЯИД») қайси давлатлар қиради?
3. Осиё-Тинч океани минтақасида 4 та кичик «аждаҳо» деб ном олган давлатлар савдо алоқалари ҳақида нималарни биласиз?
4. Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси нима?
5. Германия ишчи кучи етишмовчилиги сабабларини айтинг?
6. Яширинча келган муҳожирларнинг ҳар бирини ишга олганлиги учун иш берувчиларга жарима солинишига нима сабаб?

4-МАВЗУ. ХАЛҚАРО САВДО СИЁСАТИ. ХАЛҚАРО САВДОНИ ДАВЛАТЛАРАРО ТАРТИБГА СОЛИШ

1. Халқаро савдони тартибга солишнинг зарурияти.
2. Халқаро савдони тартибга солишнинг усуллари.
3. Савдо сиёсатининг молиявий усуллари.
4. Протекционистик сиёсат тамойиллари.
5. Ташқи савдони лицензиялаш.

1. Халқаро савдони тартибга солишнинг зарурияти.

Ҳозирги замон иқтисодий муносабатларининг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, ишлаб чиқариш ва товарлар сотиш жараёнининг тобора кўпроқ интернационаллашиб боришидир. Жаҳон иқтисодий жараёнларининг учта яқин қисми тарнсмиллий корпорациялар томонидан назорат қилинмоқда, жаҳон бозорига уларнинг таъсири ошиб бормоқда. Халқаро савдо – иқтисодий муносабатлар шу муносабат билан анча барқарор бўлиб қолди. Халқаро монополиянинг пайдо бўлиши эркин бозор фаолиятини сиқиб қўймоқда. Жаҳон бозорига варлар контракт асосида олиб чиқилмоқда.

Халқаро савдонинг структурасида жиддий ўзгаришлар рўй берди: тайёр маҳсулотлар Ҳажми ортди, озиқ – овқат, хом ашёнинг малмоғи қисқарди. Ёнилғини бундан мустасно қилдиш мумкин.

1. Химия саноатининг (синтетик каучук, пластмасса ва бошқалар) ривожланиши туфайли, мамлакат ресурсларидан унумли фойдаланиш, ресурсларни тежиш технологиясига ўтиш асосида синтетик материаллар ишлаб чиқаришнинг кенгайиши. шу билан бирга минерал ёнилғи – нефт ва табиий газ савдосида кескин ривожланди.

2. Агар халқаро товар оборотда хом ашё материаллари, тайёр маҳсулотлар устиворлик қилган бўлса, эндиликда ярим фабрикалар билан айирбош қилиш, тайёр маҳсулотнинг маълум бир қисмини сотиш кенг авж олиб кетмоқда. Масалан, барча импортнинг учдан бир қисми, машина ва асбоблар

савдосининг бешдан уч қисмини оралиқ маҳсулотлар (жихозловш материаллари) ташкил этмоқда.

Серияли ишлаб чиқаришнинг икки карра ортиши натижасида маҳсулот бирлигига тўғри келуви харажатлар 8 – 9 фоизга камаяди. Ихтисослашишни чуқурлаштиришга ассортиментнинг маънавий эскириши ва унинг тезда янгиланиши ҳам жиддий таъсир қилади. Бу ҳолат илмий тадқиқотларнинг ихтисослашувига олиб келади. Жаҳон савдосининг яна бир муҳим янгилк уни интеллектуаллаштириш жараёнидир. Саноати ривожланаган мамлакатлар экспортида юксак технологияли маҳсулот устиворлик қиляпти. Жумладан, АҚШда, Швейцарияда, Японияда 20 фоиздан юқори, ГФРда ва Францияда 15 фоизга яқин. Хусусан микроэлектроника товарлари савдоси тез ўсиб борапти.

Халқаро савдода хизматлар соҳасидаги экспорт ва импорт муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, халқаро транзит транспортнинг барча трлари, чет эл туризми, банклар ва суғурта компаниялари хизматлари, патент ва лицензиялар учун товарлар авторлик гонорарлари, реклама, бадий безакдан тушадиган даромадлар соғлиқни сақлаш, таълим бериш, ҳисоблаш техникасини дастурлаш билан таъминлаш, савдо воситалаги ва бошқалар.

Кейинги йилларда четга капитал чиқариш кескин кўпайди. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Булар қуйидагилар:

Биринчидан, иқтисодий тараққиётнинг юксалиши капиталга бўлган талабни кучайтириб юборади. Илмий – техника тараққиёти ҳам кўплаб капитал, маблағларни сарф қилишни талаб қилади.

Иккинчидан, ишчи кучининг арзонлашуви натижасида ўта меҳнат талаб ишлаб чиқаришда хажаратлар камайтириш учун капитал кўплаб ишга солинади.

Учинчидан, чет элларда қазилма бойликларга кўплаб капитал сарфланиши хом ашё манбаларини юқори даражада таъминлаб туради.

Тўртинчидан, ривожланаётган мамлакатларда қайта ишлаш саноатига кўплаб капитал сарфлар натижасида экспорт учун тўсиқ бўладиган бож тўловлари текширишларини бартараф этиш мумкин.

Беинчидан, мамлакатларда баъзан мавжуд бошқа омилларга нисбатан капитал етишмаслигини олдини олиш учун кўплаб чора – тадбирлар кўрилади.

Давлат капитал турли шаклларда экспорт қилинади.

- Кам ривожланган мамлакатларда бағараз субсидиялар ва дотациялар
- узоқ муддатли кредитлар (25 – 40 йил)
- давлат – тижорат кредитлари
- хусусий кредитларнинг давлат кафолати.

Халқаро молиявий ташкилотларнинг кредитлари умуман қилинаётган капитал доирасида анча кам ҳисоблансада, аммо хусусий капиталларни экспорт қилишда катта роль ўйнайди. молиявий йўл билан бирор мамлакатга унчалик катта бўлмаган кредит берилса, хусусий капитал бундан ўзи учун хулоса чиқариб олади. Демак, шу мамлакатга капитал жўнатиш бехатар ва фойдали экан.

Халқаро савдонинг барқарор ўсишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатган бўлиб, улар қуйидагилардир:

- халқаро меҳнат тақсимооти ва ишлаб чиқариш байналминаллашувининг ривожланиши;
- илмий-техника инқилоби (ИТИ);
- жаҳон бозорида трансмиллий корпорацияларнинг фаолияти;
- халқаро савдонинг Тариф ва Савдо Бош Битими (ТСББ) фаолияти орқали тартибга солиниши (эркинлаштирилиши);
- халқаро савдонинг эркинлаштирилиши, кўпгина давлатларнинг импортни сон жиҳатидан чеклашни бекор қилувчи ва божларни кескин қисқартирувчи режимга ўтишлари, эркин савдо ҳудудларининг ташкил топиши;
- савдо-иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиши. Минтақавий тўсиқларнинг олиб ташланиши, умумий бозорлар, эркин савдо ҳудудларининг ташкил этилиши;
- собиқ мустамлака давлатларининг мустақилликка эришиши. Улар орасидан ташқи бозорга йўналтирилган иқтисодий моделни танлаган “Янги индустриал давлатларнинг” ЯИД ажралиши ва ҳ.клар.

Халқаро савдода содир бўлаётган жараёнларни таҳлил қилар эканмиз иқтисодий эркинлаштириш унинг энг асосий йўналиши эканлигини таъкидлаб ўтиш лозимдир. Бож тўловларида сезиларли камайтиришлар юз берди, кўпгина чеклашлар, квоталар ва бошқа тўсиқлар йўқ қилинди. Бироқ халқаро савдода бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийси – протекционизм сиёсатининг иқтисодий гуруҳлар ва мамлакатларнинг савдо-иқтисодий блоклари миқёсида ривож топиши.

Савдо-иқтисодий блокларнинг пайдо бўлишидаги биринчи кадам ЭСХларнинг яратилишидир. Халқаро банкнинг ахборотларига қараганда 90-йилларнинг ўрталарида дунё савдосининг 42-45 % худди шундай ҳудудларда олиб борилган. Жаҳонда энг машҳур ЭСХлар Европанинг эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ), ЕИ, Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси (НАФТА), Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (АТЭС) ва бошқалардир.

Жаҳон ҳўжалигида халқаро ҳудудий савдо блокларининг энг йирик 9 таси таркиби қуйидагилар бўлган:

- Европа Иттифоқи (ЕИ) - Австрия, Германия, Буюк Британия, Италия, Ирландия, Франция, Испания, Португалия, Финляндия, Швеция, Дания, Бельгия, Люксембург, Нидерландлар, Греция. Бундан ташқари ушбу иттифоққа 2004 йилнинг биринчи майидан Польша, Чехия, Эстония, Литва, Латвия, Словения, Словакия, Венгрия, Кипр, Мальта каби давлатлар аъзо бўлиб кирди.

- Шимолий Америка эркин савдо ҳақидаги келишуви (НАФТА) - АҚШ, Канада, Мексика.

- Европа Эркин Савдо Ассоциацияси (ЕАСТ) - Исландия, Норвегия, Швейцария, Лихтенштейн.

- Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги (АТЭС) Австралия, Бруней, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Янги Зеландия, Папуа-Янги Гвинея, Индонезия, Филлипин, Тайвань, Гонконг, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Канада, АҚШ, Мексика, Чили, Россия, Перу, Эквадор.

- “Меркосур” - Бразилия, Аргентина, Парагвай, Уругвай.

- Жанубий Африка Тараққиёт қўмитаси (САДК) - Ангола, Ботсвана, Лесото, Малави, Мозамбик Маврикий, Намибия, ЖАР, Свазиленд, Танзания, Зимбабве.

- Ғарбий Африка иқтисодий ва валюта иттифоқи (ЮЭМОА)- Кот-д Ивуар, Буркина-Фасо, Нигерия, Того, Сенегал, Бенин, Мали.

- Жанубий Осиё ҳудудий ҳамкорлик ассоциацияси (СААРК)-Ҳиндистон, Покистон, Шри-Ланка, Бангладеш, Мальдив ороллари, Бутан, Непал.

- Анд пакти давлатлари Венесуэла, Колумбия, Эквадор, Перу, Боливия.

Жаҳон иқтисодиётида бундай блокларнинг тузилишига сиёсий, иқтисодий ва тарихий характерга эга бўлган объектив жараёнлар сабаб бўлган эди. Бир томондан бундай жараёнларнинг кучайиши халқаро савдони кучайтирса(иқтисодий зона, блок ва иқтисодий ҳудудлар микёсида), бошқа томондан эса ҳар қандай ёпик тузилма учун хос бўлган баъзи тўсиқлар яратилди. Халқаро савдони бошқариш, унинг тараққиётига бўлган тўсиқларни йўқ қилиш ва эркинлаштиришда халқаро иқтисодий ташкилотлар муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий савдо сиёсатининг мақсади ва йўналишлари

Иқтисодий савдо сиёсатини асосий иккита йўналишга ажратиш мумкин:

- эркин савдо сиёсати;

- протекционизм.

Эркин савдо сиёсати (free trade) – бу, соф ҳолда, давлатнинг бозордаги асосий назоратини сақлаган ҳолда унинг иқтисодий савдога бевосита таъсирини чеклайди. Лекин бу давлатнинг иқтисодий савдодаги таъсири умуман йўқ, дегани эмас. Бунда давлат бошқа давлатлар билан келишувлар орқали ўз хўжалик субъектларига максимал эркинликни вужудга келтиради.

Протекционизм (protectionism) - бу миллий иқтисодиётни хорижий рақобатдан химоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсатдир. Протекционизмда эркин савдо сиёсатидан фарқли ўлароқ бозор муносабатлари эркин амал қилмайди, чунки бу йўналиш вакиллари жаҳон бозорида давлатларнинг иқтисодий салоҳияти ва улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларининг рақотбардошлиги ҳар хил бўлади, шунинг учун бозор муносабатларининг

эркин амал қилиши барча давлатлар учун, айниқса, кам ривожланганлари учун фойдали бўлавермайди, деб ҳисоблайдилар.

Божхона тарифлари ва уларнинг таъсир этиш механизми

Иқтисодий савдо сиёсатининг асосий ва классик дастаги бўлиб, божхона тарифлари ҳисобланади.

Божхона тарифи - бу тизимлаштирилган божхона божлари ставкаларининг рўйхати. Божхона божи деганда, давлатнинг чегарасини кесиб ўтган вақтда импортга ва экспортга солинадиган солиқ тўловлари тушунилади.

Божхона божлари қуйидаги мезонлар бўйича таснифланади:

1. *Товарнинг ҳаракат йўналишига қараб.* Товарнинг ҳаракат йўналишига қараб **импорт, экспорт ва транзит божларига** бўлинади.

2. *Божнинг белгиланиши усулига қараб.* Божнинг белгиланиши усулига қараб **адвалор, специфик ва комбинациялашган божларга** бўлинади.

3. *Бож ставкасига кўра.* Ҳар бир давлат автоном равишда ҳеч қандай келишувларисиз қонун ҳужжатларида кўрсатилган божхона тарифларининг биринчи устунида жойлашган максимал бож ставкаларини белгилашга ҳаракат қилади. Лекин, икки ва кўп томонлама келишувлар натижасида божхона тарифларининг иккинчи устунида жойлашган минимал бож ставкалари белгиланади. Бу божлар одатда **конвенциал (келишилган)** бўлади. Учинчи устунда эса **преференциал**, яъни иккинчи устундаги бож ставкаларидан паст бўлган божлар жойлашган.

4. *Божнинг йўналтирилганлигига қараб.* Божнинг йўналтирилганлигига қараб божлар икки йўналишга, яъни **преференциал ёки дискриминацион божларга** бўлинади. Преференциал божлар муайян давлатда бирор бир товарнинг ишлаб чиқарилишига қулай муҳит яратиш учун минимал бож ставкаларининг яратилишидир. Дискриминацион бож ставкалари биринчи устундаги бож ставкаларидан юқори бўлиб, улар ўз ичига **компенсацион, антидемпинг ва жавоб тариқасидаги божларни** олади.

Тарифларга қарши далиллар:

- тарифлар иқтисодий ўсишни секинлаштиради;

- тарифларнинг бир томонлама жорий этилиши кўп ҳолларда савдо урушларига олиб келади. Бу жаҳон савдоси ва халқаро иқтисодиётнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади;

- тариф истеъмолчиларга нисбатан солиқ юкининг ошишига олиб келади. Чунки улар тариф туфайли импорт товарларини ва шунга ўхшаш маҳаллий товарларни янада юқори баҳоларда харид қилишга мажбур бўлишади;

- импорт тарифи тўлов баланси муаммоларини мураккаблаштириш орқали мамлакат экспортига билвосита зарар етказади;

- тариф иш билан бандликнинг умумий даражасини қисқаришига олиб келади.

Тарифларни ҳимоя қилиш далиллари:

Божхона тарифларини ҳимоя қилиш далиллари унинг давлат савдо сиёсатининг воситаси сифатида ниҳоятда кўпдир. Ҳар бир мамлакат ўз маҳаллий шароитларига кўпроқ мос келадиган далилларга алоҳида эътиборни қаратади:

- тариф – ёш тармоқларни ҳимоя қилиш воситасидир;
- тариф-маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи воситадир. Ушбу далил ривожланаётган мамлакатлар томонидан кенг фойдалинилади;
- тариф - давлат бюджети даромадларининг муҳим манбаидир.

Нотариф тўсиқлар

Нотариф тўсиқлар уч гуруҳга ажратилади:

1) Миллий ишлаб чиқаришнинг муайян бир соҳасини иқтисодий ишлаб чиқарувчилардан муҳофаза қилиш учун импортга бевосита чекловларнинг қўлланилиши: **квоталар, лицензия, компенсацион йиғимлар, импорт депозитлари, ҳамда антидемпинг ва компенсацион божлар.**

2) Бевосита иқтисодий савдони чеклашга қаратилмаган, аммо ўхшаш натижаларни берувчи маъмурий чора-тадбирлар: **техник ва санитар стандарт нормалари, қадоқлаш ва маркировкаларга талаблар** ва ҳ.к.

3) Иқтисодий савдони чеклашга қаратилмаган, аммо шундай натижани берувчи бошқа чора-тадбирлар мажмуаси.

Бундан ташқари нотариф тўмиқларини ишлаш механизмига қараб кўйидаги етти гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) паратариф чора-тадбирлар;
- 2) нарх назорати чора-тадбирлари;
- 3) молиявий чора-тадбирлар;
- 4) миқдорий назорат;
- 5) автоматик лицензиялаш;
- 6) давлат монополияси;
- 7) техник тўсиқлар.

Лицензия ва квоталар. **Квота** - бу муайян бир давр мобайнида миқдор ёки сумма кўринишида экспорт ва импорт ҳажмини чеклашга қаратилган нотариф чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Агар белгиланган квота 0 га тенг бўлса, бу ҳолда унинг ўрнини экспорт ва импортга **эмбарго** эгаллайди. Квота амалдаги экспорт ва импорт ҳажмидан кўпроқ белгиланиши мумкин. Бу ҳолда квота чеклов вазифасини бажармай фақатгина назорат вазифасини бажаради.

Экспортга квота белгилашдан танқис бўлган товарларнинг чиқиб кетишини олдини олиш ҳамда сиёсий мақсадларга эришиш йўлида фойдаланилади. Импортга квота белгилаш эса миллий ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий рақобатдан ҳимоя қилиш, ишсизлик даражасини пасайтириш, тўлов балансини яхшилаш ва товарлар ҳаракатини назорат қилишнинг энг мақбул йўлидир.

Квотанинг энг кенг қўлланиладиган турларидан бири бўлиб **тариф квоталари (tariff rate)** ҳисобланади. Бу квота тури белгилангандан кейин импорт қилинаётган товарлардан бож олинмайди, агар импорт қилинаётган товар чекланган миқдордан кўп бўлса у товардан юқори бож ставкаси олинади.

Квота одатда экспорт ва импортга рухсатномани акс эттирувчи **лицензия** асосида тақсимланади. **Лицензия** - бу давлат томонидан белгиланган товарларнинг рўйхати асосида иқтисодий савдо алоқаларини олиб боришга берилган рухсатномадир.

Лицензиянинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

а) **автоматик ёки бош лицензия** - муайян давр мобайнида давлат томонидан белгиланган рўйхат асосида товарларнинг кириши ёки чиқишига рухсатномадир;

б) **ноавтоматик ёки бир мартали лицензия** - муайян товарнинг белгиланган миқдорда, белгиланган нархда ҳамда белгиланган давлатдан экспорт ёки импорт қилинишига рухсатномадир.

Халқаро савдо сиёсати

Эркин савдо ҳудудлари ва божхона иттифоқлари. Юқорида иқтисодий савдо сиёсати инструментларининг ишлаш механизми алоҳида олинган давлат мисолида кўриб чиқилди. Лекин иқтисодиётда шундай ҳолатлар мавжудки, бунда давлатлар иқтисодий савдо сиёсатини ўтказиш йўлида бирлашадилар ва бир бирларига имтиёзлар яратилиши натижасида божхона божлари олиб ташланади. Агар мамлакатлар бир бирларига имтиёзлар белгилаши натижасида учинчи мамлакатга нисбатан келишилган ҳолда бож белгиланса, бундай келишувни **эркин савдо ҳудуди (free trade area)** дейиш мумкин: Европа эркин савдо ассосацияси (ЕАСТ, 1959). Агар мамлакатлар бир бирлари учун божхона божларини олиб ташлари натижасида учинчи мамлакатга нисбатан бир хил бож белгиланса, бундай келишувни **божхона иттифоқи (customs union)** дейиш мумкин: Франция-Монако (1865), Швецария-Лихтенштейн (1923).

Энди божхона иттифоқи тузилиши натижасида халқаро савдо алоқаларида қандай ўзгаришлар бўлишини кўриб чиқамиз.

1. Янги товар оқимларининг вужудга келиши. Тасаввур қилайлик бирор бир товарни уч мамлакат ҳар хил Х нархларда ишлаб чиқаради:

А мамлакат-100;

В мамлакат-105;

С мамлакат-110.

В мамлакатда импортга 20% ли бож қўйилган. Бу ҳолатда В мамлакат бу товарга бўлган эҳтиёжни ўзи қондиради, чунки А ва С мамлакатдан ушбу товарни экспортга субсидиясиз импорт қилиш мумкин эмас. Агар А ва В

мамлакатлар ўзаро божхона иттифоқини тузса, В мамлакатда Х товарни ишлаб чиқариш хажми А мамлакатдан импорт қилиш ҳисобига камаяди.

2. *Товар оқимларининг ўзгариши.* Фараз қилайлик, яна ўша уч мамлакат У товарни ҳар хил нархларда ишлаб чиқаради:

А мамлакат-130;

В мамлакат-105;

С мамлакат-100.

Божхона иттифоқи тузилгунга қадар А мамлакат импортга 20 фоизли бож белгилаши натижасида, У товарга бўлган талабни С мамлакатдан импорт қилиши ҳисобига қондирар эди. Бироқ А ва В мамлакат ўртасида божхона иттифоқи тузилиши натижасида А мамлакат У товарни ишлаб чиқариш С мамлакатга нисбатан қимматга тушушига қарамай В мамлакатдан сотиб ола бошлади.

Шундай қилиб божхона иттифоқи тузилган мамлакатлар ҳудудида учинчи мамлакатлар маҳсулотларининг рақобатбардошлиги паст бўлади.

Халқаро савдони ривожланишида халқаро ташкилотларнинг роли

БСТ 1995 йил 1 январда ташкил топган бўлиб, у Уругвай раунди натижаларининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳамда Тариф ва Савдо тўғрисидаги Бош битим (ГАТТ, яъни GATT - General Agreement Tariffs and Trade)нинг қонуний вориси ҳисобланади.

БСТдан олдин фаолият кўрсатган ГАТТ иккинчи жаҳон урушидан сўнг вақтинчалик асосида ташкил топди. 47 йиллик фаолияти давомида ГАТТнинг ҳуқуқий матни деярли 1948 йилдаги каби сақланиб қомий, фақатгина унга шартномалар шаклида баъзи бир ўзгартиришлар киритилди ва доимо тарифларни пасайтиришга ҳаракат қилинди. Унда савдо музокаралари раундлари муҳим роль ўйнади.

Савдо музокаралари раундлари узоқ давом этсада, уларда комплекс, яъни мажмуавий ёндашув таъминланди. Бундай ёндашув алоҳида масалалар бўйича музокараларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга.

Биринчидан, савдо музокаралари раундлари унда қатнашувчиларга кенг турдаги масалалар бўйича қулайликларни излаб топиш ва таъминлаш имкониятини беради.

Иккинчидан, ички сиёсат нуқтаи назаридан асослаш қийин, аммо зарур бўлган ён босишларни сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан қулайликларни ўзида акс эттирган таклифлар пакети доирасида амалга ошириш осонроқ.

Учинчидан, музокаралар раундлари доирасида ривожланаётган мамлакатлар ёки бошқа "кам таъсирга эга бўлган" қатнашчилар кўп ёклама тизимга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўладилар,

Ва ниҳоят, тўртинчидан, жаҳон савдосининг сиёсий нуқтаи назардан "таъсирчан" соҳаларини умумий ислоҳ қилишни глобал таклифлар пакети доирасида ҳал этиш эҳтимоли юқорироқ ҳисобланади. Бунга Уругвай раунди давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосини ислоҳ қилиш яққол мисол бўла олади.

1-жадвал

БСТгача ГАТТ бўйича савдо музокаралари раундларида кўрилган масалалар¹¹

Музокаралар ўтказилган манзил	Йиллар	Асосий муҳокама мавзулари	Мамлакатлар сони
Женева (Швейцария)	1947	Божхона тарифларини пасайтириш	23
Аннеси (Франция)	1949	Божхона тарифларини пасайтириш	13
Торкой (Англия)	1950	Божхотта тарифларини пасайтириш	38
Женева	1956	Божхона тарифларини пасайтириш	26
Женева (Диплон раунди)	1960-1961	Божхона тарифларини пасайтириш	26

¹¹ Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х частях. 4.2. Международная макроэкономика; открытая экономика и макроэкономическое программирование. Учебное пособие для вузов. - М.: Международные отношения, 1999.

Женева (Кеннеди раунди)	1964-1967	Бож тўловларини қисқартириш ва антидемпинг кодексини ишлаб чиқиш	62
Токио (Япония) жараён Женевада кечган	1973-1979	Тарифларни пасайтириш, нотариф тўсиқларни ҳал қилишда ГАТТ ком - петенциясини ва ваколатини ошириш кодексини ишлаб чиқиш	102
Пунта дел Эсенте (Уругвай) жараён Же - невада кечган (Уругвай раунди)	1986-1994	Божхона тўсиқларини пасайтириш, ГАТТ механизмини такомиллаштириш, БСТ тузиш битими, хизматлар савдоси бўйича бош битим (ГАТС)	123
Доха (Доха раунди)	2000 йилдан ҳозирги кунга қадар	Келишилган қоидаларни такомиллаштириш ва атороф - муҳит бўйича тадбирлар	146

Жаҳон савдо ташкилоти ГАТТнинг расмий вориси ҳисоблансада, бир қатор кўрсаткичлари бўйича ундан фарқ қилади.

1. ГАТТ қоидалар мажмуидан иборат бўлиб, унинг доимий фаолият юритувчи органи фақат унинг котибияти ҳисобланар эди. БСТ эса доимий фаолият юритувчи ташкилот бўлиб, аъзо мамлакатларга ўзига хос мажбуриятларни тақдим этадики, уни барча аъзо мамлакатлар бажаришга мажбурдирлар.

2. ГАТТ вақтинчалик асос сифатида қўлланилар эди, БСТ мажбуриятлари эса тўлақонли ва доимийдир.

3. БСТ нафақат ГАТТга нисбатан кўпроқ аъзоларни қамраб олиши мумкин, балки у савдо фаолияти ва савдо сиёсати нуқтаи назаридан кенгрок соҳаларни ўз ичига олади. Хусусан, ГАТТ фақат тижорат товарлари савдосига нисбатан қўлланилган бўлса, БСТ товарлар ва хизматлар савдоси, "ғоялар савдоси" ёки интеллектуал мулк савдосини ҳам қамраб олади.

БСТнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- кўп томонлама савдо битимларини тартибга солиш ва амалга ошириш;

- кўп томонлама савдо музокаралари учун форум сифатида фаолият кўрсатиш;
- савдо соҳасида вужудга келадиган баҳс—мунозараларни ҳал этиш йўлларини излаш;
- миллий савдо сиёсати устидан назорат юритиш;
- глобал иқтисодий сиёсат шаклланишида қатнашувчи бошқа халқаро муассасалар билан ҳамкорлик юритиш.

БСТнинг асосий тамойиллари ва қоидалари қуйидагилардан иборат:

- БСТга аъзо мамлакатлар ўзаро савдода бир—бирларига энг қулай шарт-шароитлар режимини тақдим этиши;
- савдони тартибга солишда божхона тарифларидан устун даражада фойдаланиш. БСТга аъзо мамлакатларда миқдорий чеклашлар эмас, балки божхона тарифлари ташқи савдо сиёсатининг, миллий бозорлар ва саноат тармоқларини ҳимоя қилишнинг асосий воситаси ҳисобланади;
- хорижий товарлар учун ўзаро миллий режимни тақдим этиш;
- алоҳида келишилган ҳолатлардан (масалан, тўлов баланси мутаносиблигини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора- тадбирлар) бошқа пайтларда савдода миқдорий чекловлардан воз кечиш;
- савдо сиёсатининг ошкоралиги, хусусан, БСТга аъзо ҳар бир мамлакат ташқи савдо фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва қарорларни очиқ нашр қилиши ва БСТга тақдим этишлари лозим;
- БСТга аъзо мамлакатларнинг божхона иттифоқлари ва эркин савдо зоналарини ташкил этиш ҳуқуқлари.

БСТ шартномалари режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар учун муҳим қоидаларни ўзида акс эттиради. Мазкур мамлакатларга БСТга аъзо бўлган вақтдан бошлаб етти йил давомида зарурий ўзгаришларни амалга ошириш учун субсидиялардан фойдаланган ҳолда чора-тадбирлар ва дас турлар қўллашга рухсат берилади.

Бугунги кунда БСТ унга аъзо мамлакатлар учун кўп томонлама савдо шартномалари вазифасини ҳам бажаради ва бир неча минглаб икки томонлама

шартномалар ва битимлар тизимининг ўрнини босади. Бу эса БСТга аъзо мамлакатларга кўплаб афзалликларни тақдим этади. Бундан ташқари жамоавий муҳокамалар, келишувлар ва келишмовчиликларни ҳал этиш жараёнида БСТ мамлакатлар ўртасида савдо муносабатлари шаклланадиган форум ҳам ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда ички ва ташқи товар алмашуви ўртасидаги тафовутлар тобора пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Натижада миллий иқтисодий тизимлар ўртасидаги алоқалар тобора чуқурлашиб бормоқда. Бу эса кўплаб мамлакатлар ва кўплаб ташқи савдо муносабатлари шакллари ўз ичига олган ягона ҳукукий ва маъмурий кенглик барпо этиш йўналишида муҳим кадам қўйилаётганлигини билдиради. Бундай шароитда БСТга аъзо мамлакатлар халқаро савдо муносабатларининг енгиллашиши, унга аъзо бўлмаган мамлакатлар ташқи иқтисодий фаолиятининг мураккаблашуви кузатилади.

Бутужаҳон савдо ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасидаги энг қулай шарт-шароитлар режимининг моҳияти ва шакллари

Энг қулай шарт-шароитлар тамойили муайян соҳада тегишли шартномаларни имзолаган давлатлар ҳолатига тенгликни ўрнатишга йўналтирилади. Бу тамойил ўз моҳиятига кўра "халқаро савдонинг ривожланиши учун зарурий шарт, ҳар қандай алмашувнинг асоси ҳисобланади. Зеро у барча рақобатчиларни тенг имконли шароитлар билан таъминлайди".

Шу билан бирга, энг қулай шарт-шароитлар режимини тақдим этиш ҳар доим ҳам тенг миқёсда бевосита моддий манфаат кўришни билдирмайди. Энг қулай шарт-шароитлар тамойили мўътадил савдо ва давлатлар ўртасидаги бошқа ўзаро муносабатлар учун минимал даражада зарур бўлган кафолатларни таъминлайди.

Хизматлар савдоси бўйича Бош битим (GATS) қатнашчиларни хизматларга нисбатан энг қулай шарт-шароитлар тақдим этишга мажбур қилади.

Энг қулай шарт-шароитлар режими ва миллий режимни ўзида акс эттирган БСТнинг бошқа битимлари жумласига, шунингдек, савдода техник чеклашлар бўйича, савдо билан боғлиқ бўлган инвестицион чора-тадбирлар бўйича ва бошқа бир қатор битимлар киради.

2-жадвал

БСТ ҳуқуқий тизимининг икки асосий қоидаси¹²

ЖСТ ҳуқуқий тизимининг икки асосий қоидаси	
Энг қулай шарт – шароитлар режими (Most favoured nation)	Миллий режим (National regims).
Аъзо мамлакатлар бошқа аъзо мамла – катлар томонидан тақдим этилган то – варларга мазкур ташкилотга аъзо бўлмаган жаҳоннинг ҳар қандай мам – лакати томонидан тақдим этилган то – варларга нисбатан қулай савдо шарт – шароитларини тақдим этишлари шарт	Ҳар қандай мамлакат ички бозорида импорт товарлари пайдо бўлган ҳолатда, у ўзида ишлаб чиқарилган товарларга қўлланилаётган режимга нисбатан камроқ қулайлик яратмаслиги лозим

Ҳозирги вақтда халқаро савдода Тарифлар ва савдо бўйича Бош битимда ўз аксини топган энг қулай шарт-шароитлар режимининг классик таърифи амал қилади. Битимда ҳал қилувчи ўринга эга бўлган ГАТТнинг биринчи моддасида аъзо мамлакатлар бир-бирларига ҳеч қандай шартсиз энг қулай шарт-шароитлар режимини тақдим этишлари лозимлиги қайд этилган.

Бу қоида экспорт, импорт ва транзит савдо операцияларига, шунингдек, экспорт ва импорт операциялари бўйича халқаро тўловларга ҳам тегишли. Энг қулай шарт-шароитлар режими божхона тўловларини ва ташқи савдо операциялари билан боғлиқ йиғимларнинг барча турларини ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқдри энг қулай шарт-шароитлар режими тўғрисидаги қоида ички солиқлар ва йиғимларга, аъзо мамлакатлар ички ҳудудларида товарлар сотиб олиш ва сотишни тартибга солувчи ички қоидалар ва қонунларга ҳам тегишли.

Энг қулай шарт-шароитлар режимидан мустасно ҳолатлар бирмунча кенг ва умумий йўналишлар бўйича ҳам мавжуд. Дастлаб бу мустасно ҳолатлар

¹² "Генеральное соглашение по тарифам и торговле ГАТТ". Спб- 1994 г.- с.15.

¹²Кулишер И.П. Международные торговые договоры. Пг.,1992г.-с.45.Фомичев В.И. Международная торговли. М.: ИНФРА-М, 1998г. с.55

ГАТТ нинг 20-моддасида (Умумий мустасно ҳолатлар) ва 21 модддсида (Хавфсизлик бўйича мустасно ҳолатлар) қайд этилган эди.¹³

Энг муҳим мустасно ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

— ривожланаётган мамлакатларнинг қайта ишлаш маҳсулотларига ривожланган мамлакатларнинг худди шундай маҳсулотларига нисбатан имтиёзли режим тақдим этилади;

— савдо уюшмалари аъзоларига, масалан, Европа Иттифоқиға аъзо мамлакатларға ушбу уюшмага аъзо бўлмаган мамлакатларға нисбатан енгилликлар берилади;

— муайян мамлакатлар товарларига нисбатан ихтиёрий чеклаш тадбирларини қўллаётган мамлакатларға ушбу мамлакат энг қулай шарт-шароитлар режимини тақдим этишлари шарт эмас;

— битимға имзо чекмаган мамлакатларға ҳар доим ҳам мазкур режим қўлланилмайди;

— ГАТТға киргунга қадар қабул қилинган қонунчиликка асосланиб, баъзан мамлакатлар турли хил мустасно қоидаларини қўллашлари мумкин;

— истисно ҳолатлари уруш вақтида ва халқаро вазиятлар кескин бўлган вазиятларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Кейинчалик эса, бу қоидалар БСТнинг бошқа шартномаларида ва ҳуқуқий ҳужжатларида ҳам ўз аксини топди.

Халқаро савдо ривожланишининг кейинги ўттиз йиллик тенденциялари энг қулай шарт-шароитлар режимининг жаҳон савдосидаги роли тўғрисида қарама-қарши ҳулосалар чиқаришға имкон беради. Гап шундаки, жаҳон савдосининг минтақавий тус олиши, кўплаб алоҳида гуруҳ мамлакатлар учун имтиёзларнинг кенг миқёсда қўлланилиши, ва ниҳоят, трансмиллий корпорациялар таркибидаги корхоналар ўртасидаги товар айирбошлашнинг тобора кенгайиши натижасида экспорт ва импорт каби тушунчалар ўзгача

¹³ "Генеральное соглашение по тарифам и торговле ГАТТ". СПб- 1994 г.- с.29 - 32

моҳият касб этмоқда. Бу эса энг қулай шарт- шароитлар режимининг ролига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Масалан, Европа Иттифоқиға аъзо мамлакатлар бир-бирларига ўзаро кенг кўламдаги имтиёзлар тизимини тақдим этмоқдалар. Бунинг натижасида бошқа мамлакатлар Европа Иттифоқи билан савдо-сотиқда тенг бўлмаган шароитга тушиб қолмоқдалар.

Шундай қилиб, энг қулай шарт-шароитлар режимининг моҳияти шундан иборатки, ГАТТға аъзо мамлакатлар бошқа аъзо мамлакатлар томонидан тақдим этилган товарларга мазкур ташкилотга аъзо бўлмаган жаҳоннинг ҳар қандай мамлакатлари томонидан тақдим этилган товарларга нисбатан қулай савдо шарт-шароитларини тақдим этишлари шарт. Бошқача қилиб айтганда, ҳеч бир аъзо мамлакат бошқа мамлакатлар учун алоҳида савдо шароитларини тақдим этишлари ёки аъзо мамлакатларга нисбатан савдо чеклашларини жорий этишлари мумкин эмас, барча аъзо мамлакатлар бир хил шароитда савдо қилишлари лозим.

5-МАВЗУ. ХАЛҚАРО ТОВАРЛАР, ХИЗМАТЛАР ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК САВДОСИ

- 1. Жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозори ва унинг ривожланиши.**
- 2. Халқаро товарлар савдоси ҳақида тушунча**
- 3. Халқаро хизматлар савдоси ҳақида тушунча**
- 4. Хизматлар бўйича асосий иқтисодий савдо битимлари**
- 5. Халқаро туризм хизматлари**
- 6. Иқтисодий алоқаларни суғурталаш**
- 7. Жаҳон интеллектуал мулк савдосининг ривожланиш тенденциялари.**
- 8. Ўзбекистонда интеллектуал мулк савдосининг ҳуқуқий-институционал асослари.**

1. Жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозори ва унинг ривожланиши.

Жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозори "Озиқ-овқат хавфсизлиги" тушунчаси билан бевосита боғлиқ бўлиб XX асрнинг ўрталарида шаклланди. Жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозори ташкил этилишида "озиқ-овқат хавфсизлиги" тушунчасига санитар-эпидемиологик, физиологик, экологик, аграр, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларнинг ўзига хос назарий ёндашувлари мавжуд бўлиб, 200 дан ортиқ тушунча ва 450 дан ортиқ кўрсаткич билан боғлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини таҳлил қилишда тарихий-иқтисодий жиҳатдан қуйидаги босқичларни белгилаш ёки ретроспектив таҳлил қилиш мумкин:

Биринчи босқич (1940-1960 йиллар). Иккинчи жаҳон уруши кўплаб мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигига зарар етказди ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайди. Айниқса, собиқ Иттифоқнинг 1950 йилдаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 1940 йилдаги даражада қайта тикланди. Натижада қишлоқ хўжалигини тиклаш ва урушда зарар кўрган давлатларнинг озиқ-овқат импортига боғлиқлигини камайтириш

учун қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида махсус халқаро ташкилот ташкил этиш ва халқаро озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини шакллантириш зарурати рўёбга чиқди. Бу даврда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қишлоқ хўжалиги учун яроқли табиий ресурсларни ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни зарур даражасига эришиш ва уларнинг халқаро савдосини йўлга қўйиш муаммосига эътибор қаратилди. Мамлакатларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш зарурати ва халқаро бозорда айрибошлаш афзалликлари таҳлил этила бошлади.

1943 йили Хот Спрингсда (АҚШ) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)"ни ташкил этиш мақсадида 46 мамлакат вакиллари иштирокида халқаро конференция бўлиб ўтди. Бунда миллий қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун таъриф тўсиқларни қисқартириш каби бир қатор таклифлар қабул қилинди.

Иккинчи босқич (1970-80 йиллар) 1972 йилдаги ноқулай иқлим шароитида озиқ-овқат ресурслари қисқариши, 1973 йилги ғалла ҳосилининг кутилмаган даражада пасайиши ва нархларнинг ошиши жаҳон озиқ-овқат инқирозига олиб келди. Шу муносабат билан 1974 йилда Италиянинг Рим шаҳрида 134 давлатлар иштирокида умумжаҳон озиқ-овқат конференцияси бўлиб ўтди. Бунда жаҳон бозорида тегишли миқдор ва сифатда озиқ-овқат етишмаслиги таҳдиди, очлик ва тўйиб овқатланмасликни тугатиш, "озиқ-овқат хавфсизлиги" атамасини жорий этиш ва уни тан олиш тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси қабул қилинди. Шунингдек, "озиқ-овқат хавфсизлиги" атамасидан "озиқ-овқат истеъмолининг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархларнинг ўзгаришларини қоплаш учун асосий озиқ-овқатларнинг дунёда етарли жамғармалари ҳар доим мавжудлиги" сифатида фойдаланиш таклиф қилинди.

1985 йилда жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги концепциясини тайёрлаш, ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш қоидалари, глобаль озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун захиралар яратиш, минтақавий ва миллий

даражаларни қамраб олган ҳолда жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини ривожланиш стратегиясини қабул қилинди.

Шундай қилиб, биринчи ва иккинчи босқичда жаҳон ҳамжамияти жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги муаммосини англаб етди.

Учинчи босқич 1990-2002 йилларни ўз ичига олади. Бу давр жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида товарларнинг етишмаслиги нафақат глобал даражада, балки миллий, минтақавий ва шахсий даражаларда ҳам кўриб чиқиши ва ҳал этилиши зарурати юзага келди.

Жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги сабаблари бўлган иқтисодий, ижтимоий, табиий ва иқлимий жиҳатларга боғлиқ бошқа муаммоларидан ташқари, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилиш бутун дунё ҳамжамиятининг ягона мақсадга бирлашиши, яъни сайёрадаги ҳар бир инсонни озиқ-овқат билан таъминлаш комплекс ёндашувни ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларни талаб этади.

Тўртинчи босқич (2009 йилдан ҳозирги давргача) жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини шакллантиришнинг янгича шакли намоён бўлди. Бунга 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабаб бўлди ва 50 та давлат раҳбарлари ва 180 дан ортиқ мамлакат вазирлари иштирокида жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини ривожлантириш икки ёқлама ёндашув асосида кўриб чиқиши жорий этилди: 1) зудлик билан кўриладиган чоралар; 2) ўрта ва узоқ муддатли режалаштиришни қўшиб олиб бориш.

2. Халқаро товарлар савдоси ҳақида тушунча

Товар деганда савдога қўйиладиган моддий ва номоддий нарсалар йиғиндиси ҳисобланади.

Товар – бу маълум бир жамоавий эҳтиёжни қондирадиган ва айирбошлаш учун ишлаб чиқилган, яъни уни бошқа товарларга айирбошлаш жараёнида аниқланадиган қийматга эга бўлган предмет.

Халқаро иқтисодиёт назариясида товар ишлаб чиқариш маҳсули сифатида эмас, балки талаб ва таклиф объекти сифатида муҳим деб

ҳисобланади ва ушбу кучларнинг бири чет элдан таъсир қилади (экспорт ёки импорт).

Миллий иқтисодиётда барча товарлар бозорда сотилади ва сотиб олинади, аммо халқаро иқтисодиётда халқаро савдода қатнашмайдиган товарлар мавжуд. Товарлар чет элга сотилмаслигининг сабаблари сифатида уларнинг рақобатбардош эмаслигини ва уларни ташқи бозорга этказиб бериш имконияти йўқлигини кўриш мумкин.

Ташқи савдода қатнашадиган товарлар – турли ҳил мамлакатлар ўртасида кўчиб ўтиш қобилиятига эга маҳсулотлар.

Ташқи савдода қатнашмайдиган товарлар – ишлаб чиқилган мамлакатда истеъмол қилинадиган маҳсулотлар.

Ташқи савдода қатнашмайдиган маҳсулотлар қаторига қурилиш материалларининг кўп қисми ҳамда хизматларнинг кўп турлари киради: таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар, турар жойни арендаси ва ҳ.қ.

Халқаро савдода қатнашадиган ва қатнашмайдиган товарлар ўртасидаги асосий фарқлар қуйидагича:

- сотиладиган товарларнинг нархлари жаҳон бозоридаги таклиф ва талаб тенглиги билан аниқланади. Сотилмайдиган товарларнинг нархлари миллий бозордаги талаб ва таклиф тенглиги билан аниқланади. Ушбу маҳсулотларни бошқа мамлакатлардаги нархларининг ўзгариши аҳамиятга эга эмас.

- сотиладиган товарларнинг ички талаб ва таклифи мувозанатини таъминлаш сотилмайдиган товарларга нисбатан муҳим эмас, чунки ички талабнинг етишмаслиги чет элдаги талаб ошиши орқали, ички таклифнинг етишмаслиги эса чет эл маҳсулотларини етказиб беришнинг кўпайиши орқали компенсация қилиниши мумкин. Сотилмайдиган маҳсулотлар учун ички талаб ва таклиф мувозанатини ушлаб туриш ўта муҳим деб ҳисобланади. Унинг бузилиши салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

- Сотиладиган товарлар нархларининг даражаси ва динамикаси бошқа мамлакатлардаги ушбу маҳсулотларга бўлган нархлар динамикасига

ўхшаш бўлади. Сотилмайдиган товарларнинг ички нархлари уларнинг бошқа мамлакатлардаги нархларидан кескин фарқ бўлиши мумкин ва уларнинг ўзгариши чет элдаги маҳсулотларнинг нархлари ўзгаришига олиб келмаслиги мумкин.

Товарни халқаро савдода қатнашиш қобилияти транспорт харажатлари ва савдо тўсиқлари мавжудлигига боғлиқ. Агар товарнинг нархи унинг оғирлиги бирлигига нисбатан юқори бўлса, ушбу товар доим сотиладиган деб ҳисобланади (масалан, олтин).

3.2. Халқаро хизматлар савдоси ҳақида тушунча

Хизматлар - бошқа шахслар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган тадбиркорлик фаолияти бўлиб, меҳнат ҳуқуқига оид муносабатлар асосида амалга ошириладиган фаолият бундан мустасно.

БСТ нинг низомига асосан хизматлар қуйидаги 12 секторга бўлинади:

- бизнесга кўрсатиладиган хизматлар;
- қурилиш хизматлари;
- алоқа хизматлари (почта, курьерлик ва телекоммуникация);
- дистрибьюторлик хизматлари (савдо агентларининг хизматлари, чакана ва улгуржи савдо, франчайзинг);
- транспорт хизматлари;
- молиявий хизматлар;
- таълим хизматлари;
- медицина хизматлари;
- туристик хизматлар;
- рекреацион хизматлар;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича хизматлар;
- бошқа тавсифланмаган хизматлар;

Бошқа таснифга кўра хизматлар бўйича асосий иқтисодий савдо битимларига транспорт хизматлари, инжиниринг (муҳандислик-техника хизматлари), ижара муносабатлари (лизинг), туристик хизматлар, информатика

ва бошқаришни такомиллаштириш соҳасидаги маслаҳат хизматлари, суғурталаш каби хизматлар киритилади.

Хизматлар соҳаси моддий ишлаб чиқаришга нисбатан давлат томонидан хориж рақобатидан химоя этилади. Халқаро хизматлар савдоси асосий тамойилларининг тартибга солиниши ТСББ доирасидаги музокараларнинг Уругвай раундининг мунозарали масалаларидан бири бўлди. Ушбу музокараларнинг бошидаёқ ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлди.

3.2. Хизматлар бўйича асосий иқтисодий савдо битимлари

Дистрибьюторлик хизматлари. Экспорт-импорт операциялари бевосита ёки билвосита бўлиши, яъни товар соҳиблари ёки воситачилар томонидан амалга оширилиши мумкин. Воситачилар сифатида брокерлар, дилерлар, коммиссионерлар, консигнаторлар, улгуржи харидорлар, савдо агентлари фаолият кўрсатиши мумкин. Экспорт-импорт операцияларидан ташқари иқтисодий фаолият амалиётида товарларни сотиш учун иқтисодий савдонинг савдо, аукцион (кимошди савдоси) ва биржа сингари махсус шаклларида ҳам фойдаланади.

Илмий-техник тадқиқотлар натижалари савдоси. Хизматлар иқтисодий савдосида илмий-техник тадқиқотлар натижалари савдоси ва муаллифлик ҳуқуқлари савдоси алоҳида ўрин тутди. Илмий-техника билимларини айирбошлашга доир келишувлар нафақат илмий, балки тижорат қийматига ҳам эга бўлган илмий-тадқиқот ишлари якунларининг олди-сотдиси билан боғлиқдир. Илмий-техника билимлари савдосига доир операцияларда патентлар, лицензиялар, товар белгилари, саноат намуналари шаклида майдонга чиқадиган интеллектуал меҳнат маҳсулотлари, шунингдек «ноу-хау» тушунчаси билан бирлаштирилган техник билимлар ва тажриба иштирок этади.

Молиявий хизматлар. Иқтисодий савдо алоқалари молиявий алоқалар билан боғланади, зеро молия савдо пайдо бўлиши билан ва савдо ҳосиласи сифатида пайдо бўлади. Молия – пул оқимида, пулларнинг узлуксиз борадиган оборотида юзага келадиган муносабатлар тизимидир. Бошқача қилиб айтганда,

молия-пул фондлари шаклланиши ва улардан фойдаланишда ҳамда пул маблағлари обороти пайтида юзага келадиган муносабатлари тизимидир. Молия учта функцияни бажаради:

- фондларни шакллантириш ва нақд пул маблағларини олиш;
- пул фондлари ва нақд пул маблағларидан фойдаланиш;
- пул фондлари ва нақд пул маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш.

3.3. Халқаро туризм хизматлари

Халқаро туризмнинг иқтисодий моҳияти ва мазмуни. Халқаро туризм хизматларни халқаро айирбошлаш қисми ҳисобланади. Давлатлааро мулоқотларнинг ривожланиши билан хизматлар соҳаси алоҳида мамлакатлар доирасидан чиқди ва иқтисодий иқтисодий алоқаларнинг энг муҳим шакллари билан бирига айланди. Унинг молиявий натижалари алоҳида мамлакатларнинг тўлов баланслари якунига борган сари кўпроқ таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳон савдосининг деярли 1\4 қисмини унинг кўринмас деб номланадиган моддалари ташкил этади ва улар товарлар билан халқаро савдога қараганда анча тез ўсади, бунинг устига ўсиш суръатлари тезлашмоқда. Кўринмас моддаалари бўйича савдонинг ўсиши шу жиҳат билан қизиқарлики, у ҳатто жаҳон иқтисодиётидаги бухрон ҳодисалари кучайиши муносабати билан жаҳон товар оборотининг ўсиш кўламлари пасайган даврда ҳам содир бўлган.

Халқаро хизматлар соҳаси иқтисодий иқтисодий алоқалар жараёнида шакли бўйича ҳам, ўзининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни бўйича ҳам товар алмашишга хизмат кўрсатиш, сармоя ҳаракатланиши ва мазкур мамлакат хорижий валютада тушум ва тўловларнга эга бўлган бошқа фаолият турлари бўйича энг хилма-хил жорий операцияларни бирлаштиради. Бунга биринчи навбатда халқаро туризм, транспорта ташишлар, суғурта операциялари, банк фаолияти ва хорижга капитал қўйиш билан боғланган хизматлар ҳамда кўп сонли бошқа операциялар: маданият соҳасида алмашиш, ахборот, эксперт ва бошқа хизматлар киради.

Халқаро хизматларнинг энг салмоқли таркибий қисмларидан бири иқтисодий иқтисодий фаолиятининг ўсувчан соҳасини тақдим этувчи, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида катта бизнеснинг гуркираб ўсувчи жабҳасига айланган **халқаро туризм** ҳисобланади.

Туристик бизнес улушига жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг салкам 6 фоизи, суммар сармоя қўйилмаларининг фоизи, жаҳон истеъмол харажатларининг 11 фоизи ва барча солиқ тушумларининг 5 фоизи тўғри келади. 1995 йилда жаҳондаги ҳар бир 16-чи иш ўрни туризмга тўғри келар эди. Халқаро туризмнинг улушижаҳон экспортнинг салкам 7 фоизини ташкил этади, бу эса экспортдан тушган даромадлар суммасида туризм нефть ва нефть маҳсулотларини экспорт қилишдан ва автомобилларни экспорт қилишдан даромадлардан кейин учинчи ўринни эгаллайди демакдир.

1998 йилда Жаҳон туристик ташкилоти томонидан 625 млн туристик ташрифлар қайд этилди, улардан олинadиган дармад бир йилда 9 фоиз кўпайиб, 445 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, бу эса туризмни жаҳон ҳўжалигининг етакчи жабҳаларидан бири айланиш йўлида қўйилган катта қадамни англатади. У ҳатто айрим ноқулай сиёсий ва иқтисодий шароитларга қарамай жадал ривожланишни давом эттирмоқда. Жаҳон туристик ташкилотининг прогнозларига қараганда, жаҳон ялпи миллий маҳсулотини яратишда туризмнинг салмоғи 2005 йилда 12-14 фоизга етади.

Туристик бизнес тадбиркорларни озгинагина бошланғич инвестициялар, уларнинг тез қопланиш муддатлари, туризм хизматларига доимий талаб, ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллигининг юқори даражаси билан жалб этади. Иқтисодиёт ривожланишининг муайян босқичида саёҳат қилишга эҳтиёж кескин ошганда, ана шундай саёҳатлар учун хизматларни ишлаб чиқарувчилар ҳам пайдо бўлишди. Бу алоҳида турдаги товар - туризмнинг шаклланишига олиб келди.

Шундай қилиб, аввал туризм истеъмолчилар бозорида сотиб олиш ва сотиш мумкин бўлган товар сифатида вужудга келди. Туризм товар сифатида хизматлар (моддий ва номоддий) шаклида сотилади. Туристларга (саёҳат

қилаётган кишиларга) хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган хизматларни ишлаб чиқарувчилар «туризм» соҳасига бирлашишди. Туризм биринчи ҳаётий зарур товар ҳисобланмайди, шунинг учун инсоннинг фақат унинг даромадлари муайян даражада ва жамиятнинг бойлиги муайян даражада бўлганда зарурий эҳтиёжи бўлади.

Туризм одамларнинг турли туристик йўналишлар бўйича ҳаракатланиши натижасидир;

туризм ҳар доим икки унсурни ўз ичига олади: тайинланган жойга саёҳат ва у ерда тўхташ;

туризм - туристнинг туристик йўналиш бўйича вақтинча ҳаракати, яъни турист қанчадир вақтдан кейин ўзининг доимий яшаш жойига қайтади;

туризм - фойда олиш бўйича фаолиятини ўзига олмаган саёҳатдир.

Туризм аҳолининг бир минтақадан (туман, шаҳар, мамлакат) бошқасига, агар у яшаш жойи ёки иши ўзгариши билан боғлиқ бўлмаса, вақтинча қўчиши билан тавсифланади. Туризм – дам олиш, даволаниш, маданий, илмий ёки амалий учрашувларда иштирок этиш мақсадида саёҳат қилиш билан боғлиқ ҳаловатдир.

Туризмда эҳтиёжни туғдирадиган омиллар учта асосий гуруҳга киритилиши мумкин: маърифий, минтақавий, иқтисодий.

Тарихий-маданий диққатга сазовор жойларга тарихий ва археологик ёдгорликлар, музейлар, бадий галереялар, театрлар ва бошқа объектларни киритиш лозим.

Алоҳида қизиқишни этнографик жиҳатдан диққатга сазовор сифатида тавсифланадиган урф-одатлар, кийим-кечак, таомлар ва халқ ижодининг бошқа кўринишлари уйғотади.

Хўжалик юритишдаги диққатга сазовор нарсаларга хўжаликни юритишнинг ўзига хос шакллари киритиш лозим.

Минтақавий омиллар гуруҳига минтақага туристларнинг келишлари учун сабаб бўла оладиган мазкур минтақадаги воқеалар, масалан театр ва мусиқа фестиваллари, кинофестиваллар, турли турдаги спорт мусобақалари

(олимпиадалар, эзгу хоҳиш ўйинлари, спартакиадалар, спорт курашлари ва ҳоказо), ярмаркалар, карнаваллар, кўргазмалар ва ҳоказолар киради.

Туризм ички ва халқаро бўлади. Халқаро туризм иштирокчиси хорижлик турист деб аталади.

«Хорижлик турист» атамаси (халқаро шартномаларда – оддийгина «турист») ҳозирги вақтгача тугамаган узоқ эволюцияни босиб ўтди.

БМТ бир неча бор хорижлик турист таърифини кўриб чикди. БМТнинг 1963 йилдаги Халқаро туризм ва саёҳатлар бўйича Рим конференцияси томонидан ифодаланган таърифга кўра хорижда бўлган талабалар ва ўқувчилар ҳам турист ҳисобланишади.

Туристларнинг қуйидаги асосий гуруҳлари белгиланган эди:

йиғилишлар, курултойларга (илмий, маъмурий, спорт ва бошқа) борадиган фуқаролар;

хизмат ишлари бўйича борадиган фуқаролар;

мамлакатда ишга жойланиш учун шартнома тузиб ёки шартномасиз келадиган фуқаролар;

мамлакатга доимий яшаш учун шартнома тузиб ёки шартномасиз қоладиган фуқаролар;

чегаранинг бир томонидан яшайдиган, иккинчи томонида эса ишлайдиган чегара туманлари аҳолиси турист деб ҳисобланмайди.

Бироқ кўплаб давлатлар халқаро даражада «турист» атамасининг аниқ ва бир турдаги изоҳини ишлаб чиқмаган ва шу билан халқаро туризм соҳасида ўзларининг ҳамкорлиги тўғрисида халқаро шартномалар ва битимлар мавзуини аниқлашмаган.

Туризм хизмати умуман хизмат каби фойдали самарада ифодаланадиган муайян истеъмолчилик ҳаракатидир, у одатда, намоён бўлганда инсоннинг у ёки бу эҳтиёжини қондиради. Бунда хизмат ё буюм, яъни буюм (товар) ёрдамида, ёхуд жонли меҳнатнинг ўзининг фаолият кўрсатиши жараёнида кўрсатилиши мумкин.

Хизматлар ишлаб чиқаришининг кўрсатилган икки усули хизматлар ўзининг ҳам икки турини шартлайди. Биринчи хизмат тури - бу шундай хизматларки, буюмда бевосита ифодаланиб, истеъмол товарлари билан дахлдордир. Бу турдаги хизматларни кўрсатиш ўзининг мазмунига кўра моддий ишлаб чиқаришдаги меҳнат жараёнидан фарқ қилмайди, унга айнан ўхшаш, сабаби бу ерда меҳнат жараёнини барча бешта унсури яққол: меҳнат воситалари, меҳнат предметлари, меҳнатнинг ўзи (яъни инсоннинг мақсадга йўналтирилган фаолияти), технология ва ташкил этиш. Бу биринчи турдаги хизматларни моддий (ишлаб чиқаришга доир) деб аташга асос беради. Турист учун озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича хизматлар хизматининг ушбу турига мисол бўлиб ҳисобланади.

Истеъмол қиймати сифатида меҳнат одамларнинг аниқ этиёжини қондиради. Бундай хизматни истеъмол қилиш бошқа шундай товар каби шу меҳнат берадиган алоҳида истеъмол қиймати хизмат деб аталади, чунки меҳнат хизматни буюм сифатида эмас, балки фаолият сифатида кўрсатади.

Номоддий хизматлар уларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган жамоат меҳнати харажатларига эквивалент қийматга ҳам эга.

Номоддий хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида ҳам аниқ меҳнат, ҳам мавҳум меҳнат сарфланадики, у билан уларнинг ҳам истеъмол қиймати яратилади.

Турист хўжалик юритувчи субъектнинг бутун фаолияти туристларга турли хил хизматларни тақдим этиш билан боғлиқ. Туристлар туризм хизматларини ишлаб чиқариш ва ушбу хизматларни сотишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқарадиган хизматлар истеъмолчилари бўлиб майдонга чиқишади.

Хизматларни истеъмол қилишни сотиш ва ташкил этиш жараёнида туристларга хизмат содир бўлади, чунки истеъмолни сотиш ва ташкил этиш бўйича фаолият – хизмат кўрсатиш жараёнидир. Ушбу учта функциянинг мавжудлиги хўжалик юритувчи барча туристик субъектларни ягона соҳа - туризмга бирлаштиришга имкон беради.

Ҳозирги вақтгача халқ хўжалиги соҳаларининг амалдаги таснифида туризм аниқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий мақомга эга эмас. Бу ҳозирги замонда бозор иқтисодиётининг фаолият кўрсатиши шароитларига жамоат ишлаб чиқаришни таснифий чизма қурилишининг соҳавий принципи номувофиқлиги натижасидир.

Жамоат ишлаб чиқаришининг диверсификацияси ўсишида соҳанинг жамоат эҳтиёжларини қондиришдаги функционал роли унинг мезони бўлади. Шунинг учун аҳолининг истеъмол воситаларига (бирга олинган товарлар ва хизматлар) эҳтиёжларини қондирувчи ижтимоий соҳалар таркибида туризм кирадиган ижтимоий–маиший инфратузилманинг соҳавий мажмуи ажратилади. Соҳанинг мезони маҳсулотнинг предметлиги эмас, унинг аҳамияти бўлади. Шунинг учун ҳам истеъмол предметлари (озик-овқат, ёдгорликлар ва ҳоказо) ишлаб чиқариладиган туризм, бу маънода ягона функционал мезонга эга.

Туризмнинг халқ хўжалиги мажмуи соҳалари таркибидаги ўрнини қуйидаги позициялардан баҳолаш керак.

Туризм янги моддий қийматни яратади ва уни хизматлар шаклида сотади ҳамда туристларга хизмат кўрсатиш бўйича номоддий хизматларни бажаради ва сотади, шунинг учун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш функцияларига эга.

Туризм соҳасида содир бўладиган хўжалик жараёни ишлаб чиқариш-хизмат кўрсатиш жараёни ҳисобланади.

Туристик экспорт, импорт ва туристик бозор тушунчаси ва мазмуни. Туризмни товар сингари мамлакатга импорт қилиш ва ундан экспорт қилиш мумкин.

Жаҳон туристик ташкилоти томонидан қуйидаги таърифлар қабул қилинган: туристларни етказиб берувчи мамлакатлар ва туристларни қабул қилувчи мамлакатлар.

Туризм хизматларни сотиш учун тўловлар, яъни пул оқимлари қабул қилувчи мамлакатга тушганда, **бу туризмни экспорт қилишни** англатади. Хорижлик турист бу мамлакатга келар экан, қабул қилаётган тараф унга тақдим

этадиган ўзининг пуллариини ўз туристик эҳтиёжларини қондиришга сарфлайди. Демак, туристларни қабул қилаётган мамлакат туристик маҳсулотларини экспорт қилади ва туристнинг пуллари унинг ҳудудида қолиб кетади. Бир вақтнинг ўзида бу турист пул олиб чиқадиган мамлакат учун **туристик импортни** англади.

Бу туристик экспортнинг муҳим хусусияти ва унинг товарларни экспорт қилишдан фарқидир, чунки товарларни экспорт қилганда пул оқими қарама-карши йўналишда ҳаракат қилади (1-расм).



1-расм. Туристлик экспортнинг товарлар экспортдан фарқи.

Хизматлар савдоси тўғрисидаги бош битимнинг (ГАТС) 1-моддасида «хизматлар савдоси» тушунчаси бор, унда бир мамлакатнинг ҳудудида истеъмолчига савдо воситасида иккинчи мамлакат хизматларини тақдим этиш (яъни туризмга нисбатан қулланилганда - мамлакатга келаётган хорижлик туристларга хизматлар) иқтисодий иқтисодий, экспорт деб тан олинади дейилган, чунки ушбу ҳолда олувчи мамлакат фуқаролари томонидан хизматларни етказиб берувчи мамлакат ҳудудида хизматларни истеъмол қилиш ўрни бор.

Бунда шу нарсани назарда тутиш керакки, кўрсатилган битимлар ҳар доим ҳам жойнинг ўзида бўлмайди, масалан, меҳмонхонада туристларни қабул

қилиш жойида ёки туроператорлар битимлари содир бўладиган жойда. Битим туризм хизматлари сотувчиси ва харидорни бевосита жалб этмай тузилиши мумкин. Масалан, телекс, телеграмма, факс орқали, телефон қўнғироғи ёрдамида ёки чек бўйича. Бунинг сабаби бўлиб, туристик бозор махсус жой ёки географик зона билан чекланмагани ҳисобланади.

Туристтик бозор - бу туризм хизматларни (турлар, туристик маҳсулот) сотишнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларидир. Туристтик бозорда туризм хизматларига турист тақдим этадиган талаб ва туристик фирма томонидан туризм хизматларига тақлиф тўқнаш келади.

Туризм хизматлари ишлаб чиқарувчилари - бу туристик фирмалардир (туроператорлар, турагентлар), улар фойда олиш мақсадида ва туристларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ишлайди.

Туристтик индустрия ўзида меҳмонхоналар ва жойлашишнинг ўзга воситалари, транспорт воситалари умумий овқатланиш объектлари, қўнгил очиш объект ва воситалари, маърифий, амалий, соғломлаштириш, спорт ва ўзга аҳамиятдаги объектлар, туроператорлик ва турагентлик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳамда экскурсия хизматлари ва гид-таржимонлар хизматларини тақдим этадиган ташкилотларни жамлайди.

Келтирилган чизма туризмга талаб туристларнинг талаб кўрсатувчи сифатида муайян шарт-шароитлари билан шартланганини кўрсатади: туристик эҳтиёжли ва саёҳат қилиш хоҳиши бор одамлар; юқори харид қобилиятига эга одамлар, уларнинг талаби энг нуфузли турларга, оригинал саёҳатларга, туристик хизмат кўрсатишнинг юқори даражасига қаратилган (комфорт, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг алоҳида эътибори, индивидуал гид-таржимон ва автотранспортнинг берилиши ва ҳоказо); харид қилиш ҳуқли одамлар. Турист – бу туризм хизматлари харидори. Туристнинг харид қилиш ҳуқли уни рекламага муайян тарзда муносабат билдиришга мажбур этадиган барча табиий, руҳий, ижтимоий ва бошқа сабабларга тегишли. Бу туристик бозорнинг самарали фаолият кўрсатиши жуда муҳим омилдир. У туристик бозорни

алоҳида секторларга бўлишни талаб этади, уларни ўрганиш туризм хизматларига таклиф ва талабни энг мақбул қўшишга эришишда ёрдам беради.

Туристтик бозор исталган мамлакат иқтисодиётига нисбатан икки циклилига билан тавсифланади (чизма). Бу шу нарсада ифодаланадики, юқори даражада ривожланган туристик бозор давлатни бойитишга олиб боради ва аксинча.

Туризмнинг ривожланаётган иқтисодиёти туристларнинг барча эҳтиёж ва хоҳишларининг қондириш имкониятларига эга эмас. Туристтик ресурсларнинг мўллиги туризмнинг анча мураккаб ва кўп қиррали моддий – техник базасини яратишни назарда тутди. Туристтик индустриядан иқтисодий самарани оширишда даромаднинг бир қисмидан янги туристик эҳтиёжларни қондириш учун фойдаланилади, иккинчи қисми эса иқтисодиётнинг бошқа соҳалари, жумладан саноатни ҳам ривожлантириш учун йўналтирилиши мумкин.

Туризмнинг иқтисодий фаоллиги унинг таркибий соҳалари ривожланиши билан бевосита боғланган. Туризм ривожланишининг муҳим омили ижтимоий барқарорлик ҳисобланади, чунки туризм бутун иқтисодиётнинг ривожланиши ва мамлакатдаги сиёсий аҳволга боғлиқ. Бундан ташқари, туризм шаклларида кўпчилиги туристик хизматларга мавсумий талаб билан боғланган.

Туризмни бир томонлама ривожлантириш мумкин эмас. Туризмнинг тез юксалтирилиши учун мамлакат иқтисодиёти барча тармоқларининг уйғун ривожланиши ва бир вақтда улар иқтисодий фаоллигининг кўпайиши талаб этилади.

Туризмнинг шакллари, турлари ва хиллари. Туризмнинг фаолият кўрсатишининг иқтисодий самарадорлиги кўп томондан унинг шакллари таснифи билан белгиланади. **Туризм шакллари таснифи** деганда, уларнинг муайян амалий мақсадларига боғлиқ бўлган бир турдаги гуруҳларини тушуниш лозим.

Туризм шаклларида ҳар бири туристларнинг ўзига эҳтиёжлари билан тавсифланади ва бу эҳтиёжларни қондирувчи тегишли хизматлар тўпламини назарда тутди.

Туризм шакли турист ўз мамлакатининг давлат чегарасини босиб ўташи билан боғланган, яъни туризмни шаклларга бўлиш асосида мамлакатга оид аломат ётади.

Ушбу аломатга кўра туризмнинг икки шаклини ажратишади: ички ва иқтисодий.

Ички туризм - ўз мамлакатининг ичида маҳаллий туризм, шу ерда доимий истиқомат қилаётган шахсларнинг ўз мамлакати чегараларидаги саёхати.

Халқаро туризм - бу бошқа мамлакатга туризм, яъни хорижий туризм. У кириш ва чиқишли бўлади. Чиқиш туризми – бир мамлакатда доимий яшовчи фуқароларнинг иккинчи мамлакатга саёхати. Кириш туризми – муайян мамлакат чегараларида бу ерда доимий яшамайдиган шахсларнинг саёхати. Халқаро туризм кўплаб омиллар таъсирида ривожланади, уларни уч гуруҳга киритиш мумкин: **демографик, иқтисодий, ижтимоий**.

2-расм. Туристик бозорнинг икки циклиги.



Демографик омилларга жаҳон аҳолисининг ўсиши, аҳолининг тўпланиши ва ҳаётининг ҳаракатчан стереотипига олиб келадиган урбанизация жараёни киради. Йирик шаҳарлар аҳолиси жисмоний ва маънавий кучлар сарфларини тиклаш учун муҳитни ўзгартириш заруриятини кескин ҳис этишади. Умумий қардош тилга эга турли мамлакатлар халқларининг бир бирларига қизиқиши ошади, бу авваламбор тил тўсиғининг йўқлиги, тарих ва маданиятнинг умумийлиги билан боғланган.

Иқтисодий омиллар жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши билан боғланган бўлиб, бу ерда товарлар ишлаб чиқариш билан таққослаганда хизматларни ишлаб чиқариш кўпайиши тамойили ва бунинг натижаси сифатида аҳолининг умумий истеъмолида хизматларни (шу жумладан туризм хизматларини) истеъмол қилиш улуши кўпайиши қузатилмоқда. Иқтисодий омилларга туризм тармоғида илмий–техник тараққиётининг жадаллашиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши киради. Хорижий туризм моддий-техник базасининг ривожланиши, туристларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатишнинг янги шакллари яратиш туристик ҳаракатларини интенсивлашга, янги жойларнинг рекреацион соҳасига жалб этишга кўмак беради.

Ижтимоий омиллар - инсоннинг ҳаёт шароитлари ва фаолияти билан боғланган омиллар. Халқаро туризмнинг ривожланишига ҳақ тўланадиган таътил давомийлигининг кўпайиши ҳамда йил давомида икки марта саёҳат (ёзда ва қишда) қилиш имконини берадиган таътилни икки бўлиш бевосита таъсир қилади. Туризмнинг ривожланишига пенсияга чиқиш ёшини камайтириш ҳам кўмаклашади, бу эса уошиши ҳисобига учинчи ёшда деб номланмиш туристларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Туризм тури мамлакат ёки унинг минтақаси бюджетида молиявий натижаларни акс эттириш спецификаси билан боғланган. Мазкур аломатга кўра туризм шаклларида туризмнинг икки турини ажратишади: фаол ва пассив.

Мамлакатга хорижий туристлар ёки мазкур минтақага маҳаллий туристларнинг келиши фаол туризм ҳисобланади. Фаол туризм мазкур мамлакат ёки минтақага пул (валюта) олиб кириш омили бўлиб хизмат қилади.

Бир мамлакат фуқароларнинг бошқа давлатларга саёҳат қилиши ёки туристларнинг мазкур мамлакат минтақасидан чиқиши пассив туризм ҳисобланади. Пассив туризм мазкур мамлакат ёки минтақадан пул (валюта) ни олиб чиқиш омили ҳисобланади.

Саёҳатнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб туризмнинг қуйдаги турлари ажратилади: рекреацион, маърифий, илмий, амалий.

Рекреацион туризм – дам олиш, соғломлаштириш ва даволаниш мақсадидаги туризм. Бунда фуқароларнинг санаторийларда бўлиши (касаллик варақаси бўлган ва бўлмаган тақтирда ҳам) туризмга кирмайди, чунки мазкур ҳолда санаторий–касалхонанинг бир туридир. Одамларнинг дам олиш кунлари хордик чиқариш, хурсандчилик қилиш, спортбилан шуғулланиш мақсадида ҳаракат қилиши «ҳафта охири» туризми деб аталади.

Маърифий ёки маданий туризм – муайян дастурга кўра тарихий–маданий диққатга сазовор жойлар ва ноёб табиий объектлар билан таниши мақсадида саёҳат қилишдир.

Илмий туризмда конгресслар, симпозиумларва ҳоказоларга ташриф буюриш устун бўлиб, бунда у одатда экскурсион сафарлар билан тугайди.

Саёҳатни ташкил этиш тавсифига кўра индивидуал, гуруҳли, уюшган ва ташаббускор (уюшмаган), стационар ва кўчма туризмга ажратишади.

Бир кишининг туманларни кўришга ўхшашлар давомийлиги, ётоқ шароитлари ва ҳоказолар таърифини ўз ичига олган шахсий режага кўра саёҳати индивидуал саёҳат деб аталади,худди ўша шароитларда ёки туристик хўжалик юритувчи субъект режасига кўра одамлар гуруҳи (шу жумладан оиланинг ҳам) саёҳати гуруҳли туризм деб аталади.

Бир турист ёки туристлар муайян муддатга олдиндан сотиб олинганйўлланма бўйича туристик хизматлар мажмуи билан таъминланади (турбазаларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, курсовкалар бўйича дам олаётганлар). Уюшган туристларга туристик хизматларнинг бир қисминигина муайян муддатга сотиб олганлар ҳам киради (мисол учун, фақат овқатланиш учун курсовка).

Туристтик хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро ҳақ қандай мажбуриятлар билан боғланмаган алоҳида турист ёки туристлар гуруҳининг саёҳати ташаббускор (уюшмаган) туризм деб аталади.

Ташаббускор туризм – ҳаракатланишнинг фаол усулларини қўллаш билан туристлар томонидан ташкил этиладиган саёҳатдир.

Стационар туризм туристни туристик йўлланманинг бутун амал қилиш муддатида доимий жойлаштириш ўрни билан боғланган. Кўчма туризм – саёҳат билан боғланган туризмдир (круизлар, турлар).

Ижтимоий туризм – бу давлат томонидан ижтимоий эҳтиёжларга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан таъминланадиган саёҳатлардир.

Туристтик йўлланмаларнинг интенсивлиги бўйича доимий в амавсумий туризм фарқланади. Туристтик минтақаларга йил бўй ва нисбатан бир маромда борилиши доимий туризм деб аталади. Бу авваламбор машҳур цивилизация, маданият, соғломлаштириш марказлари учун хосдир: жаҳоннинг машҳур шаҳарлари, курортлар, ноёб минерал сув ва балчикларга эга бўлган жойлар.

Айрим минтақалар туристларни кўпроқ йилнинг муайян вақтида жалб этади. Бунда туризм мавсумий туризм ҳисобланади. Йилнинг факат муайян вақтида бориб кўриладиган туристик минтақалар (мисол учун, ёзда ёки қишда) бир мавсумли туристик минтақалар сифатида тавсифланади. Йилнинг исталган вақтида (қишда ҳам, ёзда ҳам) бориб кўриладиган минтақалар икки мавсумли деб аталади. Мазкур туристик минтақани туристларнинг келиб кўриш мунтазамлигига қараб мавсумлар юқори даражада (яъни тўлиб кетган), сокин (ўртача даражада) ва жимжит (сокин, туристлар деярли келмайдиган) мавсумларга бўлинади.

Туристларнинг саёҳатда булиш давомийлигига қараб қисқа муддатли ва давомий туризмга ажратилади. Қисқа муддатли туризм – саёҳат 3 суткадан кўп давом этмайдиган туризмдир.

Давомий туризм – саёҳат муддати уч суткадан ошадиган туризмдир. Саёҳатда бўлиш муддатидан келиб чичиқиб туризмнинг эҳтиёжлари жиддий равишда ўзгаради.

Саёҳат вақтини муайян (доимий) йўналишда қисқартириш туристнинг транспорт таркибийлиги улуши (яъни унинг транспортга сарфлари) харажатларининг қўпайишига олиб келади. Туристларнинг ёшидан келиб чиқиб болалар, ёшлар, катта ёшлар туризми ажратилади.

Ҳамкорлик ҳилиш шаклига қараб туристик гуруҳлар билан валютасиз ва валютали алмашишни ажратиш мумкин. Валютсиз алмашиш муайян кунлар давомида кўрсатиладиган хизматларнинг тенглиги асосида туристик гуруҳларнинг ўзаро бориб келишларидан иборат. Валюта асосида шерикчилик туристик гуруҳларнинг хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳамкорлик қилиш кўрсатиладиган хизматлар учун шериклар келишиб олган валютадаги тўловлар назарда тутади: қоидага кўра икки тарафлама битимларда бир кунлик комплекс хизмат кўрсатишнинг валюта қиймати белгиланади.

Халқаро туризмнинг урушдан кейинги амалиётида тез кўламларда парадорес ва таймшер ривожлана бошлади.

Парадорес (ингл. parade - томошага чиқариб қўйиш) мамлакатнинг миллий архитектура меросини сақлаб қолиш учун қадимги қалъа ва саройларни туристик меҳмонхоналар ва экскурсия мақсадларида фойдаланишдан иборатдир.

Таймшер (ингл. time share - вақтни бўлиш) – туристик бизнесда кўчмас мулкдан, ундан муайян вақт давомида пул бадалига мутаносиб равишда фойдаланиш имкони билан биргаликда эгалик қилишдир. Фойдаланиш вақти уч рангга (қизил - энг қиммат, оқ ва кўк) жамланган ҳафталарда ўлчанади ва мавсумлар бўйича талаб ўсишини акс эттиради.

1971 йилда RSI (Recort Condominiums International) глобал тизими яратилди, яъни бу деярли бутун жаҳондаги (2400 отел ва курортлар) машҳур курортларнинг коттежларини узоқ вақтга ижарага олиш (25-30 йилга) ва алмаштириш тизимидир.

Туризмни молиялаштириш. Йилдан йилга саёҳат қилувчиларнинг сони кўпайиб бормоқда ва улар ўз ўзидан чет элда ўз харажатларини тўловни амалга оширишлари лозим бўлади. Банклар чет эл валютаси ёки йул чеклари ва

хизматларнинг асосий етказиб берувчилари бўлиб ҳисобланадилар. Улар алмашув бюрolari билан рақобатлашадилар. Алмашув бюрларининг асосий вазифаси валюта алмаштириш ва йўл чеклари бўйича тўловни амалга оширишдир. Лекин алмашув бюрларининг иш вақти банкларнинг иш вақтига караганда узоқроқдир. Уларда комисион тўловлар юқорироқ. Хозирги кунда туризмни молиялаштириш билан қўрилиш жамоалари ҳам қатнашмоқдалар, улар эса асосий рақобатчи бўлиши ҳам мумкин.

Банклар туризмни молиялаштириш ва суғурталаш билан шуғулланадилар, лекин одатда туризм агентликлари уларга жидий зарба кўрсатсдилар. Туризм агентликлари туристларга юкори даражадаги хизматлар йигиндисининг ёки бронь килинган татиллари таклиф этадилар.

Туристлар ўз мамлакатларида ҳам, чет элда ҳам камрок нақд пул олиб юришга ҳаракат киладилар, чунки ҳар қандай вақтда хавф-хатар руй бериши мумкин. Лекин барибир туристлар баъзи бир жойларда нақд пул олиб юришга мажбур буладилар. Чунки ҳамма ҳудудларда ҳам йўл чеклари ва кредит карточкаларини ишлатиш ҳали яхши ривожланмаган.

Чет эл валютаси. Кўпчилик саёхатчилар чет элга кетаётганда йўл чеклари ва ҳ.к. лардан ташқари нақд пул олиб кетадилар, чунки улар тунда ёки байрам ва дам олиш кунларида етиб борсалар, йул чекларини нақд пулга алмаштириш имкони булмайди. Шунинг учун банклар ҳар қандай чет эл валюталарини сотадилар. Агар қандайдир чет эл валютаси камроқ тарқалган бўлса, уни банкнинг валюта савдоси бўлимига буюртма қилиш мумкин.

Лекин ҳамма давлатларга ҳам чет эл банкнотлари ва тангаларини эркин олиб кириш ва олиб чиқиш рухсат берилмаган. Бу шуни англатадики банк баъзи бир жойларга валютани етказиб бера олмайди ва валютани олиб кириш ва олиб чиқишда баъзибир чеклашлар мавжуд булади. Валюта алмаштириш билан шуғулланувчи шахс бундай чеклашлар ҳақида миждозга маълумот бериши керак . Буюк Британияда валюта чегараланиши 1979 йилгача мавжуд булган, кейинчалик эса бу бекор килинган. Европа Иктисодий Ҳамкорлиги уз

чегараси орасида валюта чегараланишларини олиб ташлаш бўйича уз олдида мақсад қўйди.

Тангаларни алмаштириш одатда амалга оширилмайди, чунки уларга ишлов бериш банкнотларга қараганда қимматроқ туради.

Чет эл валютасини олишнинг афзалликлари:

1. Қўп ташриф буюриладиган давлатларнинг валютасини қийинчиликсиз олиш мумкин.

2. Бирон бир давлатга етиб келиш билан валютани ишлатиш мумкин, банк очилишини кутиб ўтирмай. Барча харидларни нақд пулга қилиш мумкин, чунки четроқ жойлашган ҳудудларда бошқа тўлов усуллари ишлатиб бўлмайди.

Чет эл валютасини олишнинг камчиликлари:

1. Йўқотиб қўйиш ёки ўғирлатиб қўйиш хавф-хатари юз бериши мумкин.

2. Кетиш олдида валютани фунт стерлингда тўлаш керак бўлади

3. Агар валюта қўп миқдорда олиб чиқиб кетилаётган бўлса, у қўп жой эгаллаши мумкин.

4. Кам ташриф буюриладиган давлатлар валютасини олишда қийинчилик бўлиши мумкин.

5. Бир қанча давлатларга саёҳат қилинса шунча хил валюталарни олиб ўтиш керак бўлиши мумкин.

6. Кетишдан олдин валюталарни банкдан олиш шарт.

7. Валюталарни олиб ўтишда валюта чегараланишлари мавжудлиги сабабли қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин.

Йўл чеклари. Йўл чеклари кенг тарқалган бўлиб, улар валюта банкноталарига нисбатан кам жой эгаллайдилар. «Томас Кук» йўл чекларини ишлатиш бўйича пионер эди ва ҳозирги кунда «Мидленд Бзик» банкининг филиали бўлиб ҳисобланади. Бундай чеклар фунт стерлингларида чиқарилиши мумкин ёки Буюк Британиянинг банкларида қўрилиш жамиятларида почта Бошқарувида ва телеграфларида бошқа асосий бўлган валютада чиқарилиши мумкин. Бошқа валюталарда ҳам чеклар берилиши мумкин, лекин одатда 3

банк гурухларидан бири, яъни «Американ Экспресс», Виза» ва «Мастеркард» бундай чекларни чикаради ва сафарга отланувчи уларга имзо куйиши керак, уларни тартиб рақамларини урнатиб чеклар ишончли жойда эканлигига ишонч билдиришлари керак, чунки акс холда йўқотиш ёки угирлик содир булган тақдирда улар уз пулларини кайтариб ололмайдилар. Агар чек берилиш шартлари ҳақиқатда бузилмаган бўлса, чек берувчи 24 соат ичида тўлаб бериши керак. Саёхатчи йўл чекларини бўйича нақд пул олмоқчи бўлса, у банкга бориб кассада чекларга имзо қўйиши керак. Бу имзо эса биринчи имзо билан текширилади. Шундай йўл билан фақатгина чекнинг эгасигина олиши мумкин. Баъзи бир меҳмонхоналарга ва дўконларга чек билан тўлаш рухсат этилган, лекин бу ҳали кенг тарқалмаган.

АҚШда фунт стерлингдаги йўл чеклари ҳатто банклар томонидан ҳам қабул қилинмайди. Лекин АҚШ долларидаги йўл чеклари шундай кенг тарқалганки, баъзи пайтларда у нақд пул ўрнига ўтиши мумкин. Саёхат сўнгида ишлатилмаган фунт стерлингдаги йўл чеклари мижознинг жорий ҳисоб рақамига ўтказилиб юборилади.

Йўл чекларнинг ижобий томонлари:

1. Йўл чекларини онсон олиш мумкин.
2. Фунт стерлинг ёки бошқа валюта танлаш имкони.
3. Улар олиб юриш учун ишончли ва қулайдур.
4. Инкассация қилишда улар кенг тарқалгандир.
5. Агар улар йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйилса, улар бўйича дарҳол тўлов амалга оширилиши мумкин.

Йўл чекларининг камчилиги:

1. Йўл чекларини нақд пулга алмаштириш банкларда амалга оширилиши сабабли, банкларнинг ишлаш вақти бўйича муаммолар келиб чиқиши мумкин.
2. Йўл чекларига товар ва хизматларни харид қилиб бўлмайди. Шу туфайли банкга бориш учун ҳам вақт кетиши мумкин.
3. Йўловчи ўзида йўл чекларининг серия рақамларини ёзувини сақлаши керак, йўл чеклари йўқотиб қўйилган тақдирда у бўйича тўловни олиш учун.

4. Тўлов сафар олдида амалга оширилиши керак.
5. Чек берилаётган пайтда комиссия тўловлар тўланади.
6. Улар сафар олдида банкдан олиниши керак.

Кредит карточкалари. Юқорида айтиб ўтилгадек, кредит карточкалари билан операция қилувчи барча Британия компаниялари қуйидаги икки халқаро гуруҳга тегишлидир:

«Виза» («Барклейкард», «Транскард») ва «Мастеркард» («Аксесс»). Бу шунинг англатадики Британия кредит карточкалари бутун дунёда товар ва хизматлар харид қилиш учун маҳаллий валютада ўтиши мумкин.

Саёхатчи шунингдек нақд пулни шу гуруҳга тегишли банклардан олиши мумкин, лекин кредит карточкалари берувчи компаниялар хизмат учун тўловлар олиши мумкин. Фоизлар қўйилган вақтдан бошлаб олиниши мумкин, агар кредит карточкаси харид учун эмас нақд пул олиш учун ишлатилаётган бўлса кредит карточкалари орқали чет эл валютасини ёки йўл чеклари ҳам олиш мумкин ва бу бўйича харажатларни кредит карточка бўйича қилиш мумкин.

Кредит карточкаларининг чет элда ишлатишнинг ижобий томонлари:

1. Олдиндан ҳеч қандай келишувлар тузилмайди.
2. Олдиндан тўловлар тўланмайди.
3. «Виза» ва «Мастеркард» карточкалари миллионлаб савдо марказларида қабул қилинади, шунинг учун банкга ҳам кам борилади.
4. Ташриф буюриш вақтига қараб товар харид қилинаётган пайтда фоизсиз кредит олиниши мумкин.
5. Саёхатчи фақат бир жойда унча катта бўлмаган карточкани сақлаши керак.
6. Кредит карточкасини барча ташриф буюриладиган давлатларда ишлатиш мумкин.
7. Кредит карточкасининг компанияси бошқа туризм хизматларини кўрсатиш мумкин.
8. Кўзда тутилмаган харидлар қилиниши мумкин.

Кредит карточкасини чет элда ишлатишнинг камчиликлари:

1. Кредит карточкаси бўйича бўнақлар олиш қимматиға тушиши мумкин.
2. Шарқ давлатларида ёки ривожланаётган давлатларда кредит карточкалари умуман қабул қилинмаслиги мумкин.
3. Кредит карточкаларининг компаниялари тўлов гувоҳномаси ишлаб чиқилмагунча қиймати ноаниқ бўлиб қолади.
4. Ҳисобламай пул ишлатиш натижасида, қарзлар билан ҳисоблашишға тўғри келади.

Тўлов карточкалари. Тўлов карточкалари худди кредит карточкалари сингари тўлов воситаси сифатида кенг қўлланилади, лекин кредитлаш манбаларини таклиф қилмайди, чунки ҳар бир ҳисоблар бўйича ҳар ойнинг охирида ҳисоблаш керак бўлади. Бундай карточкаларға мисол қилиб «Райнерс Клуб» ва «Американ экспресс» компанияларини келтириш мумкин. Ижобий ва салбий томонлари худди кредит карточкалари сингаридир. Бўнақалар нақд пулда олиниши мумкин.

Чет элга пул ўтказмалари. Чет элга пул ўтказишнинг турли хил усуллари мавжуд:

- Унча катта бўлмаган пуллар миқдорини почта бошқаруви агентликлари ва телеграф орқали ёки халқаро банк орқали ўтказиш мумкин.
- Банк траттаси – бу банк томонидан ўзининг чет элдаги ҳисобига ёзилган чеки бўлиб ҳисобланади. Тратталарни асосан фирмалар чет элдаги сотиб олинган товар ва хизматлар учун тўлов воситасида ишлатадилар. Бу саёхатчилар учун қулай эмас, уларни ишлатиш узоқ вақт талаб этади.
- Почта ўтказмаси – бу бир банк томонидан чет элдаги банкға бирор бир суммани тўлаб бериш тўғрисидаги тўлов топшириқномаси бўлиб ҳисобланади. Бу авиакомпания орқали юборилади.

Агар мижоз бўнақа тўловни чет эл меҳмонхонасига ёки яна кимгадир амалға ошириш керак бўлса, у қуйидаги йўллар билан амалға ошириши мумкин.

- Почта ўтказмаси. Мижоз чет элдаги олувчининг банк реквизитларини

билиш керак.

- Халқаро ўтказма. У почта ўтказмасига қараганда арзонроқ.
- Банк траттаси.

Қисқа муддатли туризм хизматлари. Клиринг банклари саёхат ва татилларини суғурта қилишда суғурта брокерлари сифатида қатнашадилар. Банклар суғурта полисларини таклиф қилиш билан бирга, бошқа шу соҳадаги фирмалар билан рақобатлашадилар. Туризм бизнесида қатнашадиган банклар:

- Уларда ўз бўлим ва пунктларида автоматлаштирилган пул ўтказишларнинг воситалари мавжуд.
- Саёхатчиларга маслаҳатлар берадилар ва чет элда паспорт, виза ва кўча йўл ҳаракати қоидаларини эслатиб ўтадилар.
- Бизнесменларга чет элдаги бозорлар ҳақида ахборотлар берадилар ҳамда турли хил танишувларни ташкиллаштирадилар.
- Саёхатчилар қайтиб келганда сўнг йўл чеклари бўйича тўловларни амалга оширадилар.

3.4. Иқтисодий алоқаларни суғурталаш

Иқтисодий иқтисодий алоқаларни суғурталашнинг моҳияти ва турлари. Иқтисодий иқтисодий алоқаларни суғурталаш - давлатнинг, унинг хўжалик юритувчи субъектлари ва фуқароларининг муайян воқеалар содир бўлганда (суғурта ҳоллари) улар томонидан тўланадиган суғурта мукофотлари (яъни бадаллари)дан шаклланадиган пул фондлари ҳисобига мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро иқтисодий муносабатлардир.

Суғурта мукофоти (ёки бадал) – суғурта учун ҳақ бўлиб, уни суғурталанувчи суғурталовчига суғурта шаҳодатномасига (полисига) му вофик киритишга мажбур.

Суғурта шаҳодатномаси (полиси) (франц. police, итал. Polozza - тилхат, тўлов қоғози) – суғурталовчи томонидан суғурта қилиш тўғрисида гувоҳнома сифатида бериладиган суғурталаш (ёки қайта суғурталаш) тўғрисида ёзма шартнома.

Иқтисодий иқтисодий алоқаларни суғурталаш жараёнида иккита субъект иштирок этади: шаҳодатнома (полис) соҳиби ва суғурталовчи.

Шаҳодатнома (полис) соҳиби (суғурталанувчи) – суғурта қизиқишини ифодаловчи, суғурта мукофотини тўлайдиган ва қонун кучи ёки икки томонлама битим (суғурта шартномаси)га кўра суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабатига кирадиган хўжалик юритувчи субъект ёки фуқародир.

Шаҳодатнома (полис) соҳиби бўлиб суғурталовчи билан суғурталаш шартномалари тузган ёки қонун кучига кўра суғурталанувчи бўлган шахс тан олинади.

Суғурта шартномасини тузганда шаҳодатнома (полис) соҳиби суғурталовчига иқтисодий иқтисодий хатарни баҳолаш учун аҳамиятга эга бўлган, унга маълум бўлган барча вазиятларни ҳамда суғурта қилишнинг мазкур объектига нисбатан тузилган ёки тузилаётган барча шартномалар тўғрисида хабар бериши керак. Суғурта вазияти содир бўлганда полис соҳиби суғурта қилинган мол-мулкка зарар етишини олдини олиши ёки камайиши учун барча зарур чораларни кўришга мажбур.

Суғурталовчи суғурта фаолиятини амалга ошириш учун яратилган хўжалик юритувчи субъект ҳисобланиб, суғуртани ўтказувчи ва суғурта фондининг яратилиши ва сарфланишини юритувчи бўлади.

Мамлакатнинг тўлов балансида суғурта операциялари шаҳодатнома (полис) соҳиби (яъни суғурталовчи) ёки суғурталовчи норезидент бўлганда акс эттирилади.

Иқтисодий иқтисодий алоқаларни суғурталаш иқтисодий иқтисодий хатарларни суғурталашни англатади ва у ёки бу шаклдаги халқаро ҳамкорликнинг маҳаллий ва хорижий иштирокчилари манфаатларини таъминловчи суғурта турларининг мажмуидан иборатдир.

Иқтисодий иқтисодий алоқаларни суғурта қилиш умуман суғурта каби мол-мулкнинг шахсий суғуртаси, жавобгарликни суғурта қилишни ўз ичига олади.

Шахсий суғурта фуқароларнинг суғурта ҳимоясини амалга оширишни англатади. Мулкӣ суғурта қилишда суғурта муносабатларининг объекти объекти бўлиб турли турдаги мол-мулк ва мулкӣ манфаатларчиқади. Мулкӣ суғуртанинг иқтисодӣ аҳамияти суғурта вазияти оқибатида вужудга келган зарарни қоплаш ҳисобланади.

Жавобгарликни суғурта қилишда **суғурта муносабатларининг объекти** шаҳодатнома (полис) соҳибининг (яъни суғурталанувчининг) бирор-бир ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида жисмонӣ ёки юридик учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик ҳисобланади. Полис соҳибига (суғурталанувчига) фуқароларнинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг шахсий мол-мулки ва уларнинг мулкӣ манфаатлари тааллуқли бўлган мулкӣ суғурта қилишдан фарқли равишда ва суғурта суғурта қилинганлар ҳаёти ва соғлиги билан боғлиқ бўлган муайян ҳодисалар содир бўлиши ҳолатига ўтказиладиган шахсий суғурта қилишдан фарқли ўлароқ, жавобгарликнинг суғурталашнинг мақсади ҳар бир суғурта ҳодисасида ўзининг аниқ пул ифодасини топадиган эҳтимол бўлган зарар келтирувчилар манфаатларини суғуртавий ҳимоя қилиш ҳисобланади. Жавобгарликни суғурталаш суғурта суммаси ва суғурталанганни, яъни зарарнинг ўрни тўланиши керак бўлган фуқаро ёки хўжалик субъектини белгилашни назарда тутмайди.

Суғурта қилинган ва суғурта суммасининг қиймати суғурта ҳодисаси содир бўлганда, яъни учинчи шахсларга зарар етганда аниқланади.

Суғурталашнинг кўпгина турлари учун уларнинг юридик жиҳатдан тузилиши иихтиёрий ҳисобланади. Бироқ товар етказиб бериш тўғрисида, туристик хизматлар тўғрисида, қурилиш ва ташишга пудрат тўғрисида, у ёки бу мол-мулкнинг ижараси ва бошқалар тўғрисида битимлар тавсифи, қоидага кўра, суғурталашни шартнома амал қилишининг зарурий шарт-шароити сифатида ҳисобга олади. Тегишли контрактларнинг мазмунига боғлиқ ҳолда суғурталаш харажатларини тарафларининг исталгани олиши мумкин, у ўз манфаатларига ва маҳаллий суғурта ташкилотларига мўлжал қилиб суғурта компанияси ва суғурталаш шартларини танлайди (3-расм).

Иқтисодий алоқаларни сугурталаш

Шахсий сүфүрталаш

Мүлкий сүфүроталаш

Жавобгарликни

-
- ```

graph TD
 Root[Объекты страхования по Закону Республики Узбекистан об страховании]
 Root --- B1[Ижтисодий савдо фаолиятини суғурталаш]
 Root --- B2[Юкларни транспортда ташишни суғурталаш: денгиз, дарё, темир йўл, автомобиль, авиация]
 Root --- B3[Туристларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш]
 Root --- B4[Молия хатарларини суғурталаш]
 Root --- B5[Ўмон об-ҳаво бўлиш ҳолатини суғурталаш]
 Root --- B6[Делькредере суғуртаси]
 Root --- B7[Валюта хатарларини суғурталаш]
 Root --- B8[Чет эл инвестицияларини суғурталаш]
 Root --- B9[Инвесторларнинг қуйидагилар билан боғлиқ хатарларини суғурталаш: - экспроприация; - валюта ўтказиш; - уруш; - фуқаролар тартибсизликлари; - сармоя қўйилган мамлакат ҳукумати томонидан монтаж]
 Root --- B10[Автотранспорт эгалари жавобгарлигини суғурталаш]
 Root --- B11[Қарздорнинг кредитни қопламагани учун жавобгарлигини суғурталаш]
 Root --- B12[Суғурталашнинг бошқа турлари (касбий жавобгарликни, экологик хатарларни, фойдани йўқотишни ва бошқаларни суғурталаш)]
 Root --- B13[Суғуртанинг бошқа турлари (коинот объектлари, қурилиш ишлари, халқаро кўргазмалар ва

```
- Ижтисодий савдо фаолиятини суғурталаш
- Юкларни транспортда ташишни суғурталаш: денгиз, дарё, темир йўл, автомобиль, авиация
- Туристларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш
- Молия хатарларини суғурталаш
- Ўмон об-ҳаво бўлиш ҳолатини суғурталаш
- Делькредере суғуртаси
- Валюта хатарларини суғурталаш
- Чет эл инвестицияларини суғурталаш
- Инвесторларнинг қуйидагилар билан боғлиқ хатарларини суғурталаш:
- экспроприация;
  - валюта ўтказиш;
  - уруш;
  - фуқаролар тартибсизликлари;
  - сармоя қўйилган мамлакат ҳукумати томонидан монтаж
- Автотранспорт эгалари жавобгарлигини суғурталаш
- Қарздорнинг кредитни қопламагани учун жавобгарлигини суғурталаш
- Суғурталашнинг бошқа турлари (касбий жавобгарликни, экологик хатарларни, фойдани йўқотишни ва бошқаларни суғурталаш)
- Суғуртанинг бошқа турлари (коинот объектлари, қурилиш ишлари, халқаро кўргазмалар ва



3-расм. Иқтисодий иқтисодий алоқаларни суғурталаш.

## **6-МАВЗУ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-МОЛИЯ ВА КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ**

- 1. Иқтисодий сиёсат тизимида валюта сиёсатининг тутган ўрни.**
- 2. Валюта курслари режимини тартибга солиш.**
- 3. Жаҳон молиявий инқирозининг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари  
ва салбий оқибатлари**
- 4. Халқаро валюта тизимининг моҳияти ва тузилиши.**
- 5. Халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичлари.**
- 6. Халқаро резерв валюта бирликлари.**
- 7. Европа валюта тизими.**
- 8. Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари.**
- 9. Валюта курсларининг барқарорлиги.**

### **1. Иқтисодий сиёсат тизимида валюта сиёсатининг тутган ўрни**

Иқтисодий сиёсат тизимида валюта сиёсати муҳим ўрин тутди. Валюта сиёсати у ёки бу мамлакат томонидан халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида, ривожланишнинг у ёки бу тарихий босқичида мақсадларга мувофиқ амалга оширилувчи чора-тадбирлар мажмуасидан иборатдир. У жорий ёки узоқ муддатли мақсадлардан келиб, икки хил кўринишда амалга оширилиши мумкин, яъни тузилмавий ва жорий.

Валюта сиёсати **дисконт** ёки **девиз** шакллари олиши мумкин. Одатда, валюта курсини ва тўлов балансини тартибга солиш, халқаро капитал ҳаракатига, пул массасига, шунингдек, кредитлар динамикасига таъсир кўрсатиш мақсадларида мамлакат марказий банки дисконт сиёсатини амалга ошириши мумкин. Бу марказий банк томонидан ҳисоб ставкасининг ўзгартирилишини ифода этади. Шундай қилиб, тўлов баланси пассив бўлган шароитда ҳисоб ставкасининг оширилиши фоиз ставкаси анча паст мамлакатлардан капитал оқиб келишини кучайтиришга ёрдам беради. Шу

сабабли, дисконт сиёсати мамлакатдан капиталнинг оқиб кетишининг олдини олади, тўлов балансини меъёрга келтиради ва тўлов курсини кўтаради. Бирок мамлакат иқтисодий турғунлик даврини бошдан кечираётган бўлса, тўлов балансини яхшилаш мақсадида ҳисоб ставкасини ошириш иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади. Иқтисодиётдаги бекарорлик шароитида у ёки бу фоида ставкаларини ўзгартириш мамлакатдан капитал оқимини ҳар доим ҳам белгиламайди. Бундан ташқари, жаҳон ҳўжалигида халқаро капитал ва кредит ҳаракатини тартибга солувчи омиллар кучаяётганлиги ҳисоб сиёсатининг тўлов балансига таъсирини яна ҳам сусайтиради.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта бозорининг муҳим субъектлари бўлиб валюта сиёсати доирасида қуйидаги операцияларни амалга оширмоқда:**

- Валюта интервенцияси;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлашни амалга оширмоқда;
- Марказий банк ўз балансидаги чет-эл валюта резервларини бошқариш операцияларини бажармоқда. Бунда айниқса СВОП муддати валюта операцияларидан кенг фойдаланилмоқда;
- Жорий валюта бозорида олди-сотди операцияларининг узлуксизлигини таъминлайди.

## **2. Валюта курслари режимини тартибга солиш**

Алмашув курслари режими вариантларини танлаш икки омилга боғлиқдир:

-мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, унинг жаҳон сахнасида тутган ўрни ва ривожланганлик даражаси;

-мамлакат бошидан кечираётган вақт (давр) оралиғи.

*Алмашув курслари режими вариантлари мамлакат ҳукуматининг иқтисодиётга аралашини даражасидан келиб чиқади, яъни:*

*-курс мамлакат ҳукумати томонидан аниқланади;*

*-ҳукумат режими ўрнатишда аралашади;*

*-ҳукумат аралашуви умуман мавжуд эмас, курслар режими эса бозор томонидан аниқланади.*

*Қатъий курс режими қуйидаги афзалликларга эга:*

-миқдор жихатдан аниқлик (савдога ёрдам беради ва капитал оқимини рағбатлантиради);

-валюта-молиявий сиёсатга ишончни оширади.

Шулар билан бирга, қатъий курснинг афзаллиги инфляция суръатини ушлаб туришда ўз аксини топади. Валюта-молиявий сиёсатга бўлган юқори ишонч меҳнат бозорида ҳамда молиявий бозорлардаги инфляцион кутишларни юмшатади.

*Бироқ ушбу режим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас:*

Мамлакат қатъий курсни ушлаб туриш учун керак бўладиган экспорт бозорларини йўқотиши ва валюта захираларининг етишмаслигидан юзага келадиган маълум иқтисодий шокларга бардош бера олмаслиги мумкин. Бу ҳодисалар ишлаб чиқаришнинг тушиб кетишига ва ишсизлар сонининг ўсишига олиб келувчи ички нархларнинг кескин пасайиши билан бирга кузатилади. Қатъий курс режимини ўрнатишда валюта миқдорини аниқлаш юзасидан муаммо келиб чиқади, лекин «бир валютага боғлаб қўйиш» ҳолатида ушбу мамлакат қуйидагича тавсифланади:

- барча компаниялар томонидан мамлакатнинг молиявий бозорларида бу сиёсат қулай тушунилади;

- курсларга ҳукумат томонидан таъсир этиш имконияти анча қисқаради;

- савдода алмашув курси риски камаяди, чунки бир хил валютада олиб борилган операциялар йирик савдо ҳамкорлари учун афзалроқдир;

- бир валюта курсининг тебраниши ички валюта курсининг бошқа амалдаги валюталарга нисбатан тебранишига сабаб бўлади.

Бундан фарқли ўлароқ, «валюталар саватчасига боғлаб қўйиш» билан қатъий курс сиёсати қуйидаги параметрлар билан тавсифланади:

а) валюта саватчаси таркиби яхши маълум бўлмаганлиги сабабли ҳукумат валюта бозорини билан бевосита бошқармоқда деган тахмин туфайли чет эл инвесторлари ушбу сиёсатни қийин қабул қиладилар;

б) ушбу сиёсат якка валюта қиймати ошиши рискини бартараф этади ва бу ўз навбатида мамлакатнинг ўз савдо ҳамкорлари билан битимларини тартибга солиш масаласида жуда ҳам муҳимдир. Бироқ валюта қийматининг кўтарилиши экспорт ҳажмининг камайишига, импортнинг ошишига ва шу билан бирга, мамлакат тўлов балансининг ёмонлашишига олиб келади.

Бу режимнинг бошқа афзалликлари шулардан иборатки, агар барча валюталар саватчалари ўзлари боғланган алмашув курсларига нисбатан бир хил олинган бўлса, у ҳолда валюта курсининг тебраниши анча камроқ бўлади.

### **3. Жаҳон молиявий инқирозининг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва салбий оқибатлари**

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Глобаллашувни иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Жумладан, глобаллашув натижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши рўй беради.

Умуман олганда, глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб беради.

Бироқ, глобаллашув жараёнини мутлақлаштириш ва унга бир томонлама караш тўғри бўлмайди. Чунки, мазкур жараён ўзининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига ҳам эга. Жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда рўй бераётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати ҳисобланади.

Шунга кўра, Президентимиз ўз асарларини бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқироzi, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллариини излашдан иборат эканлигидан бошлаб, жаҳон молиявий инқирозининг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабабларига батафсил тўхталиб ўтдилар.

“Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди”.

Бундан кўринадики, дастлаб АҚШ ипотека бозорларида намоён бўлган мазкур инқироз етарлича тўлов лаёқатига эга бўлмаган, қарзларни қайтариш қобилияти шубҳали бўлган қарздорларга ипотека кредитлари бериш амалиётининг жадаллашуви натижасида рўй берди.

Модомики, ипотека кредити ўзининг моҳияти бўйича кўчмас мулк гарови ҳисобига бериладиган кредитлар бўлсада, АҚШ бозорлари бундай ликвидли кўчмас мулкларга етарлича «тўйинди» ва уларнинг нархлари кескин туша бошлади. Бунинг устига инвестицион банкларнинг АҚШ ипотека бозорларидаги янги молиявий «махсулот» ҳисобланган активларни

секюритизациялаш бўйича операцияларининг авж олиши ипотека бозорларидаги таназзуллик ҳолатлари эҳтимоллигини оширди.

Шу билан бир қаторда, асосан етакчи ривожланган мамлакатларда кузатилган қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам молиявий инқирознинг вужудга келишига асосий сабабларидан ҳисобланади:

- нораціонал пул-кредит сиёсатини, ҳамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшашнинг одатга ва кундалик ҳолатга айланиши;

- молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши;

- қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;

- молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларини бузилиши ва сохта аудит хулосалари тақдим этилиши;

- молиявий рағбатлантириш услуги сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланганлиги;

- юқори рискли ва мураккаб ҳосилавий қимматбаҳо қоғозларни вужудга келиши ва ҳоказо.

#### **4. Халқаро валюта тизимининг моҳияти ва тузилиши.**

XX аср ўрталарида халқаро иқтисодий, молиявий ва валюта муносабатлари ривожланиши янги кучланиш олди. Очик иқтисодиёт куришнинг умумий тенденцияси савдо айирбошлашувининг тезлашишига, халқаро молиялаштиришнинг ривожланишига, янги валюта бозорларини ҳосил бўлишига, турли мамлакатлар орасида валюта-молия муносабатларининг кенгайишига имкон беради.

Халқаро валюта тизимининг асосий элементлари қуйидагилардир:

- валюта бирликларининг миллий ва коллектив заҳиралари;

- халқаро ликвидли активларнинг таркиби ва тузилиши;

- валюта паритетлари ва курслари механизми;

- валюталарнинг ўзаро алмашув шартлари;

- халқаро ҳисоб-китоб шакллари;
- халқаро валюта бозори ва жаҳон олтин бозори режими;
- валюта-молия ташкилотлари (ХВФ, ХТТБ ва б.)ни тартибга солувчи давлатлараро валюта-кредит ташкилотларининг мақоми.

Халқаро валюта тизимининг асосий вазифаси – муҳим иқтисодий ўсишни таъминлаш; инфляцияни камайтириш; ташқи иқтисодий алмашув ва тўлов оборотининг тенглигини қўллаб-қувватлаш учун халқаро ҳисоб-китоблар ва валюта бозори соҳасини тартибга солишдан иборат. Халқаро валюта тизими бу – динамик, ривожланаётган тизим. У доимо ўзгаради ва ривожланади. ХВТ эволюциясининг йўналиши Ғарб давлатлари иқтисодиёти ўзгаришининг илғор тенденциялари, умуман жаҳон ҳўжалигининг шароитлари ва талаблари ўзгариши билан аниқланади.

### **5. Халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичлари.**

Ўзининг ривожланиш даврида Халқаро валюта тизими мос равишда тўртта халқаро валюта тизимларини намоён қилувчи тўрт босқични босиб ўтди. “Олтин стандарт” деб аталувчи биринчи тизим стихияли равишда XIX аср охирида вужудга келди. Унда қатор давлатларнинг валюталари ўз давлатларининг ички бозорида олтинга эркин айрибошланар эди. Олтин стандарт тизими қуйдагилар билан ажралиб туради:

- валюта бирлигининг маълум олтин қийматига эгаллиги;
- валютанинг олтинга конвертацияланиши алоҳида бир давлатнинг ичида ҳам ташқарисида ҳам таъминланади;
- олтин қуймалар эркин равишда тангаларга алмаштирилиши мумкин;
- олтин эркин экспорт ва импорт қилинади, халқаро олтин бозорларида сотилади;
- миллий олтин захираси ва ички пул таклифи ўртасида кучли нисбатнинг сақланиши.

Иккинчи тизим – Генуя конференцияси (1922 й.) қарорлари натижасида вужудга келган – “олтин-девиз” стандарти тизимидир. Кейинчалик у кўпчилик капиталистик давлатлар томонидан тан олинган. Бунда



банкноталар олтин эмас, балки кейинчалик олтинга алмаштирилиши мумкин бўлган бошқа давлатлар девизи (банкнота, вексел, чеклар)га алмаштирилади. Девиз валюта сифатида доллар ва фунт стерлинг танланди.

“Олтин-доллар” стандарти тизимини мустахкамлаган Бреттон-Вудс тизими халқаро савдо оборотининг кенгайишда, саноати ривожланган давлатлар ишлаб чиқаришининг ўсишида муҳим рол ўйнади. 60-йилларнинг охирига келиб Бреттон-Вудс тизими жаҳон хўжалигининг кучаяётган байналминаллашуви, трансмиллий корпорацияларининг валюта соҳасидаги фаол чайқовчилик фаолияти билан карама-қарши чиқа бошлади. Олтин-доллар стандарти режими амалда аста-секин доллар стандарти тизимига айлана бошлади.

## **6. Халқаро резерв валюта бирликлари.**

Асосий заҳирани авуар қилиш ва бошқа резерв валюталарнинг ролини камайтириш мақсадида СДР (Special drawing rights - SDR) - “махсус ўрнини олиш ҳуқуқи” стандарти киритилди. Давлатларга валюта курсининг хоҳлаган режимини танлаб олишга ҳуқуқ бериларди. Давлатлар ўртасидаги валюта муносабатлари улар миллий пул бирликларининг сузувчи курсига асосланадиган бўлди. Курсларнинг ўзгариши икки асосий омил билан белгиланади:

-давлатларнинг ички бозорларида валюталарнинг реал қийматлари нисбати билан;

-халқаро бозорларда миллий валюталар талаби ва таклифи нисбати билан.

90-йилларнинг бошига келиб сузувчи курслар омилини амалга оширилиши сабабли қуйидаги элементлар асосида етарли даражада мураккаб бўлган халқаро валюта тизимини ташкил қилиш схемаси вужудга келди:

-асосий устун бирликлар танланади, улар билан миллий валюталар муносабатларини, аниқроғи ўз валюта курсларини сақлаб қолдилар;

-валюта курсларининг ўзгариш даражаси бир хил эмас, диапозони кенг.

Умумий фикр шуки, улар ҳам захира валюта ҳам кредитдир. Уни яратувчилардан бири таъкидлаганидек, СДР “айримлар қора йўлли оқ, айримлар эса оқ йўлли қопа хайвон сифатида кўрадиган хайвон” – зебрага ухшайди.

## **7. Европа валюта тизими.**

Европа валюта тизими олдида қуйидаги мақсадлар қўйилди:

- ЕИ ичида юқори валюта барқарорлигини ўрнатиш;
- барқарорлик шароитида ўсиш стратегиясининг асосий элементи бўлиш;
- иқтисодий ривожланиш жараёнининг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш ва Европа жараёнига янги туртки бериш;
- ҳалқаро иқтисодий ва валюта муносабатларига барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатиш.

Европа валюта тизими ҳаракат механизми ЭКЮ ташкил қилиш ва барқарор, аммо тартибга солинувчи ЕИ давлатлари орасида валюта курслари орқали қийматни ўзаро ўлчаш негизини ўрнатишни кўзда тутди. ЕВТ валюта резервларини умумий фойдаланишга берилишини кафолатлайди. Яратилган тизим ЕИ ичида кредит механизмларининг бутун бир арсеналини ҳаракатга келтиради. Европа валюта тизимининг фаолият жараёни ва ривожланиши “Делар режаси” билан чамбарчас боғлиқ. 1989 йилда ЕИнинг атоқли арбоби (ЕИК раиси) Ж.Делар Европа валюта бирлашувининг уч босқичли режасини тасвирлаган ҳисоботни тақдим қилди. Бу режа қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Алоҳида ЕИ давлатларининг мувофиқлаштирилган иқтисодий ва валюта сиёсатини амалга ошириш;
- ЕИ Марказий банкини ташкил қилиш;
- Миллий валюталарни ЕИнинг ягона валютасига алмаштириш.

Маастрит шартномаси матнига мувофиқ ЕИ давлатлари томонидан валюта иттифоқи тузишнинг охири, миллий валюталар бир-бирига нисбатан якуний қайд қилинадиган босқичи 90-йиллар охирида рўй бериши керак эди.

ЕИ режасига биноан валюта иттифоқини ташкил қилишнинг якуний қисмида уч босқичга бўлинади.

Иккинчи босқичда (1999-2001йй.) Марказий Европа банки, биринчи кадам сифатида валюта алмаштириш бўйича операцияларда ягона валютани ишлатди. Тижорат банклари ва молиявий ташкилотлар худди шунингдек, ундан валюта бозорларида фойдаланишди..

Учинчи босқичда эса Европа валюта-иқтисодий иттифоқи ҳудудида барча банк ҳисоб рақамлари Европа валютасига конвертирланадиган бўлди, агар бу ўз ихтиёрига кўра рўй бермаса. Ягона Европа валютаси, иқтисодчилар фикрича, дунёда энг кучлилардан бири бўлиши учун барча имкониятларга эга. У инфляция билан курашишни енгиллаштириб, АҚШ ва Япония билан бозорлар учун курашда ЕИ давлатлари товар ва хизматининг роқобатбардошлигини ошириб ЕИ барқарорлигининг муҳим омили бўлиши лозим. ЕВРОнинг пайдо бўлиши қимматли қоғозлар билан боғлиқ барча келишувлар ҳажмининг ошишига олиб келиши лозим.

## **8. Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари.**

Жаҳон валюта, кредит, қимматли қоғозлар бозорлари ташкил топишининг нишонлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- капиталнинг ишлаб чиқариш ва банк ишида концентрацияси;
- хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви;
- банклараро телекоммуникацияларининг ривожланиши.

Валюта бозорлари – хорижий валютанинг миллий валютага талаб ва таклиф асосида ҳосил бўлувчи курс бўйича олди-сотдиси амалга ошириладиган марказлардир. Миллий валюта бозорлари ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган барча давлатларда мавжуд. Миллий бозорлар ва уларнинг ўзаро алоқалари ривожланиб бориши билан ягона жаҳон валюта бозори вужудга келади. У жаҳон, минтақавий, миллий (маҳаллий) валюта бозорларини ўз ичига олади. Бу бозорлар валюта операцияларининг ҳажми, характери ва операцияларда қатнашаётган валюталар миқдори билан бири-биридан фарқ қилади.

Жаҳон валюта бозорлари жаҳон молия марказларида (ЖММ) тўпланадилар. ЖММ – бу банклар, ихтисослашган кредит-молия институтлари йиғиладиган жойдир. Унда халқаро валюта-кредит, молия операциялари, қимматли қоғозлар, олтин олди-сотдиси амалга оширилади. Халқаро молия марказлари орасида Лондон, Нью-Йорк, Франкфурт, Париж, Цюрих, Токиодаги бозорлар ажралиб туради. 1973 йилдан 1992 йилгача валюта операциялар ҳажми кунига 10-20 млн. долл.дан 900 млрд. долл.га ўсди. 90-йилларнинг бошида халқаро валюта савдосининг 50%га яқини учта йирик жаҳон валюта бозорида амалга оширилади:

-Лондон – кунига 187 млрд. долл.;

-Нью-Йорк – кунига 129 млрд. доллар;

-Токио – 115 млрд. доллар.

90-йиллар ўртасига келиб, халқаро валюта операциялари умумий кундалик ҳажми 1 трлн. 230 млрд. долларга етди.

### **9. Валюта курсларининг барқарорлиги.**

Валюта бозорлари халқаро ҳисоб-китобларни оператив амалга ошириб, халқаро валюта бозорларининг кредит ва молия бозорлари билан ўзаро алоқасини таъминлайди. Валюта бозорлари ёрдамида банклар, корхоналар, давлатларнинг валюта захиралари тўлдирилади. Шунингдек, валюта бозорлари механизмидан иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилишида, шу жумладан, макродаражада давлатлар гуруҳи доирасида (масалан ЕИ) фойдаланилади.

90-йиллар ўрталарида савдо келишувларининг тобора кўпчилиги банклар эмас, балки инвестицион фондлар томонидан амалга оширилди. Халқаро кредит-молия бозори халқаро кредит-молия муносабатлари ссуда капиталининг жаҳон кредит ва молия бозорларидаги ҳаракати билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизимини қамраб олади. Халқаро кредит бозорида давлатлар ўртасида қайтарилиш, муддатли, фоиз тўлаш шартлари бўйича пул капиталининг ҳаракати рўй беради. Жаҳон кредит бозори – ссуда

капиталининг бир қисмидир. Ссуда капитали бозори ўз ичига қуйидагиларни олади:

-жаҳон пул бозори (1 кундан 1 йилгача қисқа муддатли депозит-ссуда операциялари, шунингдек, Евровалюталар бозори);

-жаҳон капитали бозори – иккита ташкил қилувчи: ўрта ва узоқ муддатли хорижий кредитлар ва Еврокредитлар бозори (1 йилдан 15 йилгача).

Жаҳон молия бозори – бу ссуда капиталлари бозорининг бир қисми бўлиб, унда асосан қимматбаҳо қоғозларнинг эмиссияси ва савдо-сотиғи амалга оширилади. Жаҳон ссуда капитали бозори миллий ссуда капитали бозорларининг халқаро операциялари асосида пайдо бўлади ва уларнинг байналминаллашуви давомида ривожланади. Жаҳон ссуда капиталлари бозори охирги ўн йилликда тез ривожланди. Бунга сабаб ссуда капитали ҳаракатининг узоқ муддатли анъаналари, бу ҳаракатни миллий даражада тартибга солувчи давлатларнинг ҳуқуқий нормаларини либераллашуви, қимматли қоғозлар ҳаракатининг кенгайиши, интеграцион жараёнлардир.

### **Ташқи савдо муносабатларида лизинг битимлари**

*Халқаро лизинг бу турли мамлакатлар корхона ва ташкилотлари томонидан тузилувчи ижара шартномасидир. У лизинг фирмаси ва ижарачи ёки лизинг фирмаси ва таъминловчи (ижарага берилувчи мулк эгаси) турли мамлакатларда жойлашганлиги билан тавсифланади. Халқаро лизинг экспорт ва импорт лизинг турларига тақсимланади.*

*Экспорт лизинг* – бунда лизинг фирмаси асбоб-ускуна, машина ва майдонларни миллий фирмадан сотиб олади сўнгра уни чет эллик ижарачига беради.

*Импорт лизинг* – бунда лизинг фирмаси асбоб-ускуна, машина ва майдонларни чет эллик фирмадан сотиб олади сўнгра уни ўз мамлакатадаги ижарачига беради.

Амалда халқаро молиявий лизинг ва тезкор лизинг кенгроқ тарқалган.

*Халқаро молиявий лизинг* дунё мамлакатларида кенг тарқалган типик лизинг тури бўлиб, шуртноманинг ўрта ва узоқ муддатлилиги билан тавсифланади. Уни амалга ошириш жараёнида мулк тўлалигича ёки унинг асосий қисми амортизацияланиб бўлади.

*Халқаро тезкор лизинг* қисқа муддатли келишув бўлиб, лизинг предмети амортизацияси бир нечта кетма-кетликдаги истеъмолчиларнинг тўловлари ҳисобига амалга оширилишига асосланади. Мазкур лизинг шакли рейтинг деб ҳам аталади ҳамда машина ва асбоб-ускуналарни рейтинг жамияти томонидан ижарачининг сотиб олиш ҳуқуқсиз қисқа муддатли ижарага беришини ифодалайди. Бунда рейтинг жамияти асбоб-ускуналарни таъмирлаш бўйича барча харажатларни тўлайди ва буни лизингга нисбатан юқорироқ ижара ставкалари ҳисобига қоплайди.

*Халқаро молиявий лизинг* халқаро тезкор лизингдан фарқ қилади. Унда ижарага берувчи (лизинг компанияси) активларга киритилган капитал қўйилмаларни ягона ижарачидан қониқарли фойда олиш ҳисобига тўлиқ қопланишига ҳаракат қилади. Шу сабабли лизинг даври ушбу активнинг хизмат қилиш муддатининг асосий қисмини қоплайди, ижарачи эса техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ўз зиммасига оллади. Бу лизинг тури бекор қилиниши мумкин эмас.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Миллий валюта тизимининг асосий характеристикалари нимадан иборат?
2. Халқаро валюта тизими нечта босқичдан иборат?
3. Халқаро валюта тизимининг қандай хусусиятларини биласиз?
4. Маастрит шартномасининг асосий мақсади нима?
5. Еврони киритишдан асосий мақсад нимадан иборат?
6. Европа бозорларини вужудга келиш шартлари қандай?
7. Жаҳон валюта бозорлари нечта?
8. Валюта курсларини барқарорлиги деганда нимани тушунаси?

## **7-Мавзу. Халқаро савдода эркин иқтисодий зоналар**

- 1. ЭИЗнинг ташкилий-функционал тизими**
- 2. ЭИЗ тизими**
- 3. Хўжалик режими ва ЭИЗ мақсадлари.**
- 4. ЭИЗнинг ташкил этилиши ва амал қилиш механизми**

### **1. ЭИЗнинг ташкилий-функционал тизими.**

ЭИЗ миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва унинг самарадорлигини оширишда, жаҳон ҳужалигига интеграциялашувда муҳим рол уйнайди.

ЭИЗнинг ташкил қилиниши ташки иқтисодиёт либерализациялашувда ва активлашувига қаратилган. Уларнинг иқтисодиети ташки дунёга очиклигининг юксак даражасига эга, божхона, солиқ ва инвестицион режимлар эса ички ва ташки инвестициялар учун қулай шароит яратган.

ЭИЗ қўпгина мамлакатларда кенг тарқалган. 90-йиллар бошларида бундай зоналардан 1000 таси дунёда амал қилган. Гарб мутахассисларининг фикрича 2000 йилга қелиб, жаҳон товар оборотининг 30% и бундай зоналар орқали ўтади. Трансмилий корпорациялар ўз фаолияти учун қулайроқ шароитлар қидиришда бундай зоналарни қўп фойда олиниши мумкин бўлган потенсиал захира деб қараб чиқишади. Қўпгина трансмилий корпорациялар кенгайтишининг асосий юналиши ЭИЗ да ўз ишлаб чиқаришини ташкил этиш деб ҳисоблашади.

ЭИЗ мамлакатнинг қолган иқтисодиёт тизимидан фарқи бўлган мустиқил ҳудудий -географик жойдир. Илмий наشريётлар ва халқаро организматсиялар ҳисоботларида ҳар хил турдаги зоналарнинг характеристикаси учун “еркин иқтисодий зоналар” атамаси қўлланилади. Аммо менинг фикримча ўшбу атама ҳодисанинг асл маъносини тулалигича изохламайди. Уларнинг қўпида қўлланиладиган иқтисодий қоидалар, рицаглар, махсус маъмурий қонунлар аслида маълум бир ҳуқуқий ва ҳужалик режимдан озод қилмайди, балки имтиезлар яратиш, тадбирқорликни

стимуллаштириш билан уни енгиллаштиради холос.Бундан ташкари, купгина ривожланаётган мамлакатлар учун бу зоналар экстерриториал маънода махсус ҳисобланади, зона аҳолисининг ҳаёт савияси ва шароити, ишлаб чиқариш ва кадр потенциалининг концентратсиялашуви ва бошқалар.Шу туфайли, бундай зоналарни “махсус иқтисодий зоналар“ деб айтсак тугрирок бўлади.

ЭИЗсаноати ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Англия, Япония, Германия) ҳамда ривожланаётган мамлакатларда амал қилади, “Янги индустриал мамлакатлар”дан бошлаб , нисбатан кам ривожланган мамлакатларда (Шри- Ланка, Гватемала ва х.); бундай зоналар Шарқий Европа мамлакатларида ҳамда Хитой ва Ветнамда мавжуддир. МДХ ҳудудида зоналар ташкил қилиниши жараёни давом этмокда. Улар бир неча квадрат километрдан иборат бўлган ҳудудлардан ҳамда ун юзлаб километрлардан иборат бўлган ҳудудларни уз ичига олади.

### **ЭИЗ тизими.**

ЭИЗнинг ташкилий- функционал тизими турли қирраларга эгадир. Баъзан у еки бу ЭИЗни синфлаштириш қийин , чунки у купгина зоналарнинг белгиларига эга. Дунеда кенг тарқалган ЭИЗдан қуйидагиларни ажратиш мумкин.

### **Еркин савдо зоналари.**

Еркин савдо зоналари(ЕСЗ) энг куп АҚШ да қабул қилинган махсус қарорда қўзда тутилган, унинг максади савдони қўллаб-қувватлаш, савдо оператсияларни тезлаштириш, савдо харажатларини камайтириш эди. Қонунда айтилганки, ҳар бир расмий портда энг камида битта мустақил ташки савдо зонаси ташкил этилиши мумкин. Йирик халқаро аэропортлардаги махсус “Дюти фри” дуконлари ЭСЗга қиради. Молиявий режим нуқтаи назарига қўра, улар давлат чегарасидан ташқарида деб ҳисобланади. ЭСЗга имтиёзли савдо режимларига эга озод портлар қиради. Ҳозирги пайтда дунёда 600дан ортиқ эркин портлар ва 4000 ЭСЗ мавжуд.

### **Махсус бож зоналари.**



Махсус божхона зоналари ( МБЗ ) энг содда иқтисодий зона сифатида экспорт учун мулжалланган чет эл товарларини саклаш, кадоклаш ва қайта ишлаш учун транзит ёки консигнатсион омборларини акс эттиради. Бундай зоналар озод божхона ҳудудлари деб аталади. МБЗ товарларни киритиш ва чиқаришга божхона туловларидан озоддир. Улар купгина мамлакатларида мавжуд.

#### **Махсус савдо-сотик ва саноат зоналари.**

Махсус савдо-сотик ва саноат зоналари имтиёзли савдо режими, инвеститсия учун катор имтиёзлар саноат ишлаб чиқариш ва махсулот экспортининг ривожланган ҳудудини уз ичига олади. Махсус савдо-сотик ва саноат зоналари ишлаб чиқариш ва савдо фаолияти анча кенг тарқалган хона тури ҳисобланади.

#### **Махсус экспорт қайта ишлаш зоналари.**

Экспорт қайта ишлаш зоналари ( ЭКИЗ ) ЮНКТАД маълумотларига кура, миллий божхона ҳудуди доирасидаги, одатда халқаро портларнинг якин атрофида жойлашган, асбоб-ускуна, йиғиш компонентлари ва материаллар божхона назоратсиз утадиган зона деб ҳисобланади. Импорт қилинадиган махсулотлар ЭКИЗда қайта ишланади, кейин эса қабўл қиладиган томоннинг божхона ҳокимиятининг аралашувисиз экспорт қилинади. Махсулот қабўл қиладиган томоннинг миллий божхона ҳудудига қирадиган вақтдан ташқари божхона туловларини тулаш талаб қилинмайди.

ЭКИЗ импортнинг урнини босувчи саноатдан экспортга мулжалланган саноатга утишни амалга оширувчи катор ривожланаётган мамлакатлар учун характерлидир. Бундай зоналарнинг ижобий таъсирига энг куп янги индустриаллашган мамлакатларда эришилади. Ҳозирги вақтда дунёда бундай мамлакатларнинг сони 350га етди. ЭКИЗ валюта воситаларини ишлаб топиш мақсадида ташқи бозорга мулжаллаб ташкил қилинади.

#### **Техник-иқтисодий ривожланиш зоналари.**

Техник-иқтисодий ривожланиш зоналари ( ТИРЗ ) миллий иқтисодиёт учун эффектив, юкори технологик ишлаб чиқаришни ташкил қилишда

намуна сифатида вужудга келтирилади. ТИРЗда жойлашган корхоналарда ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий усуллари, ташкил қилиш ва маркетингнинг прогрессив усуллари кенг қулланилади, ҳамда етакчи саноат технологияси ишлаб чиқарилади. ТИРЗ айниқса ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган.

ТИРЗга узининг амал қилиш хусусиятига кура янги ва юқори технологиянинг ривожланиш зоналари яқинроқдир. Бундай янги ва юқори технологиянинг ривожланиш зоналари энг АКШ, Япония ва Хитойда жойлашган. АКШда уларни “технопарклар”, Япония- “технополислар”, бошқа мамлакатларда - бизнес инноватсия марказлари ва “инкубаторлар” деб номланади. Технопарклар ТИРЗдан фарқли равишда янги ва юқори технология, илм-талаб махсулотларини ривожлантиришга қаратилган. Унда кундалик ва истикбол илмий-амалий муаммоларини, махсулот ва материалларнинг янги турларини ишлаб чиқарадиган кадрлар ва муҳандислар потенциали жамланган.

Дунёдаги энг машхур ва АКШнинг энг йирик “Силикон - Белли” компанияси дунёдаги ҳисоблаш техникаси ва компютерларни ишлаб чиқаришнинг 20% ташкил қилади. АКШда бундай зоналар жами 80та. Японияда етакчи илмий бўлимларга асосланган 20га яқин технополислар ташкил қилинган. Хитойда эса бундай зоналар 50дан ортиқдир.

### **Комплекс ва кўп тармоқли иқтисодий зоналар.**

Бу зоналар қолган зоналарнинг деярли ҳамма хусусиятларига эга. Масалан, Шен-Чжен ( ХХР ) ЭИЗга эркин савдо зоналари ва технопарк қиради.

### **Очиқ раёнлар.**

Булар хорижий капитални жалб қилиш учун имтиёзли инвестицион режим тузилган ҳудудни уз ичига олади. Хитойда кенг тарқалган “очиқ зоналар” мамлакат соҳилининг деярли ҳаммасини уз ичига олиб мамлакат ичкарасига ҳам кирмокда. Бу раёнларда техник-иқтисодий ривожланиш зоналари, технопарклар, экспортга мулжалланган ишлаб чиқариш жамланган.

### **Оффшор зоналар.**

Оффшор зоналар ( ОЗ ) ёки “солик портлари” 70-йилларда вужудга кела бошладилар. ОЗ харидорларни узининг валюта-молиявий режимининг кулайлиги, банк ва тижорат сирлилигининг юкори даражаси, давлат назоратининг коникарлилиги билан жалб килади. Бундай зоналар энг куп Британия хамкорлиги давлатларида кенг таркалган. Дунёда 30дан ортик мустахкам ва комплекс оффшор фаолиятли марказлар мавжуд. Оффшор компаниялар азалдан амал килаётган давлатларга Панама, Норманн ороллари, Ирландия, Швейсария ва бошкалар киради. Охирги ун йилликда ОЗ Исроил, Малта ва Малайзияда вужудга келган. ОЗдаги саноат, савдо ва банк компанияларидан соликлар ё умуман олинмайди ( Ирландия, Либерия ), ёки жуда кам миқдорда олинади. Швейсарияда маълум шароитларда бўлиши мумкин бўлган соликнинг энг кам миқдори ўрнатилган. ОЗ даги имтиёзли режим валюта чегараларининг юклиги, фойда олиб чиқиш эркинлиги, капиталнинг паст даражаси, чет эл инвестори учун бож туловларининг юклиги, экстерриторияллиги ва бошкалар билан характерланади. ОЗ ни ташкил килувчи давлатлар учун фойда кушимча чет эл инвеститсияларини жалб килиш, даромаднинг купайиши, кушимча иш жойларининг вужудга келишидадир. Бўларнинг хаммаси миллий иқтисодиётнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Оффшор бизнеси банк, сугурта ишида, денгиз кема транспортида, кучмас мулк билан бўлган оператсияларда, траст фаолиятида, экспорт-импорт оператсияларининг хамма турларида, консалтингда жамланган.

Мутахассислар ОЗ фаолияти хакида бир фикрда эмаслар. Купларининг фикрича, оффшор марказларда гирром пуллар ювилади ва хар хил турдаги банк хийлалари амалга оширилади.

Россия тадбиркорларнинг купи оффшор ҳисобидаги валютадаги даромадни яшириб, ОЗда оффшор компанияларини ташкил киладилар. Бунинг олдини олиш инвеститсия учун имтиёзли режим яратиш ва Россияда

валютани саклашни вужудга келтириш билан амалга оширилади. Акс холда, ташки иқтисодий алокаларнинг либераллашуви шароитида валюта купайиб боровчи хажмда мамлакат ташкарасига чикиб кетади.

Халкаро ЭИЗ каторига пайдо бўлиши халкаро меҳнат тақсими ривожланишининг замонавий даражаси, ишлаб чиқаришнинг интернационализатсиялашуви билан характерланган туман иқтисодий зонани киритиш мумкин.

“Тумаган” ЭИЗси Россия, Хитой, КХДР чегараларининг кесишган жойида жойлашган. Бу лойиха 25-30 йилга мулжалланган. ЭИЗда хитой ва корейс саноат корхоналари қурилган. Россия бу корхоналарга уз хом ашёсини қайта ишлаш учун юборади. ЭИЗда ишлаб чиқаришни ташкил этган тадбиркорлар қуплаб имтиёзларга эга бўладилар. ЭИЗни ташкил қилиш лойихасига Хитой, Урта Осиё ва Европадан утувчи темир юли қурилши ҳам киритилган. Бу юл Европага бўлган масофани анчагина қисқартиради.

### **Хўжалик режими ва ЭИЗ мақсадлари.**

Ҳар хил турдаги ЭИЗларнинг умумий хусусияти бошқа давлатлардаги тадбиркорлар учун бўлган режимдан фарқли равишда божхона, молия ва солиқ имтиёзларини уз ичига олувчи инвестицион муҳитдир. Турли мамлакатларнинг зоналаридаги маъум бир имтиёзларнинг фарқи бор, умуман олганда эса улар бир хилдир.

ЭИЗда амал қилувчи энг қуп тарқалган имтиёзлар қуйидагилардир:

- \* зонага олиб қирилувчи машина, асбоб-ускуналар, хом ашё ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун компонентларга туланадиган турли хил тўловлардан тула озодлик;
- \* чет эл фирмаларини солиқлар тулашдан озод қилиш (вақтинчалик) ҳамда қолган барча солиқлар ва туловларни тулашда имтиёзлар яратиш;
- \* имтиёзли қредитларни яратиш;
- \* бинолар, транспортни имтиёзли тарифлар буйича ижарага бериш;
- \* ЭИЗга қиришни чет эл инвесторлари учун соддалаштириш ва эркин тадбиркорликни қафолатлаш.

ЭИЗнинг характерли хусусияти ишчи кучини ишлатишни назорат килиш (асосан хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини чегаралаш, ЭИЗ ҳудудида профсоюзларнинг фаолиятини таъкиклаш, минимал маош ва иш куни давомийлигининг максималлаштиришида иш фаолиятининг тухтатилиши, тадбиркорларни ижтимоий сугурта фондларига туланадиган туловлардан озод килиши ва хоказо). Бундай режим чет эл тадбиркорларининг кушимча фойда олишини таъминлайди. Кулай инвеститсион муҳитда нисбатан арзон ишлаб чиқариш омиллари, инвесторлар учун молиявий- маъмурий имтиёзлар мавжуддир.

ЭИЗнинг ташкил килиниши ва амал килишининг жаҳон тажрибасида жаҳон бозорига интеграцияни кучайтириш халқаро иқтисодий муносабатларни куллаб-қувватлаш (еркин савдо зоналари, экспорт учун ишлаб чиқариш, божхона ва бошқалар) учун тузилган зоналар билан бир каторда, маълум бир фаолият ва ишлаб чиқариш тармоқларини куллаб-қувватлайдиган махсус режимли зоналар тузилган (қолган раёнларни ривожлантириш зоналари, туристик зоналар, агрополислар ва бошқалар). Шунинг учун, ЭИЗни ташкил этилиш мақсадлари бир-биридан фарқ килиш мумкин. АКШ, Буюк Британия каби саноати ривожланган мамлакатларда, ЭИЗ майда ва урта бизнесни депрессив раёнларда ривожлантиришга юналтирилган минтакавий сиёсатни амалга ошириш учун ташкил этилган. Шу мақсадда бундай раёнларда иш юритувчилар учун бошқа раёнлардагига нисбатан қупроқ молиявий имтиёзлар ва фаолият эркинлиги берилган. Бу программалар чет эл капиталини жалб килиш учун махсус тузилмаган. Ҳудди шу мақсадда ЭИЗ ривожланаётган мамлакатларда тузилган, натижада қолоқ мамлакатлар динамик ривожланаётган мамлакатларга айланди. Бундай давлатларга Сингапур, Туркия қиради. Саноати ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда, бу мамлакатларда ЭИЗ чет эл капиталини жалб килиш учун тузилган. Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бу давлатларда чет капиталини жалб килиш мақсади миллий иқтисодиётни ривожлантириш эмас, балки жуда қулай даромад олиш эди. Шунинг учун ривожланаётган мамлакатлар билан

ривожланган мамлакатларнинг трансмиллий капитали билан ҳамкорликда кизиқишлар паритетини топиш динамик иқтисодий ривожланиш учун муҳим шарт бўлиб ҳисобланади. Бунинг ишлатилиши ЭИЗ нинг давлатга чет эл капиталини жалб қилишнинг умумий стратегиясига қушилиши осон бўлади.

РАН шарқшунослик институтининг тадқиқотига кўра, 26 давлат бўйича ЭИЗ га чет эл капиталини жалб қилиш учун сарфланган маблаг уртача ҳисобда 4 доллар 1 доллар чет эл инвестициясига тугри келади. Масалан, Хитойдаги 4 та ЭИЗда 80-йилларнинг охирига келиб чет эл инвестициялари 4 млрд.долларни ташкил этди. Айни пайтда узининг бошланғич инвестициялари 22 млрд. доллардан ошган, бу эса 5,5 марта кўпроқдир.

ЭИЗ уйи инфраструктураси давлатнинг марказийлашган воситалари ҳисобига ташкил қилинган. Табиийки, бундай харажатлар ЭИЗ узок муддат давомида юқори фойдалилик билан амал қилган пайтдагина қопланади.

Ривожланаётган мамлакатлардаги ЭИЗ умумий хусусиятларига ва ривожланиш даражаларига эга. Биринчидан, махсус ҳудудий бирликлар сифатида улар ҳудудини кенгайтириш, савдо ва ишлаб чиқариш фаолиятининг масштабини катталаштириш тенденциясига эга. Шу билан бирга, улар инфраструктурасини доимо яхшилаб, ташқи дунё билан янада қулай шароитлар яратади.

Иккинчидан ЭИЗ бошқарувининг махсус режими чет эл тадбиркорлари учун янада либераллашган ва имтиёзли бўлмоқда. ЭИЗ нинг иқтисодий интернационаллашуви тенденцияси яққол кузга ташланади. Бўларнинг ичида трансмиллий корпоратсиялар жойлашмоқда. Учинчидан, ЭИЗ фаолиятининг амал қилиш жараёнида савдо сотик ва саноатнинг куп қисми амалга ошади. Туртинчидан, замонавий НТР ичида янги ва юқори технологияни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган илм-талаб ишлаб чиқариш жамланган ЭИЗга катта аҳамият беради. Гап шундаки, ЭИЗнинг ривожланиши амалга оширилаётган умумий иқтисодий ислохатлар доирасида юз беради ва ЭИЗ ривожланишининг катализатори бўлиб ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларнинг қолган ҳудудларга таъсири

даражиси анча чегараланган. Саноати мамлакатлар учун бундай таъсирнинг таркалиши масаласи куйилмаган. ЭИЗ нинг ташкил килиниши маълум минтаканинг тадбиркорлик фаолиятини тиклаш ёки иқтисодиётнинг у ёки бу тармогида эътиборни жамлашда катта рол уйнайди. Бундан ташқари, ЭИЗнинг ташкил килиниши сармояни киритиш ва уларни кейинчалик ривожлантириш билан асосланади. Марказлаштирилган ёрдамсиз уларнинг ҳаёти йўқ.

ЭИЗнинг муваффақиятли амал килишининг куплаб намуналари билан бирга уларни муваффақиятсиз ташкил килиш ҳам мавжуд. Шундай қилиб, Шри-Ланка, Сенегалда ва бошқа мамлакатлардаги ҳар хил турдаги ЭИЗ фақатгина муваффақиятсиз бўлиб қолмасдан, балки амал килиш томондан тухтатилган. Бундай вазиятнинг асосий сабабларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий
- иқтисодий
- ташкилий.

Сиёсий сабаблар мамлакатдаги умумий мувозанатсизлик фуқароларнинг ҳавотири, ҳаттоки ҳарбий ҳаракатлар билан боғлиқ. Иқтисодий сабабларга инвесторларнинг фикрига қура зонадаги инвестиция режими қоидаларининг жуда ҳам қийин ва қалқашиб кетиши билан боғлиқ. ЭИЗ бошқарувининг бюрократик ташкили, чет эл инвесторини зонада қўйишдан утқизиш бўйича куплаб қўйиш қарорларининг амалга ошириши, ёмон тарғибот ва махсус зонанинг афзалликларини ёмон реклама қилиш-қўйишнинг ҳаммаси ЭИЗнинг тақдирида уз аксини топади

#### **ЭИЗнинг ташкил этилиши ва амал қилиш механизми.**

ЭИЗни Россия ва МДХда ташкил қилишнинг асосий вазифаси миллий ҳужаликларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувидир. Бу зоналарнинг амал қилишини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш фаолияти халқаро тажриба ва Европа иқтисодий ҳамкорлиги талабларига асосан амалга оширилади. Айни пайтда лойиҳалаштирилувчи ҳар бир ЭИЗнинг хусусияти

кузда тутилади. Улар жойлашиши, объектнинг характери, маҳаллий шарт-шароитлар ва минтака, шаҳар, ҳудуднинг вазифалари билан аниқланади.

ЭИЗни ташкил қилишнинг биринчи қадами, бу унинг мақсади ва вазифасини аниқлаш. Қоидага биноан, улар бир-бири билан узвий боғлиқ. Шундай қилиб, комплекс характерга эга зоналарнинг мақсади табиий ресурсларни узлаштиришни тезлатиш ва шу асосда экспорт потенциалини ривожлантириш, энг янги технологияни киритиш юли билан замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозор алоқаларини ривожлантиришда тажрибани орттириш ҳисобланади. Кўрсатилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ЭИЗни ташкил қилиниш вазифалари ўрнатилади. Бундай вазифалар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- чет эл капиталини жалб қилиш
- зонани ички иқтисодиёт ва жаҳон бозори уртасидаги боғловчи сифатида ишлатиш
- янги хўжалик ислохатларини ишлаб чиқиш
- ўз ва чет эл тадбиркорларининг хўжалик фаолиятини яхшилаш учун имтиёзли шароитларни яратиш

ЭИЗни ташкил қилиш-қийин жараён. У ўз ичига тўрт босқични олади:

1. Лойиҳалаштиришдан олдинги давр.
2. Бошланғич давр.
3. Ташкил қилиш даври.
4. Амал қилиш даври.

Бошланғич даврда ЭИЗни ташкил қилиш мўлжалланган ҳудуднинг маъмурияти мутахассисларини жалб қилиб, ташкил қилишнинг мақсадини аниқлайди, ЭИЗнинг мақсадий йўналиши ва тармоқли таркиби белгилайди, ҳамда бошқа параметрларни шакллантиради. Олиб борилган ишларнинг натижаларига асосан ЭИЗни лойиҳалаштириш қарори ва унинг расмий тан олиниши учун керак бўладиган ҳужжатларни тайёрлаш қарори қабул қилинади.



ЭИЗни ташкил қилиш ҳақидаги қарор қабул қилингандан кейин унинг амал қилишига кириш даври бошланади, яъни асосий элементларининг инфраструктурасини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятининг шартларини аниқлаш. Бундан кейин зонанинг амал қилиш даври бошланади.

**Таянч иборалар:** эркин иқтисодий зона, саноат зонаси, эркин савдо зоналари, оффшор зоналар, очик ҳудуд.

## **8–Мавзу. Технологияларни халқаро узатиш**

- 1. Технологияларни халқаро савдо алоқаларига таъсири**
- 2. Технологияларни халқаро узатиш шакллари ва механизмлари**
- 3. Халқаро технологиялар бозорининг ривожланиш тамойиллари**
- 4. Халқаро технологиялар савдосини тартибга солиш усуллари**
- 5. Технологияларни узатишни ҳуқуқий ҳимоялаш**
- 6. Ишлаб чиқариш франчайзинги.Товар франчайзинги.**
- 7. Халқаро техник ҳамкорлик**

### **1. Технологияларни халқаро савдо алоқаларига таъсири**

Халқаро савдо жаҳон хўжалик тизими ва миллий иқтисодиётлар ривожини биринчи навбатда рақобатбардошлик ва нафлилик асосида таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Инсоният тарихида халқаро савдонинг аҳамияти жуда катта бўлиб, иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётни таъминлаш, ижтимоий ривожланишга мустаҳкам замин яратиш билан бирга, у бугунги кунда барқарорлик ва тараққиётнинг муҳим омили сифатида амал қилмоқда.

Халқаро савдонинг ривожини асосан мамлакатлар ўртасида ресурсларнинг нотекис жойлашувига боғлиқ бўлиб, унга кўра халқаро савдо тегишли ресурслар олди-сотдиси жараёни асосида амалга оширилган. Миллий ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиб бориши, ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши, фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқариш соҳаларига жадал кириб бориши ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши жараёни халқаро савдонинг ривожига сифат жиҳатдан катта таъсир кўрсатди.

XX асрнинг 90-йилларидан, айниқса, XXI асрдан бошлаб халқаро савдонинг юқори технологияларга асосланган даври бошланди. Бугунги кунда халқаро савдо конъюнктураси қуйидагилар билан тавсифланади:

халқаро савдода тайёр маҳсулотлар улушининг ортиб бориши (70 фоиз) ва хом ашё ресурслари ҳиссасининг камайиб бориши; савдо ҳажмлари аксарият қисмининг (70-75 фоиз) саноат жиҳатдан юқори даражада ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келиши; экспорт таркибининг кучли диверсификацияси ва тайёр маҳсулот экспорт қилувчи мамлакатлар таркибининг кенгайиб бориши ҳамда Осиё мамлакатлари билан бўладиган халқаро савдо ҳажмларининг юқори ўсиш суръатлари; таклиф ва талаб тизимига фан-техника тараққиётининг кучли таъсири натижасида экспорт товар таркибида юқори технологияли маҳсулотлар улушининг тезкор суръатлар билан ортиб бориши; хизматлар савдоси ҳажми ва турларининг тезкор ўсиши; халқаро савдода минтақавий ташкилотлар, уюшмаларга аъзо давлатлар ўртасида амалга ошириладиган ташқи савдо ҳажмларининг ортиб бориши.

Иқтисодий ривожланишнинг эволюцион табиати, яъни “шаклланган анъанавий ҳолат – ижобий ўзгариш – такомиллашиш – етуклик” узвий занжиридан келиб чиққан ҳолда муаллифнинг фикрига кўра, халқаро (ташқи) савдони ташкил этиш даражасини баҳолашни қуйидаги моделлар асосида амалга ошириш (шунга мувофиқ ҳолда халқаро савдо ривожланиш тенденцияларини баҳолаш) мақсадга мувофиқ:

– “ташқи савдони ташкил этишнинг хом ашёга асосланган анъанавий модели”. Ушбуда анъанавий хом ашё ресурслари экспортига асосланган ташқи савдо асосий мезон сифатида амал қилади;

– “ташқи савдони ташкил этишнинг динамик ривожланаётган модели”. Ушбуда анъанавий экспорт ҳолатига барҳам бериш жараёни асосида тайёр маҳсулотлар экспортига ўтиш ва динамик ўзгаришларни таъминлашга асосланган ташқи савдо асосий мезон ҳисобланади. Мазкур жараён муайян давр мобайнида босқичма-босқич амалга оширилиб, хом ашёга асосланган иқтисодиёт ва ташқи савдонинг бирёқлама таркибига барҳам бериш ҳамда замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, модернизация қилиш ва

экспорт товар таркибини такомиллаштириб бориш юзасидан динамик ўзгаришлар таъминланаётган шароитни кўзда тутди;

– “ташқи савдони ташкил этишнинг самарали модели” – тайёр маҳсулотлар экспортига асосланган ташқи савдо. Ушбу ҳолатда этиштирилган хом ашёни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотлар экспорти негизида юқори қўшимча қиймат олиш асосий мезон ҳисобланади;

– “ташқи савдони ташкил этишнинг юқори самарали модели”. Ушбу моделнинг асосий мезони сифатида фан (йутуқлари)ни кенг кўламда талаб этадиган ва юқори технологияларга асосланган маҳсулотлар экспорти амал қилади. Унга кўра замонавий ишлаб чиқаришига эга бўлиб, фан (йутуқлари)ни кенг кўламда талаб этадиган ва фаол инновация шароитида юқори технологияли товарлар экспорти ва ўта юқори қўшимча қиймат олишга асосланган маҳсулотлар асосида ташкил этилган ташқи савдо эътиборда тутилади.

Халқаро савдо товарлар таркибида “ташқи савдони ташкил этишнинг юқори самарали модели”га мувофиқ юқори технологияли маҳсулотлар экспортининг тезкор ривожланиши тенденцияси бўлиб, у асосан қуйидагилар билан изоҳланади.

1. Халқаро савдонинг мазкур йўналиш асосидаги ривожланиш тенденциясига қуйидаги омиллар кучли таъсир кўрсатади: ноёб техник-технологик хусусиятга эга бўлган маҳсулотларга бўлган талабнинг муттасил ортиб бориши; миллий ва жаҳон товар бозорларида рақобатнинг муттасил ортиб бориши ва мазкур жараённинг фан (йутуқлари)ни кенг кўламда талаб этишга асосланганлиги; фойдани ошириш ва унинг асосида ижтимоий мақсадларга йўналтириладиган харажатларни қоплашда қўшимча қиймати ўта юқори бўлган маҳсулотлар аҳамиятининг ортиб бориши; истеъмолнинг интеллектуаллашув даражасининг ортиб бориши; иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳияти мустаҳкам бўлган қатор давлатлар томонидан юқори технологияли маҳсулотлар асосида халқаро меҳнат тақсимоотидаги

ўзларининг иштирокини чуқурлаштириш юзасидан амалга ошираётган мақсадли тадбирларининг фаоллашуви.

2. Юқори технологияли маҳсулотлар экспортига жаҳон бозорларида мустаҳкам позицияларни эгаллаш ва унинг асосида юқори фойда олиш сифатида карашнинг тобора кучли ривожланиб бориши. Юқорида келтирилган омилларни эътиборга олган ҳолда бугунги кунда юқори технологияли маҳсулотлар экспортига жуда катта эътибор берилмоқда. Масалан, бундай маҳсулотларнинг мамлакат экспортидаги улуши Фил-липин (65 фоиз), Сингапур (60 фоиз), Жанубий Корея (32 фоиз), Америка Қўшма Штатлари (32 фоиз), Нидерландия (28 фоиз), Япония (24 фоиз), Хитой Халқ Республикаси (23 фоиз), Финляндия (24 фоиз) ва Дания (22 фоиз) каби мамлакатларда жуда юқори.

Технологияни ишлаб чиқаришнинг алоҳида омили сифатида ўрганиш, аниқроғи, технология тушунчаси хусусида иқтисодий адабиётда ягона ёндашув йўқ. Агар технология ишлаб чиқаришнинг мустақил омили сифатида кзраладиган бўлса, у бир томондан, ўзи ёрдамида ишлаб чиқарилган товарлар савдоси шартларининг ўзгаришига таъсир кўрсатади, иккинчи томондан эса, халқаро савдо предмета ҳисобланади. Технологиянинг халқаро ҳаракати икки хил шаклда амалга ошади: соф (лицензия, патент, «нау-хау» савдоси) ва технологик сигимкорлиги юқори товарлар савдоси кўринишида. Шу нуқтадан назардан технологи яга қуйидагича таъриф бериш мумкин: технология — бу амалий мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган илмий методлардир.

Технологиялар билан халқаро савдо – тижорий асосда хорижий контрагентга илмий –техник фаолият натижаларини етказиб беришдир. Булар нафақат илмий, балки амалий тажриба бойликлари ҳамдир.

Технология тушунчаси технологаянинг маҳсулотлар, жараёнлар ва бошқарув технологияси гуруҳларини ўзида мужассамлаштиради. Технологияни халқаро узатиш - тижорат ёки бегараз асосда илмий- техника ютуқларининг давлатлараро ҳаракати.

Халқаро иқтисодийда қуйидагилар технологияни элтувчилар сифатида намоён бўлади:

- товарлар — юқори технологияли товарлар савдоси;
- капитал - капитал сизимкорлиги юқори технологик товарлар савдоси
- меҳнат - юқори малакали илмий-техника кадрларнинг халқаро миграцияси;
- ер - қазиб чиқариш учун янги илмий техника ютуқларидан фойдаланилган табиий бойликлар савдоси.

Технологияни назарий жиҳатдан асослашда микродаражада ёндашув мавжуд бўлиб, бу - корхона, фирма миқёсида технологиялардан фойдаланиш нуқтаи назаридан технологияга баҳо беришдир. Унга мувофиқ технология хомашёни қайта ишлашда материалларга ишлов беришдаги усул ёки восита.

Технология — техник воситаларни мос тарзда мақсулот ишлаб чиқариш учун қўллаш усули. Бир турдаги технологиядан фойдаланилганда корхоналарнинг баъзилари фойда олса, бошқалари ундан зарар куриши мумкин.

Технологияларни гуруҳлашда фирмаларда ҳозирда қўлланилаётган замонавий. Д.Вудворд ва Д.Томпсон усулларидан фойдаланилади. Д.Вудворд таснифи бўйича технологиялар қуйидагиларга бўлинади:

1. Майда серияли ёки индивидуал ишлаб чиқариш технологиялари. Бунда фақат битта мақсулот ёки бир хилдаги мақсулотларнинг кичик серияси ишлаб чиқарилади. Мазкур мақсулотлар олдиқдан аниқданган харидор учун ва унинг ихтисослашувига мос равишда ишлаб чиқарилади. Масалан, компютерлар, тижорат мақсадда фойдаланиладиган БОИНГ самолётлари, ҳарбий реактив самолётлар.

2. Оммавий ёки йирик серияли ишлаб чиқаришда қўлланиладиган технологиялар.

Йирик серияли мақсулотлар бу бир хил турдаги мақсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашишдир. Мазкур ишлаб чиқариш стандартлаштирилган

деталларни кўллаш, конвеер асосида йиғиш каби усуллар билан характерланади.

3. Узлуксиз ишлаб чиқариш билан боғлиқ технологиялар. Бунда автоматлашган техник жиҳозлардан фойдаланилади. Технологиялар кун бўйи тўлиқ ишлаб, катта ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Д.Томпсон таснифи бўйича технологиялар қуйидагиларга бўлинади:

1. Кўп бўғинли технологиялар. Мазкур технологиялар кетма-кет бажарилиши лозим бўлган ўзаро боғлиқ вазифалар сериясидан иборат. Масалан, автомобилларни йиғиш муайян бир тартибда бажарилади.

2. Воситачи технологиялар. Бир-бири билан ўзаро боғлиқ булган гуруҳлар тўқнашуви ва иш юзасидан ҳаракатларининг келипгирилиши билан характерланади,

3. Интенсив технологиялар. Махсус куниқма ва хизматлар кўллаш билан характерланади. Масалан, филмлар монтажи.

Ушбу таснифлар ўхшаш, факт биринчиси — фирмалардаги ишлаб чиқариш бўйича, иккинчиси эса - умуман иқтисодиётнинг барча ишлаб чиқариш йўналишларида ҳисобга олинган.

Технология ривожланишининг асосида техник тараққиёт ётади. Техник тараққиётнинг кўппаб таърифлари ва тахдидий зўслублари мавжуд. Техник тараққиётнинг маълум даражада оммабоп бўлган моделини инглиз иқтисодчиси Жон Хикс ишлаб чиққан. Ж.Хикснинг фикрича техник тараққиёт уч гуруҳга бўлинади: нейтрал, меҳнат омилини тежовчи ва капитални тежовчи.

Нейтрал техник тараққиёт - бир вақтнинг ўзида меҳнат ва капитал омиллари у нумдорлигининг ортиши таъминловчи технологияга асосланган тараққиёт. Мазкур техник тараққиёт натижасида товар ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнат ва капитал қисқартирилади.

Меҳнат омилини тежовчи техник тараққиёт - капитал унумдорлигининг меҳнат унумдорлигига нисбатан юқорироқ самара беришига асосланган тараққиёт. Мазкур техник тараққиёт натижасида товарни ишлаб чиқаришга

сарфланадиган капитал миқдори нисбатан ошади, меҳнат сарфи эса капиталнинг ўзгармас нисбий баҳоси асосида қисқаради. Бунда товарларни ишлаб чиқаришга сарфланиши керак бўлган меҳнат ва капиталнинг умумий миқдори қисқаради, аммо капиталнинг роли нисбатан юқори бўлади. Мазкур техник тараққиёт иқтисодиётда меҳнат билан бир вақтнинг ўзида меҳнат ва капитални тежаши билан фойдали ҳисобланади.

Капитал омилини тежовчи техник тараққиёт - меҳнат уқумдорлигининг капитал уқумдорлигига нисбатан юқорироқ самара беришига асосланган тараққиёт.

Савдо алоқдларининг мавжуд эмаслиги шароитида ҳар қандай техник тараққиёт мамлакат фаровонлигини ошириш учун хизмат қилади. Техник тараққиёт натижасида аҳоли жон бошига тўғри келувчи ишлаб чиқариш ҳажми ошади. Техник тараққиётнинг халқаро савдога таъсири унинг талаб (истеъмол) ва таклифга (ишлаб чиқариш) қандай таъсир этишига боғлиқ.

Техник тараққиёт натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши халқаро савдога нейтрал, ижобий ва салбий таъсир этиши мумкин. Техник тараққиётнинг халқаро савдога нейтрал таъсири савдо ҳажми ининг ишлаб чиқариш ҳажми билан бир хил суръатларда ортиши билан боғлиқ. Техник тараққиётнинг халқаро савдога ижобий таъсири савдо ҳажмининг ўсиш суръатлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларидан ошиб кетганда юз беради. Бу таъсир, одатда, ўзгармас нисбий баҳолар шароитида импорт ўрнини қопловчи товарларга нисбатан экспорт товарларни ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишини билдиради. Техник тараққиётнинг халқаро савдога салбий таъсири ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари савдо ҳажмининг ўсиш суръатларидан ошиб кетганда юз беради. Бу таъсир одатда, ўзгармас нисбий баҳолар шароитида импорт ўрнини қопловчи товарлар ҳажмининг экспорт товарларни ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ортишини билдиради.

Халқаро савдода товарларнинг ҳаёғийлик цикли талай мамлакатларнинг технологик янги товарларни ишлаб чиқаришга ва экспорт қилишга мослашаётганида, бошқа мамлакатларнинг аллақачон таниқли бўлган



товарларни ишлаб чиқараётганидан келиб чиқади. Бир талай юқори капиталга ва малакали ишчиларга эга ривожланган мамлакатлар технологик янги воситаларга кўпроқ капитал жалб қилиш орқали янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда киёсий динамик (ўзгарувчанлик) мулкни бошқа мамлакатлардан олиш арафасида турибдилар.

## **2. Технологияларни халқаро узатиш шакллари ва механизмлари**

Халқаро технологик айирбошлашга инсон фаолиятининг қуйидаги тўрт соҳаси кенг жалб қилинади:

- илм-фан (табиатни англашнинг назарий қонуниятлари);
- техник (табиатни ўзлаштириш тажрибаси);
- ишлаб чиқариш (моддий неъматларни яратиш);
- бошқариш (ишлаб чиқариш ва бошқа масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ фаолият).

Технологияни халқаро узатиш ҳуқуқий ҳимоя билан кафолатланган. Жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида янги технологиялар қатор ҳуқуқий дастаклар ёрдамида ҳимояланади.

Патент — ҳукуматнинг мутасадди органлари томонидан ихтирочига бериладиган гувоҳнома бўлиб, у ихтиродан фовдаланшца монопол ҳуқуқни беради. Патентнинг амал қилиш муддати 15-20 йил бўлиб, у берилган мамлакат ҳудудида амал қилади. Патентдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб туриш учун катта миқдордаги патент тўловини тўлаш талаб этилади.

**Лицензия** - технология эгаси (лицензиар) томонидан манфаатдор томонга (лицензиатга) патент билан ҳимояланган ёки ҳимояланмаган технологиядан муайян муддат ва маълум тўлов эвазига фойдаланиш учун бериладиган рухсатнома.

Копирайт (тақдим этиш ҳуқуқи) — адабий, аудио ва видеоасар муашифининг ўз ишини кўрсатиш ва тақдим этиш ҳуқуқи.

Товар белгиси — муайян ташкилот белгиси бўлиб, ундан товар ишлаб чиқарувчини индивидуаллаштириш учун фойдаланилади. Товар белгисидан

эгасининг расмий рухсашсиз бошқа ташкилотлар томонидан фойдаланиш манн этилади. Кўпчилик ҳолларда товар белгиси раем, график тасвир, харфлар аббевиатураси, корпорация ташкилотчиси ёки эгасининг исми шаклида бўлиши мумкин. Агар товар экспорт қилинса, товар белгиси импортёр мамлакатда руйхатдан ўтиши зарур.

Технологияларни халқаро узатиш куйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

Патент шартномаси - халқаро савдо битами бўлиб, унга мувофиқ патент эгаси ихтиродан фойдаланиш ҳуқуқини харидорга беради. Одатда, тор доирада ихтисослашган кичик фирмалар ихтирони ишлаб чиқаришга жорий этиш имкониятига эга бўлмаганликлари сабабли патентен йирик корпорацияларга соладилар.

Лицензия шартномаси - халқаро савдо битами бўлиб, унга мувофиқ кашфиёт эгаси технология бўлган эгалик ҳуқуқини харидорга муайян чегара ва шартларда фойдаланиш учун беради.

«Ноу-хау» — муайян ютуққа эришиш имконини берувчи техник тажриба ва ишлаб чиқариш сирларини тақдим этиш. Улар технологик, иқтисодий, маъмурий ва молиявий характерга эга бўлади. «Ноу-хау»да олди-сотди предмета бўлиб тижорат аҳамиятига эга булган патенгланмаган ихгиролар хизмат килади.

**Инжиниринг** — харид қилинган ёки ижарага олинган машина ва ускуналарни ўрнатиш ҳамда ишлатиш учун зарур бўлган технологик билимларни тақдим этиш. Инжиниринг лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномасини тайёрлаш, маслаҳатлар бериш, назорат қилиш, лойиҳалаштириш, тажриба ўтказиш, кафолат даври ва кафолат давридан сўнг сервис хизмат кўрсатиш каби комплекс тадбирларни қамраб олади.

Халқаро технологияни узатиш уч босқичда амалга оширилади:

- технологияни танлашва сотиб олиш;
- сотиб олинган технологияни ўзлаштириш ва унга мослашиш;
- фан-техника чегарасида жойлашган технологияни такомиллаштириш.

Халқаро технологияни узатишнинг куйидаги каналлари мавжуд:

- ташқи савдо — технологияни машина-ускуналар билан биргаликда қўшиб узатиш;
- ички фирма канали — янги технологияни трансмиллий корпорацияларнинг филиаллари ва “қиз” корхоналарига етказиб бериш;
- фирмалараро канал.

Халқдро технологиялар узатишнинг асосий шаюшаридан бири лицензион савдо бўлиб, у лицензион шартнома асосида амалга оширилади. Лицензион шартномада лицензия тури (гатенгли ва патенгсиз), технологиядан фойдаланиш ҳуқуқи, характери ва чегараси (оддий, исшснолик, тўлиқ), ишлаб чиқариш соҳаси ватерриториал фойдаланиш чегараси белгиланади.

Патентли лицензия - патентдан фойдаланиш ҳуқуқини «ноу-хау»сиз тақдим этилганяйигини тасдиқяовчи ҳужжат.

Патенциз лицензия — ихтиронинг патенгсиз «ноу-хау»дан фовдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Истисносиз лицензия - лицензияларга шу технология ушбу ҳудудда жойлашган бошқа лицензиатларга ҳам тақдим этиш ҳуқуқини қолдирувчи лицензия.

Истисноли лицензия — лицензиатнинг технологиядан фойдаланиш монопол ҳуқуқини мавжудлигини ҳамда лицензиарни ушбу ҳудудда патенгланган технологиялар ва «ноу-хау»лардан мустақил фойдаланиш ва уларни сотишни рад этилганини назарда тутувчи лицензия.

Тўлпқ лицензия — шартнома амал қилинга даврида лицензиарнинг патент ёкк «ноу-хау»дан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқини ва лицензиарнинг улардан мустақил фойдаланшцсан воз кечшшши белгиловчи лицензия. Лнсензион тулов - лицензиат томонидан шартнома предметида фойдаланганлиги эвазига лицензиарларга туланадиган тақдирлов.

Лицензион такдирлаш ҳажми технология нархи кўринишида намоён бўлади ва лицензиат фойдасининг бир қисмини ташкил этади. Технологик жихатдан афзаллик юқори фойда олишни таъминлайди. Технологияни сотиш жараёнида лицензиар юқори фойда олиш ҳукукини муайян улуш эвазига сотган бўлади. Фойданинг мазкур улуши лицензион мукофот бўлиб, унинг куйидаги турлари мавжуд:

Роялти - шартноманинг амал қилшп муддати даврида харидор даромадвдан лицензиядан фойдаланишда оладиган фойдаси ҳажмидан келиб чиқкен ҳолда амалга ошириладиган ажратмалар. Кўпчилик ҳолларда роялти лицензиат томонидан келишилган вақт мобайнида (ҳар йили, ҳар квартал, ҳар ой) қатий белгиланган фоиз ставкаси кўринишида амалга оширилади. Роялти ставкалари асосан 3-5 % ташкил этади.

Халқаро амалиётда қабул қилинган усул бўйича роялти ставкасини куйидаги формула бўйича ҳисобланади;

$$C_R = \sum_{i=1}^T V_i \cdot Z_i \cdot R_i$$

бу ерда: - лицензия нархи;

$V_1$ - бир йилдаги маҳсулотнинг ишлаб чиқарилшп ёки сотилишининг кутилаётган ҳажми;

$Z_u$  -  $u$ - йилда маҳсулот бирлигининг нархи;

$T$ — лицензион келишувнинг амал қилиш муддати (йилларда);

$R_u$  -  $u$ - йилда роялти ставкаси.

Роялти ставкаси йиллар бўйича ўзгариб бориши ҳамда ишлаб миқарилаётган маҳсулот ҳажми ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир йилга алоҳида махсус ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилнши мумкин ва унинг умумий суммаси лицензиянинг умумий нархини кўрсатади. Агар роялти фойданинг бир кисми сифатида қисобланса, куйидаги формуладан фойдаланиш мумкин;

$$C_R = \sum_{i=1}^T B_i \cdot R_i$$

бу ерда:  $B_i$  - лицензиар фойдаси.

Лицензиат томонидан технологияларни яратиш лицензион шартномаларда нархларни белгилашга таъсир этувчи муҳим омиллардан биридир.

Технологияларни яратиш эҳгимоли қанчалик юқори бўлса, лицензиар томонидан олинадиган маблағ шунчалик кам бўпади. Назарий жихатдан лицензиат ўзи технология яратиш учун зарур харажатлар ҳажмига тенг бўлган маблағда лицензия учун пул тулаши мумкин.

Лицензия тўловлари ҳажмига технологияларнинг ҳаётийлик муддати ва уни узатиш даврда ўз ҳаёт циклининг қайси босқичида эканлиги;

лицензиатга белгиланувчи чекловлар характери ва сони;

узатилаётган ахборотнинг ҳуқуқий ҳимоя даражаси (учинчи шахсда патентларнинг мавжудлиги узатилаётган технология нинг қийматини оширади) таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган омилларни баҳолаш қийинчилиги ноаниқлик ва риск лицензион музокараларни узок муддатли ва кўп харажатли жараёнга айлантиради.

Пауша тўлови - шартномада қайд этилган бир марта тўланадиган тўлов бўлиб, лицензиядан фовдаланиш вақти билан боғлиқ бўлмай, эксперт аҳолаш асосида олдиндан белгиланади. Бу турдаги тўловлар асосан комплекс асбоб-ускуналар етказилиб берилганда ва технология қиймати асбоб-ускуналар қийматига киритилганда, лицензиат технологиядан фойдаланиш устидан назоратдан холи бўлишни хоҳдаган пайтда, муттасил амалга ошириладиган тўловларнинг хорижга ўпсазилиши хавфи тугилганда амалга оширилади.

Фойдада қатнашиш - лицензия предметида фойдаланиш эвазига олинган лицензиат фойдасининг бир қисмини лицензиарга ажратиш.

Кўпчилик ҳолларда лицензиарнинг лицензиат фойдасида қатнашиши 30% ни (истисноли лицензия берилганда) ва 10% ни (истисносиз лицензия берилганда) ташкил этади.

Мулкда қатнашиш - лицензиат томонидан лицензиарга лицензиядан фойдаланганлик учун уз корхонатари аксияларининг бир қисмини бериши. Бу тўлов тури ТМКлар томонидан кўп фойдаланилади. Чунки, улар ўз технологияларини ишлатувчи хорижий корхоналар мулки устидан назорат ўрнатишни хоҳлайдилар.

Юқоридагилардан ташқари халқаро технологияни узатишда муҳим аҳамиятга эга бўлган шартнома шакли - бу франчайзингдир. У инглизчадан устунлик деб таржима қилинади ва коммерсия концепсияси шартномаларига мувофиқ амалга оширилади. Франчайзингнинг куйидаги шакллари фарқланади:

Ишлаб чиқариш франчайзинги - муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш технологиясига эга бўлган фирманинг мижоз фирмага мазкур маҳсулотни муайян ҳудудда тайёрлаш ва соташ ҳуқуқини беради.

Товар франчайзинги - фирманинг бошқа фирмага муайян ҳудудда етакчи фирманинг савдо маркасидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Халқаро технологияни узатишнинг муҳим шаклларида бири халқаро техник ҳамкорлик ёки техник ёрдамдир.

Халқаро техник ҳамкорлик дасгурлари ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёги мамлакатларига бозор иқтисодиёти асосларини яратиш учун бериладиган ёрдам ҳисобланади. Халқаро техник ҳамкорлик дасгурлари халқаро ташкилотлар томонидан ва икки томонлама шартномалар асосида амалга оширилиши мумкин. Техник ҳамкорлик техник ёрдам олаётган мамлакатнинг технологик ривожланиш даражасини оширишга йўналтирилади. Техник ёрдамни бошқа халқаро ёрдамлардан ажрата билиш керак. Чунки, бошқа турдаги иқтисодий ёрдамлар ривожланган мамлакатлар томонидан Осиё ва Африканинг камбағал- мамлакатларига озиқ-овқат,

ичимлик суви, ёқилга ва бопщалар билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан молиялаштирилувчи маблағлар шаклида бўлади.

Халқаро техник ҳамкорлик - мамлакатларга қайтариб олиш шарти билан ёки бегараз асосда технологик жараёнлар, маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тўғрисида ёрдам кўрсатиш. Бу турдаги ҳамкорлик ишлаб чиқаришни ҳар қандай соҳасида амалга оширилиши мумкин.

Иқтисодиёт соҳасида техник ҳамкорлик асосан иқцодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, статистика, пул ва бюджет сиёсати, ҳудудларни ривожлантириш, лойиҳаларни техник-иқшодий асослаш каби йўналишларда амалга оширилади. Техник ёрдамнинг куйидаги ташкилий турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Технологик грантлар - ривожланган мамлакатлар томонидан технологиялар, технологик сизимкорлиги юқори товарлар ёки молиявий маблағларни илгор технологияларни сотиб олиш, персоналларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш учун бегараз узатишдир. Грантлар донорлар томонидан техник ёрдам лойиҳалари доирасида технологиялар ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш, мутахассисларни жўнатиш ва кадрларни қайта ўқитишни кўзда тутди.

Техник ёрдамни молиялаштириш — техник ёрдам олаётган томоннинг шартномага мувофиқ ташкилий вазифаларни бажариши билан биргаликда мазкур лойиҳани молиялаштиришда ҳам иштирок этишни назарда тутди. Одатда, техник ёрдам олаётган томоннинг лойиҳдни молиялаштиришдаги улуши кам бўлсада, техник ҳамкорликнинг бу туридан фойдаланиш ҳукуматнинг техник ёрдамдан мамлакатда самарали фойдаланишдан манфаятдор эканлигидан далолат беради.

Техник ёрдам механизмлари. Лойиҳада қатнашаётган мамлакатлар сонига қараб икки ва кўп томонлама техник ёрдам турлари бир-биридан фарқланади. Икки томонлама техник ҳамкорлик - донор мамлакат билан техник ёрдам олаётган мамлакат ҳукуматлари ўргасидаги келишув бўйича амалга оширилади.

Кўп томонлама техник ҳамкорлик - техник ёрдам олувчи мамлакатга бир неча мамлакатлар томонидан қўшма лойиҳалар шаклида техник ёрдам кўрсатиш.

БМТнинг Тараққиёт дастури (ХП) ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдам кўрсатишни бошлаган биринчи халқаро ташкилот хисобланади. Шунингдек, ХВФ, Жаҳон банки, ИХГТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳам мунтазам техник ёрдам дастурларини амалга оширадilar.

### **3. Халқаро технологиялар бозорининг ривожланиш тамойиллари**

Халқаро технологиялар бозорини таркиби ва ривожланиш хусусиятларига кўра куйидаги сегментларга бўлиш мумкин: патентлар ва лицензиялар бозори, фан сифимкорлиги юқори технологик маҳсулотлар бозори, юқори технологик капиталлар бозори ва юқори малакали илмий-техник мутахассислар бозори.

Технологик бозорларнинг сегментларида юз бераётган савдо муносабатларининг ҳажми тугрисидаги таҳдидларга мувофиқ XX асрнинг охирларига келиб лицензиялар бозоридаги олди-сотди ҳажми 30 млрд. долларни, фан сифимкорлиги юқори технологик маҳсулотлар бозоридаги ўртача йиллик кўрсаткич 2,3 трлн. долларни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таркибида юқори технологик капиталлар улуши тахминан 10- 20% ни ташкил этади. Башоратларга мувофиқ юқори технологик маҳсулотлар бозоридаги талаб 2015 йилга бориб 3,5-4 трлн. долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Технологиялар бозорининг тармоқ таркиби мамлакатларнинг илмий-техник ривожланиш мақсадига боғлиқ равишда ўзгариб боради. XX асрнинг 40-50-йилларида ҳарбий-техника тармоқлари устувор даражада ривожланган бўлса, 60-80-йилларида бу мақсад асосан иктисодий ўсишни таъминлаш ва алоҳида тармоқларнинг рақобатбардошлигини ошириш вазифалари билан боғлиқ бўлган. 90-йиллардан бошлаб эса илмий-техник ривожланиш соҳасидаги сиёсатнинг устуворликлари информацион хизматлар, тиббиёт, экология ва аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган соҳаларга қаратидси. Шунинг учун замонавий жаҳон технологиялар бозорининг тармоқ



таркибини қуйидагича белгилаш мумкин: элгротехника, элетроника, кимё, фармацевтика, алоқа воситаларини ишлаб чиқариш, асбобсозлик, авиакосмик ускуналар, автомобилсозлик ва б.

Жаҳон технологиялар бозорида қуйидаги ривожланиш тенденцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- жаҳон технологиялар бозорининг жадал ривожланаётган бозорлардан бири сифатида товарлар ва капиталлар бозорига нисбатан юқори суръатларда ривожланиши;

- жаҳон технологиялар бозорининг миллий бозорларга нисбатан юқори даражада ривожланганлиги билан ажралиб туриш. Мазкур жараёнда халқаро корпорациялар етакчи рол ўйнайди ;

- жаҳон технологиялар бозорининг икки поғонали таркибга эғалиги:

- а) юқори технологиялар асосан саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ўртасида айланади;

- б) ўрта ва қуйи технологиялар ривожланаётган ва ўгиш иқгисодиёги мамлакатлари бозорлари учун янги технология ҳисобланиши мумкин. Шу сабабли мазкур технологиялар ушбу мамлакатлар ўртасида айирбошлаш предмети бўлиб ҳисобланади;

- жаҳон технологиялар бозори технологик ресурсларнинг кам сонли ривожланган мамлакатларда концентрациялашганлиги билан тавсифланади (АҚШ- 40%, Япония - 30%, Германия - 13%);

- жаҳон технологиялар бозоридаги асосий рақобатчи мамлакатлар АҚШ ва Япония ҳисобланади;

- жаҳон технологиялар бозорида монополлашув даражасининг жаҳон товарлар бозоридан ҳам юқорилиги. 90-йилларда трансмиллий корпорациялар улуши жаҳон саноат ишлаб чиқаришини нг 18 қисмини, ташқи савдонинг қисмини ташкил этган бўлса, ушбу курсаткич технологиялар бозорининг 80% ини ташкил этади;

- XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб жаҳон технологиялар бозорида трансмиллий корпорацияларнинг етакчилик мавқеи фирмалараро ҳамкорлик

алоқаларида намоён бўла бошлади.

Фирмалараро ҳамкорлик венчур келишуви, ҳамкорликдаги тадқиқотлар, технологияларни айирбошлаш, бевосита капитал қўйилмалар, технологияларни бир томонлама узатиш каби соҳаларни ўз ичига олади.

- “Янги иқтисодиёт”нинг шаклланиши ва ривожланиши мураккаб технологик маҳсулотлар халқаро савдосининг жадаллашуви ва жаҳон бозорларидаги рақобат кураишнинг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмида халқаро савдо таркиби сезиларли даражада ўзгарди: жаҳон экспортида тайёр маҳсулотлар улуши икки бараварга ошган бўлса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш 2,4 бараварга, минерал хомашё ва ёқилғи 3,3 бараварга қисқарган. XX асрнинг 90-йилларида тайёр маҳсулотларнинг жаҳон экспортидаги улуши 5% га ошган. Мазкур ўзгариш асосан машина, асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари ҳисобига юз берган.

Юқори технологик маҳсулотлар бозорида етакчилик қилаётган мамлакатлар тажрибаси технологик лидерлик билан боглиқ қонуниятларни аниқлаш имконини беради:

*Биринчи қонуният - илм-фан ва инновацион янгиликларнинг мамлакат рақибатбардошлигини ошириш ҳамда хтфсизлигини таъминлаш инсрументи ва замонавий билимларга асосланган янги шипдаги жамиятнинг базавий элементи сифатида баҳаланиши.*

Инновацион тизим фаолиятини таъминлаш ривожланган мамлакатларнинг юқори технологик маҳсулотлар билан савдо қилиш имкониятларини кенгайтиради. Бу эса ялпи ички маҳсулотнинг 1,6% идан (Канада) 3,7% игача (Швеция). янги билимлар ва технологияларни яратиш учун катта ҳажмдаги маблағлар сарфлашни тақозо этади.

*Иккинчи қонуният - корпоратив тадқиқотлар ва ишланмапарнинг муҳим иқтисодий ах/нмиятга эгаллиги.* Компанияларда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг ривожланиши илмий янгиликлар ва янги техник имкониятларни яратади.

XX асрнинг охирларида ривожланган мамлакатларда инновацион ривожланишга сарфланган умуммиллий харажатларнинг асосий қисми тадбиркорлик сектори томонидан молиялаштирилган. Бу кўрсаткич Францияда - 61, Буюк Британияда — 65, Германияда - 68, Японияда - 72, АҚШда - 74, Швецияда - 75% ни ташкил этган.

Корпоратив тадқиқотлар асосан юқори технологик гармоқларда олиб борилади. XX асрнинг 90-йилларида АҚШда инновацион ривожланиш харажатлари ҳажми бўйича хизматлар соҳаси, асосан информацион технологиялар (23%), автомобилсозлик (11%) ва аерокосмик саноат (1.0%), Европа Иттифоқида электротехника (15%), автомобилсозлик (13%) ва хизматлар (11%), Японияда электроника (18% дан юқори) ва электротехника (11%) соҳалари етакчи мавқега эга бўлди.

*Учинчи қонуният - замонавий билимларни жамғариш – кумулятив жараён ҳисобланади.* Илм-фан ва маорифга сарфланаётган маблағлар барқарор ва узоқ муддатга мўлжалланган бўлсагина самара беради. Мазкур соҳани молиялаштириш бирон босқичда тўхтаб қолса, уни кейинчалик кўпайтириш ўзини оқламайди. Давлатнинг илмий-техник сиёсатини молиялаштиришдаги асосий манба бюджет маблағлари ҳисобланади. Мазкур манбадан илмий харажатлар 15 дан 12 қисмигача молиялаштирилади.

Таҳлиллар кўрсатишча. АҚШ ва Японияда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик харажатлари ЯИМга нисбатан ўртача 3,0% ини молиялаштиради.

## 12-жадвал

### **Ривожланган мамлакатларда ИТТКИ харажатларининг молиявий таъминоти, ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида**

| Йиллар | АҚШ  | Япония | Германия | Франция | Буюк Британия | Италия | Канада |
|--------|------|--------|----------|---------|---------------|--------|--------|
| 1985   | 22,8 | 2,6    | 2,7      | 2,3     | 2,3           | 1,1    | 1,4    |
| 1990   | 2,7  | 2,9    | 2,8      | 2,4     | 2,2           | 1,3    | 1,5    |
| 1995   | 2,6  | 2,7    | 2,5      | 2,4     | 2,2           | 1,3    | 1,5    |
| 2000   | 2,8  | 2,9    | 2,7      | 2,4     | 2,3           | 1,7    | 1,6    |
| 2015   | 3,0  | 3,0    | 2,9      | 2,6     | 2,5           | 2,3    | 1,9    |

XX аср охирига келиб жаҳон технологик бозорларининг ривожланиш даражаси ва динамикаси мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияшни белгилаб берувчи асосий омил инновацион соҳанинг илмий ишлаб чиқаришга асосланган тармоқлари ҳамда компаниялари эканлиги яққол намоён бўла бошлади. Техник тараққиёт ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг миқёси ва структурасинигина ўзгартириб қолмай, балки аҳоли турмуш даражаси, кишиларнинг ўзаро ва ташқи дунёга бўлган муносабатларига ҳам сезиларли таъсир ўтказди.

#### **4. Халқаро технологиялар савдосини тартибга солиш усуллари**

Халқаро технологиялар савдосини ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири – бу халқаро технологиялар савдосининг интенсив ривожланиб бориши ҳисобланади. Бу эса мамлакатлар, мамлакатлар гуруҳи, алоҳида фирма ва корхоналар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши тобора чуқурлашуви билан изоҳланади. Ушбу ҳолат жаҳон бозорида, шунингдек, унинг турли сегментларида юзага келаётган конъюнктуравий ўзгаришлар ҳар қандай давлатни жаҳон бозорида фаоллашишга, бунда ташқи савдони тартибга солиш, назорат қилиш ва қўллаб-қувватлаш воситалари ҳамда дастакларидан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ унумли фойдаланишга ундамоқда.

Халқаро технологиялар савдосини тартибга солиш давлатлар ташқи савдо алоқаларини қайтадан ташкил этиш, айрим тармоқ ва соҳаларда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш зарурати борлиги ҳам аён бўлмоқда.

Натижада, кейинги йилларда глобалъ ва минтақавий даражада халқаро технологиялар савдосини тартибга солишда силжишлар рўй бермоқда. Давлатларнинг халқаро технологиялар савдосида ҳам туб ўзгаришлар намоён бўлмоқда.

Технологиялар билан халқаро савдо – тижорий асосда хорижий контрагентга илмий –техник фаолият натижаларини етказиб беришдир. Булар нафақат илмий, балки амалий тажриба бойликлари ҳамдир.

Технологиялар билан халқаро савдо объектлари бўлиб, интеллектуал фаолият натижасида буюмга айлантирилган ва буюмга айлантирилмаган шакллар ҳисобланади ва бу шакллар ўртасида аниқ чегаралар йўқ. Халқаро технология бозори субъектлари сифатида давлат, олий ўқув муассасалари ва илмий тадқиқот ташкилотлари, турли фирмалар ва фондлар, шунингдек жисмоний шахслар –иختирочилар, олимлар чиқиши мумкин. Технология интеллектуал мулк қисми ҳисобланади ва тегишли тарзда миллий қонунчилик ва халқаро битимлар билан қўриқланади. БМТ тизим махсус муассаса –**Бутунжаҳон интеллектуал мулк**ташкilotи (World Intellectual Property Organisation, WIPO, ВОИС) фаолият кўрсатади. У кўп сонли конвенциялар, шартномалар ва давлатлар иттифоқига таяниб иш юритади. Технологиялар алмашилишида қуйидаги бош хилларни ажратиш мумкин: Ихтиро шаклидаги билим ва тажриба саноат нусхалари, товар белгилари, фойдали моделлар. Ихтиролар, уларни муаллифлиги ва монопол ҳуқуқидан фойдаланишни мустаҳкамловчи давлат гувоҳномаси –патент. Патент фақат берилган мамлакатда амал қилади, шунинг учун чет эл патентлиги кенг тарқалган. Агар патент эгаси патентдан фойдаланмаса, уни сотиши ёки лицензия битимга асосан фойдаланишига рухсат бериши мумкин. Чет эллик контрагентга лицензия бериш халқаро лицензиялаш деб аталади.

Лицензия битимининг учта асосий тури мавжуд. **Оддий** лицензияни сотиш чоғида патент эгаси –лицензия берувчи лицензия объектидан мустақил фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Уни учинчи шахсга бериш ҳам мумкин. **Мутлоқ** лицензия шартномаси тузилаётганда лицензия

берувчи сотиб олувчига лицензия объектига мутлақ ҳуқуқ тақдим этади. Лекин бу объектни ўзи мустақил ишлаб чиқариш ҳуқуқини сақлаб қолади. **Тўлиқ** лицензия шартномаси тузиш чоғида лицензия берувчи шартнома муддати даврида лицензия объектидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

Лицензиялар билан халқаро савдо – технологиялар билан алмашинувнинг асосий шаклидир. Лицензия тўловлари (лицензия учун тўлов) даврийликка – роялти ва бир вақтнинг ўзида – паушалга бўлинади. **Роялти** – бу интеллектуал ресурслар учун рента. У лицензия харидорининг даромадидан ажралма кўринишида битим муддати давомида тўланади. **Паушал тўлов** – лицензия битимида қатъий белгиланган сумма, ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотнинг сотилишига боғлиқ эмас.

Илмий –техник, ишлаб чиқариш, бошқарув, тижорий, молиявий ва бошқа характердаги ноу –хау деган умумий номга бирлашган билим ва тажриба улар махсус муҳофаза ҳужжатлари билан эмас, конфиденциал ҳимоя қилинган, ҳужжат кўринишида бевосита амалий ишлаб чиқариш тажрибаси сифатида узатилади.

Технологиялар билан халқаро алмашинишга халқаро инжиниринг ва ишга доир турли хил хизматлар қўшилади. Халқаро инжиниринг – бу чет эл контрагентида комплек ёки алоҳида инженер –техник турини тақдим этиш. Булар лойиҳалаш, қурилиш объектни фойдаланишга топшириш, корхонага янги технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга буюртма олиш, бошқарув, маркетинг ва пудрат хизматлари кўрсатишдан иборат.

Халқаро технологиялар алмашинишда олдинги ўринларни саноати ривожланган мамлакатлар – АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония эгаллайди. Янги индустриал мамлакатлар Хитой ва Хиндистоннинг роли ошмоқда. Жаҳон иқтисодиёти тараққиётига илмий –техника прогресси ҳиссаси ҳал қилувчи бўлмоқда. Бошқа томондан, илмий –техника тараққиёти илмий –тадқиқотларга ва конструкторлик – тажриба ишлари (НИОКР)га сарфланадиган маблағларга, илмий, инженер кадрлар тайёрлашга ва

инновацион соҳада давлат олиб бораётган сиёсатга боғлиқ. Масалан 2014 й. НИОКРда харажатлар улуши АҚШ, Япония, Германияда ЯИМнинг 2,7 -2,9% ни, Франция ва Буюк Британияда 2,3 – 2,4%ни ташқил қилди. Янги индустриал мамлакатлар Европа кўрсаткичларига яқинлашмоқда, Корея Республикаси эса АҚШ кўрсаткичига етай деб қолди. НИОКРни молиялаштириш бўйича асосий харажатлар тадбиркорлик тартибларига тўғри келади (ОЭСР мамлакатлари бўйича 67%), лекин давлат бюджети улуши ҳам катта (АҚШда 33%, НИОКР, 2014 й .)

**Таянч сўзлар:** Роялити, паушал тўлов, патент шартномаси, оддий лицензия, мутлоқ лицензия, халқаро технологиялар, халқаро технологиялар савдоси, оммавий ишлаб чиқариш, йирик серияли ишлаб чиқариш, НИОКР.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Халқаро савдода технологияларни ўрни қандай?
2. Технологияларни халқаро узатиш шакллари ва механизмларига нималар киради?
3. Халқаро технологиялар бозорининг ривожланиш тамойиллари санаб чиқинг?
4. Халқаро савдода технологияларни узатишни ҳуқуқий ҳимоялаш йўллари қандай?

## **9. Халқаро савдода халқаро иқтисодий ташкилотларнинг роли**

- 1. Халқаро иқтисодий ташкилотлар: моҳияти, зарурияти, функциялари.**
- 2. Тармоқ ёки ихтисослашган иқтисодий ташкилотлар.**
- 3. Савдо-иқтисодий ташкилотлар. Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)**
- 4. Халқаро молия ташкилотларининг моҳияти, вазифалари ва шакллари.**
- 5. Ўзбекистоннинг МДХ ва Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотидаги фаолияти.**
- 6. Ўзбекистоннинг интеграцион ташкилотлардаги иштироки.**

### **1. Халқаро иқтисодий ташкилотлар: моҳияти, зарурияти, функциялари.**

Халқаро савдони эркинлаштиришнинг асосий омилларидан бири халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиш ва ана шу ташкилотлар доирасида фаолият кўрсатиш жараёнларни фаоллаштиришдир. Халқаро ташкилотларнинг роли ва аҳамияти бугунги кунда тобора ортиб бормоқда. Халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг аҳамиятли эканлигига жаҳон иқтисодиётидаги чуқур ихтисослашув энг асосий сабаблардан биридир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЙХХТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Жаҳон Банки (ЖБ), Шанхай Ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилоти (ШХХТ), Халқаро валюта фонди (ХВФ), Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ), Халқаро ривожланиш уюшмаси, Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО, Инвестиция кафолатлари бўйича кўп томонлама агентлик, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Осиё ва Тинч океани минтақаси учун



иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси ҳамда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Интеллектуал мулк бўйича халқаро ташкилот, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Осиё ҳамда Ислом тараққиёт банклари каби нуфузли халқаро ташкилотларининг шулар жумласидандир.

Халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган ислохотлар жаҳон иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатади (масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди). Шунингдек, бундай ташкилотларнинг мавжудлиги мамлакатлараро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда ва савдо алоқаларини барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг афзаллиги уларнинг ўзаро боғлиқлигидадир. Айрим ҳолларда бундай ташкилотга аъзо мамлакатлардан бирида инқироз яъни, иқтисодий тушкунлик ҳолатлари кузатилса, бу ҳолат ташкилотнинг бошқа аъзоларига ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Шу сабабдан иқтисодий салоҳияти жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган мамлакатлар ўртасида халқаро ташкилотларни тузиш мақсадга мувофиқдир.

Давлатлар ривожланганлик даражаси орасидаги фарқ қанчалик катта бўлса халқаро иқтисодий алоқаларга шунчалик катта зарурат туғилади. Масалан, иқлимлари тубдан фарқ қиладиган давлатлар бир-бирлари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилиш зарурати юқори булади. Меҳнат ресурси ва капиталлари билан тубдан фарқ қиладиган давлатларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ассортиментлари бир-биридан катта фарқ қилади, бу эса уларни бири бири билан савдо қилишга ундайди.

Ҳозирги вақтда ташқи савдонинг кўп қисми ўхшаш давлатлар билан бўладиган савдога тўғри келмокда. Булар иқлимлари, даромадлари ва иқтисодий тараққиёт сураъти бир хил ва аҳолисининг турмуш даражаси юқори бўлган давлатлардир. Мамлакатларнинг ўхшашлик назариясига кўра, ички бозорда шаклланган эҳтиёжга жавобан янги маҳсулотни ишлаб

чиқарган мамлакат ўзининг бозорига ўхшаш хорижий бозорларга мурожат қилади. Бошқача айтганда, ривожланган мамлакатлар фуқаролари юқори сифатли ва қиммат товарларга қизиқиш кўрсатишса, даромаднинг паст даражасига эга бўлган мамлакатлар истеъмолчилари бундай товарларни кам миқдорда сотиб оладилар.

Халқаро савдо шаклланишининг объектив зарурияти қуйидаги омиллар орқали изоҳланади:

Биринчидан, капиталистик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши оқибатида дунё бозорларининг юзага келиши;

иккинчидан, турли мамлакатларда муайян тармоқларнинг номутаносиб тарзда ривожланиши ва нисбатан тезкор ривожланган тармоқ маҳсулотларининг ички бозорларда айирбош қилиш имкониятларининг чекланганлиги;

учинчидан, тўхтовсиз иқтисодий ривожланиш шароитида ишлаб чиқариш кўламида чексиз кенгайиш аломатларининг кузатилганлиги ва ички талаб чегарасидан ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ташқи бозорларга олиб чиқиш заруратининг юзага келганлиги;

тўртинчидан, тинчлик, барқарорлик шароитида давлатлараро муносабатларнинг таркиб топганлиги;

бешинчидан, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви шароитида ишлаб чиқариш ва капиталнинг интеграциялашуви;

олтинчидан, илмий-техника тараққиёти асосида янги ишлаб чиқариш тармоқдарининг юзага келганлиги ва жаҳон бозорида халқаро корпорациялар ролининг ортиб борганлиги;

еттинчидан, халқаро савдонинг ГАТТ/ЖСТ (Жаҳон Савдо Ташкилоти) доирасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва халқаро савдо келишувлари асосида тартибга солиниши;

саккизинчидан, халқаро савдонинг эркинлашуви шароитида "эркин савдо ва иқтисодий зоналар" нинг ташкил топганлиги;

тўққизинчидан, халқаро интеграция жараёнларининг ривожланиши шароитида ҳар хил давлатлараро ва минтақавий тўсикларнинг олиб ташланаётганлиги натижасида умумий бозорларнинг юзага келаётганлиги.

### **Халқаро иқтисодий ташкилотлар функциялари**

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) 1990 йилги Париж ва 1992 йилги Вена, ҳамда Хельсинки Декларацияларида белгиланган қарорларга мувофиқ Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашидан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига айлантирилган. Бу ташкилот 1995 йил 1 январдан буён фаолият юритмоқда.

ЕХХТнинг мақсади қуйидагилар: ўзаро муносабатларни яхшилашга, ҳамда узоқ муддатли тинчликни тиклашга кўмаклашиш, халқаро тангликни энгиллаштириш, Европа хавфсизлигини, бўлинмаслигини ҳамда аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришдан ўзаро манфаатдорликни тан олиш; Европада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликнинг чамбарчас боғлиқлигини тан олиш; инсон ҳуқуқларини таъминлашга, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, ва халқларнинг фаровонлиги ҳисобланади. ЕХХТ бош органи давлат ва ҳукумат бошлиқлари Кенгаши ҳисобланиб, у икки йилда бир маротаба сессияга тўплайди.

**Жаҳон савдо Ташкилоти** 1994 йил Уругвай раундининг ҳулосавий актига биноан ташкил этилган. ЖСТ (ВТО) ташкил этиш тўғрисидаги Келишувнинг амалга кирганидан сўнг ЖСТ (ВТО) Тарифлар ва савдо бўйича бош Битим-(ТСББ),(ГАТТ)ни алмаштирди.

Жаҳон савдо ташкилотининг мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

- бутунлай иш билан бандлик;
- товарлар ва хизматлар билан савдо алмашинуви ва ишлаб чиқаришни юксалтириш;
- узоқ муддатли тараққиётни, атроф-муҳитни сақлаш ва ҳимоясини таъминлаш мақсадида хом ашёлардан оптимал фойдаланиш.

ЖСТ қуйидаги бешта асосий функцияларни бажаради:

а) ЖСТ тўғрисидаги Келишувни ташкил этувчи савдо битимларига нисбатан маъмурий функцияларни амалга оширади ва уларнинг ижросини таъминлайди;

б) аъзолари ўртасида кўп томонлама савдо музокараларини ўтказиш учун форум бўлиб хизмат қилади;

в) ЖСТ аъзолари ўртасида савдо низоларини ҳал этишга кўмаклашади;

г) ўз аъзоларининг савдо соҳасидаги сиёсатлари устидан назоратни амалга оширади;

д) глобал иқтисодиёт соҳасида сиёсий йўналишни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи бошқа халқаро муассасалар билан ҳамкорликни амалга оширади.

## **2. Тармоқ ёки ихтисослашган иқтисодий ташкилотлар.**

Ғарбий доктрина учун халқаро ташкилотлар аъзоларини икки категорияга ажратиш характерлидир: тўла ҳуқуқли ва тўла ҳуқуқли бўлмаган аъзолар. Уларнинг фикрича, тўла ҳуқуқли аъзолар сирасига бошқарадиган давлатлар киради, тўла ҳуқуқли бўлмаган аъзолар гуруҳига эса бошқариладиган ҳудудлар, яъни тўла мустақилликка эришмаган ҳудудлар ва айрим суверен давлатлар ҳам киритилади.

Халқаро ташкилотлар аъзоларининг тўла ҳуқуқли ва тўла ҳуқуқли бўлмаганлар сирасига ажратилиши метропол давлатларнинг колониялари устидан устунликларини қонунийлаштиради.

Халқаро ташкилотлар аъзоларининг бошланғич, биринчи даражали (бирламчи) ва қўшилган аъзоларга бўлиниб, гуруҳланиши ҳам унчалик тўғри эмасдир. Бошланғич аъзолар ҳисобланадиган давлатлар, ташкилот таъсис ҳужжатининг ишлаб чиқиш бўйича конференцияда иштирок этган, ушбу ҳужжатни имзолаган ва тегишли муддатларда ратификация қилган давлатлардир. Инглиз тилида ушбу давлатлар “original members” деб номланади. Агарда ушбу термин бошланғич аъзолар деб таржима қилинса, унинг синонимлари бўлиб «бирламчи», «бош», «асосий» каби сўзлар

хисобланади. Бундан қуйидагича маъно келиб чиқиши мумкин, яъни бошланғич аъзолар қолган иштирокчи аъзолар фаолиятига раҳбарлик қиладилар ва бошланғич аъзолар фикрлари доимо эътиборга олинмоғи лозим деган фикр пайдо бўлади.

Халқаро ташкилотлар вужудга келиши сабаблари ва қайси тармоқларни ўз ичига олгани ҳамда олиб бораётган сиёсатларига кўра бир-бирларидан фарқланади

Шимолий Атлантика шартномаси Ташкилоти (НАТО) 1949 йил 4 апрелда Шимолий Атлантика шартномасининг 9-моддасига асосан ташкил этилган. НАТО мақсадлари бу–БМТ Низоми тамойилларига мувофиқ барча аъзоларининг мустақиллиги ва хавфсизлигини ҳарбий ва сиёсий воситалар ёрдамида таъминлашдир. Ташкилот аъзо-давлатлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар томонлама ҳамкорлик ва биргаликда ҳаракат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. НАТО Европада демократия, инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий давлатнинг умумий қадриятлари асосида адолатли ва мустаҳкам тинчликни ўрнатишга сафарбар қилинган. НАТО мамлакатлари коллектив муҳофаза ва тинчлик, ҳамда хавфсизликни сақлаш мақсадида ўз интилишларини бирлаштиришга келишишган.

БМТ ташаббуси билан 1948 йилда Кема қатнови бўйича ҳукуматлараро ташкилот тузиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш учун Конференция чақирилди. Ушбу конференция Халқаро денгиз ташкилоти тўғрисидаги Конвенцияни муҳокама қилгандан сўнг уни тасдиқлади (Конвенция 1956 йилдан кучга кирган).

**Халқаро божхона ташкилоти (ХБТ)** 1952 йил таъсис этилган ва ҳозирги кунда 139 давлатни бирлаштирган, жумладан Собиқ СССР республикаларининг деярли барчасини.

Ташкилотнинг асосий вазифаси – жаҳон доиравий айланишини тезлаштириш ҳамда божхона чегараларидан товарлар ва жисмоний шахслар ҳаракатини унификациялаш ва соддалаштириш мақсадида ягона бож “ўйин қоидасини” ишлаб чиқади ва тарғиб қилади. Бунда божхона тизими ва

конунчилигини уйғунлаштириш ҳамда божхона хизматини модернизациялаш катта аҳамият касб этади.

ХБТ нинг вакиллик органи бита бошқарувчи ва олти вице-бошқарувчидан ташкил топган Кенгаш, бир вақтнинг ўзида Молиявий ва техник комитетлар, Сиёсий комиссия, минтақалардаги вакиллар ҳисобланади.

Кенгашнинг юқори органи – аъзо мамлакатлар божхона хизмати бошлиқларининг ҳар йилги йиғилиши ҳисобланади. Бунда Сиёсий комиссия ва Молиявий комитетлар тайёрлаган материаллар кўриб чиқилади ва қарорлар қабул қилинади ҳамда ХБТ фаолияти стратегияси йўналиши бўйича тавсиялар берилади. Ташкилотнинг доимий фаолият кўрсатувчи ижроия органи Секретариат бўлиб, қароргоҳи Брюсселда (Белгия) жойлашган.

ХБТ нинг асосий фаолият йўналишларидан бири божхона ишини такомиллаштириш бўлиб, жаҳон хўжалигидаги ўзгаришларга қараб ҳужжатларни янгилаш ва битимларни кўриб чиқиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. Бу ташкилотнинг жаҳон иқтисодиёти ривожланишига қўшган энг катта амалий ҳиссаси божхона жараёнларини уйғунлаштириш ва соддалаштириш бўйича ХБТ Конвенсиясининг ишлаб чиқилганидир - Киото Конвенсияси (1973 йил қабул қилинган) ҳамда товарларни номлаш ва кодлаштиришнинг Гармонизацияланган тизими тўғрисидаги Конвенсия (1983 йил қабул қилинган).

**Халқаро денгиз ташкилоти** (ХДТ, ИМО) мақсадлари қуйидагилардан иборат:

а) халқаро савдо денгиз кема қатнови билан боғлиқ техник масалалар бўйича анжуманлар ўтказилишини таъминлаш ва ҳукуматлар ўртасидаги ҳамкорликни амалга ошириш механизмини таъминлаш;

б) денгизда хавфсизлик ва кема қатнови самарадорлигини оширишга тааллуқли масалалар, кемалардан денгиз ифлослантирилишини олдини олиш ва назорат қилиш масалалари бўйича умумтан олинган амалий стандартларни вужудга келтиришга кўмаклашиш;

в) 1958 йилги Конвенцияда белгиланган мақсадлардан келиб чиқувчи ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш;

г) ҳукуматларнинг халқаро савдо кема катновига нисбатан ортиқча чекловлар ва дискриминацион чора-тадбирларни тугатганликларини рағбатлантириш;

д) БМТ ихтисослашган муассасаси ёки ҳоҳлаган органи томонидан кема катновига боғлиқ масалаларни кўриб чиқилишини таъминлаш.

Халқаро денгиз ташкилотига 152 давлат аъзодир. Қароргоҳи Лондонда жойлашган.

**Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти.** Фуқаро авиацияси соҳасида халқаро ташкилот тузиш ғояси, XX асрнинг биринчи йиллариданоқ айнан ҳаво транспортининг тез ривожланиши билан бирга вужудга келган эди. Ушбу соҳада биринчи халқаро ташкилот бу 1909 йилда ташкил этилган Аэронавтика бўйича халқаро комиссия эди. 1919 йилда эса биринчи ҳукуматлараро ташкилот–Ҳавода юк ташиш бўйича халқаро ассоциация таъсис этилади. 1925 йилда Халқаро хусусий ҳуқуқ Конгрессида Ҳаво ҳуқуқи бўйича экспертлар–юристлар халқаро техник кўмитаси ташкил этилади. Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг мақсади ва вазифалари халқаро ҳаво транспортининг ривожланишига, режалаштиришга кўмаклашувчи халқаро аэронавигация методлари ва тамойилларини ишлаб чиқишдир. Булар қуйидаги мақсадларда:

а) халқаро фуқаро авиациясининг хавфсиз ва тартибли ривожланишини таъминлаш;

б) тинч мақсадларда ҳаво кемаларини эксплуатация ва конструкция маҳоратини рағбатлантириш;

в) халқаро фуқаро авиацияси учун аэронавигацион воситалар аэропортлар ҳамда ҳаво трассаларини тараққиётини рағбатлантириш;

г) дунё халқларини тинч, маромий, самарали ва арзон ҳаво транспортига бўлган эҳтиёжини қондириш;

д) ўйланмаган, мақсадга мувофиқ бўлмаган рақобат натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган иқтисодий йўқотишларнинг олдини олиш;

е) келишув тузаётган давлат ҳуқуқларини ҳурмат қилишини таъминлаш ва халқаро ҳаво алоқаларида эгалланган авиамуассасалардан фойдаланиш ҳуқуқини адолатли тақсимланишини назорат қилиш;

ж) шартномада қатнашаётган, келишувдаги давлатларга нисбатан камситишлардан қочиш;

и) халқаро аэронавигацияда парХССТларнинг хавфсизлигига интилиш;

к) халқаро аэронавигациянинг барча аспектларида ривожланишга умумий ёрдам кўрсатиш.

**Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (ХХТА).** 1945 йилда ташкил этилган ноҳукуматлараро ташкилот бўлиб, 70 мамлакатнинг 200га яқин авиакомпанияларини ўзида бирлаштиради. Ассоциация мақсади ва вазифалари унинг Устави 3-моддасида белгиланган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

а) дунё халқлари манфаатлари юзасидан хавфсиз бир маромдаги ва арзон ҳаво транспортини ривожлантиришга кўмаклашиш;

б) авиакорхоналарнинг тижорат фаолиятларини рағбатлантириш;

в) улар томонидан иқтисодий натижаларни кўтаришга қаратилган тадбирларни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

**Фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги халқаро ташкилотлар.**

Халқаро ташкилотлар ассоциацияси маълумотига кўра, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларида халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳамкорлигини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида 200га яқин ҳукуматлараро ва ноҳукуматлараро ташкилотлар банддирлар. Улардан муҳимлари сифатида қуйидаги ташкилотларни келтириб ўтиш мумкин. БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО). Ушбу ташкилот Низоми 1945 йил 16 ноябрда таълим вазирлари конференциясида тасдиқланган. Низом 1946 йил 4 ноябрда кучга кирди ва шу кундан бошлаб



БМТ ихтисослаштирилган муассасаси, ЮНЕСКОнинг ташкил топган санаси сифатида расман нишонланади.

Ташкилот Низоми 1-моддасига биноан қуйидаги вазифалар юкланган:

халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга халқларнинг таълим, фан ва маданият, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан қонунийлик ва адолатни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликларини кенгайтиришга кўмаклашиш. ЮНЕСКО халқ таълими ва маданиятини ривожланишини рағбатлантиради, ҳамда дунёнинг барча болаларида эркин шахс масъуллигини қарор топтиришга қаратилган тарбия учун зарур бўлган таълим методларини таклиф этади. Ташкилот санъат асарлари, билимлар ва нашрларни сақланишга, кўпайтиришга, ҳамда тарқатишга ёрдам беради. ЮНЕСКО Низомига мувофиқ ҳар бир мамлакатда ЮНЕСКО ишлари бўйича умуммиллий комиссиялар ташкил этилади. Улар вазифаси мамлакат ичидаги ЮНЕСКО фаолиятига дахлдор ташкилот ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштиришдир.

**Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти (ХССТ)** 1948 йилда ташкил этилган. БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси бўлиб ҳисбланади. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти (ХССТ)нинг мақсади барча халқлар томонидан иложи борича юқори саломатлик даражасига эришишларидир. Ташкилот асосий функциялари сирасига қуйидагилар киради: халқаро соғлиқни сақлаш соҳасида интилишларни мувофиқлаштириш; маслаҳат ва ёрдам; диагностика, истеъмол маҳсулотлари, биологик ва фармацевтика соҳаларида халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва киритиш; миллий соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишда кўмаклашиш; нормативлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва битимлар тузишда кўмаклашиш; медицина ва соғлиқни сақлаш соҳаларида таълим бериш тизимини мукамаллаштириш; руҳий саломатлилик ва инсонлараро муносабатларда гармония учун кураш.

БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) 1966 йил (2205(XXI)-резолюция. 17 декабр 1966 йил) Бош Ассамблея томонидан тузилган бўлиб, 1968 йил 1 январдан ўз фаолиятини амалга оширишни

бошлаган. Ҳалқаро савдода ҳар хил давлатларнинг ҳуқуқларини қўллашда юзага келувчи муаммолар, савдо оқимларидаги тўсиқларга сабаб бўлувчи омиллар Бош Ассамблея томонидан мазкур Комиссиянинг ташкил этилишига олиб келган. БМТ Комиссия ёрдамида ҳалқаро савдодаги тўсиқларни бартараф этиш ва қисқартиришда катта аҳамият касб этувчи ташкилот сифатида фаоллигини оширишга ҳаракат қилган.

**(БМТ) Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЕКОСОС)** 1945 йилда таъсис этилган кенгаш – БМТнинг энг асосий органларидан бири бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик ҳамда ихтисослаштирилган муассасалар фаолиятини мувофиқлаштиради. Кенгаш фаолияти доирасига иқтисодий ва ижтимоий ривожга кўмак бериш, жумладан, ҳаёт даражасини ошириш, бандлик муаммосини ҳал этиш ва маданият ҳамда таълим соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорликка ёрдам кўрсатиш киради.

Кенгашнинг 54 аъзо давлати БМТ Бош Ассамблеяси томонидан сайланади. Бу ташкилотда 14 ўрин Африка давлатларига ажратилган бўлса, 11 – Осиё мамлакатлари учун, олти – шарқий Европа давлатлари учун, 10 – Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларига ҳамда 13 ўрин – ғарбий Европа давлатларига ажратилган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 71-сессиясида Руминия, Дания ва Канада БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг янги аъзоларига айланди.

### **3. Савдо-иқтисодий ташкилотлар. Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)**

Жаҳон савдо ташкилоти кўп томонлама савдо тизимининг ҳуқуқий ва институционал ўзагидир. У ички савдо қонунчилиги ва қоидаларини ривожлантириш ва амалга ошириш услубларини ҳукуматларга белгилаб, шартномавий мажбурият тамойилларини тақдим қилади.

ЖСТга 1995 йил январиди асос солинди. 1993 йил 15 декабрида мамлакатлар ҳукуматлари Уругвай Давраси бўйича музокараларни тугатдилар ва 1994 йил апрел ойида Марроқаш (Марокко) шаҳрида эришилган натижаларни амалиётга қўллаш бўйича охириги ҳужжатни

имзоладилар. 1994 йил 15 апрелдаги Марроккаш декларациясида «Уругвай Давраси натижалари жаҳон иқтисодиётини мустаҳкамлайди ва бутун дунёда савдони, инвестицияларни кенгайтириб, ишчи кучи бандлиги, даромадларнинг ўсишига олиб келади», деб ёзиб қўйилган. Шу билан бирга у жамоавий баҳслар ва музокаралар орқали мамлакатлар орасидаги савдо алоқаларини ривожлантирувчи платформа ҳисобланади.

ЖСТ Уругвай Давраси натижалари ифодаси ҳамда Тариф ва Савдо бўйича умумий битим (ГАТТ) давомчисидир. Марроккаш декларациясининг кучга кириши билан ЖСТ га янги халқаро ташкилот сифатида асос солинди. У ЖСТ битимларига қўшилган товарлар савдоси, хизматлар савдоси ва интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган битимларнинг амалга оширилишига кўмак беради. Бундан тақари, у битимга илова сифатида киритилган савдо сиёсатини ёритиш механизми билан юзага чиқувчи ихтилофларни бартараф этиш шартномасининг қўлланишини амалга оширади<sup>21</sup>.

Кўп томонлама савдо музокаралари бўйича Уругвай Давраси натижаларини ўзида мужассам этган якунловчи ҳужжат Жаҳон савдо ташкилотини ташкил этиш бўйича Битимни ўз ичига олади. ЖСТ Битими тўртта илова – 1947 йилда қабул қилинган тариф ва савдо бўйича умумий битим ва янги Битимлар, жумладан, хизматлар савдоси ва интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя этиш битимларини ўз ичига олгади.

Биринчи Низом таркибида:

- 1А Илова. Товарлар савдоси ҳақида умумий Битим.
- 1В Илова. Хизматлар савдоси ҳақида умумий Битим.
- 1С Илова. Савдо ҳақида Битим ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ жиҳатлар (ТРИПС).

Иккинчи Низом ихтилофларни бартараф этишни назорат этувчи қоида ва жараёнлар бўйича Битим.

Учинчи Низом савдо сиёсатини кўриб чиқиш механизминини ўз ичига олади.

Тўртинчи Низом ЖСТнинг барча аъзо давлатлари томонидан имзоланган кўп томонлама Савдо Битимини ўз ичига олади ҳамда «...ушбу битимларни қабул қилмаган аъзо мамлакатларга ҳеч қандай мажбурият ёки ҳуқуқ юкламайди» деб қайд этади.

Тўртта битим:

- Фуқаролик самолётлари савдоси ҳақида Битим.
- Давлат таъминотлари ҳақида Битим.
- Сут маҳсулотлари ҳақида халқаро Битим.
- Мол гўшти ҳақида Битим.

Биринчи уч иловада келтирилган Битимлар барча аъзо давлатлар учун боғловчи вазифасини ўтайди (Ҳар томонлама савдо битимлари), тўртинчи иловадаги битим эса фақат имзо чекан давлатларнигина бирлаштиради (Кўп томонлама савдо битимлари).

Савдо ва тарифлар бўйича асосий келишув (ГАТТ) нинг аввалги низомлари ГАТТ товарлар савдоси ҳақида Битимга (1А Илова) киритилган. Агар аниқроқ айтадиган бўлсак 1А Илова ГАТТнинг 1994 йилдаги низомларини (Уругвай Даврасигача бўлган ГАТТнинг 1947 йилдаги низоми назарда тутилаяпти), жумладан махсус протокол, қарорлар ва тушунчаларни, ўз ичига олади. 1994 йилдаги ГАТТнинг товарлар савдоси ҳақида Битим қарорлари ЖСТ битимларининг 1А Иловасига киритилган:

- Савдода техник тўсиқлар ҳақида битим
- Божхона баҳоси ҳақида битим (1994 йилдаги ГАТТнинг ВИИ бандининг бажарилиши)
- Келиб чиқиш жойи ҳақида битим.
- Импортни лицензиялаш жараёнлари ҳақида битим.
- Юклашдан олдинги текшириш ҳақида битим.
- Ҳимоя чоралари ҳақида битим.
- Санитар ва фитосанитар тадбирларни қўллаш ҳақида битим.
- Субсидиялаш ва компенсациялаш тадбирлари ҳақида битим.

- Антидемпинг ва компенсацион бож ҳақида битим. (1994 йилдаги ГАТТнинг ВИИ бандининг бажарилиши)

- Садо билан боғлиқ инвестицион тадбирлар ҳақида битим.

- Текстил ва кийим ҳақида битим.

- Қишлоқ хўжалиги ҳақида битим.

ЖСТнинг ГАТТдан фарқи нафақат аъзо мамлакатлар сониди (1994 йил якунида ГАТТда 128та, ЖСТда эса 2003 йилда 154), балки ЖСТ низомида қўлланиши кўрсатилган тижорат фаолияти ва савдо сиёсатини кенг қамраб олинганлигида кўринади. ГАТТ фақат товар савдоси масалалари билан шуғулланган, ЖСТ эса товар ва хизматлар савдоси ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқи савдосини қамраб олади.

ЖСТ Секретариати Женева шаҳрида жойлашган ва қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

1. ЖСТни ташкил этувчи кўп томонлама ва ҳар томонлама битимларни бошқариш ва амалга ошириш

2. Кўп томонлама савдо музокаралари учун Форум

3. Савдо баҳсларини ҳал этиб бериш.

4. Миллий савдо сиёсатини назорат этиш ва жаҳон иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишга жалб этилган ўзга халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик.

ЖСТ структураси келишувчи томонлар сессияси, ЖСТ вакиллари кенгаши, комитетлар, ишчи гуруҳлар, баҳсларни ҳал этувчи органлар, ЖСТ секретариати (Женевада жойлашган).

ЖСТ нинг бошқарув органи Конференсия ҳисобланади ва икки йилда бир марта йиғилади. Конференсиялар оралиғидаги даврда ташкилотнинг юқори органи генерал кенгаш ҳисобланади. У товарлар, хизматлар ва интеллектуал мулк ҳуқуқи савдоси бўйича кенгашни ҳамда турли хил келишув ва шартномаларнинг турли жиҳатлари билан шуғулланувчи комитет ва ишчи гуруҳларини назорат қилади.

Товарлар савдоси бўйича кенгаш товарлар савдосига тегишли бўлган битимларнинг қўлланилиши ва бажарилиши устидан назоратни амалга

оширади. Бунда унга товарлар бозорига кириш, санитария бўйича чора-тадбирлар, субсидия ва компенсация масалалари, божхона божларини баҳолаш, савдодаги техник тўсиқлар, антидемпинг амалиёти, импортни лицензиялаш, текстил савдосини мониторинг қилиш масалалари билан шуғулланувчи бир қатор комитетлар ва бошқа органлар ёрдам кўрсатади. Хизматлар савдоси бўйича кенгаш денгиз йўли билан ташиш хизмати, жисмоний шахсларнинг ҳаракати, телекоммуникация воситалари масалалари билан шуғулланади.

ЖСТ секретариати генерал директор ва унинг тўртта ўринбосарлари устидан бошчилик қилади ва ЖСТ органлари фаолиятини таъминлашга жавобгар ҳисобланади.

ЖСТ доирасида “битта мамлакат — битта овоз” тамойили амал қилади. ЖСТ га аъзо бўлмоқчи мамлакатлар учун мураккаб музокаралар жараёнини кутиб турибди. Натижада бу ташкилотга кириш истагини билдирган мамлакат ЖСТ битимларида кўрсатилган шартларни қабул қилиши керак. Ташкилот бюджети аъзо-мамлакатлар киритган бадал эвазига шаклланади, унинг миқдори мамлакатнинг халқаро савдода иштирок этиш улушига қараб белгиланади. ЖСТ кириш истагини билдирган бир қатор мамлакатлар кузатувчи статусига эга ва бюджетга ката бўлмаган миқдордаги бадал ўтказишади. Бундай мамлакатлар сони 30 та ҳисобланади ва улар овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Битимда кўрсатилган асосий вазифалар — ташқи савдони либерализациялаш, божхона тарифларини камайтириш, импортни миқдорий чеклашдан воз кечиш, дискриминацияларни бартараф қилиш ҳамда бошқа кўп томонлама савдо-сиёсий чора-тадбирлар.

Битимда мумкин қадар қулайлик бериш режимини қўллаш бўйича қарор марказий ўринни эгаллайди. Лекин Битим ушбу принципга риоя қилмаслик имкониятини берувчи бир қатор шартларни ҳам ўз ичига олади.

ЖСТ (ГАТТ) нинг асосий фаолият кўрсатиш шакли бож конференцияларини ва тариф тўсиқларини пасайтириш бўйича маслаҳатлар ўтказиш ҳисобланади. ЖСТ фаолияти қуйидаги тамойилларга асосланади:

1) имкон қадар қулайлик яратиш режими асосида дискриминациясиз савдони амалга ошириш; тартибга солишнинг тарифсиз воситаларидан босқичма-босқич воз кечиш билан божхона божини белгилаш йўли билан миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш;

2) кўп томонлама музокаралар асосида божхона тарифлари ставкаларини қисқартириш ва келажакда буни шерикларини огоҳлантирмасдан туриб оширишига йўл қўймаслик ҳам бунга амал қилмаслик;

3) савдо муаммоларининг олдини олиш мақсадида аъзо-мамлакатларга маслаҳатлар бериш;

4) ҳалол рақобатга асосланган халқаро савдони ривожлантириш;

5) ривожланаётган мамлакатлар учун имтиёзли режим тақдим этиш;

6) минтақавий савдо битимларини имзолаш;

7) текстил ва кийим-кечак учун халқаро савдосини тартибга солишнинг ўзига хос нормаларини белгилаш.

**Халқаро савдо палатаси (ХСП)** ХСП – халқаро иқтисодий муносабатларга кўмаклашиш соҳасидаги энг қадимги универсал ташкилот. Халқаро савдо соҳасида кўплаб бошқа халқаро ташкилотлар мавжуд, лекин ХСП нафақат “қадимги”, балки халқаро савдони тартибга солишга таъсир қилиш даражаси самарали бўлган ташкилот ҳисобланади. Бу ташкилотга 1919 йил Атлантик-Ситидаги (АҚШ) Халқаро савдо конференциясида асос солинган. Фаолиятини 1920 йил бошлаган, қароргоҳи – Париж.

Унинг таркибига 1500 дан ортиқ миллий савдо-саноат палаталари (баъзан ХСП “палаталар палатаси” деб номланади), тадбиркорлар иттифоқи ва бутун жаҳон бўйича 6000 дан кўпроқ йирик хўжалик компаниялари киради.

ХСП мақсади халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва тўсиқларни бартараф этишга кўмаклашиш ҳамда халқаро даражада кўп

томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳисобланади. ХСП нинг расмий мақсади – халқаро иқтисодий муносабатларнинг яхшилаш ва шу асосда келажақда жаҳон иқтисодиётини янада ривожлантириш, халқлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишга кўмаклашиш.

Палата фаолияти эркин ва ҳалол рақобат тамойилига асосланган бозор иқтисодиёти тизимини яратишга, ҳар қандай шаклдаги протекционизмга қарши курашишга, барча мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига тўлиқ интеграциялашишига, давлат чегаралари орқали айирбошлашни енгиллаштиришга йўналтирилган.

Палатага аъзолик икки даражада амалга оширилади:

1) сиёсий мақсадни кўзламайдиган ва фақат ўз аъзоларининг ишлаш ва профессионал манфаатларини ҳимоя қиладиган миллий комитетлар ва унга ўхшаш ташкилотлар даражасида;

2) миллий комитетлари бўлмаган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларни Палатага қабул қилиш, “бевосита” даражада.

Палатанинг Бошқарув органи - конгресс, кенгаш, ижро этувчи комитет. Конгресс Палата фаолияти натижаларини тасдиқлаш ва халқаро иқтисодий муносабатлардаги муҳим муаммолар бўйича тавсиялар қабул қилиш учун ҳар уч йилда чақирилади.

Кенгаш президент томонидан бошқарилади ва конгресслар оралиғида Палата фаолиятини олиб боради, конгрессни йиғиш билан шуғулланади, янги аъзоларни қабул қиладди. У миллий комитет вакилларида ташкил топади, овоз бериш ҳуқуқи Палата бюджетига қўшган улуш миқдorigа қараб белгиланади. Кенгаш 10 та аъзодан ташкил топади ва битта овоз бериш ҳуқуқига эга. Кенгашни президент бошқаради, сессиялар бир йилда икки марта ўтказилади.

Генерал секретар кенгаш топшириғи бўйича ташкилий-техник ва маъмурий функцияларни бажаради, БМТ ташкилотлари билан яқин алоқаларда бўлади, бунда у маслаҳатчи статусига эга. ХСП савдо-саноат



палатаси фаолияти тўғрисида маълумотлар ва ойлик ахборот бюллетен нашр қилади.

#### **4. Халқаро молия ташкилотларининг моҳияти, вазифалари ва шакллари.**


Жаҳон молиявий глобаллашуви ва молия бозорларининг интеграциялашуви натижасида алоҳида миллий бозор яхлитлигида фаолият юритган жаҳон валюта ва капитал бозорлари таркиби ва тузилмаси сифат жиҳатидан ўзгариши содир бўлди. Ушбу сегментларнинг ҳозир кундаги операторлари бўлган ривожланган мамлакатлардаги йирик банклар дастлаб ички пул ва капитал бозори қоидалари асосан миллий валютада конверсион ва кредит-молиявий операцияларни амалга оширганлар. Маълумки, анъанавий хорижий кредит ва қарзлар валюта (аксарият ҳолатларда қарз берувчининг валютаси) ва қарз олиш жойининг ягоналиги тамойилларига асосланган.

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг жаҳон молия бозорларида еробозор сегментлари вужудга кела бошлади. Унинг заминида валюталардан халқаро миқёсда фойдаланиш имконияти ётади.

Бугунги кунда еробозорларда йирик халқаро банклар, молия марказлари мужассамлашиб, барча операциялар эркин конвертирланадиган валюталарда бажарилади. Еробозорлардаги операциялар хизмат кўрсатувчи банк жойлашган мамлакат учун хорижий бўлган валютада бажарилади. Ушбу бозорнинг вужудга келиши инвесторлар ва инвестициялардан фойдаланувчилар эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, ундаги операциялар валютанинг эмитент-мамлакатидagi валютани тартибга солиш ва солиқ сиёсати таъсири доирасидан ташқарида амалга оширилади.

**Еробозор** – бу халқаро молия бозорининг сегменти бўлиб, ундаги операциялар еровалюталарда амалга оширилади.

Еробозорнинг тақибан уч сегментдан иборат.



### Евробозор таркиби.

**Евровалюта** – бу депозитлардаги валюта бўлиб, у эмитент-мамлакат ташқарисида фаолият юритаётган банкда жойлаштирилади.

Шу сабабли ҳам, евровалютани вужудга келтирадиган операция натижаси бўлиб, банк депозити ҳисобланади. Шунингдек, евровалютага банк томонидан мижозлари учун қарзга олинган ҳамда банк жойлашувига нисбатан хорижий ҳисобланадиган валютадаги воситалар ҳам кирази.

Масалан, евродоллар бўлиб, АҚШ ҳудудидан ташқаридаги банкларга жойлаштирилган доллар тушунилади. «Евро» қўшимчаси эса, келтирилган валютани Европа жойлаштирилгани ёки уни ўша ҳудудга тегишли эканлигини англатмайди ва қўйилгани қабул қилувчи банкнинг валюта чиқарилган мамлакатдан ташқаридаги ҳудудий жойлашувини белгилаб беради.

Яъни евродоллар бўлиб, мексикалик томонидан япон банкларига жойлаштирилган доллари тушунилади. Евродоллар билан операциялар АҚШ (эмитент-мамлакат) томонидан тартибга солинмайди ва «евро» қўшимчасининг қўлланилиши у миллий валюта органлари, хусусан марказий банклар назоратидан четга чиққанини билдиради.

Евровалюталар бозори халқаро хусусиятга эга бўлиб, ундаги катта ҳажмдаги операциялар Осиё (Сянган ва Сингапур), Кариб кўрфази (Багам ва Кайман ороллари), Канада ва Лондонда амалга оширилади.

Евровалюталарнинг асосий маркази бўлиб, сўзсиз Лондон ҳисобланади ва жами операцияларнинг 35% амалга оширилади. Кейинги навбатда АҚШ бозори бўлиб, Лондондаги операциялар ҳажмининг қарийб ярмига тенг. Евроёналар билан операциялар ўтказиладиган марказ бўлиб, Сингапурда ҳисобланади. Швейцария ва Франциялар еврофунтлар операциялари билан хусусиятланади. Германияда еврофранк билан операциялар бошқа мамлакатларга нисбатан юқори ҳисобланади.

Евродолларнинг асосий манбаи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) АҚШ дан ташқарида долларни сақлаш истагида бўлган хорижий давлатлар ёки уларнинг фуқаролар;
- 2) жорий эҳтиёжларидан кўп миқдорда валюта маблағларига эга бўлган халқаро корпорация ва европалик банклар;
- 3) ижобий ташқи савдо балансига эга бўлган мамлакатлар, масалан Япония, Тайвань, Германия.

Евровалюталарга талаб капитал, инвестиция ҳамда қарз ва унинг фоизлари бўйича тўловларни бажариш учун зарур бўлган хорижий валютадаги маблағларга эҳтиёжи бўлган хусусий шахслар, компаниялар, миллий ҳукуматлар томонидан шакллантирилади.

Омонатчининг фуқаролиги ёки доимий яшаш жойи евровалюта тушунчасига таъсир этмайди. Қўйилмалар белгиланган валюта эмитенти-мамлакатининг резиденти бўлган шахс томонидан (аксарият ҳолларда) амалга оширилиши мумкин.

Бу эса америкалик фуқарони Германиядаги банкка депозитга жойлаштирган доллари евродолларни ҳосил қилишини англатади. Ва аксинча, Германия фуқаросининг АҚШ ҳудудида банклардаги депозитларга жойлаштирган доллари евродоллар ҳисобланмайди. Бундай операция америкадаги ички қўйилмани англатади ва АҚШ қонунчилиги бўйича тартибга солинади.

Шу сабабли евровалюта бозорини белгиловчи тушунча бўлиб, депозитни қабул қилувчи банкнинг жойлашуви ҳисобланади. Евровалюта

бўлиши учун валютани эмитент-мамлакат ҳудудидан ташқаридаги банкка жойлаштириш талаб этилади. Бунда банкнинг жойлашуви уша давлатга тегишлилигини англатмайди. Банк маҳаллий бош муассаса, ёки хорижий банкнинг филиали ва оддий шўъбаси ҳам бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, америкалик томонидан Америка банкининг Германиядаги бўлинмасига жойлаштирилган доллари евродоллар ҳисобланади.

Ўз балансларига евравалюталарни қайд этган банклар евробанклар деб номланади. Ҳар қандай банк муассаси евравалюта билан операция бажаришида евробанк ҳисобланади.

XX асрнинг биринчи ярмида АҚШ доллари ва фунт стерлингда депозит ва қарзлар Европа банклари томонидан фойдаланилган бўлсада, операциялар ҳажми нисбатан катта бўлмаганлиги туфайли халқаро молия бозорини ўрганишда ҳисобга олинмаслиги мумкин.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса жаҳон валюта ва кредит бозорида икки янги тузилма ҳосил бўлди:

- халқаро валюта-молиявий ташкилотлар;
- жаҳон валюта ва ссуда капиталининг хусусий бозори.

Шулардан биринчиси, глобал ва ҳудудий миқёсдаги валюта фондлари ва инвестицион муассасалар киради. Иккинчисига эса евравалюталар бозори бўлиб ҳисобланади.

**Халқаро валюта фонди** 1944 йилда Бреттон-Вудсда имзоланган Келишувга биноан ташкил этилган, БМТнинг ихтисослашган муассасаси ҳисобланади.

1944 йилги Келишувнинг 1-моддасида белгиланганидек, ХВФ қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

а) халқаро валюта масалалари бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар ва консультация учун механизмини таъминлаш учун халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш;

б) халқаро савдонинг муХССТанатли ўсишига ва шу билан бандлик даражаси ва аҳолининг реал даромадлар даражасини ҳамда ишлаб чиқариш имкониятларини оширишга ёрдам бериш;

в) валюталарнинг барқарорлигини сақлаш ва соддалаштирилган валюта муносабатларининг шаклланишига кўмаклашиш, ҳамда валюталарнинг рақобат асосида қадрсизланишини олдини олиш;

г) операциялар бўйича тўлов тизимини шакллантириш ва жаҳон савдоси ўсишига тўсқинлик қилувчи валюта чекловларини бартараф этишга интилиш;

д) аъзо-давлатларга тегишли кафолатлар асосида улар тўлов балансларидаги муХССТанатни тиклашлари учун фонд умумий ресурсларини тақдим этиш, бунда аъзо-давлатлар жаҳон ёки миллий даражадаги ривожланишга путур етказувчи чора-тадбирларни қўлламасликлари кўзда тутилади.

ХВФ Устав капитали қарийб 150 млрд. доллардан ортиқдир. У аъзо давлатлар тўловлари асосида ташкил этилади. Аъзо давлат белгилаган квотанинг 25% ини СДРда ёки эркин муомаладаги валютада тўлайди, 75% ини эса миллий валютада тўлайди. Кўпроқ квоталарга АҚШ-18,8%, Буюк Британия-6,5%, ГФР-5,7%, Франция-4,7%, Япония-4,2%, Россия-3% эгадирлар.

**Европа тикланиш ва тараққиёт банки** 1990 йил 29 майдаги Келишувга биноан ташкил этилган. Банк Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида бозорга асосланган очиқ иқтисодиётга ўтишга ҳамда хусусий ва тадбиркорлик ташаббусларини ривожланишига кўмаклашиш, ўз олдига мақсад қилиб белгилаган.

ЕТТБ функциялари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) кичик ва ўрта ташкилотларнинг хусусий тадбиркорлик фаолиятини фойдали ва рақобатбардош фаолиятларини мукаммаллашувига хусусий ҳамда бошқа манфаатдор инвесторлар қўйилмалари орқали ривожлантиришга кўмаклашиш;

б) банк мақсадларига етишиш учун ички ва чет эл капиталини ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш;

в) продуктив инвестицияларга, хусусан хусусий ва тадбиркорлик ташаббуслари ривожланишига зарур бўлган вақтда хизматлар ва молия ҳамда тегишли инфраструктурага инвестиция жалб этишга кўмаклашиш;

г) тегишли лойиҳаларни тайёрлаш, молиялаштириш ва амалга оширишда техник ёрдам кўрсатиш;

д) капитал бозорларини ривожланишини рағбатлантириш;

е) бирдан ортиқ олувчи аъзолар қатнашган, асослантирилган ва иқтисодий яшовчан лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

ж) ўз фаолиятида экологик ва мустаҳкам тараққиётга кўмаклашиш.

Ушбу функцияларни ижро этишда ЕТТБ ХВФ, ХТТБ, Халқаро молия корпорацияси, Тараққиёт ва иқтисодий ҳамкорлик Ташкилоти билан яқиндан ҳамкорликни амалга оширади.

Тараққий этган банк тизими ва қонунчиликнинг эркинлиги сабабли Лондон қисқа муддатларда еуровалюталар бозорининг муҳим марказига айланди. Бундай марказлар аста-секин бошқа қитъалар ва турли вақт оралиқларида ишлайдиган марказлар сифатида вужудга кела бошлади. Ҳозирги кунда ер юзида 35 яқин еуровалюталар маркази мавжуд:

- Лондон, Токио (бозордаги 20 % ташкил этади);
- Нью-Йорк, Франкфурт-эн-Майн (10 %дан);
- Париж (7 %);
- Цюрих — Женева (6 %);
- Люксембург (4 %);
- Амстердам, Брюссель (3 %дан);
- Милан (2 %);
- Торонто (1 %).

Бошқа еуровалюталар марказларига қўйидаги шаҳар ва ҳудудларни келтириш ҳам мумкин:

- **Европада** — Мадрид, Дублин, Гибралтар, Монако, Сент-Хелиер (Джерси о-и, Нормандские о-и), Валетта (Мальта), Никосия (Кипр);
- **Америкада** — Лос-Анджелес, Сан-Франциско, Чикаго, Майами, Нассау, Кайман, Нидерландские, Антилы, Панама, Гамильтон (Бермуд), Бриджтаун (Барбадос), Сен-Джон (Антигуа) о-и;
- **Осиёда** — Сингапур, Сянган (аввал Гонконг), Манила, Тайбей, Порт-Вила (Винуату), Бахрейн, Абу-Даби, Дубай, Бейрут;
- **Африкада** — Кейптаун, Монровия (Либерия), Порт-Луи (Маврикий о-и).

## 5. Ўзбекистонинг МДХ ва Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотидаги фаолияти.

Халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг ривожланган шакллари кўллаш асосидаги экспорт фаолиятининг фойдалилиги ва кенг кўламлигини оширишнинг узоқ эволюцион жараёни деб тушуниладиган Ўзбекистон экспорти тузилмасини такомиллаштириш зарур. Бу мақсадни амалга ошириш учун фақат ташқи иқтисодий соҳада эмас, балки қонунчиликда ҳам вужудга келган муаммолар комплексини ҳал этиш зарур. Айтилган соҳалардаги масалаларни ечишда ҳар қандай давлат, шунингдек, бизнинг давлатимиз ҳам халқаро амалиётда вужудга келган қуйидаги **ҳуқуқий тамойилларни** ҳисобга олиши зарур:

1. Халқаро ташкилотлар талабларини инобатга олиш.
2. Ташқи савдони эркинлаштириш.
3. Халқаро баҳолар билан савдони амалга ошириш.
4. Аниқ валюта бозорини киритиш.
5. Шерик давлатлар билан тўлов-савдо мувозанатини тенглаштириш.

Халқаро амалиётга кўра, Ўзбекистон ўз стратегик мақсадларга эришишига ёрдам берадиган ташқи савдо соҳасидаги масалаларни ечиши зарур. Бунда:

**Биринчидан,** Республиканинг Умумжаҳон савдо ташкилотига кириши масаласи тўғрисида боради, яъни Ўзбекистоннинг ҳар қандай мамлакат билан икки томонлама ташқи савдо сиёсати борасида УСТ тизимларида савдо баҳсларини кўриб чиқиш имкониятлари, Ўзбекистон товарларига миқдорий чеклашлар киритиш жараёнини мураккаблаштириш, қарши талабларни келишиш ва бошқа кўплаб имкониятларни яратувчи кўп томонлама сиёсатга айланди.

**Иккинчидан,** бу хорижий мамлакатлар билан ўзаро савдони эркинлаштириш, манфаатдор мамлакатлар орасидаги савдо оқимининг тузилиши ва ўзгариши масалаларини савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар даражасида ечишдир.

Ўзбекистон ва ЕИ орасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзбек товарларининг ЕИга аъзо мамлакатлар бозорларига киришига ёрдам беради, унинг асосида мамлакатимиз ва бир қанча Европа мамлакатлари ўртасида миллий буюмларни ГФР ҳудудига киритишнинг шароитлари тўғрисидаги битим имзоланди.

**Учинчидан,** ташқи сиёсат соҳасидаги вазифа минтақавий гуруҳларга аъзо мамлакатларнинг коллектив протекционизмга қарши туриш имконини берувчи савдо-сиёсий бирлашмалар тузишдир. Икки томонлама солиққа тортишни истисно қилиш ва капитални киритишни ҳимоя қилиш, ТИФ қатнашчиларининг консультацияси ва хабардорлиги бўйича Ўзбекистон савдо ваколатхоналари ҳамда давлат органлари ҳамда ижтимоий бирлашмалар масалалари бўйича тузилган битимлар муҳим аҳамият касб этади.

МДҲга аъзо давлатларга нисбатан ташқи сиёсат соҳасидаги йўналишларни ажратиш муҳимдир. Республиканинг иқтисодий манфаатлари кўп томонлама кейинги ўн йилларда собиқ иттифоқ республикалари орасидаги чуқур ўзаро иқтисодий алоқалар билан белгиланади.

Республика ҳукуматининг мамлакат миллий иқтисодиётини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш дастурларида Ўзбекистоннинг МДҲ



мамлакатларига нисбатан савдо-иқтисодий сиёсати кўрсатилган. Унда таъкидланишича бундай сиёсат қуйидагиларга йўналтирилган:

1. ҳамкорликда хўжалик алоқаларини миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини таъминлаш миқёсидаги ривожланишни такомиллаштириш;
2. МДХ бозорларида, айниқса, тайёр маҳсулотлар сотиш соҳасида илғор ўринни сақлаш;
3. Ўзбекистоннинг учинчи мамлакатга экспорт-импорт товар оқимида хизмат кўрсатувчи транзит алоқаларидан кафолатли ва хавфсиз фойдаланиш;
4. ишлаб чиқариш кучларининг тўғри жойлашишида, ишлаб чиқаришнинг туб ислохотларида МДХ мамлакатлари ҳаракатларининг ҳамкорлиги ва келишилганлигига эришиш.

Яқин хориж мамлакатларига нисбатан фаол иқтисодий сиёсат миллий иқтисодни соғломлаштириш ва келажакда унинг ривожланиши учун шароит яратиш – Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тенг ҳуқуқли аъзолигига эришишнинг воситаларидан бири сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам республиканинг МДХ мамлакатларига нисбатан икки тарафлама муносабатларида қуйидаги йўналишлар биринчи даражада муҳим бўлиши керак:

1. ўзаро мажбуриятларни бажариш;
2. товар ўтказишдаги қарздорликни тугатиш;
3. Ўзбекистон товарларининг бу мамлакатлар ҳудудидан ўтказилаётанлигида уларнинг камситилмаслик тартиби.

Савдо-иқтисодий муносабатлар соҳасида ислохотлар эркин савдо минтақасини шакллантириш жараёни ва Божхона иттифоқини яратиш жараёнида амалга оширилади. 1993 йил декабрида аъзо давлатлар субъект ва соҳаларининг ишлаб чиқариш ҳамкорлигини қўллаб қувватлашнинг умумий шароитлари ва тузилиши тўғрисидаги **битим** катта аҳамиятга эгадир.

Кўрсатилган битимни имзолаган ҳар бир давлат ҳамкорлик ташкилотларига қўшилган субъектлар рўйхатини белгилайди ва улар бошқа

давлатларнинг шерик-субъектлари билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ташқи савдони давлат томонидан бошқарилишини фақат қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни эмас, балки миллий манфаатларга риоя қилишни назорат этиш ҳамда иқтисодий хавсизликнинг таъминланишини билдиради.

## **6. Ўзбекистоннинг интеграцион ташкилотлардаги иштироки.**

Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган дунёнинг деярли барча интеграцион гуруҳларида уларнинг асосий мақсад ва масалалари бир-бирига тўғри келади. Улар интеграцион иттифокқа аъзо бўлган мамлакатларнинг даромадлари ошиши кўринишда иқтисодий бойлик олиш, ишлаб чиқариш ва талабларнинг пасайишидаги ҳаракатда ифодаланади. Бу мақсадлар Европа мамлакатлари каби Осиё-Тинч океани ҳудуди (ОТОХ), Африка ва Марказий Америка иқтисодий интеграциялашувида ҳам ёрқин кўринади. Интеграция ҳамкорлик интеграцион бирлашув аъзолари бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдода чекланишларнинг доимий йўқотилиши, ўзаро савдо соҳасида умумий сиёсатнинг ўтказилиши ва ишлаб чиқилишини таъминлайди. Иқтисодий гуруҳларда қатнашаётган мамлакатларга жаҳон ҳамжамиятида Бутунжаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Халқаро валюта фонди (ХВФ), Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) ва бошқа турли халқаро ташкилотларда ўз нуктаи назарини баён этиб туриш осонроқ.

Интеграцион бирлашувга аъзо бўлган мамлакатларда иқтисодиётнинг тизимларида қайта қуриш ўтказилиши интеграция мақсадларининг амалга оширилиши учун муҳим восита сифатида қаралиши мумкин. Бу иқтисодиётнинг турли жабҳаларига тегишли: ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқалар. Уларнинг мужассамлашуви, соҳалашуви, янада самаралироқ тизимлар яратиш режасидадир. Жуда кўплаб интеграцион гуруҳлар аъзоси бўлган мамлакатлар учун иқтисодиётдаги ҳамкорликни кенгайтириш нафақат уни мустаҳкамлашда, балки у сиёсат, ҳарбий соҳа, маданият ва бошқа соҳаларда ҳам жуда муҳим саналади. Ушбу мақсадлар

саноати ривожланган мамлакатлар бирлашувини келтириб чиқаради. Масалан, Европа Иттифоқи (ЕИ), Яқин Шарқ мамлакатлари ва Осиё-Тинч океани ҳудуди (АТР) биролашуви кабилар.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида халқаро иқтисодий интеграциялар кўйидаги шаклларда намоён бўлади:

- эркин савдо ҳудуди;
- божхона иттифоқи;
- умумий бозор;
- иқтисодий иттифок;
- тўлиқ иқтисодий интеграция.

Халқаро иқтисодий интеграция ривожланиши савдо ва иқтисодий иттифокдаги мамлакатлар ўртасида битимлар ҳамда давлатлараро иттифокни ҳуқуқий мустақкамловчи келишувлар билан ифодаланади.

**Эркин савдо ҳудуди** – иқтисодий интеграцияларнинг бошланғич даражаси бўлиб, у мамлакатларнинг солиқ тўлашда махсус имтиёз тартибига амал қиладиган алоҳида ҳудудидир. Унга киритилган товарлар бож ва квоталар тўловидан озод этилади ва божхона назоратидан холи бўлади. Бунда ҳар бир давлат шахсий савдо-иқтисодий сиёсатини учинчи мамлакат муносабатларига ҳам ўтказиш имкониятига эга. Кўп ҳолларда эркин савдо ҳудудларида яратилган шарт-шароитлар туфайли қарийиб барча маҳсулотлар савдоси амалга оширилади. Бундан фақатгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мустасно ҳолос. Савдо ҳудуди унга аъзо мамлакатлардан бирига жойлашган унча катта бўлмаган давлатлараро котибиятда марказлашиши мумкин. Аммо, тегишли ҳужжатларга доир раҳбарият даврий йиғилишларда ўз тараққиётининг асосий параметрларига хайрихоҳ бўлиб, уларнинг баъзилари бусиз ҳам ўз савдо фаолиятларини амалга оширишлари мумкинлиги аён бўлади.

Эркин савдо ҳудудига асосан 1960 йилда ташкил этилган Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕАСТ) киради. Унинг таркибида Австрия, Финляндия, Исландия, Лихтенштейн, Норвегия, Швеция каби бир қатор мамлакатлар бор.

Европа иқтисодий ҳудуди (1994 й) да эса Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳамда Исландия ва Лихтенштейнлар мавжуд.

Болтиқ бўйи эркин савдо ҳудуди (1993 й) га Эстония, Латвия, Литва давлатлари киради;

Марказий Европа эркин савдо ҳудуди 1992 йилда тузилган бўлиб, унинг таркибига - Чехия, Венгрия, Польша, Словакия мамлакатлари киради;

Шимолий Америка эркин савдо ҳудуди (1994 й) аъзолари бўлиб Канада, Мексика, АҚШ давлатлари ҳисобланади;

АСЕАН мамлакатлари эркин савдоси ҳақида келишуви (1992 й.) – Бруней, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Тайланд давлатларини бирлаштиради;

Иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашуви ҳақида Австралия ва Янги Зеландия савдо келишуви (1983 й) ташкил этилган;

Бангкок келишуви (1993й) – Бангладеш, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Лаос, Шри-Ланка давлатларидан иборат.

**Божхона иттифоқи** – икки ёки бир қанча давлатларнинг божлар бўйича ўзаро чегараларни бекор қилиш ва ягона бож тарифи жорий этиш юзасидан ўзаро келишуви. Учинчи мамлакат учун жорий этилган алоҳида ягона тариф ва квотлар эса уларни эркин савдо ҳудудидаги бож иттифоқидан ажратиб туради. Божхона итифоқи пошлинасиз ички интеграциявий хизматлар, товарлар ва уларнинг ҳудуд ичида тўлиқ эркинлигини назорат қилиб туради. Одатда божхона итифоқи ташқи савдога келишилган марказлашув жорий қилувчи давлатлараро органларнинг ривожланган тизимини яратишни талаб қилади. Ҳаммасидан ҳам кўпроқ улар ҳужжатларга жавоб берадиган бошқарув министрларининг йиғилишлари даврийлигини қабул қилади. Улар ҳар доим ўз фаолиятларида ҳаракат қилувчи давлатлараро котибиятга таянишади.

Божхона иттифоқлари (БИ) дунёнинг жуда кўп мамлакатларида ривожланган. Улар қуйидагилар: Туркия билан ЕИ ассоциацияси (1963й), унинг таркибига ЕИ мамлакатлари ва Туркия киради. Араб умумий бозори

(1964й) – Миср, Ироқ, Иордания, Ливия, Мавритания, Сурия ва Яман. Марказий Америка умумий бозори (1961) – Коста Рика, Сальвадор, Гватемала, Гондурас, Никарагуа. Колумбия, Эквадор, Венесуэла мамлакатлари ўртасида тузилган эркин савдо ҳудуди (1992 й) – Колумбия, Эквадор, Венесуэла. Шарқий Кариб ҳавзаси мамлакатлари ташкилоти (1991 й.) – Антигуа ва Барбуда, Доминика, Гренада, Монтсеррат, Сент-Ките ва Невис, Сент-Люсия, Сент-Винсент ва Гренадиналар.

**Умумий бозор**-иқтисодий интеграциянинг ҳаммадан кўпроқ ривожланган тури. Интеграциялашган мамлакатлар нафақат товар ва хизматлар эркин ҳаракати ҳақида келишишади, балки ишлаб чиқариш факторлари-давлатлар ўртасида капитал ва ишчи кучлар борасида ҳам алмашувлар қилишади.

Умумий бозорнинг иқтисодий интеграциясига қўйидаги дунё ташкилотлари киради: **Форс кўрфазидаги араб мамлакатлари ҳамкорлиги** (1981й) – Баҳрайн, Қувайт, Уммон, Қатар, Саудия Арабистони, БАА; **Анд умумий бозори** (1990) – Боливия, Колумбия, Эквадор, Перу, Венесуэла; **Лотин Америкаси интеграцион ассоциацияси** – ЛАИА (1990й) – Аргентина, Боливия, Бразилия, Чили, Колумбия, Эквадор, Мексика, Перу, Уругвай, Венесуэла; **Жанубий конуснинг МЕРКОСУР** умумий бозори (1991й) – Аргентина, Бразилия, Парагвай, Уругвай; **Кариб ҳамжамияти ва КАРИКОМ билан Кариб мумий бозори** (1993й) – Антигуа ва Барбуда, Багам ороллари, Барбадос, Белиз, Доминика, Гренада, Гайана, Ямайка, Монтсеррат, Сент-китс ва Навис, Сент-Люсия, Сент-Винсент ва Гренадиналар, Тринидад ва Тобаго.

**Иқтисодий иттифоқ** – интеграциянинг олий формаси бўлиб, бунда қатнашувчи мамлакатлар ўз иқтисодий сиёсатларини, шу жумладан пул, солиқ ва ижтимоий сиёсатларини, шунингдек савдога ҳамда ишчи кучи ва сармоя кўчиб юришига нисбатан сиёсатни мувофиқлаштирадilar. Унда божхона тарифлари, товар ва ишлаб чиқариш факторлари, микроиқтисодий сиёсат координациялари, валюта, бюджет, пул соҳаларида қонунчиликнинг унификацияси кўриб чиқилади.

**Дунёнинг иқтисодий иттифоқига** – Европа ҳамжамияти (ЕС), кейинрок Европа иттифоқи (1993й) аъзо бўлди. Ҳозирги кунда Европа иттифоқига 27 та мамлакатлар қўшилган. Улар қуйидагилар ҳисобланади: Австрия, Белгия, Болгария, Венгрия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Литва, Латвия, Кипр, Нидерландия, Португалия, Польша, Руминия, Словения, Словакия, Сербия, Франция, Финляндия, Швеция, Чехия, Эстония, Харватия. **Бенилюкс иқтисодий иттифоқи** (1948й) - Белгия, Нидерландия, Люксембург. **Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)** 1992 й. - Арманистон, Озарбайжон, Беларус, Украина, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон. **Мағриб араб иттифоқи** (1989й) – Жазоир, Ливия, Мавритания, Маракко, Тунис. **Лагос ҳаракат режаси (1973)** – Африка жанубидан Сахарагача бўлган мамлакатлар. **Ману дарёси иттифоқи** (1973)-Гвинея, Либерия, Сьерра-Леоне. **Ғарбий Африка иқтисодий ва валюта иттифоқи** (1994й) – Бенин, Буркина-Фасо, Кот-д Ивуар, Мали, Нигер, Сенегал, Того.

**Тўлиқ иқтисодий интеграция** – аъзо мамлакатлар гуруҳлари ягона иқтисодий сиёсатини ўтказилишида қараб чиқилган типлари аралашади. Улар интеграцион иттифоқ чегарасида ҳуқуқий қонунчиликнинг унификациясини талаб қилади. Тўлиқ иқтисодий интеграция барча аъзо мамлакатлар учун валюта сиёсатини талаб қилади. Ягона валюта муносабатларида ягона валюта тизими ва ягона валюта механизми мавжуд. Ягона валюта, валюта назоратининг ягона қоидалари, умумий марказий банк ва бошқалар киради. Шунини таъкидлаш керакки, интеграцион жараёнлар макроиқтисодий даражада ҳам, микро иқтисодий даражада ҳам муҳим характерга эга. Шунинг учун бу интеграциянинг икки даражаси параллел равишда ўтади. Улар кўп кесишмайди, бир-бири билан яқинлашади ва бир-бирини тўлдиради. Интеграциянинг макроиқтисодий даражасини эгаллаш анъанаси аниқ интеграцион гуруҳга аъзо мамлакатлар давлатлараро иқтисодий муносабатларини назорат қилишни кўчайтиришга тўла мос

келади. Йўналишларнинг турли шакллари, макро ва микро интеграциянинг мос келиши иқтисодий жиҳатдан ҳам, интеграцион бирлашув жиҳатдан ҳам характер касб этади. У ёки бу иқтисодий интеграция типларининг яратилиши ва амал қилишида сиёсий факторлар ҳам катта таъсир кўрсатади.

**Таянч иборалар:** жаҳон савдо ташкилоти, Тариф ва Савдо бўйича умумий битим (ГАТТ), ЮНКТАД, преференсия, халқаро савдо палатаси ёки жаҳон савдо палатаси, халқаро божхона ташкилоти, савдо урушлари, тармоқ лоббиси, оптимум нуқтаси.

**Назорат учун саволлар:**

1. Жаҳон савдо ташкилотининг асосий функциялари нимадан иборат?
2. Халқаро савдода преференциялар нималардан иборат?
3. Халқаро божхона тизимининг қандай хусусиятларини биласиз?
4. Оптимум нуқтаси нима?
5. Савдо урушларининг асосий мақсади нимадан иборат?
6. Халқаро савдо палатаси шартлари қандай?